

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ  
ИНСТИТУТИ

Шомирза ТУРДИМОВ

«ГЎРЎҒЛИ»  
ДОСТОНЛАРИНИНГ  
ГЕНЕЗИСИ ВА ТАДРИЖИЙ  
БОСҚИЧЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
Тошкент – 2011

УДК 398.2  
ББК 82.3(5Ў)  
Т 89

Ўзбек фольклорида «Гўрўғли» дostonларининг ўрни бекиёс. Мазкур туркумга олтмишдан зиёд дostonлар киради. Ушбу китобда «Гўрўғли» дostonининг генезиси ва ривожланиш боскичлари, эпоснинг мифологик асосдан бадий-эстетик ўзанга кўчиш жараёни каби қатор масалалар мавжуд манбалар асосида илмий тадқиқ этилган.

Одагда, этноснинг ҳаёт тарзидаги кескин бурилиш нуқталари, бир даврий босқичдан бошқасига ўтиш фасллари эпосда ўз аксини топади. Этнос ҳаёти эпосда бадий-тимсолий воситаларда акс эттирилади. Эпос ҳар бир даврга мос оханг олади, жило топади. Китобда этнос ва эпос муаммолари илк бор монографик планда ўрганилмоқда.

Ушбу тадқиқот барча китобхонларга бирдек манзур бўлади деган умиддамыз.

**Масъул муҳаррир:**

филология фанлари доктори, профессор *Тўра Мирзаев*

**Тақризчилар:**

филология фанлари доктори *Асқар Мусақулов*  
филология фанлари номзоди *Жаббор Эшонқулов*

ISBN 978-9943-19-142-6

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан»  
нашриёти, 2011 йил

## СЎЗБОШИ

Ҳар бир халқнинг воқеликка ўз эстетик муносабати мавжуд. Бундай муносабат асотирлар, эртақлар, макол-маталлар ва биринчи галда, йирик ҳажмли эпик асар – дostonларда ўзининг бадий ифодасини топган бўлади. Шу маънода, дostonлар фақатгина халқининг шонли ўтмишини хикоя қилувчи адабий ёдгорликкина эмас, бугунги кунда тобора глобаллашиб бораётган жамиятда ўзлигини сақлаб қолишнинг муҳим омили, эртанги кунги тараққиёт пойдевори – маънавиятимизнинг сарчашмаси ҳамдир.

«Халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради, – деб ёзади Президентимиз Ислom Каримов, – чунки, маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олди-га қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади» (2. 171). Дарҳақиқат, қадимда аждоқларимиз томонидан яратилган эпик ижод намуналари бугун ҳам биз билан бирга яшаб, тафаккур тарзимиз, дунёқарашимиз, маънавий оламимизни юксалтишга хизмат этувчи «ҳаракатдаги эстетика»дир.

Тарқалиш географияси жихатидан жуда катта худудни қамраб олган «Гўрўғли» туркуми дostonлари Ўрта Осиё, умуман, Шарқ ва Кавказ халқлари оғзаки поэтик ижодида муҳим ўрин тутади. Асрлар давомида эпик ижодкорлар томонидан куйлаб келинган бу дoston тарихий тараққиёт давомида турли миллат ва элатларнинг фольклоридан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўзбек фольклорида «Гўрўғли» дostonларининг тутган ўрни ҳам бекиёс. Халқ оғзаки ижоди фондимизда ушбу туркумликка мансуб 60 дан

ортиқ дostonларнинг мавжудлиги ҳам тадқиқот мавзуимизнинг кўлами ва аҳамиятини кўрсатиб турибди.

Достоннинг асосий образи – Гўрўғли халқимизнинг миллий қахрамони сифатида ҳамиша оммани юксак идеаллар сари чорлаб келган: халқни бирлаштирувчи эзгу қувват тимсолига айланган. «Гўрўғли» дostonлари мағзида халқимиз тарихи ўзига хос тимсолий акс эттирилган деб айта оламиз. Том маънода, «Гўрўғли» ўзбек халқининг мифо-эпик таржимаи холи, бадий ҳолатдаги тарихий хотирасидир. Чунки ўзбек халқининг қадимий ҳаёти, кўхна тасаввурлари, бадий тафаккурининг тараққиёт йўли, бошқа маънавий қадриятлар қаторида «Гўрўғли» дostonларида ҳам намоёндыр.

«Гўрўғли» дostonининг генезиси ва ривожланиш босқичларини илмий тадқиқ этиш, дoston унган манбаларни аниқлаш, эпоснинг мифологик асосдан бадий эстетик ўзанга кўчиши қай йўсинда кечганлигини бевосита тасаввур қилиш ва қайта тиклаш имконини яратади. Шу маънода, биз танлаган мавзу «Гўрўғли» дostonининг генезиси ва тадрижий босқичларини ўрганиш, наинки филологик кўламда, балки ижтимоий, ахлоқий, фалсафий, эстетик, этнографик ва сиёсий нуктаи назардан ҳам катта аҳамият касб этади. Синчиклаб тадқиқ этилса, аксарият халқ дostonларининг негизини қадим мифлар ташкил қилади. Бу дostonлар сюжети, етакчи мотивларнинг туб илдиzlари, семантик ва структурал жиҳатдан тадқиқ этилса, бугунги кунда деярли унутилган ўзбек-туркий мифологик олам кўз ўнгимизда қайта тикланади. Халқимизнинг кўхна мифологик тизими фольклорнинг бошқа жанрлари қатори дostonларга ҳам сингишганлигига гувоҳ бўламиз. «Гўрўғли» дostonларидаги бетакрор образлар, хилма-хил сюжет типлари ҳам фикримиз исботидир.

Ҳеч бир этнос ва давлатнинг тақдири, тарихий йўли бир йўсинда кечмайди. Халқлар ва давлатлар ҳам бутун борлиқ – макро ва микро оламни ўз маромида олиб окувчи азал-абад қонунларига уйғун яшайди, яъни туғилади, камолга етади, сўнг таназзулга юз тутади, пировардида яна қайта туғилади ёки бутунлай бошқа ҳолатга ўтиши ҳам мумкин. Одатда, эпос этноснинг ҳаёт тарзидаги кескин бурилиш нукталарини, бир даврий босқичдан бошқасига ўтиш фаслларини ўзида акс эттиради. Этнос тарихининг долғали даврлари, яъни юксак (гегемонлик) мавкени эгал-

лаб, сўнгра тарих сахнасидаги ўрнини доимий рақиблари ёки мухолиф-ларига бўшатиб, қайта куч йиғишга киришган жараёнидаги тақдири ва уни янгитдан қувватга эндирувчи авлод ҳаёти эпос мазмунини ташкил этади. Эпос ҳар бир даврга мос оҳанг олади, жило топади. Достондаги неча асрлар давомида қанчадан-қанча авлодлар томонидан сайқалланиб, куйланиб келинган бош ғоя бизнинг бугунги кунимиз учун ҳам ҳар жиҳатдан ҳамоҳангдир.

Қайта қад тиклаб, ривожланаётган мустақил давлатимиз воқелигида Гўрўғли туйган миллат ва давлатчилик ғурури, «Гўрўғли»да мадҳ этилган хурлик ва Ватанга муҳаббат, ор-номус учун, инсоний шаън учун кураш туйғуси, ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтиришда, уларнинг ўз тарихий илдизларини – давлатчилик анъаналарини тўлиқ англашларида ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

“Гўрўғли” достонларининг ибтидо ва интиҳоси шундай: қахрамон гўрдан чиқиб, ғорга кириб кетади..

Жонсиз онадан тирик фарзанд туғилади. У эпик Така-Ёвмитнинг ёви ҳисобланмиш юртда вояга етиб, ўзини таниб, Ватанига қайтади. Сочилган халқни йиғиб, унинг топталган ор-қадриятини тиклаб, эъзозлайди. Бу янгиланган Чамбил мамлакатнинг шухрати етти иклимга таралади.

Вақти соати етиб, қахрамон қартайиб, тоғ тепасидаги ҳамиша баҳор дарахти тагида жойлашган, сут булоғи оқиб турувчи сирли ғорга кириб ғойиб бўлади.

Икки санам ёри – Юнус пари ва Мискол пари икки қаптар суратида ғор олдига келиб, Гўрўғлининг ҳаёти, шону шавкати етмиш икки шоха достон қилиб айтишади. Яқин атрофдаги чўпон-чўлиқлар бу достонларни ўрганиб, эл орасида куйлай бошлайдилар.

Бу тасвирлар қишда шираси тўнғиб, қуруқ оғочга айланган дарахт кўкламда гул очиб, мева тугиб, ёз бўйи етилиб, кузда пишиб, яна уйқуга кетгани каби табиий ҳолатга уйғун ҳодисаларнинг тимсолий ифодаси. Халқ талқинига кўра, жамиятдаги воқеалар табиат ҳодисалари тартибига уйғун бир силсилада амалга киради. Мазкур уйғунлик “Гўрўғли” туркум достонлари маъзида ўз бадиий аксини топган.

“Гўрўғли” эпоси қачон пайдо бўлган? Хусусан, бир неча версия ва вариантларни қамровчи, олтимишдан ортиқ достонлардан иборат ўзбек “Гўрўғли”си қайси даврда, қандай шароит ва муҳитда яратилди? Бу са-

воллар “Гўрўғли” эпоси билан шуғулланувчи ҳар бир тадқиқотчини кизиқтирган ва муайян даражада жавобини олган.

Гап бевосита “Гўрўғли” эпоси ҳақида кетар экан, масалани бошқа халқлардаги версия ва вариантлардан айри ҳолда ҳал қилиш мумкин эмас. Фольклоршунослар Ҳ.Т.Зарифов, Б.А.Карриев, В.М.Жирмунский, М.Саидов, Т.Мирзаев, М.Муродов ва бошқалар “Гўрўғли” (“Кўр ўғли”) эпосининг шарқий ва ғарбий версияларини бир умумий ядро асосида тарқалганлиги ҳақида ёзишган. Улар дoston ядроси жанубий Озарбойжонда XVI-XVII асрларда кечган тарихий воқеалар асосида вужудга келди, деган фикрни ёклашади. (78. – Б. 165-279; 102. –Б. 9-44; 150. –Б. 70-144; 120. –Б. 129-134; 127. –С. 28; 107. – С. 106-125.) Фольклоршуносларнинг бундай хулосага келишларига арман тарихчилари Аракел Табризий (1670 йили вафот этган) ҳамда Элёс Мушгян (XVIII аср)ларнинг фаразлари ва Жалолийлар (XVI-XVII аср) халқ ҳаракати асос қилиб олинади. Шу билан бирга, эпос таркибидаги қатор мифологик образлар, архаик элемент ва мотивлар тадқиқотчиларни бирмунча кенгроқ қарашга мажбур этган. Чунки энг “тарихий” деб белгиланган Озарбойжон “Кўр ўғли”сидаги Қирот, Йилдирим қилич, Қўша булок билан боғлиқ мотивларни XVI-XVII аср тарихий воқеалари камровида изохлаб бўлмади ва М.Сейидов (155. –Б. 245-322) Кўр ўғли (Гўр ўғли)ни биргина Жалолийлар ҳаракати билан боғлаб кўришга қарши чиққан.

Б.А.Карриев ва Х.Г.Кўрўғлилар эса озарбойжон “Кўрўғли”сига нисбатан туркман Кўрўғли-Гўрўғлисида архаик элементлар кўп ўрин олганлигини қайд қилиб ўтишган (102. – С. 149; 105. – С. 109).

Тадқиқот объектими бўлмиш ўзбек “Гўрўғли”сини ҳам фольклоршунослар озарбойжон “Кўрўғли”си асосида шаклланган, деб қарашса-да, унинг тарихий босқичларини белгилашда турли фикрларни баён этишган (331; 334; 336; 337. – С.610; 340. – С.60; 341. – С.83-90; 342. – С.8-9; 328; 329; 330; 335. – С.2-6; 78. – С.192). Фольклоршунослар билдирган ушбу фикрларни қуйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

Биринчи қараш: В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг “Узбекский народный героический эпос” китобида айтилган фикри. Яъни муаллифлар XVII аср бошлари XIX асрнинг биринчи ярми давомида “Гўрўғли”

туркум дostonлари мавжуд эпик анъаналар асосида тўлиқ шаклланди, деб кўрсатишган. (78. – С. 192).

Иккинчи фикр бевосита Х.Т.Зарифовга тегишли бўлиб, уни Т.Мирзаев қуйидагича келтиради: “Мархум фольклоршунос Ҳоди Зарифовнинг оғзаки мулоҳазаларга кўра, қандайдир халқ баҳодирини ҳақида илгаридан дostonлар қуйланиб келинган. XVI-XVII асрлардан бошлаб, Кўрўғли ва унинг номи билан боғлиқ дostonлар машҳур бўла бошлагач, илгаридан мавжуд дostonларга янгидан яратилганлари ҳам қўшилиб, Гўрўғли номи атрофида туркумлаша бошлаган. Илгариги қаҳрамон номи ҳам Гўрўғли бўлган бўлиши мумкин. Бироқ қадимий туркий “гўр-кўр” сўзининг “ботир, мард, баҳодир” маънолари архаиклашиб, қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши мотиви шаклларига ҳам ўзгаришлар киритилган ва қаҳрамон номи “гўрда туғилган ўғил” маъносини касб этган. Шу билан бирга, айрим вариантларда “ботир ўғли” деган қадимий маъно ҳам параллел равишда сақланган. Туркумнинг сўнгги дostonининг “Эрўғли” деб аталиши бунини тасдиқлайди” (120. – Б. 132). Т. Мирзаев фикр давомида ёзди: “Атоқли олимнинг бу мулоҳазаси қанчалик оригинал ва ҳайратомуз бўлишига қарамай, кўшимча текширишларни талаб қилади. Бизнингча, “Гўрўғли” туркумидаги дostonларнинг муайян қисми икки жойда, икки хил ижтимоий-иқтисодий шароитда яратилиб, мустакил равожланишда давом этган” (120. – Б. 132).

Учинчи фикр: Х.Г.Кўрўғлига тааллуқли. Олим “Гўрўғли” дostonининг ўзбек, қozoқ, тоҷик версияларини XVIII асрдан кейин шаклланган, деб ҳисоблайди ва озарбойжон, туркман версияларидаги умумий композиция янги шароитга тушиб, бутунлай ўзгариб кетганлиги ҳақида мулоҳаза юритади (105. – С. 106-125).

Кўриниб турибдики, келтирилган фикрлар, асосан, фараз тариқасида айтилган, етарли даражада илмий далилланмаган. Айни пайтда шоир Ўлжас Сулаймонов, шунингдек, озарбойжон фольклоршуноси Мирали Сейидов умумтуркий “Гўрўғли/Кўрўғли” генезиси юзасидан ўртага ташлаган фикрлар билвосита ўзбек “Гўрўғли”сига ҳам тегишлидир. Яъни Ў.Сулаймонов Гўрўғли сўзини “Қуёш ўғли” деб талқин этади ва бу образни қадим Мисрдаги қуёш ўғли ҳақидаги мифлар билан бир ўзакдан унган деб кўрсатади (211. – Б. 104). Мирали Сейидов эса Гўрўғли номини “тоғ ўғли” деб талқин қилиб, бу образ “олов” ва “қуёш” билан

хам боғлиқ, бевосита ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги мифлар асосида шаклланган, деб ёзади (154. – Б. 245-321) ва Гўрўғли образи эрамиздан аввалги IV юз йилликларда вужудга келиб, эрамизнинг XVI-XVII асрларида янада кучайган, деган фикрни ўртага ташлайди (155. – Б. 320). Бу хулоса эса дoston асоси ва қахрамон пайдо бўлиши ҳақидаги тўртинчи фикрдир.

Бизнинг ўзбек “Гўрўғли” дostonи генезиси ва тадрижий босқичларини тадқиқот объекти сифатида олишимизга, аввало, эпосдаги кўпгина “сирли, серқатлам”лар ҳамда Ҳ.Т.Зарифовнинг изланишлари, Ў.Сулаймонов ва М.Сейидовнинг қарашлари туртки бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотимизда куйидаги вазифаларни ҳал этишни мақсад қилиб олдик:

- дoston ўзагида турувчи илк сюжет ядросини аниқлаш;
- бу сюжет ядросининг қачон, қайси даврда, қандай шароитда, қандай дунёқараш асосида пайдо бўлганлигини атрофлича ўрганиш;
- халқнинг қахрамон – алп ҳақидаги тасаввурлар тизимини тиклаш ва бу тизимнинг дostonда нечоғлиқ бадиий акс этганлигини тадқиқ этиш;
- дoston асоси – ядросининг ибтидодаги асл вазифаси нима бўлганлиги ва унинг қайси вазиятда эпосга кўчганлигини кўрсатиш. Илк “бобо” сюжетни тиклаш;
- дostonнинг етакчи қахрамонлари ва улар билан боғлиқ, сюжет йўналиши (линияси), қахрамон, ғайрикутб (антипод), ҳомий, рақиб, ота-она, кўмакчилар, ёр ҳамда улар билан боғлиқ мотивларнинг тадрижий ривожини умумсюжет кўламида ўрганиш;
- “Гўрўғли” дostonига асос бўлган куёш туркум мифлари ва мавсумий маросимларининг эпосга кўчиш жараёнини ёритиш;
- келинган илмий хулоса ва аниқламаларга таяниб эпоснинг асосий тадрижий босқичларини белгилаш;
- дoston версиялари орасида қадимий, илк мотивларни сақлаб келаётган нусхаларни кўрсатиш;
- дostonнинг гоёвий тадрижи босқичларини ёритиш.

Фольклоршунослигимизда «Гўрўғли» дostonлари юзасидан кўп-лаб тадқиқотлар яратилган бўлишига қарамай, туркумликнинг ўзак (Гўрўғлининг туғилиши, болалиги, уйланиши ва ғойиб бўлиши) дostonлари қачон пайдо бўлган, бу кунги шаклига қандай эволюцион



босқичларда етиб келди, деган масала монографик планда қўйилиб, ҳал қилинган эмас. Шу пайтгача дoston сюжетининг негизидa турувчи қатор йўналишлар (қаҳрамон, ҳомий, ота-она, кўмакчи) ва мотивлар (туғилиши, ўч олиш ва ҳ.к.) тадқиқотларда объектив ва субъектив сабабларга кўра изоҳсиз қолар ёки дoston таркибига кейинчалик қўшилган, деб баҳоланар эди. Монографияда дostonнинг турли версия ва вариантлари ўзаро қиёсий ўрганилиб, сюжетнинг ана шундай таянч ҳалқа ва мотивлари алоҳида тадқиқ этилди. Қаҳрамонлик дostonлари ўзагида турувчи халқнинг аллпик ҳақидаги тасавурлар тизими илк бор аниқланиб, тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келган қатор сюжет йўналишлари ва мотив (масалан: «аллпик касали», «аллпнинг қайта яратилиши» ва бошқа)лар дostonнинг қадимий қағламларини ўзида сақлаб келаётганлиги таҳлил қилинди. Ишда дostonнинг ядроси – асоси бўлмиш бобо сюжет илк бор тикланди. Унинг тадрижий босқичлари ёритилди. Қаҳрамоннинг нима учун Гўрўғли деб номланиши, нима сабабдан унинг фарзанди бўлмаслиги каби фольклоршунослигимиз олдидаги жумбоқли-баҳсли саволлар дostonнинг умумий мантиғидан келиб чиқиб янгича изоҳланди. Энг муҳими, «Гўрўғли» дostonи бир қатор олимлар тахмин қилганидек XVIII асрда эмас, қадимдан халқимизнинг Қуёш топинчи билан боғлиқ тасавурлари ҳамда ўлиб-тирилувчи табиат ҳақидаги маросим мифлари асосида пайдо бўлганлигини ва бу миф излари бугун ёзиб олинган «Гўрўғлининг туғилиши, болалиги, уйланиши ва ғойиб бўлиши» ҳақидаги дostonларнинг деярли барча версияларида турли даража, турли тадрижий босқичларда сақланиб келаётганлиги илмий асослаб берилди.

Дostonга асос бўлган Қуёш топинчи билан боғлиқ туркум мифлар тизими ва мавсумий маросимларнинг қадимдан халқимиз ишонч-этиқодларида мавжуд бўлганлиги ва у халқ ҳаётининг турли жабҳаларида бу кунгача ўз изларини сақлаб келаётганлиги; Наврўз, Бойчечак, Кўк бўри маросимлари ва Нурота кадамжолари силсиласи мисолида ўрганилди. Бу тасавурлар оламининг эпос ва бошқа фольклор намуналари мағзидаги ўзига хос тадрижий ривож кўрсатилди. Эпоснинг халқ тақдирномаси эканлиги, этнос ва эпос масалалари «Гўрўғли» дostonи асосида ёритилди.

«Гўрўғли» достонининг генезиси ва тадрижий босқичларини аниқлаш давомида достон таркибига сингишган ўзбек – туркий мифологик тизимининг маълум қирралари, бир қатор мифологик образлар, улар ҳақидаги тасаввурлар олами қайта тикланди. Бу миф ва мифологик образларнинг достон тадрижидаги ўрни ва роли аниқланди.

“Гўрўғли” эпосининг ўзагини ташкил этувчи қаҳрамоннинг туғилиши, болалиги, уйланиши ва ниҳоят ғойиб бўлиши куйланган достонларни ҳар жиҳатдан ўрганилиши бутун туркумнинг бошқа намуналарини тадқиқ этиш учун замин яратади. Шундай экан, ушбу масалаларнинг ечими гўрўғлишунослигимиз ривожига бир ҳисса бўлиб кўшилади, деб умид қиламиз.

## I БОБ

### ЭПОС СЮЖЕТИДАГИ ТАЯНЧ МОТИВЛАР ТАДҚИҚИ ВА АЛПЛИК ТИЗИМИ

«Гўрўғли» туркумига кирувчи барча дostonлар бир даврда пайдо бўлган эмас. Биргина тадқиқотда туркумнинг ҳар бир дostonи генезиси ва тадрижий босқичларини батафсил илмий ёритиш имконияти йўқ. Шу сабабли бу дostonларни алоҳида-алоҳида ёки ички гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Мавжуд ҳолат тадқиқот объекти-мизни қаҳрамон биографияси билан бевосита боғлиқ – «Гўрўғлининг туғилиши», «Юнус пари», «Гўрўғлининг ғойиб бўлиши» дostonлари доирасида чегаралаб олишни тақозо этади. “Гўрўғли” дostonлари орасидан ушбу намуналарни танлашимизга сабаб, бизни қизиқтираётган масалаларнинг фактик қамрови асосан, ана шу дostonларда тизимли тарзда бадиий акс этганлигида. Шу билан бирликда В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг умумўзбек эпоси ҳақида: «Ўзбек эпоси қачон, қаерда ва қандай шароитда вужудга келган, деган масала ҳал этилган деб бўлмайди. Бу масала биринчи галда мавжуд эпик сюжетлар, мотивлар, образлар ва усулларни бошқа туркий халқлар, аввало, Ўрта Осиё халқларининг эпик ижоди билан, иккинчи томондан эса унга яқин фольклор жанрлари, жумладан, халқ эртаклари, халқ китоблари ва ниҳоят, ўзбек мумтоз адабиёти ва китобий дostonлари орқали боғланувчи форс шеъри ва насрий дostonлари адабий таъсирини қиёсий ўрганмай туриб амалга ошириш мумкин эмас» (78. – С. 447), деган фикри бевосита «Гўрўғли» эпосига ҳам тааллуқли. Ўзбек «Гўрўғли» дostonининг генезиси ва тадрижий босқичларини қардош туркман, озарбойжон ва бошқа версияларидан айри олган ҳолда тадқиқ этиб бўлмайди. Шунга кўра, ўрни-ўрни билан айни версияларга мурожаат этамиз.

Тадқиқотимизнинг бош мақсади бевосита эпос материаллари асосида «Гўрўғли» дostonининг туб ядросини аниқлаб, бобо сюжетни тиклаш. Сюжет қатламларини бошқа версия ва вариантлари билан қиёсий таҳлил қилиб, илк ядронинг қачон, қайси даврда, қандай муҳитда, қанадай дунёқараш асосида пайдо бўлганлигини аниқлаш. Келинган

хулосаларга таяниб эпоснинг тадрижий босқичларини кўриб чиқиш экан, биринчи галда, мавжуд материаллар камровида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Фольклор асари қачон пайдо бўлганлигини аниқ сана билан белгилаш мушкул. Хусусан, узоқ асрлар маҳсули бўлган эпик асарларда бу масала янада қийинлашади. Чунки эпик асар қанчалик қадимий бўлса, унда турли даврлар изи шунча кўп акс этади ва ҳар бир даврга тегишли қатлам у ёки бу даражада асарни маълум вақт билан боғлиқ саналишига асосдек туюлаверади. Аниқ ёзма манбаларнинг бўлмаслиги у ёки бу элементнинг дoston таркибига қачон кирганлигини кўрсатиб беришни ҳам чигаллаштиради. Асарга ҳар бир давр ўз тамғасини қўйиб, ҳар бир янги дунёқараш ва мафкура ўз синидан (цензурасидан) ўтказар экан, тадқиқотчи асар пайдо бўлган даврни белгилашда чалғиб қолиши мумкин. Аксарият ҳолатларда асар таркибига кейинги даврларда кириб, сюжетни ўз қарамоғига олган сўнгги давр воқеа ва мафкураси асос ўрнига ўтиб кетади. Бизнингча, «Гўрўғли» дostonлари тадқиқида шундай ҳоллар рўй берган. Баъзан қахрамон ёй ўрнига милтиқ отаяпти, демак, асар милтиқ муомалага кирган даврда пайдо бўлган каби хулосалар ҳам таянч омиллар сирасида саналиши мумкин. Ҳатто «Ўзбек қахрамонлик эпоси» муаллифлари ҳам шу хил фикрни айтиб ўтишган (78. – С. 378). Бу ўринда бир характерли мисолни келтириб ўтиш ўринли. Қамайлик бахши Ҳазратқул Худойбердиев «Алпомиш» дostonини ижро этар экан: «...бир пайт Алпомиш қараса, Қоранор ковуши йўқ экскаватордек чўкиб ётибди» (167А), деб куйлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам туянинг чўкиб ётиши сокин турган экскаваторни эслатади. Лекин бундан «Алпомиш» экскаватор муомалага кирган вақтида пайдо бўлган, деб хулоса чиқариш кулгу уйғотади, холос.

Фольклор асари, хусусан, эпос намунасининг қачон пайдо бўлганлигини белгилашда таянч бўлувчи асосий омил нима? Тадқиқотчи қайси белги ёки унсурга қараб мўлжал олиши керак?

Ҳар қандай эпик асарнинг пайдо бўлиши ва бу кунгача етиб келган тадрижий йўлини белгилашда энг муҳим омиллардан бири асар сюжети дир. Лекин асар сюжети ҳам даврлар ўтган сайин халқнинг тарихий аҳволи (гегемонлиги, тобелиги) ва дунёқарашини, етакчи диний, сиёсий мафкурасига боғлиқ равишда, қайсидир даражада янгиланиб боради. Аммо бу янгиланиш мутлақо бошқа сюжет пайдо бўлди, дегани эмас. Янгиланиш асосан янгича изоҳлаш, аввал муҳим бўлган ғоявий

йўналиши(линия)нинг иккинчи планга ўтиб, бошқа бир ғоявий йўналишнинг етакчилик қилишида кузатилиб, эпик асослашлар, талқинлар учун янги воқеа ва мотивларнинг киритилишида кўзга ташланади. Шунга қарамай, сюжет пайдо бўлган давр унсурлари ҳеч қачон изсиз йўқолиб кетмайди. Улар кейинги авлодлар учун тушунарсиз, сирли бўлиши мумкин, лекин анъана сифатида яшаб келаверади. Бу ҳол энг аввало, сюжет асосини тутиб турувчи, у пайдо бўлган давр дунёқараши мисолида яққол намоён бўлади. Муҳими ҳам шунда.

Бугунги ўзбек эпосининг, хусусан, «Гўрўғли» дostonларининг генезисини текширар эканмиз, ўзбек халқининг тарихий таржимаи ҳоли билан бирга унинг дунёқараши тадрижидаги ислом дини қабул қилиниб, кенг ёйилганигача бўлган қатламлар – оташпараслик, зардуштийлик, буддавийлик, монийлик ва энг қадимий даврлардан шу кунга қадар бу динлар билан бақамти яшаб келаётган шомонликнинг ҳам таъсири бўлганини ёддан чиқармаслик керак. Чунки ҳар қандай эпос сюжети халқнинг етакчи дунёқараши асосида шаклланади ва халқнинг тарихда тутган ижтимоий мавқеи унда яққол намоён бўлади.

Эпос сюжетида воқеликни асословчи эпик дунёқараш, эпик мафкура ва тарихий давр қатламларини ажратиб тадқиқ этмай, унинг генезисини аниқлаб бўлмайди.

В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар ҳақли равишда таъкидлаганларидек, «...эпос мафкураси анъанавий образлар ва мотивларда намоён бўлади. Бизнинг вазифамиз эса ана шу образ ва мотивларни халқ дунёқарашининг аниқ бадиий ифодаси сифатида қабул этишдир» (78. – С. 303). Шу нуқтаи назардан «Гўрўғли» эпосини синчиклаб текширар эканмиз, маълум тарихий даврлар, эътиқодий қатламлар ва мафкуравий асосларнинг кўзга ташланишини кузатамиз:

I. XVI аср охири XVII аср бошларида кечган тарихий воқеалар, Жалоллийлар ҳаракати билан изоҳлаш мумкин бўлган мотив, воқеа ва образлар талқини.

II. Араб истилоси акс-садолари, исломий дунёқараш ва мифология билан изоҳланувчи воқеа, мотив ҳамда образлар талқини.

III. Исломий мафкура, маълум тарихий воқеа-ҳодисалар билан изоҳлаб бўлмайдиган тасвир, мотив ва образлар талқини.

Гўрўғлишуносликда бир вақтнинг ўзида гоҳ «архаик элемент ва мотивлар» ёки «фантастика» ёхуд ўринли-ўринсиз «исломий дунёқарашлар» билан изоҳланган «Гўрўғли» дostonларидаги ана шу учинчи гуруҳга

мансуб етакчи сюжет ҳалқалари, мотив ва образлар талқини айнан биз излаётган илк ядро асосини ташкил этмасмикан, деган савол туғилди.

«Гўрўғлининг туғилиши» дostonида эпик қаҳрамон билан боғлиқ куйидаги «сирли» воқеалар уйғотадиган саволларга диққат қилайлик.

**Биринчи савол:** бўлажак қаҳрамоннинг ёшлиқ чоғидаги ғайритабиий «телбаликлари». Бу ҳолат дostonнинг ўзбек версиясидаги бир қатор ўринларда яққол кўринади. Дастлаб Хунхор юртида ёш Гўрўғли «Шуйтиб ҳар куни кўчаларда болаларнинг ошиқларини ютиб, зўрлик қилиб олиб, уруш қилиб, ёқама-ёқа бўлган болаларнинг қулоғини ушлаб юлиб олди, бир хилини ушлаб босиб олиб пичок билан тилиб олди, белги қилди. Шунда ҳалигилар «яхши бўлди, ўлдирмади», дейишиб қувониб қолди. Ёш болалар Гўрўғлидан кўрқиб, кўчага тирқ этиб чиқолмай қолди. Буни оталари эшитиб, амалдор-ҳокимлари ўз ўрталарида гап қилди» (19. – Б. 62). Аҳвол шу даражага етадики, Гўрўғли Шохдорхонинг Бадқир полвонини ўлдириб, бу ердан ота юртига кетишга мажбур бўлади. Лекин Холжувонни Райҳон араб олиб кетгач, Гўрўғлининг «дали»ликлари ҳаддан ошади. У Болли кўлга бориб «Тонг қоронғуси бойлар чўпонларининг нонини тортиб олиб еядирган бўлди. Чўпонлар, подачилар нон-ошларини далага чиқариб еёлмайди. Гўрўғли шу тариқа кун ўтқариб юра беради» (19. – Б.104), деб ҳикоя қилинади. Дostonда бу хатти-ҳаракат Гўрўғлининг янғасини ўғирлатиб қўйганлиги алами, деб изоҳланган. Араз шу даражага етиб бордики, Гўрўғли Аҳмад сардор юборган одамларни ҳам уриб, ўлдириб, бир хилларининг кўлини синдириб жўнатади (19. – Б. 109; 112-113).

Дostonнинг туркман версиясида ҳам айни ҳолни учратамиз. «Равшан бирга, иккига, учга, тўртга, бешга қадам босди. Тенг-тўшлари билан ошиқ, чиллак, тўп ўйнайдиган бўлди. Тенг-тўшлари билан майдонда ошиқ, чиллак ўйнаб ютса, «розиман» деб, итнининг терисини ютқизганнинг бошига кийгизди. Ютқизса, «дев базм» деб уч кунлаб ёқалашади. Бозорга бориб узум борми, ҳолва борми, қант-новвот борми? - қайси бири кўнглига ёқса шартга олади, четга чиқиб ейди. Бакқоллар бориб даъволашса, тўнини тесқари кийиб, дўконнинг тўс-тўполонини чиқаради. Хуллас калом, буниинг дастидан кишлокнинг қовун-тарвузиям, товуғиям қолмади (13. –Б. 35). Натижада эл ғазабга келди. Шунда одамларнинг қаҳридан кўрқиб, Жиғалибек невараси Равшанни (Кўрўғли) олиб Хункор юртига кўчиб кетишга мажбур бўлди. Ҳар икки версияда ҳам (Гўрўғли/Кўрўғли)нинг ёшлигидаги «телба» хатти-ҳаракатининг асл сабаблари

бизга қоронғу бўлиб қолади. Чунки, халқнинг химоячиси бўлиши керак бўлган қахрамоннинг ўзгалар қатори ўз халқи, яқин қариндошларига нисбатан бу «дали»ликлари бир қарашда эпик идеал ҳақидаги тасаввурлар қолипига сиғмайди. Нега шундай? Биз дуч келган энг асосий ва дастлабки савол ана шу.

**Иккинчи савол:** бу мотивни шартли равишда «қахрамоннинг қайта яралиши» деб номлаш мумкин. Достоннинг туркман версиясидаги тасвир айни мотивни лўнда ифодалагани ва қадимий унсурларни нисбатан тўлароқ сақлаганлиги билан ахамиятли (биргина ғор унсурини инобатга олмаганда). Дикқат қиламиз: қахрамон йўқолган отини истаб... «Икки кун йўл юриб, учинчи кун бир чинорнинг тагига борди. Борса, бир оппоқ соқолли бобой номоз ўқиб ўтирибди. Бориб намозига қўшилди. Хуфтон ўн икки киши бўлишди. Тонгга яқин уч юз олтмиш эранлар шу ерга жамлашди.

Бу чарчаб борган эмасми, бир четда ухлаб қолди. Эранлар жамлашиб: «Бу қанақа ўғлон бўлди? Бу қандай ўғлон?», – дейишаверди. Шунда Хидир алайҳиссалом айтди:

- Бу бизнинг нафас ўғлимиз бўлади.
- Сенинг нафас ўғлинг бўлса, қайси кишининг авлодидан?
- Бу Адибек султоннинг ўғли, Жиғалибекнинг невараси бўлади.
- Э ҳа, тек кишининг авлодидан эмас экан. Биз шу вақтида ҳаммамиз жам бўлганда, шу йигитни мақсадига етказсак, қандай бўлади?
- Жуда яхши бўлади-да, - дейишиб, эранлар маслаҳатлашиб, Равшанни ётган жойида беҳуш этдилар. Қорнини ёриб, ичидаги борини ювиб, тозалаб ичини нурга тўлдириб, қайта жой-жойига қўйиб барча эранлар фотиҳа бердилар. Кўрўғли акса уриб ўрнидан турди. Шаробу тахурдан қирк жом беришди, буни ичиб маст бўлиб яна йикилди. Эранлар яна фотиҳа қилишди. Яна акса уриб ўрнидан турди (13. – Б.46).

Достоннинг ўзбек версиясида бу воқеалар тавсифи агрофлича бадий психологик тафсилотлари билан берилган. Гўрўғли Хизр бошчилигида чилтонлар ғорига боради. Лекин бу ўринда туркман версиясидагидек Гўрўғлининг «операция» қилиниши учрамайди. Аниқроғи, ўзбек версиясида қахрамоннинг қайта яралиши шароби антахур орқали амалга ошади (19. – Б. 129). «Гўрўғли»нинг туркман версиясида аниқ тасвирланган (ўзбек версиясида ихчамлаштирилиб бадий тафсилоти берилган) қахрамоннинг қайта яралиши мотивини фольклоршунослар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовлар Муҳаммад пайғамбар ҳақидаги

афсоналардан «ўзлашган» мотив сифатида талкин этишган («78. – С. 207-208). Ҳақиқатан ҳам пайғамбаримиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи ушбу мотивларга уйғун ривоятга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом «...эмақдош акалари билан яйловда ўйнаётганларида оппоқ либосга ўранган икки киши (улар фаришталар бўлиб, табиийки, болалар буни тушуниб етмас, билмас эдилар) пайдо бўлади. Нотаниш кишилардан бири кўлида кўзни камаштирар даражада оппоқ қор тўла олтин тоғора кўтариб турарди. Улар Муҳаммад алайҳиссаломни чалқанчасига ётқизишди, кўкрак қафасини ёриб, юрагини қўлга олдилар. Бола юрагидан фаришталар қора рангли бир томчини олиб, улоктириб юборишди. Шундан сўнг улар боланинг юраги ва ички аъзоларини олтин тоғорадаги қор билан ювадилар, тезда юракни ўз ўрнига жойлаштириб, кўздан ғойиб бўлдилар...». Кўпгина тарихчиларнинг ёзишича, бу кейинчалик Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам бир неча марта бошқаларга сўзлаб берган ягона ривоят бўлиб, худонинг амрига кўра, фаришталар уни гуноҳга элтувчи иллатдан халос этишган экан (208. – Б. 62). Айни маълумот Балкиз Аладиннинг «Муҳаммад пайғамбар алайҳис-с-салом қиссаси» асарида ҳам қисқача келтирилган (53. – Б. 12).

«Гўрўғли» достони ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётидан ҳикоя қилуви нақлларда тасвирланган «сирли операция» мотиви ҳар жиҳатдан бир-бирига уйғун келади. Лекин бу уйғунлик асосида Муҳаммад алайҳиссалом нақли «Гўрўғли»га кўчирилган деб хулоса чиқариш масалани ўта жўн, юзаки ҳал этишдир. Аввало, пайғамбарларгагина муносиб кўрилувчи бу илоҳий покланиш ислом юксалиб келаётган ва асосий динга айланган шароитда Гўрўғлига кўчирилиши мантиқан Гўрўғлини Муҳаммад пайғамбар билан тенг мақомга олиб чиқиб қўйиши аниқ. Бу ҳолнинг юз беришига диний эътиқод йўл бериши қийин. Масаланинг бошқа муҳим жиҳати шундаки, ҳар қандай мотив генезиси ўрганилар экан, дастлаб эпос пайдо бўлган, ривожланган ва яшаб келаётган замин асосида талкин этилиши керак. Мабодо қидирилаётган мотив ўз замини кўламида асос топмаса, бошқа манбаларга мурожаат қилиш ўринлидир.

Биз ҳам юқорида ўртага ташланган ҳар икки «сирли» мотив асосларини умумтуркий тасаввур ва дунёқарашлар замиридан қидириб кўраемиз.

Ишимиз аввалида айтиб ўтилганидек, ўзбек халқи дунёқарашлари тарихида ислом, монийлик, буддийлик, зардуштийлик, оловпарастлик ва бошқа дунёқарашлар қаторида энг қадимий даврлардан шу кунгача юқорида саналган динлар билан бақамти яшаб келаётган шомонлик алоҳида ўрин



тутади. Айникса, ўзбек ва умумтуркий фольклор асосларини шомонликдан айри олган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Маълумки, «шомонлик дунёқараши турли хил руҳларга ишонишга асосланган бўлиб, руҳлар инсонни ўраб турган атроф-муҳитда яшайди ва жонлар гарзида тирик мавжудодлар вужудда макон топади, деб қаралади. Руҳлар ва жонларга ишониш эса, одатда, анимизм деб юритилади. Шомонлик анимистик эътиқод тараққиётининг маълум бир босқичида вужудга келган» (54. – С. 9). Энг қадимий дин деб қаралади ва “у ҳали синфлар пайдо бўлмай вужудга келганлиги билан қадимийдир. Лекин бу қадимийлик уни жўн (примитив) деб қарашга имкон бермайди” (54. – С. 9). Аксинча, ўзига хос қатъий аънаналари, тасаввурлар тизимига эга дунёқараш ҳисобланади.

Шомонлик дунёқараши асосида бевосита руҳлар томонидан танланиб, ўқитиб-ўргатилган хос кишиларнинг, одамлар жамоаси ва ҳомий руҳлар дунёси ўртасида воситачилик қилиб, ҳомий руҳларнинг танланган шахс воситасида жамоани бошқаришига ишонч, айни пайтда, шомоннинг руҳлар ёрдамида жамоага ёрдам бериши билан боғлиқ яхлит эътиқодий тизим туради.

Бу жараёнда воситачи шомонларнинг вазифаси ҳомий руҳларга хизмат қилмоқ ва улар ёрдамида ўз қабиладошлари, қавмини бало-офатлардан ҳимоя этишдир (54. – С. 8). Этнограф В.Н.Басилов мавжуд материаллар ва адабиётларни деярли тўлиқ камраб олган ҳолда ёзган «Избранники духов» (54. – С. 3–208) китобининг «Избрание. Дороги шамана» бобида шомон бўлишлик шартлари ва йўлларини батафсил ёритган. Муаллифнинг таъкидлашича, шомон бўлишлик учун шомонлар авлодидан бўлишнинг ўзи етарли эмас (54. – С. 33). Бу фактни ўзбек шомонлиги материаллари ҳам тасдиқлайди «Қушночлик суяк суради. Шундаям ҳаммага доримайди», деб ҳикоя қилади Яхшигул Болиева (259). Одатда, руҳлар, отахонлар, момолар ўзларига муносиб номзодни танлашади. Бу жараён ҳақида В.Н.Басилов қуйидагича ёзади: «Ворисни ҳомий руҳларнинг ўзлари танлашади. Шунда улар танланувчига шомон бўлишни таклиф қилишади. Одатда, танланувчи бўйин товлайди, лекин руҳлар қаттиқ туриб оладилар, мажбур қилиб, ўлим билан қўрқитиб, жазолайдилар. Охир оқибатда руҳлар ниятларига етиб, хизматчи-шомонларига эга бўлишади. Жуда кўпчилик халқлар тасаввурида шомоннинг танланув жараёни шу зайлда яхлитлашади» (54. – С. 53).

Шомонликка муносиб номзодни танлаш ва унинг бўйнига бу касбни кўйгунгача кечувчи жараёни В.Н.Басилов “шаманская болезнь” – «шо-

мон касаллиги) («шомонлик дарди») деб атайди. «Бу жараённинг намоён бўлиши ҳар хил кечса-да, лекин ҳамиша одам ақлдан озгандек кўринади. Бунда бўлажак шомон тушуниб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлар қилиши, соатлаб бир жойда ўтириши, баъзида уйдан узок овлоқ жойларга дайдиб кетиб қолиши ҳам мумкин» (54. – С. 53). Ўзбек шомончилигида ҳам айна ҳолатни кузатамиз. Халқ орасида руҳлар, момолар ёки отахонлар танлаб «шомонлик дардига» йўлиққан одамни, «орқали» бўлиб қолди, дейишади. Жумладан, Нурота гуманида яшовчи машхур Очил қушноч ўзининг бу даврдаги ҳолатини эслар экан, «ўзи билмаган ҳолда телбадай бўлиб қолганини, кечалари момолари келиб, тоғларга, ғорларга олиб бориб, туни билан базм қилиб чиққанлигини, мабодо, уларнинг айтганига юрмас, момолар уни бўғиб, жонига қасд қилмоқчи бўлганини айтган» (268).

Гувоҳларнинг ҳикоя қилишича, Очил қушноч ўша вақтлар қўлидаги эмизикли ўғлини ўзи билмаган ҳолда томдан ташлаб юборган экан. У ҳатто боланинг ҳалок бўлганини ҳам сезмаган (271).

«Нега руҳлар номзодини бунчалик қийноққа солишади? Бунга сабаб нима? Сабаб шулки, номзодни қийнамай қайта яратиб, яъни “ўлдириб”, бўлак-бўлақларга бўлиб, ковриб еб қайта тирилтирмай, “янги одам” қилиб бўлмайди. У шундагина бошқа хом сут эмган бандалардан ажралиб чиқади» (54. – С. 34). Яъни «хос хизматчи»га айланади.

Одатда, ушбу жараён кечаётганда руҳлар-момолар, отахонлар шомоннинг жасадини қолдириб, руҳини олиб кетади. Айна шу руҳ олиб кетилган вақти танланувчилар «шомон дарди» билан оғришади. Бу ҳолат қатта шомонларда эртароқ – уч ёшдан то беш ёшлик вақтгача, кучсиз шомонларда кечроқ – ўн икки ёшдан ўн саккиз ёшлик вақтигача кечган. Демак, шомон дардга чалиниб, «касалликка» йўлиққан вақтида, унинг руҳини ҳомий эранлар – момолар, отахонлар ўқитиб-ўргатиш учун олиб кетишган бўлишади. Бу вақт давомида А.А.Панов таъкидлаганидек, шомон бўлишликнинг энг муҳим белгиларидан бири «жасаднинг бурдаланиши» содир бўлган. Улуғ шомонларда бу жараён уч бора такрорланган» (54. – С. 55). «Жасаднинг бурдаланиш» жараёни қуйидагича кечган: одатда, бўлажак шомон жасади(руҳи)ни ҳомий эранлар ўз маконларига олиб боришиб, ўрталикда бурда-бурда қилиб, уч қисмга ажратишган. Жасаднинг биринчи қисми «осмон» руҳларига мўлжалланган, иккинчиси ер руҳларига, учинчи қисми эса ер ости руҳларига теккан. Ҳар бир руҳнинг ўзига тегишли қисми бўлган ва улар бу бурдани ейишган, сўнгра шомоннинг гўштлири яна уч уюм ҳолига қайтган. Ниҳоят руҳлар гўштлири ту-

фук билан суякларга ёпиштириб асли холига қайтаришган. Бу операция шомоннинг фойдасини кўзлаб ўтказилган. Чунки келажакда шомон ўз гўштини еган жамики рухларни енга олган. Ушбу рухлар тасарруфидаги маконларга бехатар бориб, кела олиш кудратига эга бўлган.

Шомонлик тасавурида «жасадни бурдалаб» сўнг «қайта яратиш» жараёни, оддий одамнинг шомонга айланишидаги бош омиллардан ҳисобланади (54. – С. 55).

«Шомоннинг қайта яралишидаги яна бир муҳим ўринлардан бири – рухларнинг шомонни қайта яратиш учун ўзга дунёга олиб кетиши жараёнида, келажакда «юмуш» юзасидан бориб-келиши керак бўлган жойларни кўрсатиб, унга илм ва куч-қудрат берувчи рух ва тангрилар билан бир-бир таништиришдир» (54. – С. 59).

Биз ўзбек шомончилигида бевосита «жасаднинг бурдаланиб, бўлакларга ажратилиб, ейилиши» ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз, шомонлик тизимининг ушбу ҳалқаси ўзбек шомончилигида унутилган бўлиши ҳам мумкин ёки фанга ҳозирча маълум эмас. Лекин шомон касаллиги жараёнида номзод шомонликка ўргатилиб, «қайта яралиш» анъанаси сақланган. Хусусан, отахонларнинг ҳар бири ўз вазифасига кўра, бўлажак шомон руҳини ўзлари мансуб оламларга олиб бориб кўрсатишларини Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида яшовчи Унсун бахши Қосимова ҳикоя қилиб берди. Жумладан, «жон олувчи» уларга қабр, қабр азобларини бир-бир кўрсатган (270).

Бизнинг юқорида шомонлик дунёқараш билан боғлиқ маълумотлар ва кўчирмаларни батафсил келтиришимизга сабаб, халқнинг шомонлик тизими ҳақидаги тасавурларини яхлит ҳолда кўрсатишдир. Чунки бу тасавурлар Гўрўғли достонидаги, юзаки қараганда, бир-бирига унчалик яқин туюлмаётгандек кўринса-да, аслида яхлит бир дунёқараш маҳсули бўлмиш «қахрамоннинг ёшлигидаги телбаликлари ёки шартли атасак, «алплик дарди» ва қахрамоннинг «қайта яралиш» мотивларига ўхшашгина эмас, бир умумий дунёқараш маҳсули эканлигининг гувоҳи бўламиз. Бу икки ҳодиса ўзаро қиёс қилинса, «Гўрўғли» достони сюжети ўзанида ётган қадимий алплик тизими ҳақидаги тасавурлар олами кўз ўнгимизда ўз қаддини тиклайди. Куйида ана шу “алплик тизими” ҳақидаги тасавурларни унга ёндош шомонлик тизими тасавурларга қиёсан атрофлича тавсиф этиб чиқамиз:

1. Бўлажак эпик қахрамоннинг туғилмасдан бурун эпик ҳомий-эранлар назарида-химоясида бўлиши (илк даврда тўғридан-тўғри “илоҳий

хомила” меваси эканлиги). Достоннинг Пўлкан шоир версиясида бу воқеалар тафсилоти Хизрнинг Гўрўғлига айтган ушбу сўзларида аниқ ифодаланган:

*«Тоганг билан отанг жонини сотди,  
Бир бедовни иккови минди-да кетди.  
Заргар элда Ҳилолойни бўзлатди,  
Тоганг билан отанг Ёвмитга етди.  
Ўйла ўзинг, қари чолнинг фарзанди.  
Ор билан Ҳилолой оламдан ўтди.  
Қулоқ сол ўзимдай, чирогим, зорга,  
Шерик бўлдинг мана дунё бекорга.  
Ҳилолойни Рустам синглим деб,  
Вой синглим деб, қўйиб келди мозорга.  
Шу вақтдаям бирга юрган бобонгман.  
Сарғайганда нечаларнинг сиёҳи,  
Уйилганда неча одамнинг қовоғи  
Гўрда тутди Ҳилолойнинг тўлгоғи,  
Мен сабаб бўп ёнган унинг чироғи.  
Шу гўрда тушгин деган бобонгман!  
Уя учун қушлар излар қияни,  
Энди кепсан Гаждумбекнинг жияни.  
Сенинг сиринг бу бобонга аёни.  
Қувиб кеп, йилқидан тулпор бияни  
Олиб келиб эна қилган бобонгман.  
Қулоқ солгин бу бобонгни тилига,  
Уч ёшингда келдинг Рустам қўлига  
Етти ёшида Бадқир қулни ўлдириб,  
Қочиб келдинг, болам, Ёвмит элига.  
Шу чўлларда бирга юрган бобонгман!  
Райҳондан Фирқўкни олдин тўлатиб,  
Ор билан Холжувонни йиглатиб.  
Бугун кепсан Фирқўкингни йўқотиб,  
Оҳ тортасан гапни гапга улатиб  
Мана тоғда дучор бўлган бобонгман  
Савдогар юк қўяр катта норига,  
Подшо осар ўғриларни дорига.  
Энди қўй бобонгни ихтиёрига!*

Бирга юргин шу бобонгнинг горига!  
Сен етимга мақсад берган бобонгман! (19. – Б.126)

Худди дostonдагидек, шомонлик амалиётида ҳам шомон дунёга келмай туриб, у маълум бир эран-руҳ назарида бўлиши мумкин. Масалан, В.Н.Басиловнинг келтиришича, «Дюхаде исмли шомон: мен туғилмасимдан аввалроқ шомон бўлганман, чунки онам тушида Оспи руҳига эрга тегиб ҳомила топибди ва туғилажак фарзандим Оспи руҳидан тўраган шомон бўлади, деб хабар берган», – дейди (54. – С. 59). Бу ўринда бўлажак шомон онасининг руҳдан ҳомила топишига диққатни қаратиш лозим. Чунки Гўрўғли дostonларида Хизр Гўрўғлини «ўғлим», «нафас ўғлим», дейди. Ҳатто дostonнинг Лақай версиясида қахрамоннинг онаси бевосита Хизр назаридан ҳомила топади ва Гўрўғли дунёга келади. (Биз тадқиқотимизнинг навбатдаги бобларида бу линия (йўналиш) ҳақида батафсил тўхталамиз).

2. Қахрамоннинг «алплик дардига»га йўлиқиш жараёнидаги ёши. Шомонлик дунёқараши бўйича энг зўр шомон 3-5 ёшида «шомонлик дарди»га йўликади.

Гўрўғли ҳам 3-7 ёшида «алплик дарди»га йўликади. Хусусан, уч ёшдан бошлаб ошиқ ўйнаб тўполонлар кўтарса (ўзбек ва туркман версиялари), беш ёшдан бозорни (туркман версияси) талатўп қилади. Етти ёшида Бадкир полвонни ўлдиради (ўзбек версияси).

Гўрўғлининг Ёвмитга келгандан кейин, Райҳон арабга Холжувонни олдириб қўйгач, аламдан қилган «дали»ликларини ҳам ана шу «алплик дарди»нинг давоми сифатида баҳолаш керак. Хусусан, шомонлик тасаввурларида энг кучли шомонлар уч бора «касал бўлиб», уч бора қайта яралган. Гўрўғли «телба»ликларидаги ана шу уч босқич алпнинг ҳам қайта яралиш жараёнидан уч бора ўтганлигига гувоҳлик беради.

3. Эпик ҳомийнинг қахрамонга алплик сир-синоатларини ўргатиши. Аввал батафсил айтилганидек, «шомон касаллиги» даврида эранлар, отахонлар, момолар бўлажак шомонга «дарс» беришган. Бу тасаввур ўзбек шомончилигида ҳам қатъий анъаналашган. Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги Работ кишлоғида яшовчи Зубайда кушноч Нурмон қизи ҳақида синглиси Яхшигул опа Боли қизи шундай маълумот беради: «Опам, айниқса, уч ой касал ётди. Ана келди-мана келди, деб уйдан чиқиб кетаверди. Ҳушидан оғиб, ўзини билмай қоларди. Баъзи вақтлар ҳеч нарса бўлмагандай, ойдай бўлиб юради». Шунда Зубайда опа ука-

сига тарвуз олиб келиб беришни сўраган. Тарвуз олиб келинган, Зубайда опа уйни беркитиб, ўзига-ўзи гапириб, тарвузни бўлиб, худди одамни қараётгандай (даволаётгандай) турли ҳаракатлар қилган, Зубайда опа ҳушига келганда, укаси (у киши врач) нега бундай қилдингиз, деб сўраса, «сен уч йил ўқиб врач бўлдинг, мен ҳам уч ой ўқиб дўхтир бўляпман-да», деган экан. Чунки шу вақт давомида момолар Зубайда опага беморларни қандай даволаш сирларини ўргатишган экан. Зубайда опа қушночликни тўлиқ бўйнига олганларидан кейин момолар кийнамай қўйишган (259).

Худди шомонлик тизимида бўлгани каби «алплик» тизимида ҳам хомий руҳлар қаҳрамонни алплик сир-саноатларига ўргатади. Жумладан, Гўрўғли Ғиротни излаб ҳазрат Хизрга йўлиқиб, отини топган вақти, Ҳазрат Хизр ёлғондан отга эга чиқиб, мени курашиб йиксанг отни оласан, деб шарт кўяди. Хизр айтди: «Олишсанг отангни йик, деган гап бор. Кел болам, олишсак олишайлик». Шунда Гўрўғлибек ўрнидан сачраб турди, бориб бобосининг белидан маҳкам ушлади. Қўли белига етмай қолди. Гўрўғлибек, «ух, қундадек чол экан», деди. Бобоси айтди:

– Маҳкам ушла, қулоғингга ол, эҳтиёт бўл, армонда қолдим, дема! Биз сен билан тараф. Лекин биздан бошқа билан курашганда ундай қилиб ушла, бундай қилиб ол, тўғонокни бундай сол! Орқасидан бундай қилиб қайир! Буйтиб силтаб от! Гоҳ илгари, гоҳ кейин сур! деб курашди. Гўрўғлибек шунча зўр урди, бўлмади. Бобоси ерга кўтариб урди...» (19. – Б. 124).

4. Қаҳрамоннинг хомий қароргоҳида оддий одамдан алп ёки соҳибқирон қилиб қайта яратилиши.

Биз юқорида шомоннинг «қайта яралиш»и билан батафсил танишдик. Дикқат қилинса, унда хомий руҳлар-эранлар (момолар, отахонлар) бўлажак шомонни ўз қароргоҳига олиб кетишиб (ғорларга, овлоқ жойларга, тоғ дараларига), бу ерда унинг жасадини бўлак-бўлак қилиб ейишади, баъзан қозонда қайнатишади, тоблаб яна қайта ўз холига келтиришади. Натижада киши оддий одамдан шомонга айланади.

«Гўрўғли» достонида ҳам моҳиятан айна шу жараёни кўрамиз. Достоннинг туркман версиясида эранлар қаҳрамонни улкан чинорнинг тагида кўксини ёриб, барча аъзоларини нур билан ювиб (бу ўрида «ейиш» нур билан ювиш ҳолатини олган), шароби антахур билан сийлашади. Ўзбек версиясида «операция» мотиви унутилган. Лекин эранлар Гўрўғлини ғорга олиб кириб, шароби антахур билан сийлаб соҳибқиронга айлантиришади, ўз сафларига қўшишади. Достоннинг озарбойжон версияси-

да эса эпик ҳомий вазифасини қаҳрамоннинг отаси бажаради. Бу ерда қаҳрамоннинг қайта яралиш жойи баланд тоғ устидаги булок. Достоннинг озарбойжон версиясидаги ана шу воқеалар тасвирланган ўрнига эътибор қилайлик:

«Қунларнинг бир куни Али киши Равшанни ёнига чиқариб айтди:

– Ўғлим, бу ердаги тоғларнинг бошида жуфт булок бор, уни Қўшабулок дейдилар. Ҳар етти йилнинг еттинчи жума оқшоми машриқ томондан бир юлдуз, мағриб томонида бир юлдуз туғади. Бу юлдузлар келиб кўкнинг ўртасида тўкнашади. Улар тўкнашганда, Қўшабулоққа нури тўкилиб, булок кўпириб тошади. Кимки Қўшабулоқнинг ана шу кўпигида чўмилса, у дунёда тенги йўқ кучу қувватга эга бўлади. Унинг сувидан ичган киши ошиқ бўлади. Овози шу қадар кучли бўладики, нафасидан арслонлар ҳуркиб, қушлар уча олмай, отларнинг туёғи тушади. Қанчадан-қанча йигитлар, шахзодалар бу сувни деб келиб, омади чопмай қайтган. Сен ҳам бор, шу Қўшабулоқни ахтариб топ. Унинг кўпигидан менгаям олиб кел» (20. – Б. 36). Равшан отаси айтгандай, Қўшабулоқни топиб, юлдузлар тўкнашиб, нури булоққа тушганда кўпириб тошган сувга чўмилади, у сувдан ичади. Сувдан Али кишининг кўр кўзи очилади (20. – Б. 36-37). Достоннинг «Қороғлу-Бозолголи» вариантыда эса ушбу сувдан Гиротга ҳам ичиришади (20. – Б. 401). Айни мотив ўзбек версиясида ҳам мавжуд. Чилтонлар соҳибқиронни кўтара олувчи от ҳам соҳибқирон бўлиши керак деб, Гиротга ҳам антаҳур майдан беришади (19. – Б. 129).

Келтирилган парчалардан ҳам кўриниб турибдики, озарбойжон версиясида воқеалар тафсилоти нисбатан реал асосларга кўчирилган. Шундай бўлишига қарамай, «алпнинг қайта яралиши» мотивининг маълум ҳалқалари вақтлар ўтиб ўзгарган бўлса-да, туб асоси барча версияларда сақланиб қолган. «Гўрўғли» достонининг ўзбек, туркман, озарбойжон версияларидаги «алпнинг қайта яралиши» воқеалари ўзаро қиёсланса, улар бир-бирини тўлдиради ва эпосдаги «алпнинг қайта яралиши» мотивининг илк кўринишини тиклашга имкон беради:

а) «алпнинг қайта яралиши» амалга ошувчи жой:

– ўзбек версиясида: тоғ, чилтонлар ғори;

– туркман версиясида: чўл, улкан чинор таги;

– озарбойжон версиясида: тоғ устидаги сирли булок.

б) «алпнинг қайта яралиш» тафсилоти:

– туркман версиясида: Гўрўғлининг кўкси ёрилиб, барча аъзолари нур билан ювилади;

– озарбойжон версиясида: мағриб ва машрикдан чиққан юлдузлар кўшилиб, уларнинг нури Кўшабулокқа тушгач, сувнинг кўпириб тошиши ва кароматли-илоҳий ичимликка айланиши ҳамда қайта яралишнинг шу сув воситасида амалга оширилиши (қахрамоннинг сувда чўмилиши, сувдан ичиши);

– ўзбек версиясида: чилтонлар даврасида илоҳий ичимликни ичиб, коинот сирларидан воқиф бўлиши, соҳибқиронга айланиши.

в) «алпнинг қайта яралиши»да иштирок этувчи шифобахш «илоҳий сув» (май).

Озарбойжон версиясидаги юлдузлар нуридан кўпириб, илоҳий қувват олувчи булоқ суви мотиви ўзбек ва туркман версияларида шаробу антаҳур билан алмаштирилган. Лекин моҳият бир хил.

Юқорида кўриб чиқилган фактлар асосида дostonда «алпнинг қайта яралиши» амалга ошган жой хусусида шундай хулосаларга келиш мумкин. Алп қайта яралган жой туркий халқларнинг бутун коинот тузилиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар тизимидаги ернинг киндиги – маркази ҳақидаги тасаввурга айнан мос келади. Айни тасаввурнинг универсал кўриниши бошқа динлар таъсирига нисбатан камроқ учраган олтой турклари дунёқарашида қуйидагича кўринишда берилади: «Яъни тоғ, тоғнинг тепасида сутли кўл, кўлнинг ўртасида ер (орол) ва унда ер билан осмонни боғловчи – шохлари кўкка чирмашган олтин баргли терак. Бу жой ернинг киндиги деб аталган» (54. – С. 70).

Демак, «Гўрўғли» дostonининг илк босқичларида (барча версиялардаги мотивлар бунга асос бўлади) «алпнинг қайта яралиши» улкан тоғ (ўзбек ва озарбойжон версияларидаги тоғ ва тоғдаги ғорни эсланг) устида, сутли кўл (озарбойжон версиясидаги булоқ, ўзбек ва туркман версиясидаги шаробу антаҳур. Ўзбек версиясининг бир қатор вариантларидаги қахрамон онасининг сув кўпиги ва сувда оқиб келган олмадан ҳомила топиши), кўл ўртасидаги оролда, илдизи ер тагига, шохлари кўкка етган терак (туркман версиясидаги чинор остида қайта яралишнинг амалга ошуви) остида – ернинг киндигида бажарилган. «Гўрўғли» дostonининг қадим бобо сюжетида эранларнинг – эпик ҳомийларнинг макони Асқартоғ тепасидаги ернинг киндигида жойлашган деб тасаввур қилинган (бу тасаввур ва ишончлар асоси ҳамда излари ҳақида ишнинг эпик ҳомий қисмида атрофлича тўхталамиз).

Одатда, халқнинг қадим мифологик тасаввурларига кўра барча инсонлар руҳи ана шу Асқартоғ тепасидаги сутли кўлда бўлади, деб анланган.



Инсон рухи кўлдан ёруғ оламга кўчиб, у туғилгач, сутли кўл ўртасидаги бойтеракда ҳам бир барг пайдо бўлади. Бу барг инсон умри баробарида ўсиб, унинг барча амаллари шу баргга ёзилиб боради, кўкдан фармойиш келгач, унинг ўз юлдузи осмон тоқидан учиб, бу япрокни узиб тушади, деб тушунилган. Айни қадим тасаввур якуни, инсон умри поёнига етгач, юлдузи учиб, бойтеракдаги барг узилгач, ёруғ оламдаги рух яна Асқартоғ томон йўл олади, тарзида талқин этилган.

Кўриниб турибдики, «Гўрўғли»даги эранлар макони бекорга тоғ, сутли кўл, бойтерак билан боғланмаяпти.

5. Қахрамоннинг эран – ҳомийлардан алплик қурол-аслаҳаларини олиши.

Эпосдаги ушбу мотив ҳам шомонлик тасаввурлар системасидан ўз параллелини топади.

Шомон ўзининг асосий қуроли – доира (дунгур)ни рухлар хоҳишига кўра, улар айтган вақтдагина олади (54. – С. 77). Шомонлик тўнига осилувчи туморлар ҳам эранлар-рухларнинг тури, тоифасига мос танланади (54. – С.117).

«Гўрўғли» эпосида ҳам алплик қурол-аслаҳаларини ҳомийлар ўзлари лозим, деб билган вақтдагина қахрамонга беришади. Достоннинг қуйидаги ўринларига эътибор қилайлик:

*«Соқибулбул бармогини тишлади,  
Берар бўлди анжом асбобларини,  
Анжом асбоб ўрталикка ташлади.  
Гўрўғлибек лола гулдай жайнади.  
Ширин тилман турфа-турфа сўйлади.  
Яхши гавҳар тош тақилган қаларни,  
Ўҳиатиб бекбачча, белга бойлади.  
Йиллаганинг ёқаси хўл ёнига,  
Томошо айланг азизларнинг ишига.  
Бир сидрали кийим бериб азизлар,  
Оптоқ қилиб дастор қўйди бошига.  
... Ярақлатиб кийиб эди эгнига  
Оқ кировки яшил, кўкиш совутни.  
Гўрўғлибек шукур деди, сўйлади,  
Ёш ўғлонку, суқсурдай бун бўйлади.  
Илон тили, заҳарли у ханжарни,  
Жангиллатиб хипча белга бойлади.*

*Ҳеч ками йўқ отман мардни шайлади,  
Ўқ ўтмайдиган каркин қалқонни,  
Селдиратиб елкасига бойлади.  
Отга йўл бермаган сойнинг ўрани  
Шайладилар Гўрўелидай тўрани.  
Иззат қип азизлар гавҳар бодани  
Гўрўели бўйнига тақди зерони...» (19. – Б. 132, 134-135).*

Азизлар Фирқўкни ҳам ўртага олиб, жами асбоб-анжомларни олиб келиб, бир-бир тахлаб, эгарлашади:

*«... Болга олиб эр Хизрдай бобоси,  
Тўрт юз нагални Фиротнинг оёзига.  
Хизр бобо гулмихлар билан қоқди.  
Соқибулбул кўринг вақтин хушлади.  
Дариго, деб банди бўғнин бўшади.  
Фирқўк отин бари олиб ўртага,  
Ўртада Фирқўкни ялангочлади.  
Гулдан жўраб, тилла қашоқ қўлида,  
Қашиов уриб Фиротнинг баданига,  
Соқибулбул чангин силаб ташилади.  
... Навбат билан Фирқўк отнинг белига  
Астагина қўйди ипак терликни.  
... Киш-кишлаб солди Фирнинг белига.  
Ўймалаб ташилаган қирмиз чиргини,  
Боз устидан яна қўйди белликни,  
Суяб қўйди қундуз жаҳалдирикни.  
...Бисмилло, деб олиб қўйди бедовга  
Тилла чоптирган сарпай эгарди.  
... Астагина суяб урди думига,  
Ўн саккиз қуббали карки қуюшқон,  
Ҳар қуббаси пиёладай таркашдак.  
... Жангаллатиб ўраб тортди Фиротга,  
Тўқаси кумушдан ипак айилди.  
...Иккови ҳам тилладан узангини,  
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.  
...Шалдиратиб Фирга сермаб ташилади,  
Қимматбаҳо, зар чачоқли довурди.*

*...Тушибди бедовнинг бақалогига.  
Абзалининг бари гуло кумушдан.  
Жингиллатиб тортди отнинг белига,  
Пай тўшаб ташилаган чагатой пуитан.  
Пўлат добил илди эгар қошига,  
Қатагон пешбантни урди тўшига.  
...Кўтос тақди гардан дароз бўйнига,  
Қирқ қуббали юган урди бошига,  
Олиб келди Гўрўглининг қошига...» (19. –Б. 133-134).*

“Гўрўгли”нинг туркман версиясида ҳам Хизр, «мендан сенга нишона бўлсин», деб дўйирма қилишни Гўрўглининг белига тақиб қўяди. Гўрўглининг Исфихондан пирлар ёрдамида машхур қуролларни олиб келиши эса бу мотивнинг янгиланган шакли сифатида юзага чиққан (13. – Б. 53-55).

Озарбойжон версиясида эса худди «қайта яралиш» мотивида ҳомийлик қилгани каби Қўрўглининг отаси – Али киши сеҳрли қудратга эга яшин тошидан қилич ясаб беради ва бу қилич сенинг қўлингга бўлса, ҳеч бир душман сенга бас кела билмайди, дейди (20. – Б. 33).

6. Қаҳрамоннинг сеҳрли қудратга эга бўлиши.

Қаҳрамоннинг сеҳри қудрат, белги-нишонларига эга бўлиши халқнинг «алпик» тасавурлар системасидаги таянч халқалардан ҳисобланади. Бу ҳол озарбойжон версиясида қаҳрамоннинг овозида, деб англанади. Қаҳрамон ғайритабиий қудратли овозга Қўшабулок сувини ичиб эга бўлади. У қийин шароитга тушганда, рақибларини қудратли ҳайқириғи билан енгади (20. – Б. 33). Достоннинг ўзбек версиясида ана шундай қудратли хусусият – Гўрўглининг кўзида, деб талқин этилади. Масалан, «Гўрўгли хез кип девнинг олдига яқин етди. Дев қочмоқчи бўлди. Гўрўглининг кўзи девдан ўтиб кетди» (19. – Б. 183) ёки «Тегирмончи қўрқиб кетди, ҳеч бундай кўзи ўткир йигитни кўрган эмас эди...» ( 19. – Б. 178).

Достоннинг туркман версиясида қаҳрамоннинг юқорида саналгандек, бирор-бир алоҳида сеҳрли белгиси бор-йўқлиги айтилмаса-да, моҳиятан уларга яқин келувчи бошқа бир хусусият мавжуд. Яъни, Гўрўгли эранлардан сўраган асосий тилакларидан бирида шундай дейди: «Отим, ўзим юз йигирма еримдан ярадор бўлсам, юлдуз кўриб тузалайлик». Эранлар Гўрўглининг тилагини бажо этадилар. Бу ўринда фақат ўзбек версиясидагина мавжуд бўлган қўшимча яна бир сеҳрли қудрат ҳақида ҳам тўхта-

либ ўтиш шарт. Чунки бу мотив ҳам семантик жиҳатдан шомонлик тасаввурлар тизимидан ўз параллелини топади. Достонда ҳикоя қилинишича, Хизр «Гўрўғлининг қўлига бир кора, бир оқ пар беради» ва Хизр айтади: «Парларнинг хосияти шу, баданингга сурсанг, гоҳи ёш бўласан, гоҳо қари товланиб, ҳар ҳил одам бўлиб қоласан. Оқ парни баданингга сурсанг, оқ одам, кора парни суйкасанг, кора соқол бўлиб қоласан...» (19. – Б. 136). Ана шу гоҳ ёш, гоҳ қари одамга эврилиши ҳақидаги тасаввур «Маликаи Айёр» (23. – Б. 3–336) достонида Гўрўғлининг турли жонзот шаклига ўтиши мумкин, деган мотивни асослашда ҳам таянч бўлиб хизмат қилди.

Гўрўғлининг ўзбек ва туркман версияларидаги яна бир сеҳрли қудрат–эранлар хомийлигида қаҳрамон кўнглига барча илмларнинг – илму қол ва илму ҳол, етмиш икки тилнинг жой бўлишидир (19. – Б. 47).

7. Қаҳрамоннинг эранлардан тилак сўраши ва эранлар (ҳомий)нинг қаҳрамон тақдирини билдириши.

Қаҳрамон эранлардан тилак сўрар экан, энг муҳим истакни унутади. Бу унутиш эпик (бадий) талабми ёки бирор-бир мифологик асосга эгами? Саволга жавобни излашдан аввал Гўрўғлининг эранлардан сўраган тилакларини кўриб чиқайлик. Биринчи тилак:

*«... Қаландар бўп келдим давлатхонага*

*Мен сизлардан Фирқў отни тилайман» (19. – Б. 129).*

Туркман версиясида биринчи тилак қуйидагича: «Менинг тилагимни берадиган ўлсанг, аввало, ўзимга, отимга юз йигирма ёш бериб, сўнг отим, ўзим юз йигирма еримдан ярадор бўлсам, юлдуз кўриб тузалайлик» (13. – Б. 47). Иккинчи тилак:

*«...Сиздан сўрайман икки парини,*

*Шу парини хотин қилсам бўлади» (19. – Б. 129).*

Туркман версиясида «Яна тилагимни берсангиз, душман кўлига тушсам, тез қутулайин, қиличим кофирни чопсин, мусулмонни чопмасин» (13 – Б. 47). Учинчи тилак:

*«...Юнг босган Райҳондан олсам лотилни,*

*Зайдинни хизматкор қилсам бўлади» (19. – Б. 130).*

Туркман версиясида «Яна тилагим, охират гавҳари имонимни беринг, Етмиш икки тилни кўнглимга аён этинг» (13. – Б. 47). Тўртинчи тилак:

*«...Шоҳ бўп эга бўлсам Туркман тахтига,*

*Ёвмит элда подшо бўлсам бўлади» (19. – Б. 130).*

Достоннинг туркман версиясида тилаклар сони учга, ўзбек версиясида эса тўртга («тила дединг, тўртловини тиладим») (19. – Б. 80). Эпик

анъана конунига кўра тилаклар учта бўлиши керак. Шу маънода, туркман версиясидаги тилак миқдори илк асосга мосдек кўринади. Лекин “Алпомиш” дostonидаги Барчин қўйган шартларнинг тўртта эканлиги (“Бамси-Бейрек”дагидек учта эмас) ўзбек эпосида тўрт раками ҳам анъанавий тус олганлигидан далолат беради. Тилаклар мазмуни ўзаро киёсланса, юзаки қараганда, бир-биридан узокдек кўринади. Аслида эса уларни умумлаштириб, барча дostonлар учун умумий бир қамров асосида қаралса, улар бир-бирини тўлдиради ва деярли тўлиқ амалга ошади. Яъни Фирқўкнинг қайтарилиши, Гўрўғли ва Фирқўкнинг юз йигирма ёшга кириши, Гўрўғлининг париға уйланиши, Райҳон подшодан орнинг олиниши, қаҳрамоннинг душман қўлидан тезда озод бўлиб кетиши, етмиш икки тилу, илму қол-илму ҳолнинг қаҳрамон дилига жо бўлиши ва ниҳоят, эпик Така-ёвмут – Чамбил тахтига эга бўлиши, барча-барчаси «Гўрўғли» («Кўрўғли») дostonи сюжетининг асосини ташкил этади. Бу ҳол нимадан далолат беради? Аввало, шомон каби алпнинг танланган шахс эканлигидан. Унинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилганлиги, алпик миссияси унинг зиммасига тушиб, шу вазифани унинг бажариши шарт эканлигидан (Биз бу тилаклар ифода этилган мотивларнинг семантик илдизларини қуйида ўрни билан таҳлил этамиз).

Энди Гўрўғли унутган тилак хусусида. Гўрўғли тилакда фарзандни унутганлиги сабабли эранлар, «эса отинг қолсин, зотинг қолмасин», «дунёдан армонли ўтдинг, Гўрўғли», деб фотиҳа беришади. Дostonларда ҳар жиҳатдан юксак бадий-психологик таҳлил этилган бу мотивни эпик талаб маҳсули деб қараш (зеро, дostonнинг ҳозирги кўринишида шундай бўлса-да) масалани жўнгина ҳал қилишдир. Айна пайтда, дostonдаги изоҳлар ҳам: 1. Париға уйланганлиги сабабли (ўзбек ва туркман версияси). 2. Табиий ҳасталик сабабли (озарбойжон версияси) ҳам бирмунча кейинги даврларнинг изоҳидир (Қаҳрамоннинг фарзандсизлиги ишнинг кейинги бобларида ўрни билан ёритилади).

Эранлар қаҳрамон тилакларини эшитгач, унга ўз ваъдаларини беришади. Қаҳрамоннинг бўлажак тақдирини баён қилишади. Қаҳрамоннинг худди катта шомонлар каби ўз тақдирини аввалдан билиши ҳам алпик тасаввурларнинг хос хусусияти ҳисобланади. Яъни қаҳрамон алп сифатида қайта яралгач, худди ҳомий руҳлар маконида қайта яралган шомондек, бундан кейин бутун алпик фаолияти давомида ўз ҳомийлари муҳофазасида бўлади, ҳар доим уларнинг ёрдамида мақсадларига эришади.

8. Қахрамон куч-кудратининг ҳомий руҳлар куч-кудрати билан чамбарчас боғлиқлиги.

9. Қахрамоннинг эранлар хузуридан қайтиб алп сифатида тан олиниши. Бу мотив эпосдаги «алпнинг тўлиқ шаклланиб бўлиши» билан боғлиқ сюжет халқаларини яқунлайди. Яъни, мантиқан олганда, Гўрўғлининг эранлар хузуридан ўз оти билан қайтиб, Чамбилда хон кўтарилиши, шомоннинг барча «саргузаштлардан» сўнг уруғдошлари томонидан ҳақиқий шомон сифатида тан олиниши билан уйғундир. Уруғда янги шомон пайдо бўлиб, ўз уруғдошларини руҳлар ёрдамида даволаб, уларнинг мушкулларини енгиллаштиргани каби, алп элнинг қувватига қувват қўшиб, унга ўзлигини тапнатиб, таркоқ халқни бириктириб, катта бунёдкор кучга айлантиради. Атрофига йигитлар, эл оксоқолларини йиғиб, кучдан қолган, тобе бўлган давлатчилигини қайта тиклайди. Элу халқнинг орини олиб, шаънига шаън, ғурурига ғурур қўшиб, орзу тилакларига етиштиради, ўзи мансуб бўлган авлод орқали инсоният камолининг яна бир босқичига хизмат қилади.

Биз юкорида “Гўрўғли” дostonи таркибидан бупайтгача тадқиқотчилар назарига тушмаган «алплик» тизимининг етакчи халқаларини анъанавий шомонлик тизимига қиёслаб, тиклаб, атрофлича талқин этдик. Натижа бу тасаввурларнинг ҳайратланарли даражада бир-бирига уйғун келишлигини кўрсатди. Бу ҳолат қадим туркий халқлар ўртасида «алп» ва «шомон»лик ҳақида яхлит анъанавий ўзига хос тизимлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ушбу тизимларга кўра шомон бўлмаган одам «руҳлар дунёсига» кира олмагани каби «алп» бўлиб, илоҳий тайёрланмаган одам ҳам «алп»лик оламига кира олмаган. Олдий одамлардан фарқли шомоннинг «руҳлар дунёси» билан пайвандловчи ҳомий эранлари бўлгани каби, алпни ҳам бутун борлик – ер ости, ер усти ва осмон дунёси билан боғлаб, бу маконларга эркин бориб келишига ёрдам берувчи, уни қўллаб-қувватловчи эран – ҳомийлари мавжуд деб англаган. Жиддий ўйлаб қаралса, бу тасаввурлар яқкахудоликни тарғиб қилувчи монотеистик диний тасаввур ва дунёқарашлар кўламида ўз изоҳини топмайди. Ушбу тасаввурлар илдизи одамлар ва руҳ-эранлар дунёси “танланган”лар воқитасида алоқа қилади, деб қаралувчи қадим анимистик дунёқарашларга уланади. Биз юкорида кўриб чиққан, “Гўрўғли” дostonидаги бевосита шомонлик тизими дунёқарашига уйғун мотивлар «Гўрўғли» дostonининг анимистик тасаввурлар замирида шаклланган қадим мифопоэтик тафаккур маҳсули эканлигини далиллайди, исбот этади. Шомонлик ти-

зими ҳақида бугун ҳам амал қилаётган яхлит тасаввурлар олами бўлгани каби, дoston пайдо бўлган даврда халқнинг «алп»лик тизимини ифода-ловчи дунёқараши ҳам амалда мавжуд бўлган. «Гўрўғли» дoston таркибидаги биз «сир»ли деб атаган мотивлар ана шу дунёқарашнинг эпик талқиндаги бадий ифодасидир. Ушбу талқинга кўра, халққа «алп» кераклигини сезган эранлар уни ҳомила ҳолатига келтиришган. Ҳомила даврида огоҳ туриб, туғилиши билан кабрга чироқ ёқишган. Унга бияни олиб келиб, энага қилиб, шер ҳамласидан қутқаришган. Алплик юкини зиммасига юклашган. Алп сифатида қайта яратиб, тақдирини олдиндан белигилаб, лозим кўрилган вақтгача авайлаб, асраб келишган, тилакларининг амалга ошишида кўл-қанот бўлишган. Халқ шундай англаган, талқин этган.

Юқорида шомонлик тизими тасаввурларига қиёсан аниқланган «Гўрўғли» дostonидаги алплик тизимининг етакчи халқаларига таянган ҳолда, дostonдаги алплик тизими тасаввурларини тўла тиклаб, батартиб келтириб ўтамиз (қуйида алплик тизимининг шомонликда учрамайдиган бошқа халқалари келтирилганда, улар махсус мисоллар билан асосланади. Аксинча, юқорида кўриб чиқилган халқалар эса шундай кайд этилади):

1. Бўлажак қахрамоннинг туғилмасданок «танланган», яъни ҳомий-эранлар назарида бўлиши. Илк кўринишда тўғридан-тўғри илоҳий ҳомила меваси эканлиги.

2. Бахтли юлдуз остида туғилувчи бўлажак қахрамоннинг пайдо бўлиши ҳақида душман юрт қохинларининг кароматлар қилиши.

Дostonда Гўрўғлининг туғилишини Зангар шаҳри қохинлари қахрамоннинг ота-онаси ҳали оила қурмасданок аниқ айтишади. Яъни Шоҳдорхон кўрган тушни таъбир қилган Юсуф қуръандознинг ушбу сўзларига эътибор берайлик:

*«...Зилистон айрилмас тоғларнинг қори,  
Тушинг қурсин, билдим, манглайнинг шўри!  
Ёвмит элдан кепти иккита бўри:  
Икковидан яхши фарзандлар бўлар,  
Кўйингни ўлдирган бўри – иккови.  
Бошларингга неча савдолар солар,  
Фуқаронгни кўнгли қоралар бўлди.  
Тушингни таъбири шулдир подшоийм.  
Шу бирови элатингга шоҳ бўлар,*

*Тушингнинг таъбири шулдир подшоим!  
Тепангда сочилган тилланг – қонингдир,  
Оғзингдан учган қуш – жонингди(р),  
Қулаган иморат сенинг танингди(р),  
Тушинг қурсин, таъбирлари шу бўлди! ...» (19. – Б. 13-14)*

Шохдорхон Юсуф Куръандознинг сўзларига у қадар эътибор қилмайди. Лекин Равшан билан Гаждумбек кочиб кетгач, Шохдорхон подшо барча куръандоз, мунажжимларини йиғиб айтди:

– Кетганлар кутулиб кетди, ўз юртига етди. Энди менинг кўрган тушимни таъбирини қилинлар, нима бўлади?

Куръандозлар йиғилиб маслаҳат қилди:

– Эй, подшо, бизларнинг сизга арзимиз бор! Бизларга жавоб берсангиз, Биби Ҳилолни сўямиз, устига олов қўямиз, ўзини куйдириб, қулни элақдан ўтказиб юборамиз. Бу элларни талатўп қиладиган бола, шу Биби Ҳилолдан пайдо бўлади. Ўлдириб куйдирсак, йўк бўлиб кетади, ундан кейин давлат ўзингизники» (19. – Б. 46). Лекин Биби Ҳилолнинг вафот этганлигини кўриб, келган Шохдорхон одамлари: «Энди ҳар нима бўлса ҳам Биби Ҳилолга қўлларингизни тегизманглар» (19. – Б. 49), деб бўлажак душмандан кутулганларига хурсанд бўлиб, байрам қилишади. Қаҳрамон эса эранларнинг паноҳида омон қолади.

3. Қаҳрамон ота-онасининг “ўзга” (душман) юртда мажбуран яшаши.

4. Душманларнинг доғда қолиб, қаҳрамоннинг ўзга юртда дунёга келиши (туғилгандан кейин душман юридан кўчиб кетишга мажбур бўлиши).

5. Қаҳрамонга исм берилиши (икки исмли бўлиш).

6. Қаҳрамоннинг улғая бориши давомида алплик дардига йўлиқиши (бу муддат уч ёшдан етти ёшгача уч бора такрорланиши). Алплик дардининг «танланган» қаҳрамон ва «танловчилар» ҳомий эранлар ўртасида бевосита мулоқот бошланганлигини билдириши. Янада аниқроқ айтилса, алплик дарди қаҳрамоннинг ерда туғилиб, маълум маънода «ёввойилашган» руҳи ва бу руҳга макон бўлган таннинг эранлар иклимига мослашолмай қаршилиқ қилиш жараёни эканлиги.

7. Эранларнинг ўз маконида қаҳрамон жисми ва руҳини илоҳий нур ва сув (шароб) билан тоблаб, эмлаб, «асов тулпор»ни жиловлаб, дарддан халос этиши. Унга алплик сиру синоатларини ўргатишлари. Қаҳрамоннинг руҳ – эранлар маконидан алп сифатида қайта яралиши.

8. Қаҳрамоннинг алплик куч-қудратига, жангчилик санъатига, билимга, мўъжизакор хусусиятлар ва белги-нишонларига эга бўлиши.



9. Қахрамоннинг эранлардан алплик курул-аслаҳаларини олиши.

10. Қахрамоннинг алп сифатида бажарадиган вазифаси, ер юзидаги бурчи ва тақдири, ҳаётининг ибтидо-интиҳосини эранлардан билиши.

Эранларнинг қахрамонга тақдир йўлини айтиши бир қарашда эпос фабуласига ўхшаб кетади. Аслида ушбу мотивни моҳиятан ҳар бир инсон ўз ҳаётида кўрувчи (кимдир аҳамият беради, кимдир эътибор қилмайди) қароматли тушларга қиёслаш мумкин. Кўрилган тушнинг амалга ошuvi одамнинг хатти-ҳаракати, тадбирига қанчалик боғлиқ бўлса, эпосда қахрамонга айтилган ҳаёт йўли ҳам унинг интилиши, амалига боғлиқ рўёбга чиқади. Қолаверса, бу ўринда халқнинг тақдир билан боғлиқ улкан ишонч-эътиқодлари ҳам муҳим ўринга эга.

11. Эранларнинг қахрамонга ҳамкор этиб ўз шерикларидан бирини тайинлашлари. Эранлар Соқибулбулни Гўрўғлига устоз ва Ғирқўкка сайис қилиб белгилашади (бу хусусда тадқиқотнинг ҳомий-эранлар бўлимида алоҳида тўхталамиз).

Қахрамоннинг ўз ғайрикутби, душман ва рақиби («дўст»)га эга эканлиги.

Қахрамон куч-қудратининг ҳомий руҳлар(эранларнинг) куч-қудрати билан узвий боғлиқлиги.

14.Қахрамоннинг ўз алплигини амалда намойиш этиши ва халқ (қавми) томонидан алп (соҳибқирон) сифатида тан олинishi.

15.Алпнинг ўз атрофига ғайратли, шижоатли ҳамкорларни йиғishi.

16.Алпнинг ўз юртида янги салтанатга асос солиши.

17.Қахрамоннинг янгича ном олган салтанат қамолига хизмат қилиши. Бу салтанат довруғининг оламга машҳур бўлиши.

18. Қахрамоннинг умри поёнида эран мақомига эришуви ва эранлар маконига қайтиши (кетиши).

19.Қахрамоннинг халқ анъанавий тасаввурида инсоннинг ҳар жиҳатдан етук бўлишига имкон берувчи улуғлик ёшига етиши (Гўрўғли 120 ёшга қиради. Алпомиш эса 108 йил яшайди. Ҳар икки рақам ҳам инсон умрининг анъанавий бир бутун ҳалқасини рамзий ифодалаши).

20. Қахрамонга ҳамкор жанговор отнинг ҳам алп босиб ўтган синов ва тобланиш жараёнидан бир-бир ўтиши.

21. Авлодларнинг алп ҳақидаги дostonни яратиши.

“Гўрўғлининг ғойиб бўлиши” дostonида Сулдуз ғори олдида Юнус, Мисқол парилар куйлаган Гўрўғли жасоратини чўпон-чўлиқлар эшитиб, элга ёйгани айтилади.

Юқорида бир-бир саналган мезонлар Гўрўғли такдирининг ўзигини ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида дostonдаги алплик тизими қахрамонлик дostonлари ўзагида туришини ҳам кўрсатади. Ушбу фикрнинг қанчалик ҳақ эканлигини халқимизнинг иккинчи бор мумтоз қахрамонлик дostonи «Алпомиш» мисолида қараб чиқайлик.

«Алпомиш»даги алплик тизими анъаналари асосан, дostonнинг қора сўз билан ифодаланган кириш қисмида акс этган.

1. Қахрамоннинг туғилмасданоқ ҳомий эранлар назарида турганлиги – назаркарда эканлиги.

Дostonда айтилади: «Қирқ кун ўртадан аниқ ўтди, боз равзадан овоз келди: «Бойбўри, сенга Худойим бир ўғил, бир қиз берди, ёлғиз эмас, эгиз берди; Бойсарини сенга Худойим бир қиз берди, эгиз эмас ёлғиз берди. Бундан борсанг, фарзандларни кўрсанг, халойиқларни йиғсанг, тўй-тамоналар берсанг, тўйда қаландар бўлиб бориб, болаларининг отини ўзим кўйиб келаман» (5. – Б. 68).

2. «Алпомиш» дostonида бўлажак алпнинг туғилишини душман юрт қоҳинлари қаромат қилиб айтишлари ва душманларнинг бу йўлдаги қарши хатти-ҳаракатларининг аниқ тасвири йўқ. Лекин Алпомиш алп аталганида шундай дейилади: «Буни эшитган душманлар: «Бу бола зўр бўпти, назар топибди, буларга ҳеч ким баробар бўлолмайди, етти яшар бола шундай ишни қиладими?!» – деб хафа бўлиб ётди» (5. – Б. 70). Ушбу иқрор замирида душман юрт армони, афсуслари илғанади.

3. Қахрамон ота-онасининг душман юртда мажбуран яшаши «Алпомиш»да ўзига хос талқин топган ва дoston сюжетидаги муҳим ҳалқалардан ҳисобланади. Яъни Бойсарининг акаси Бойбўридан аразлаб ўн минг уйли Кўнғирот эли билан Қалмоқ юртига кўчиб бориб яшайди. Барчин учун бўлган той-талашлар шу мотивдан сўнг келади.

4. Душманларнинг доғда қолиб, қахрамоннинг ўзга юртида дунёга келиши (туғилгандан кейин душман юртидан кўчиб кетишга мажбур бўлиши). Ушбу мотив «Алпомиш» дostonида йўқ. Лекин қахрамон туғилганлигидан огоҳ бўлган душманларнинг афсусда қолганлиги мавжуд.

5. Қахрамонга исм берилиши (қахрамоннинг икки исмли бўлиши).

Қахрамонга дастлаб Шоҳимардон пир Ҳақимбек деб исм қўяди. Биринчи жасорат кўрсатилгандан кейин қахрамон Алпомиш аталади. Ушбу мотив «Алпомиш»да мукамал шаклда намоён бўлган.

6. «Алпомиш»да «алплик дарди» талқини «Гўрўғли» эпосига киёсланганда, тўла бадий ечимга эврилган. Одатда, қахрамон – алп халқнинг

куватни сўниб, омма инерт ҳолатга келган бир даврда, уни кучга эндирувчи ўзига хос уйғотувчи сифатида пайдо бўлади. Бу даврда инерт авлод ичидан пассионар (оловқалб, кувватли, жасоратли) авлод туғилади. Алп пассионар авлод вакилигина эмас, дарғаси, йўлбошчиси ҳисобланади. Ҳамиша пассионар авлод инерт омманинг ҳаловатини бузади. Бу жараёнсиз этнос кувватга кирмайди, яъни янги сифат босқичга чикмайди. «Алпомиш»даги закот мотиви асосида алпик дарди кодлари турибди. Яъни Алпомиш таклифи билан ўртага чикқан закот масаласини эски авлод вакили Бойсари қабул қилмай, ўз юртини ташлаб Қалмоққа жўнаб кетади. Достоннинг бошқа версия ва вариантларида бу мотив турли шаклларда намоён бўлади. Лекин мохият ўзгармайди. Достондаги алпик дардини ифодаловчи тасвир пассионар авлоднинг кучга кириш даврида уни инерт омма қабул қилолмаслигини бадий акс эттиради.

«Алпомиш»нинг Қўрғон достончилик версиясида эса қаҳрамоннинг алпик дардига йўлиққан вақтидаги хатти-ҳаракати тасвирида алпик тизимининг архаик шаклига мос келувчи яна бир мотив бор. Яъни «Алпомиш болалик вақтида кулқунтой қушнинг боласини ололмагач, қуш уясининг оғзини беркитиб кўяди. Қуш эса: «Менинг болаларимни зиндонбанд қилдинг, сен ҳам етти йил зиндонбанд бўл!» – деб қарғайди» (269). Шу билан, айни пайтда, қаҳрамоннинг зиндонга тушиш сабаблари ҳам элнинг гуноҳу савоблари баробарида туғилган «тақдир» ҳалқасида белгиланган зарурий ҳалқа эканлиги айтиб ўтилади, бадий асосга эга бўлади.

7-8-9. Қаҳрамоннинг эранлар тарбиятини олиши, унинг алп сифатида қайта яралиб сеҳрли қудрат касб этиши, эл-юртга ўз кучини намоён қилиши «Алпомиш» достонида умумий ахборот тарзида айтилган. Яъни қаҳрамонга исм бериш жараёнида унинг ўнг қифтига Шохимардон пирнинг беш панжасини босиб, изини тушириб назарқарда бўлиши (5. – Б. 70).

Қаҳрамоннинг эранлар тарбиясини олиб сеҳрли қудратга эга бўлгани эса, Алпомиш Сурхайил томонидан гулҳанда ёндирилганида олов таъсир` этмаган ҳолат изоҳи сифатида эсланади: «Алпомиш энадан туғилган вақтида Шохимардон пири борган эди. Шохимардон пири этагига солган эди, отини Ҳақимбек кўйиб, ўнг эйнига беш панжа урган эди. Шохимардон пирнинг тарбият қилганидан ўтга солса, қуймас эди, қилич солса, ўтмас эди, милтиқ отган билан ўки ботмас эди...» (5. – Б. 264). Барчин учун йўлга тушганда, чилтонлар суҳбагида бўлиши ҳам алпик тизими тасаввурлари анъаналари қўламида ўз изоҳини топади.

Қахрамоннинг бобоси Алпинбийдан қолган ёйни отиб, бу ёйга эга бўлиши, бу ёйнинг фақат алпларгагина насиб этиши замирида ёйнинг асли эранлар мулки бўлиб, муносиб номзодгагина берилишини билдиради. Достон талқинига кўра бу ёйга Алпинбий ва Алпомишларгина эгалик қила олишди. Бойбўри, Бойсар, Ёдгорлар бу юмушнинг урдасидан чиқа олмайди.

10. Алпомишнинг тақдири Шоҳимардон пир томонидан айтилади.

11. Алпомишда нисбатан кенг, бадий тарзда бутун достон сюжетига сингдирилган алпик тизими мезонларидан бири – ҳомий эранлар ўз шеърларидан бирини қахрамонга ҳамкор, ҳамроҳ қилиб қўйишидир.

Алпик тизимидаги бу тамойил тартиб жиҳатидан қахрамон алп сифатида ўз миссиясини бажаришга киришгандан кейин келади (бу пайтгача ҳамкор эран бошқалар қаторида ўз вазифасини бажариб туради). «Алпомиш»нинг бу кунги ҳолатида ҳамкор эран вазифаси Қултой образи зиммасига юкланган. Достонда шундай қуйланади: «Қултой айтди: Алпомишнинг белгиси шул эди, ўнг эгнида Шоҳимардон пирнинг беш панжасининг доғи бор эди, чап эгнида ўзимнинг беш панжамнинг белгиси бор эди» (5. – Б. 365). Қултой шундай қудратли чол эдики, достонда келади: «Қултой ҳам захар чол эди. Ётган ерида бир қур хайт тортди, тўксон тўқайдаги йилқи йиғилиб қошига етди, ҳамма йилқилар жам бўлиб турди» (5. – Б. 129). Энг муҳим жиҳати, Қултой Алпомишнинг оти – Бойчиборни боқиб, тарбиялаган киши. Моҳият эътибори билан Соқибулбул ва Қултой бир хил мақомга эга шахслар.

12. «Алпомиш» достонида ғайриқутб линияси Сурхайил ва зиндон мотивларида хира сакланган. Душман – Қалмоқшоҳ ва тўксон алп, «дўст» – Қоражон, рақиб – Ултонтоз образида намоён бўлган.

13. Алпомишнинг алп сифатида тан олиниши достон аввалида «ёй отиш» мотиви билан қайд этилади. Қахрамоннинг янги салтанат тузиши эса достон воқеаларининг асосини (хусусан, иккинчи қисм) ташкил этади.

14. Алпомиш Бойсун – Қўнғиротни қайта бирлаштириб, янги тартибдаги мамлакатга асос солади. Унинг етти йиллик зиндондан саройга Қултой киёфасида келиб, яхши-ёмонни ўз кўзи билан кўриб-билиши ва шу асосда ҳукм чиқариши ана шу сиёсатнинг бошланиши эди.

15-16-17. Алпнинг халқи томонидан тан олиниб, агрофига ҳамфикрларни йиғиб, янги салтанатга асос солиши достон моҳиятига сингдириб юборилган.

18. Алпомишнинг Барчин тўйига Қултой қиёфасида келиши унинг янги эран мақомига етиб, нафақат жисман, балки руҳан ҳам камол топганлигини, чинакам алп бўлганлигини билдиради.

19. “Алпомиш”нинг биргина Берди бахши вариантыда унинг 108 ёш яшаганлиги айtilган. Гўрўғли ёшидан фаркли келаётган бу рамзий ёш анъанаси эпослардаги ушбу талқиннинг ўзига хос тасаввурлар тизимида шаклланганлигини билдиради.

20. Достонда Бойчиборнинг тарбияси асосан статик ҳолда берилган.

21. Алпомиш ҳақидаги достон ҳам Ёдгор авлоди томонидан яратилган.

Келтирилган қиёсий таҳлил кўрсатмоқдаки, Алпомиш образи ҳам ўзбек халқининг қадимий алплик тизими билан боғлиқ яхлит тасаввурлар замирида шаклланган, ўз бадий талқинларини олган. Даврлар ўтиши, достоннинг кейинги сайқал топиши жараёнида достондаги алплик тизимига тегишли бир қатор тамойиллар янгича бадий шаклга кирган. Бир қанчаси умумлашиб, статик ҳолатда қолган. Умуман, «Алпомиш» достони ва Алпомиш образи ўзагида халқимизнинг алплик тизими ҳақидаги тасаввурлари турганлиги бизнинг «Гўрўғли» достони ва Гўрўғли образи мисолида бир-бир аниқлаб, қайта тиклаган алплик тизими тасаввурлари ҳақидаги хулоса-аниқламаларимизнинг ҳар жиҳатдан асосли эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Биз «Гўрўғли» достонида алплик тизимини халқнинг шомон тизими тасаввурларига қиёсан аниқлаб, ҳар икки тасаввурлар олами ўртасида маълум бир уйғунлик борлигини ва улар халқнинг қадим анимистик дунёқарашлари замирида изоҳ топишини қайд этган эдик. Бу ўринда алплик тизими шомонлик тизими асосида пайдо бўлмаганми? деган саволнинг туғилиши ҳам табиий. Ушбу саволга бевосита достон материалларига таянган ҳолда қуйидаги тарзда жавоб қайтариш мумкин. Гўрўғли хомий эранлар тарбияти билан ер юзи, ер ости, қўқда ҳам бемалол юра олади, қўнглига барча илмлар, тиллар жо бўлган. Назари тошни ҳам ёради. Соз чалиб қўшиқ айтади (озарбойжон версиясида қаҳрамон тенгсиз ошиқ бахши. Унинг овозидан ер юзи ларзага келади). Эранлар берган ок-қора патлар билан турли сувратларга кира билади. Шомонлар орасида ҳам Гўрўғлининг қайсидир бир ёки икки хислатига эга шахслар бўлади. Лекин бирорта шомон бу хилдаги жамики хислат, қудратга эга эмас. Ҳеч бир шомонга алп зиммасига юкланувчи вазифа – элни жамлаб, мамлакатни тиклаш миссияси юкланмайди. Агар у шу ишга қўл урса, унинг миссияси шомонлик доирасидан чиқади ва алплик томонга ўтади. Бир

сўз билан айтиладиган бўлса, шомонлик алплик тизими тасаввурларининг бир қисми бўлиб қолади. Чунки алп айна пайтда энг улуғ шомон ҳамдир. Алпнинг шомонлиги энг улуғ шомонликдан ҳам юқорироқдир. Худди пайғамбарларнинг валийлиги, сўфийлиги ҳам улуғ бўлгани каби. Айна пайтда, алп энг улуғ бахши-ўзан ҳисобланади. Шундай экан, қадим алплик тизими тасаввурларининг бир ирмоғи бўлмиш шомонлик кейинчалик мустақил тизим сифатида алоҳида тараккий топди. Бугунги кунга келиб алплик тизими тасаввурлари эпосда бадиий кодлар сифатида намоён бўлаётган бўлса, шомонлик тизими тасаввурлари халқнинг онгида, дунёқарашида жонли жараён сифатида яшаб келмоқда.

Қадим анъанавий шомонлик тизимига кўра, ҳар бир шомон ўз ҳомий руҳлари тасарруфидаги жойларгагина бора олган. Шомоннинг қудрати ҳомий руҳларнинг куч-қудрати билан белгиланган (103. – С. 11-12; 54. – С. 62-63). Айна ҳолат алплик тизимининг ҳам етакчи тушунчаси ҳисобланади. Алпнинг ҳомий кучлари ҳар қандай шомоннинг ҳомийларидан улуғ ва қудратли бўлади, деб англанган, шундай талқин этилган.

Алплик, шомонликда воқе бўлувчи “танланган”лар ҳақидаги тасаввурлар яна бир хос инсонлар – тасаввуф аҳли, сўфийлар ҳаётида ҳам кузатилади. Кўпчилик сўфийлар, хусусан, маълум бир тариқатга асос солган азиз-авлиёлар таржимаи ҳолига назар солсак, уларнинг ҳаёт йўлида худди алплик тизими билан айнан уйғун келувчи ҳодисалар рўй бериши маълум бўлади. Яъни:

1. Сўфийнинг туғилиши ҳақида замона улуғларидан бирининг хабар бериши. Хўжа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи нақлларда айна мотив мавжуд.

2. Бўлажак сўфийнинг болалик чоғидаги ғайритабиий далиликлари (дардман бўлиши). Биргина Ҳазрат Башир ҳаёти бунинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин ва бошқа сўфийлар ҳаётида ҳам худди шу хил воқеалар учрайди.

3. Сўфийнинг дардмандлик даврида ҳомий эранлар томонидан тарбия қилиниши (“ўлиб тирилиш” мотиви).

Худди алпнинг эранлар маконида руҳнинг тобланиши, яъни “ўлдириб, қайта тирилтирилиши” каби сўфий ҳаётидаги бу ўта муҳим жараён, уларнинг “ўлмай туриб ўлиш” ёки “асл ҳаётга қайтиш” ғоясида акс мужассам топган. Идрис Шоҳ ушбу таълимотнинг асл моҳиятини сақловчилар сўфийлар ҳаётида “ўлим” жараёнидан ўтишнинг уч асосий босқичи мавжуд

эканлиги ва бунда номзод ўзига хос Оқ ўлим, Яшил ўлим, Қора ўлимнинг руҳий кечинмаларини бошидан кечиришини ёзади (93. – С. 413-414.).

Алплик ва шомонликдаги уч босқичли “ўлим” жараёнининг мавжудлиги ва уларнинг уч олами (кўк, ер, ерости) билан боғлиқ англанилишни биз юқорида кўрдик.

Ушбу уйғунликлар халқ идеалидаги мукамал инсон, халоскор қахрамон – алп ва сўфий бир умумий тизимга алоқадор талқин этилганлигини билдирмоқда. Халқ қахрамонлари – Гўрўғли ва Алпомишларнинг бош ҳомийси Хизр эканлиги маълум. Айни пайтда, Хизр барча сўфийларнинг пиру комили ҳисобланади. Ушбу талқин ва умумийликлар биринчи навбатда халқнинг мукамал инсон билан боғлиқ умумтасаввурларига асосланади. Чунки алп жисмонан бакуват бўлиш баробарида рухан камолотга эришуви шарт. Худди шунингдек, руҳий баркамоллик ҳам жисмоний чиниқишни талаб этади.

Иккинчидан, алп образига реал асос бўлган барча тарихий шахслар ўз имконидаги жисмоний чиниқиш дастурини уйғотиш баробарида руҳий жиҳатдан ҳам юксак мақомга кўтарилганлар. Сўфийлар эса руҳий тарбия билан жисмоний қувватларини баробар ривожлантирганлар.

Тадқиқотимизнингнинг ушбу бобида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин:

– дostonдаги “алплик касали”, “алпнинг қайта яратилиши” ва “алпнинг тан олиниши” билан боғлиқ сюжет халқлари, эпос сюжетининг илк қатламига тааллуқли бўлиб, бевосита анимистик дунёқарашлар асосида шаклланган ҳамда алплик тизимининг таянч бўғинларидан ҳисобланади;

– дoston сюжети ва талқинида алплик тизимининг мавжудлиги унинг қахрамонлик эпосига мансублигини аниқлашда таянч мезонлардан ҳисобланади;

– “Гўрўғли” туркумига кирувчи Гўрўғлининг туғилиши, болалиги ва ор олиши ва ғойиб бўлишини ҳикоя қилувчи намуналарни қахрамонлик дostonи сифатида олиш ушбу асосга ҳам таянади.

## II БОБ

### Эпик ҳомий образи генезиси ва талқини

Эпосда қаҳрамонни ҳар қандай шароитда, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ёрдам берувчи ғайритабиий қудратга эга куч – эпик ҳомий ҳисобланади. Гўрўғлининг ҳомийси ким? Саволга бевосита дostonнинг ўзидан жавоб ахтарайлик. «Гўрўғли»нинг барча дostonларида қаҳрамон тилидан айтилувчи қуйидаги мурожаатларга тез-тез дуч келамиз:

“... Ғойиб эран пирим, қўлланг қирк чилтон” (9. – Б. 31.).

ёки Гўрўғли Ҳасанхонга мурожаат қилиб айтади:

“... Менинг пирим Ҳасан, ғойиб эранлар,

Йиқилган, сурунган кишига раҳбар” (9. – Б. 43).

Дostonнинг туркман версиясида ҳомийлар ҳақида гапирилганда, «эранлар», аниқ айтилганда эса Хизр, Чилтон, Қамбар, баъзи ўринларда Ҳазрати Али эсланади. Бу ўринда дастлаб «ғойиб эран» ёки «эран» атамасининг маъносига аниқлик киритиш лозим.

Этнограф М.С.Андреев “Ғойиб эран” бирикмасини “эран” ва “ёрон” сўзлари ўртасидаги фонетик уйғунликка таяниб, бу атама «шак-шубҳасиз форсча – “ғайб яран” бирикмаси асосида пайдо бўлган», деб узил-кесил хулоса чиқаради (45. –Б. 340).

“Ғойиб эран” ёки “эран” атамаси асосан туркий халқлар ўртасида кенг қўлланилиши бу этимологияга шубҳа билан қарашимизга сабаб бўлди. Хусусан, эроний тиллар таъсиридан узоқ бўлган тува ва ёкут тилларида ҳам бу сўз фаолдир. Жумладан, туваликлар жамийки руҳларга “эран” дейишади (103. – С. 23). “Эр”нинг “муқаддас илоҳ” маъноси бошқа туркий халқлар ўртасида ҳам кенг қўлланилиши ҳақида Мирали Сейидов ҳам ёзган (155. – Б. 107). “Эр”, “эран” атамаси “Гўрўғли” дostonларида ҳам умумлашма “Муқаддас рух” маъносида англонади. Масалан, дostonнинг туркман версиясида Гўрўғли ҳақида гап кетар экан, “Эр нафси билан дўраган ўғлон” дейилади. Ўзбек “Гўрўғли” дostonларида эр асосан, Хизрга эпитет сифатида келади. Хизр ва бошқа ҳомий руҳлар умумлаштириб айтилса, “эран”, “ғойиб эран” атамалари ишлатилади. Демак, “эран” сўзи соф туркий асосли бўлиб, “ҳомий рух” маъносига эга.



“Гўрўгли” дostonларида қахрамонни доимо кўллаб турувчи, у билан хамиша ҳамқадам юрувчи “эран” – Хизр. Эпик воқеликдаги Хизр қандай образ? У қандай қудратга эга ва эпик борликнинг қайси қатламларида ўз ҳукмини ўтказа олади?

Хизр образи ҳақида тўлиқ тасаввурни тиклаш Гўрўгли образи асосларини ёритишда таянч манбаларидан бири бўлиб хизмаг қилади. Чунки алпнинг кимлиги, қандай куч-қудратга эгаллиги ҳомий билан чамбарчас боғлиқлигини юқорида кўриб чиқдик. Дастлаб Хизр ҳақидаги дostonда бевосита акс этган тасаввурларни ўрганиб чиқайлик. Дostonда Хизр ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жойда қахрамонга ёрдам берувчи оқ соқолли, кизил юзли, оппоқ кийимлик чол сиймосида тасвирланади. Қахрамондан ёнида Хизр турса бошқалар кўрмаслиги мумкин. Баъзан Хизр бажарган ишларни ҳам қахрамон амалга оширди, деб ўйлашади. Ҳатто Хизрнинг кўпчилиқ хатти-ҳаракатлари қахрамонга ҳам сирли. Хизр чилтонларга ва бошқа ҳомий руҳларга раҳбарлик қилади. Уларни қахрамонга ёрдам беришга буюриб, бошқариб туради. Дostonда Хизр бевосита иштирок этган тасвирлардан ташқари, халқ ўртасида Хизр билан боғлиқ анъанавий тасаввурлар ҳам қахрамон тилидан баён этилган ўринлар мавжуд, бу фактлар ҳам Хизр образини тўлақонли тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

1. Қахрамон узоқ сафарга отланар экан, дастлаб чўлга (даштга) чиқади. Бу чўл асосан “Хизр чўли”, “Эр Хизр дашти” деб номланади. Масалан:

*“Икки от дарёдай тошиб боради,  
Эр Хизр чўлига тушиб боради”. (10. – Б. 288).*

ёки:

*“Тушиди Аваз йўлига,  
Сўна юзар қўлига  
Обрў бер, деб чу, деду  
Эр Хизрни чўлига” (10. – Б. 385).*

яна:

*“Обрў бер, деб қистайди,  
Эр Хизрни дашида” (10. – Б. 385)*

Одатда, “Гўрўгли” дostonларидаги эпик макон энлама (горизонтал) модели – куйидаги кўринишда тасвирлашади: қахрамон яшовчи жой – Така Ёвмит элининг бир тарафида Болли кўли, бир ёнида Асқар тоғи жой олган. Уч кунлик йўлдан кейин эса Эр Хизр дашти бошланади. Дашт ту-

габ, Бало тоғи келади. Бу тоғни дев кўриқлаб ётади. Бало тоғидан кейин яна чўл ва ундан ортида Кўйи (Кўхи) Қоф ва боғи Ирам ўрнашган. Кўх тоғида девлар Боғи Ирамда эса парилар яшайди.

Эпик тасаввурга кўра, Хизрнинг макони Асқар тоғининг ўртасида – ер киндигида деб ҳисобланади. Айни пайтда, Бало тоғ ва Асқар тоғ ўртасидаги чўл ҳам Хизрнинг мулки ҳисобланади.

2. Достонларда учровчи иккинчи бир Хизр ҳақидаги тасаввур билан боғлиқ анъанавий мисрада шундай қуйланади:

*“Балли кўнглим қайнаб тошар,  
Хизр кўрган узоқ яшар” (10. – Б. 308).*

Хизр кўрган одамнинг узоқ яшаши ҳақидаги тасаввур бевосита Гўрўғлининг ҳаёти мисолида тасдиқланади ва Хизрнинг тириклик сувини топиб умрбоқий бўлганлиги билан боғлиқ ишончлар асосида изоҳланади.

Хизр образи ҳақидаги эл ўртасида юрувчи инонч, турли нақл ва афсоналар достондаги тасаввурларни тўлдиради. Халқ тасаввурлар оламида Хизр оқ соқолли, оқ кийимли чол сифатида намоён бўлиши билан бирга, ўзга киёфаларда ҳам кишиларга дуч келиши мумкин. Турк машойхларининг «Ҳар ким кўрсанг, Хизр бил, ҳар тун кўрсанг, кадр бил», деб айтишлари замирида ҳам айни тасаввур турибди (бошқа мажозий маънолар қаторида). Одатда, ҳар бир одам умри давомида уч бор Хизр билан дуч келади, деб айтилади. Лекин аксарият ҳолларда одамлар Хизр билан учрашганларини билмайди. Анъанавий тасаввурга кўра, Хизрни бошқалардан бир белгиси орқали фарқлаш мумкин экан. Яъни Хизрнинг бош бармоғи суяксиз бўлар эмиш. Шу сабабли ҳар бир одам бирор киши билан кўришганда, шубҳаланса, сездирмай, у кишининг бош бармоғини ушлаб кўриши керак эмиш. Мабодо бу бармоқ суяксиз бўлса, ундан ўз тилаklarини сўраса, Хизр бу тилаklarни амалга оширад эмиш. Одатда, Хизр ҳар қандай одамнинг учтагача тилагини бажо келтирад экан. Хизрдан асосан умр, фарзанд, давлат, мартаба сўраш мотиви кўп учрайди ёки Хизрнинг ўзи дуч келган кишисидан иккита бир-бирига карама-қарши мақсаднинг бирини танлашни сўрайди. Сўралувчи ниманики танласа, ўша бажо бўлади. Масалан, эл орасида Жуманбулбулнинг етти ёшлик вақти уйдан адашиб, якка тут тагида ухлаб қолган вақти Хизр ундан «Манглайингга берайми, танглайингга?» – деб сўраган дейишади. Бола очирқаниб турганидан танглайингга, деган. Оғзингни оч, деган Хизр бобо. Жуман оғзини очган. Хизр бобо, ол, танглайингга бўлсин, “туф”, деб оғзига туфлаган. Жуман оғзи кўпириб мастдек, қўшиқ айтиб

уйгонган, шу-шу баҳши бўлган (265). Бахшилар билан боғлиқ кўпгина нақл ва афсоналарда уларнинг худди Жуманбулбул каби тушида Хизрни кўриб баҳши бўлганлигини кўриш мумкин. Демак, Хизр кишига баҳши-шоирлик кудратини ҳам бера олади, деб англаган (Хизрнинг баҳши ва шомонларга ҳам ҳомийлик қилиши илдизлари ҳам бевосита алпик ва шомонлик тизимига боғлиқ).

Хизр учраган одамни эл орасида “Хизр кўрган”, “Хизр дориган” дейишади. Хизр учраган одам билмасдан Хизрни хафа қилса, айтганларини бажармаса, бахтсизликка йўликади. Хизр йўлидан адашган йўлчини йўлга солади. Ер тагида, ер юзида яширин, ошқора бойлик ва хазиналарни сиру асрорларини билади, деб қаралади.

Хизр билан боғлиқ яна бир муҳим ишонч – унинг доимо эл кезиб, туйқусдан пайдо бўлиб, яна йўқолиб қолиши, боқий умр кўришидир. Одамлар орасида комилликка эришган одамларгина Хизрни таниб, у билан доимий кўришиб тура оладилар, деб англанади.

Хоразм воҳасида ва республикамининг баъзи вилоятларида Хизр ок илон образида ҳам намоён бўлади, деган ишонч ҳам борки (157. – С. 114-115), бу ишонч иккинчи “ҳар қандай ўлган илон юлдуз кўрса тирилади” ишончини, бу эса бевосита Ғўрўғлининг (туркман версиясида) Хизрдан “юз йигирма еримдан яралансам, юлдуз кўрсам соғайиб кетай”, деб сўраган тилагини ёдга солади. “Хизр-оқ илон-юлдуз Ғўрўғли” боғлиқлиги ҳақида куйироқда алоҳида тўхталамиз. Бу уйғунлик Хизр (Хидир – Қидир) образининг асослари қадим мифологик тасаввурлар билан ҳам боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Туркий халқлар фольклори ва этнографиясини ўрганган бир қатор олимлар Хизрнинг исломдан аввалги тасаввурлар олаmidан келаётган образ эканини таъкидлашган (157; 154). Хусусан, М.Сейидовнинг “Озарбойжон мифик тафаккурининг асослари” деб номланувчи асарининг каттагина қисми Хизр образига бағишланган. Олим бутун туркий халқлар фольклор материаллари асосида “Хизр” образини ҳар томонлама ўрганиб ўз хулосаларини баён этадики, бу фикрларни четлаган ҳолда Хизр образи ҳақида жўяли гап айтиш қийин. Ўзбек фольклоршунослигида ҳам Хизр образининг табиати, тарихий асослари хусусида бир қатор қимматли мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, М.Саидов, М. Муродов, К.Имомов, М.Жўраев ва Ш.Шомусаровларнинг фикрлари алоҳида диққатга молик.

Фольклоршунос К.Имомов ўзбек афсоналаридаги Хизр образининг бадий талқини ҳақида шундай ёзади: “Хизр – идеал қаҳрамон. Шунинг

учун бўлса керак, афсоналарда у эпик паҳлавон сингари ўлим билмас, зарб ўтмас, ўтда ёнмас хусусиятга эга. Ҳазрати Хизрнинг бу хусусияти диний мўъжиза эмас, балки унинг магик хусусиятидан келиб чиқади. Хизр бордан йўк бўлиб, йўқдан бор бўлади, гоҳ одам, гоҳ жонивор, гоҳ бирор буюм шаклида пайдо бўлиб, у ёки бу қахрамонга кўмак беради, доимо ёмонлик ва қора кучларга қарши чиқиб, яхшилик ва эзгуликнинг ғалаба қилишига кўмак беради” (98. – Б. 9).

Фольклоршунос М.Жўраевнинг Ш.Шомусаров билан ҳамкорликда ёзган “Ўзбек мифологияси ва араб фольклори” деб номланган монографиясида Хизр образига алоҳида бир қисм ажратилган. Эътиборли жиҳати шундаки, тадқиқотчилар Хизр ҳақидаги халқ тасаввурлари, инонч-эътиқодларини унинг эпик асарлардаги бадий талқинлари билан биргаликда олиб тадқиқ этиш баробарида бу образ юзасидан В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, Г.П.Снесарев, А.А.Папанян, Тохир Рашид Хўжа, М.Афзалов, К.Имомов, С.Қасқабасов, А.М.Сағалаев, Н.Иброҳимов каби тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларини жамлаб, уларга тегишли муносабат билдиради. Хусусан, “Хизр билан боғлиқ ўзбек халқ афсоналарида бу мифологик персонаж” (88. – Б. 111)нинг етти пунктда жамланган етакчи хусусиятлари Хизр билан боғлиқ тасаввур ва бадий талқинларни ойдинлашишига хизмат қилади.

Бевосита Хизр образининг туб илдизлари масаласига келсак, тадқиқотчилар қуйидаги хулосаларни беришади: “Бизнинг фикримизча, Хизр образининг юзага келишида қадим замонларда яшаган боболаримизнинг аجدодлар культига сиғиниш билан алоқадор эътиқодий қарашлари муҳим ўрин тутган” (88. – Б. 119). Яна: “... Хизр сув култи билан бевосита алоқадор эзгу хомий саналади” (88. – Б. 109).

Ўзбек фольклоршунослигида баён этилган ушбу фикр ва мулоҳазаларни назарда тутган ҳолда биз ўз ишимизда озарбойжон фольклоршуноси М.Сейидовнинг Хизр образи ҳақидаги қарашларига алоҳида эътибор қаратишни лозим топдик. Чунки М.Сейидов Хизр образининг туб илдизларига бирмунча теранрок кириб борган. М.Сейидов “Қам (шомон) ва ундан-да қадимий дунёқарашлар билан боғлиқ бўлмиш Хизрни биргина номланишидаги уйғунликка асосланиб араб мифологиясига тааллуқли деб билиш илмий адолатсизлик ва ҳақиқатга зид боришдир” (154. – Б.103), деб чиқарган хулосасини Хизр сўзининг этимологик талқини ва умумтуркий тасаввурлар орқали исботлаб беради.

Олим “Хизр” сўзини икки қисмдан “хыз” ва “ыр” (эр) сўзларидан иборат деб кўрсади ва ҳар икки сўзни ҳам умумтуркий асосда, яъни “хыз” – “иссиқлик”, “қизимок”, “қувват”, “ўт” (олов) маънолари, “ыр” эса бир жиҳатдан келаси замон феълининг қўшимчаси бўлса, иккинчи томондан “киши”, “ийгит”, “хурматли”, “муқаддас илоҳ” маъноларига эга мустақил сўзлар деб қарайди (154. – Б.107). Сўнгги фикрга биз тўлиқ қўшилаемиз. Ҳақиқатан ҳам “эр, эран” сўзларининг “илоҳ” муқаддас рух маъноларига эгаллигини ўзбек, туркман, тува, хаказ тили материаллари ҳам тасдиқлайди.

М.Сейидов “хизр” сўзи этимологияси ва у ҳақидаги тасаввурларга таяниб, Хизр образи ҳақида қуйидаги хулосаларни баён этади: “Айтилгани каби “Хизр” туркий сўз бўлиб, ёзни, ёз иссиғи, ҳарорати, ўтини, қувватини, кутини келтирувчи киши, қаҳрамон демакдир” (154. – Б. 109).

Хизрнинг ёз (қўклам)ни олиб келувчи мифик образ сифатида кўрсатувчи инъом озарбойжон маросим қўшиқларидан бирида аниқ сақланиб қолганлигини М.Сейидов ўз китобида келтириб, талкин этган. Қўшиқ қуйидагича бошланади

*Хызыр, Хызыр, хыз кэтир,*

*Вар дэрэдэн од қэтир,*

*Мэн Хызырин нејујэм.*

*Бирчэ белэ дэјыјам... (154. – Б. 110).*

Қиш фаслида бутун табиатнинг уйқуга кетишини вақтинчалик ўлим даври сифатида англаш, қишни ёвуз куч тимсолида қараш, аксинча, ёз (қўклам) келиши билан табиатнинг қайта тирилиши гўё эзгуликнинг тантана қилиши деб тушуниш кўпчилик халқларнинг мифологик тасаввурида мавжуд. Табиатдаги бу икки кутбнинг доимий ўрин алмашинуви, ўзаро мурасиз курашлар орқали кечади деб талкин этиш М.Қошғарий ўз луғатида келтириб ўтган “ёз ва қиш” мунозарасининг ҳам эътиқодий асосини ташкил қилади ва туркий халқларда айни тушунчаларнинг қадимдан келаётганлигини исбот этади (114. – Б. 19).

М.Сейидовнинг “Хызыр”(Хизр) туркий қавмларнинг қадим дунё-қарашида ёз (қўклам) илоҳи, барча ўт-олов манбаи бўлган, деб чиқарган хулосасига таяниб, ўзбек “Тўрўғли” дostonларидаги бош ҳомий Хизр образи билан боғлиқ мотивлар талқинига ёндашадиган бўлсак, ушбу фикрнинг кенг қамровли тасдиғини топамиз.

Бу ҳолат нималарда кўринади?

Юқорирокда қайд килиб ўтилганидек, “Гўрўғли” дostonидаги бутун борликнинг эпик харитасида одамзод яшовчи ер (Така Ёвмит-Чамбил) деб қаралса, унинг атрофидаги Болли кўли, Асқар тоғи ҳамда Бало тоғигача бўлган сувсиз чўл худудлари Хизр ихтиёридаги жойлар сифатида талқин этилган. “Гўрўғли” дostonларда тез-тез учровчи, Хизр ва чилтонлар макони, деб талқин этилувчи Асқар тоғи, Болли кўли ва Эр Хизр дашт(чўли)ининг Хизр образи тасаввурларига боғлиқлик жиҳатлари қаерда? Ушбу масала Асқар тоғи, Болли кўли ва Эр Хизр дашт(чўл)и учлигининг марказида турувчи Асқар тоғи қандай макон эканлигини топиш ойдинлаштиради.

Асқартоғ – эпик тоғ бўлиб, моҳиятан уни грек мифологиясидаги Олимп тоғи билан қиёслаш мумкин. Этимологик жиҳатдан қаралса, “Асқар” сўзи икки қисмдан ташкил топиб, “Ас”(аз) – олов, “қар”(қир) – тоғ маъносидаги сўзлар қўшилиувидан ҳосил бўлган. Асқар тоғи сўз-ма-сўз “Олов тоғ” мазмунини англатади. Аниқроқ айтилса, Асқартоғ – қуёш тоғи, қуёш макони ёки худодлар, ҳомий руҳлар яшовчи тоғ демак. Асқартоғ тасаввурининг нисбатан мукамал тасвирини туркий халқлар фольклор намуналари орасида “Алпомиш” дostonининг қозоқ верси-яси “Алпамыш ботир”да учратамиз. Бу ўринда Асқартоғ қуйидагича тасвирланади:

*“...Бет алдына қараса,  
Асусыз Асқар бел еді,  
Белге шыға келқді.  
Белден арман қараса,  
Жалтырап жатқан кол еді.  
Кол жағалай қараса,  
Суи тынық айнадан,  
Атылып тасып қайнаған  
Жылы булақ дер еді  
Басында бир қара ағаш  
Моласы жоқ, тамы жоқ  
Тоні регі жалақаш.  
Жағалай біткен щеқгелі  
Щеқгеліне қараса  
Қара ағашпен тенеді  
Козіні жасы тегіліп  
Жылап-еніреп егіліп*

*Арасында шенгелді*  
*Ботадай боздап келеді” (4. – Б. 172).*

“Гүрүғли” достонинг Пұлкан шоир вариантыда қахрамон йўқолган тойини Хизр макони “Афсар” тоғидан топади. Аслида Афсар Асқар бўлиши керак (чунки туркумликнинг бошқа достонларида айнан Асқартов тилга олинади). Достонда “алпнинг қайта яраллиши жараёни” айнан Асқар тоғида кечади. Демак, Асқартов айни пайтда ернинг киндиги бўлиб, дунё оғачи ва тириклик булоғи жойлашган жой ҳисобланади, Хизр ва унга ёрдамчи эранларнинг макони саналади. Чори бахши Умиров айтган “Ғойибнома...” достонида ярадор Гүрүғлини Ғирот Асқартоғнинг қирк чилтон ғорига олиб боради. Гүрүғли париларга умри поёнга келганини айтар экан: “Эй севар ёрларим бир куни гўрда туғилган эдим, бугун эса ғорда кетаётиман” (36. – Б. 62), дейди. Бу “ғорнинг олдида катта арча бўлиб, ёнида булоқ суви оқиб турибди”( 36. – Б. 61). Қирк йигит бориб дам оладиган жой: “Асқар товининг белида, икки қоя орасида кун тиймас арчазор бўлиб унда булоқ шаркираб оқиб турарди. Шу ердан Авазхон ва 40 йигит супа кўтариб, дам оладиган жой қилиб қўйган эди (36. – Б. 54). Маълум бўлмоқдаки, Гүрүғли ва унинг йигитларининг ҳаёти Асқартов ундаги чилтон ғори, катта арча, булоқ билан чамбарчас боғлиқ.

“Алпамыс батыр” достонидаги тасвирда тоғ, қўл, жили (илик) сувли булоқ, дарахт (қора оғоч) мавжуд. Лекин бу ўринда ғор унсури унутилмоқда. “Гүрүғли” достонининг барча версия ва вариантлари ўзаро киёслашиб, ҳомийлар макони тикланса, туркий қавмларнинг кўхна Асқартов – ернинг киндиги, ҳомий эранлар макони ҳақидаги тасаввурларига уйғун модель кўз ўнгимизда намоён бўлади (Ишимизнинг дастлабки бобида бу хусусда фикр юритилган). Юкорида келтирилган фактлар асосида Асқартоғнинг “Қуёш тоғи” ёки “Қуёш маъбуди” макони эканлиги маълум бўлади. Чунки қуёш ер юзидаги жами тирикликнинг қувват манбаи ҳисобланади, қуёш ҳароратининг ошиши кўкламни туғдиради, киш уйқусига кетган табиатни қайта уйғотади. Хизрнинг эпосдаги ва халқ тасаввуридаги барча хусусиятларида ушбу тушунчалар мужассам. Бу эса унинг қадимда қуёш маъбуди саналганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Хизр тарихан бугун тирик табиат, яшиллик, эзгулик илоҳи, яратувчи эран – Қуёш тимсолида анланган, эътиқод қилинган. “Гүрүғли” достонларида айнан Хизрнинг қахрамонга ҳомийлик қилиши биринчи галда ана шу фазилятлар ва қудратга таянади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, халқимизнинг исломга қадар бўлган мифологик тизимида Хизрга энг юқори мақомдаги ўт, олов, қуёш билан боғлиқ, ёзни олиб келувчи, бутун табиатни, ҳаётни жонлантирувчи, уларга тириклик берувчи эзгу эран, деб қаралган. Ана шу асосда бу образ аждодлар култи сифатида ҳам талқин қилинган. Ўрта Осиёга ислом динининг кириб келиши ўз навбатида исломий эътиқод, дунёқараш билан бирга ислом ва араб мифологиясининг ҳам бу ерга сингишига сабаб бўлди. Натижада маҳаллий мифологик тизим ҳам исломий дунёқарашга мослашди. Айни ҳолатни қуёш туркум мифлари ва ундаги етакчи образлар мисолида ҳам кузатамиз. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Хизр образини олиш мумкин. Исломий дунёқараш, айниқса, сўфийлик тизимида Хизр алоҳида ўрин эгаллайди. Аниқроқ айтилса, аксарият сўфийларнинг йўл-йўриқ кўрсатувчиси Хизр деб англашилади. Бунинг ёрқин мисолини Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор, Ҳазрати Башир ва бошқа азиз авлиёлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи манокибларда кўришимиз мумкин. Бу азизлар ҳаётида Хизр ҳақ йўлини кўрсатувчи мураббий, шогирдни синовчи устоз, том маънода, сўфийлар ҳомийси сифатида намоён бўлади. “Ҳазрати Башир тарихи”да (199) келтирилган ушбу нақлга эътибор қилайлик. “Нақл қилибдурларким, бир куни Ҳазрати Шайх Бузруквор Ҳазрати Хизр алайҳиссалом билан бирга ўтирган эдилар. Хўжаи Хизр алайҳиссалом айтдилар: “Эй Шайх, муридларингиз зикрини аррага ўргатинг, чораки ҳаммалари семириб юракларининг теварагини ёғ босибдур. Ҳазрати Шайх Бузруквор айтдилар: “Эй Хизр алайҳиссалом, зикри арра қандай бўлур?” Хўжаи Хизр алайҳиссалом айтдиларки, зикри аррани фақат нафасни узок муддат сақлаб, Оллоҳнинг исми зотини фақат дил билан айтмоқдирким. Тамоми аъзо андин баҳраманд бўлур ва дил уйғонур ва Оллоҳнинг зикрини айтишга ўзи ҳаракатда бўлур ва тилнинг айтишига муҳтож бўлмас...” (199. – Б. 63). Бу хил дунёқараш кенг халқ оммаси ўртасига ёйилган. Ўз навбатида бахшилар ҳам Хизр ҳақида куйлар эканлар, ушбу дунёқарашдан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза юритишган. Бу ҳолат эса бугунги кунда биз тадқиқ этаётган достонлардаги Хизр образи кўп жиҳат исломий тасаввурдаги Хизрга яқин туришини билдиради. Достон куйлаётган бахши, унинг тинглаётган омма учун ана шу тасаввур устувор эканлигини унутмаслик керак. Айни пайтда достондаги эпик ҳомий образи моҳияти, мазмуни ва талқинларида қадим мифологик асос сақланган. Бу биринчи галда Хизр



маконининг Аскартовда деб англианишида. Достондаги эпик жойлардан Болли кўли ва Хизр чўл (дашти)и ҳам ушбу яхлит тизимнинг ажралмас ҳалқалари ҳисобланади. Туб асосда Болли (асалли) кўл Аскартовдаги сирли булок, “Алпамис ботир”даги “жили булоқли кўл”, Олтой фольклоридидаги “сут кўли”, озарбойжон “Кўрўғли”сидаги “Кўшабулоқ”лар билан ягона асосга эга жойдир. “Хизр чўл(дашти)и эса ҳомий эранлар макони-ни бошқа оламлардан ажрагиб турувчи чегара ҳудуд ҳисобланади. Бу ҳудуддан эранлар ҳимоятидаги одамгина бехатар Аскартов ва Болли кўлга бора олган. Гўрўғли ва қирқ йигитнинг Аскартовда дам олиб, паноҳ топишлари, Болли кўлда ов қилишлари бежиз эмас, бу уларнинг ҳомий эранларга тегишли шахслар эканлиги билан изоҳланади.

“Гўрўғли” достонидида қаҳрамоннинг ҳомийси ёлғиз Хизр эмас. Достон воқеаларидан маълум бўладики, Хизр билан бир қаторда қаҳрамонга қирқ чилтонлар ҳам ҳомийлик қилишади. Қуйидаги мисоллар ҳам бу ҳолатни исбот этади:

*“... Душманни қўймадинг йўғи-борига,  
Қулоқ ҳам солмадинг оҳу зорига,  
Етиб олдинг қирқ чилтоннинг гориға,  
Шароби антаҳур ичган бедовсан” (9. – Б. 53).*

Ёки:

*“Ғойиб эран пирим, қўлланг қирқ чилтон” (9. – Б. 31).*

Яна достонда айтилган фотиҳада: “Бор болам, Худо ёринг бўлсин, ғойиб эран, қирқ чилтон мадақкоринг бўлсин. Ғиротни мин...” дейилади.

Нега қўш ҳомийлик? Бу ҳолатни нима деб изоҳлаш мумкин?

Қўйилган саволга жавоб беришдан аввал чилтонларнинг қандай образ эканлигини аниқлаб олиш керак бўлади.

Чилтон – қирқ чилтон туркий халқлар фольклори ва маиший ҳаётда кенг тарқалган мифик образдир.

Ўрта Осиё халқлари ўртасида «чилтонлар» ҳақидаги XX аср бошларигача бўлган тасаввур ва бошқа ёзма маълумотлар М.С.Андреевнинг “Чильтани (چيلتن) в Средне-Азиатских верованиях” (45. – С.334–348) мақоласида агрофлича ўз аксини топган. М.С.Андреев мақоласида келтирилган маълумотлар “чилтон”лар ҳақидаги икки хил, маълум даражада бир-бирига қарама-қарши тасаввурлар борлигини кўрсатади.

Биз шартли равишда биринчи гуруҳ деб ажратаётган тасаввур халқ орасида нисбатан кенг тарқалган бўлиб, уларни қуйидагича умумлаштириш мумкин.

Аввало, чилтонлар қирқ кишидан иборат бўлишлари шарт, деб қаралади. Улар рухий камолотга етишган, энг инсофли, адолатли кишилардан танланади. Беқиёс билимга (Оллоҳ томонидан берилган), ғайритабиий кудратга, фидойиликка эга бу кишилар кўпинча ўта оддий, фақирона ҳаёт кечирадилар. Баъзилар уларни тунда бир жойга йиғилишади, дейишади. Бошқалар эса улар ҳар доим бирга бўлишади, мабодо, орадан бир киши кетса ёки вафот этса янги муносиб номзод танланади, деб айтишади. Ҳагто эл орасида чилтонлар ўз сафларини тўлдириш мақсадида ёш гўдакларни ўғирлайди, деган тасаввур ҳам мавжуд.

Чилтонларнинг вазифаси одамларни ёвуз руҳлардан ҳимоялаш, лозим топилса, даволаш, тарбият этиш, деб тушунилган. Дикқатни тортадиган энг муҳим ишончлардан яна бири – уларни дунёни бошқариб турувчи кучлар сафида талқин этилишидир. Баъзилар дунёни бошқариш чилтонлардан бирининг вазифаси бўлиб, қолганлари эса унга ёрдам беради, дунёни бошқарувчи чилтон “ернинг киндиги”да туради, деб айтишган. Айни тасаввур “Гўрўғли” дostonларидаги Хизр ва чилтонларнинг макони Аскартов тасаввурига мос келади. Шу билан бирликда халқ (45. – С.340) орасида чилтонларни Хизрнинг ёрдамчиси деб ҳам талқин этилади. Бу эса “Гўрўғли” дostonидаги Хизр ва чилтонлар муносабатини очишда кўшимча таянч манбаларидан биридир. Чунки дostonда ҳам чилтонлар Хизрнинг ёрдамчиларидек иш юритишади. Айни пайтда Хизр уларнинг сафида юради ва макони “ернинг киндиги” ҳисобланиб, Аскар тоғ тепасида, деб қаралади.

Чилтонларнинг яшаши ва йиғилиб турадиган жойи ҳақидаги маълумотлар ҳам бир хил эмас. М.С.Андреев мақоласи (45) асосида улар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам яшашлари мумкин эканлиги, йиғилиш жойлари шаҳар четларида, мозорларда бўлиши мумкинлигини ўқиш мумкин. Олим, чилтонлар тоғларда, ғорларда яшайдилар, деган фактни ҳам келтирган. Бу факт юкоридаги “Хизр макони” тасаввурлар тизимида уланади.

М.С.Андреев мақоласида келтирилган чилтонлар ҳақидаги иккинчи бир тасаввур фақат Тошкент шаҳридагина қайд этилди, деб кўрсатилади ва бу аёллар томонидан уюштирилувчи ғайритабиий чилтон базм маросими экан (45. – С.342). Олим бу фактни келтирса-да, уни илмий изоҳлаган эмас.

М.С.Андреев чилтонларнинг пайдо бўлиш асоси ҳақида тўхталар экан, Ҳиндикуш водийсидан ёзиб олинган ва чилтонларга нисбатан бе-

рилувчи кирк ака-ука ҳақидаги афсонани келтириш билангина чекланади (45. – С. 344-345). Чамаси, афсона чилтонларга нисбатан берилса-да, улар билан боғлиқ тасаввурлар силсиласини тўлиқ қамраб ололмаслиги олимнинг бирор-бир хулосага келишига имкон бермаган бўлса керак.

С.П.Толстов “Древний Хорезм” китобининг “Путь корибантов” бўлимидаги “Кави и карапаны” қисмида М.С.Андреевнинг юқорида келтирган мақоладаги чилтонлар билан боғлиқ факт ва маълумотларга тўхталар экан, чилтонларни инсоният тарихида бўлган ва бир қатор ибтидоий шарт-шароитда яшаётган қабилалар ҳаётида ҳалигача амалиётда қўлланилаётган “яширин иттифоклар” (“тайных союзов”)нинг Ўрта Осиёдаги акс-садоси сифатида талқин этади (166. – С. 311-314). Назаримизда, чилтон образи билан боғлиқ серқатлам тасаввурлар тизимининг маълум ҳалқаларида С.П.Толстов қайд этган “яширин иттифок” излари акс этган бўлиши мумкин. Лекин бу образларни тўла равишда ушбу асосга боғлаш бир ёқламаликни туғдиради.

Халқ ўртасида чилтонлар ҳақида биз тўплаган маълумотлар, асосан, М.С.Андреев маълумотларига ҳамоҳанг бўлиши билан бирга, уларни янада тўлдиради. Асосий нукталарга аниқликлар киритади. Қуйида ана шу кўшимча жиҳатлар хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Дастлаб дostonдаги тасаввурга тўғри келмайдиган ишонч билан танишиб чиқайлик. М.С.Андреев мақолада фақат “чилтон базм” тавсифи билан чекланган ишончни биз ёзиб олган ушбу фактлар янада ойдинлаштиради: Тошкент, Жиззах ва Хўжакентда яшовчи аҳоли ўртасида асосий тасаввур билан ёнма-ён учровчи ишончга кўра чилтонлар ўта озғин, кичик, кўзга ҳар доим ҳам кўринавермайдиган рухлардир. Хусусан, Тошкентда озғин одамларга нисбатан “Худди чилтондай бўлиб қолибди” дейилса (260), яширинча ими-жимиди иш битирувчиларга нисбатан чилтондай билдирмай ишини битиради (261), дейишади. Чилтонларни асосан қабристонларда, овлоқ жойларда, вақт ярим тундан ошганда қўлларида шам тутган ҳолатда, сурнай чалиб, бирор-бир авлиё ёки шаҳид қабри атрофида ҳалқа ясашиб базм қилаётганларида учратиш мумкин эмиш. Чилтонлар бир жойдан иккинчи жойга кўчганда ҳам саф бўлиб, қўлларида шам, “ғий-ғу” деган овоз чиқариб ўтишар экан. Бу кўчиш асосан ярим тунда бўлар экан. Юқорида келтирилган тасаввурлар тизими республикамизнинг бошқа вилоятларида асосан жинларга нисбатан берилиши билан характерли (Хусусан, жин лашкари, жинларнинг кўчиши, жинларнинг кўзга кўринмай иш қилишлари). Демак, бу ўринда

диффузион ҳолат кўзга ташланмоқда. Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани ва Навоий вилоятининг Нурота туманлари худудида яшовчи Оқсоқ, Қорасоқ уруғ бирлашмасига кирувчи аҳоли орасида қўлланилувчи “чилтин” (озгин, кичкина, айни пайтда, маҳмадона одамга нисбатан ай-тилувчи) от ва шу сўз асосида асоссиз маҳмадоналик қилувчи (кўпроқ, қўлидан келмайдиган ишни бажараман, деб лоф урувчига) нисбатан ай-тилувчи “чилтинглама” феъли ҳам айни тасаввурларни ифодаловчи “чилтон” образига боғлиқ бўлиши ҳақиқатга яқинроқ.

Чилтонлар ҳақидаги иккинчи (шартли) етакчи тасаввур, уларнинг қирқ кишидан иборат ғойиб эранлар, деб талқин этувчи ишончдир. Бу тасаввурлар тизимида чилтонларнинг асосий йиғилиб, суҳбат курувчи жойи тоғдаги ғорлардир. Умуман тоғ, ғор туркий халқлар фольклорида, тасаввурида боболар руҳининг макони, муқаддас жой: Тангрининг уйи сифатида қаралади. Биз ёзиб олган қатор нақл ва афсоналар чилтонларни тоғ ва ғор билан боғлиқ қадим туркий ишонч-эътиқодлар силсиласида олиб текшириш лозимлигини кўрсатмоқда. М.С.Андреевинг бу масалага эътибор қаратмагани, олимни чилтон образининг қадим асосларини ёри-тишдан кўра, мавжуд маълумотларни ўқувчига етказиш мақсади етакчи ўринда турганлиги бўлса керак.

Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида кенг тарқалган нақллардан бирида шундай ҳикоя қилинади: «Мулла Очил деган киши узок вақт узлатга чекиниб, Лангар масжидида яшаб юради. Бу масжид тоғ орасида бўлиб яқин-атрофида одам яшамаган. Қўнларнинг бирида бир одам келиб мулла Очилни тоғ сайлига таклиф қилади. Улар узок юриб бир ерга борганларида бояги одам бир катта тошни суриб, бир ғорга мулла Очилни олиб киради. Киришса, ғор тўла ҳусайни узум осиб қўйилган эмиш. Бояги одам, бу узумлар ейилмайди, деб айтибди. Мулла Очил шеригининг кўзини шамғалат қилиб икки дона узумни белбоғига кистириб қўйибди. Ғорнинг тепа томонидан “гуп-гуп”, деган одамларнинг овози келармиш. У ерга чилтонлар йиғилган экан. Бу чилтонларнинг ғори экан. Юқорига юришга мулла Очилнинг юраги дов бермай, қайтайлик, дебди. Шериги рози бўлибди. Улар хайрлашибди. Ажрали-шаётганларида мулла Очил энди қачон, қаерда кўришамиз деса, бояги киши фалон вақт шу ерда кўришамиз дебди. Бояги одам кетиб, мулла Очил узумни очиб қараса, лой бўлиб қолган эмиш. Мулла Очил ваъдалашган вақт келганда, у одам билан учрашай, деб йўлга чиқади, лекин бир яқин ошнаси сабаб у жойга вақтида бора олмабди. Кечикиб келса,

у одам йўк эмиш. У кун ғорга кирган тошни ҳам излаб топа олмабди. Мулла Очил изига қайтиб, Лангарнинг масжидида яшай бошлабди. Шунда кечаси у одам келибди. Мулла Очил чиқиб кўришса, кўли тикандай кўлига ботиб ажралмай қолибди. Мулла Очил бундай қараса, одам эмас, бир қора нарса турганмиш. У муллани ҳовлининг ўртасигача судраб бориб, кўйиб юборибди. Мулла эртасига ўзига келиб, шу-шу касал бўлиб қолибди. Орадан кўп ўтмай вафот этибди (265)». Келтирилган нақлдаги бир қатор мотивлар анъанавий характерга эга бўлиб, чилтонлар ҳақидаги бошқа нақл ва ҳикояларда ҳам тез-тез учрайди. Бу мотивларни куйидаги кўринишда яхлитлаштириш мумкин:

- чилтонларнинг тоғдаги ғорларда йиғилиши;
- йўл бошловчи кишининг, аввало, эзгу ниятли бўлиши ва шарт бузилган ҳолдагина жазоловчига айланиши;
- чилтонларнинг ғорида турли ноз-неъматлар, бойликларнинг бўлиши (“Мулла Очил” нақлида фақат узум);
- бу ноз-неъматларни сўроқсиз олинган вақти тупроққа, аксинча чилтонлар тортиқ қилган тупроқ, тош, лойнинг кейинчалик олтинга, жавҳарларга айланиб қолиши;
- чилтонлар ғорига тасодифан бориб қолган кишининг ўзини тутишига (февли-хўйига) кўра мукофотланиши ёки жазоланиши (аксарият ҳолатларда жазо ўлим бўлади).

Бевосита тоғ, сеҳрли ғор ва билвосита чилтонлар билан боғлиқ ишончлар Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Гулбулоқ ота ғори билан боғлиқ нақлларда (267) янада аниқроқ ифодаланган: “Гулбулоқ ота катта ғор, тоши олдидаги худди айвондек, устида катта туғдона дарахти бор. Ҳовузи қозоннинг оғзича, суви камаймайдиам, тошмайдиам”. Муқаддаслаштирилган жой танланган ўрин тасвирига эътибор беринг: тоғдаги ғор, ғор устида якка дарахт. Ғор олдида «сирли» булоқ. Бу жой беихтиёр “Тўрўғли”нинг эпик ҳомийси Хизр макони – Аскартов тасвирини ёдга солади. Бизнингча, халқ ўзининг қадим ер маркази (қиндиги) ҳақидаги тасавурлари ва Гулбулоқ отадаги табиий кўриниш, белгилар ўртасидаги уйғунликка таяниб, бу жойни муқаддаслаштирган бўлиши керак. Нақлнинг давомида айтилишича: “Ғорнинг тўрт-беш метр жойигача одам сиқилиб қиради, кейин (давомига) қира олмайди. Бир одам, қираман, деб қисилиб қолган экан. Бундан юз йил бурун бир қиз шу ғорга кириб чиқар экан. Олма, узум олиб чиқаркан. Ғорнинг ичи боғ, бир дарё оқаяпти, ташқаридаги булоқ, шу дарёнинг сувидан, хуржунларда олтин-

лар тўла осиглиқ турибди,” деб айтар экан. Бу ғорнинг бир учи хазрати Лангар отадан чиқади (ғорга 20 километрча бор дейишади одамлар). Халқ бояги ғорга кириб-чиқиб юрувчи қизни – Бибиқиз дейишар экан. Шу қиз вояга етиб, никоҳ ўқиладиган вақти ўз-ўзидан ёниб, оловга айланиб йўқ бўлиб қолган экан. Бу гап ёлгон эмас. Шу қизни кўрган одамлардан биз эшитганмиз”, дейди нақлни айтувчи (267).

“Тўрўғли” достонидаги мифологик эпик ҳомийлар макони ҳақидаги тасаввурлар моделига уйғун келувчи Гулбулок ота ғорига кириб чиқиб юрувчи Бибиқизнинг никоҳ вақти оловга айланиб йўқ бўлиб қолиш мотиви Бибиқизнинг бу муқаддас ғор эгалари (нақлда аниқ айтилмаган бўлса-да, уларнинг чилтонлар эканлиги аниқ сезилиб турибди)нинг назарида турганлиги эди. Бибиқиз никоҳга бормаслиги, турмуш курмаслиги шарт қилиб кўйилган бўлиши керак. Унинг бу табуни бузиши ёниб кетишига (аниқроғи, ёндирилишига) сабаб бўлган.

Чилтонлар ва уларнинг ғорлари ҳақидаги тасаввурлар силсиласи Олтой турклари – Шўрлардаги тоғ эгалари ҳақидаги нақл ва афсоналарга жуда яқин келиши билан эътиборга молик. 1940 йил Н.П.Дыренкова томонидан чоп этилган «Шорский фольклор» (34) китобида келтирилган тоғ эгалари ҳақидаги ҳикояларни қарар эканмиз, улар ва биздаги чилтонлар ғори ҳақидаги нақл ва афсоналар моҳиятан бир ўзакка бориб боғланаётганини уқамиз. Шўр мифологик тасаввурларига кўра, тоғ эгалари худди чилтонлардек тоғларда яшайди. Фақат улар одамларни йўлдан адаштириб, руҳларни тоғ ичига олиб кириб кетади. Барча бойликлар, ўрмон ҳайвонлари уларнинг ихтиёрида бўлади, деб талқин этилади. Тоғ эгалари ҳақидаги аксарият шўр нақлларининг қаҳрамони асосан овчилардир. Нақлларда айтилишича, овчи тасодифан ёки тоғ эгасининг кутқуси билан тоғ эгалари ғорига қиради ва уларнинг ўрталиқда ароқ пишириб, ўзаро ўйин-қулгу қилаётганининг устидан чиқади (34. – С. 257, №22, 23 нақллар). Бошқа бир №36 нақлда (34. – С. 267-268) тоғ эгаси овчидан эшитган эртақларни ёқтириб қолади ва уни мукофотлаш мақсадида ўз маконига таклиф этади. Улар тоғнинг устига чиқиб, тоғ эшигидан бир безатилган ғорга киришади. Ғорда турли қимматбаҳо бойликлар, бебаҳо мўйналар лим-лим бўлади. Ғор ўртасидаги қозонда эса ароқ қайнаб турган эмиш. Тоғ эгаси овчини ароқ билан сийлаб, қимматбаҳо тошлар ва мўйналар тортиқ қилади. 24-нақлда (34. – С. 257) тоғ эгалари орасида аёллар ҳам бўлиб, улар асосан эркаклар руҳини ўғирлаб, ўзларига эр қилиши, эркак тоғ эгалари эса аксинча, аёллар руҳини олиб кетиб, ўз-

ларига хотин қилиш ҳақида ҳикоя қилади. 34-нақлда эса тоғ эгасининг кизига уйланган овчи бебаҳо бойликларга эга бўлганлигидан ҳикоя қилади (34. – С. 265). Тоғ эгаси кизининг ташқи қиёфаси, баъзи хислатлари биздаги Албасти ва Қорабости образларини ёдга солади. Хусусан, 28-нақлда тоғ эгаси қизини овчи яланғоч, икки сийнаси узун ҳолатда кўради. Яна биз учун аҳамиятли, характерли бир жиҳати шундаки, овчилар тоғ эгасининг қизини асосан баҳор кириб келаётган пайт, яъни дарахтлардаги қорлар эриб туша бошлаган вақтда кўрар экан (34. – С.261). Филология фанлари доктори Боқижон Тўхлиев ушбу фактни талқин этар экан, тоғ эгасининг кизи образи баҳор фасли ва баҳор маросимини нишонлаш билан боғлиқ деб ёзади (171. – Б. 42).

Биздаги чилтонларни Олтой туркларидаги тоғ эгалари билан боғлаб турган умумий тасаввурлар нималарда кўринади? Биз ана шу тасаввурларни алоҳида-алоҳида келтириб ўтамиз.

– чилтонлар ҳам тоғ эгалари ҳам кишиларнинг руҳ билан иш тутувчи ҳомийлардир (Бу ўринда ўзбек дostonларида чилтонларнинг қаҳрамонлар руҳларини олиб кетиб ўзаро “боғлаб” никоҳ қилишларини эслаш, кифоя. Масалан, “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”);

– чилтонлар ва тоғ эгаларининг ҳам макони тоғлардаги ғордир;

– чилтонлар ва тоғ эгалари ҳам кишиларга яхшилик қилиш билан бир қаторда ясоқни бузганларни жазолашади;

– чилтонлар маънавий камолотга етган кишиларга ҳамкор бўлса, тоғ эгалари кўп эртақ билувчи овчиларни яхши кўриб, сийлайди;

– тоғ эгасининг кизи ва чилтон – Хизр ҳамда Албасти образлари ўртасидаги тасаввурлар тизимидаги ўзаро алоқа, боғлиқлик ҳам умумий яқинликдан далолат беради (Бу хусусда кейинги бобда тўхталамиз).

Юқорида саналган умумий белгилар, хусусиятлар ва мотивлар чилтон ва тоғ эгаси образларини бир умумий тасаввур иқлимига мансублигини кўрсатади. Халқимизнинг чилтонлар билан боғлиқ тасаввурларининг ўқ илдизи тарихан тоғ эранлари / тоғ эгалари бўлган деб хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Бу ўринда яна бир савол туғилади. Хўш, чилтонлар ўтмишда тоғ эранлари бўлган бўлса (соф туркий тасаввурга кўра), нима учун форсий чилтон атамасини олди? Чилтон атамасини олгунча уларнинг асл номи қандай бўлган? Дикқат қилинса, татарларда, козокларда, кирғизлар ва ўзбекларнинг маълум қисмида чилтонлар қирчилтан, қыршылтан, қирқ чилтон номи билан юритилади. Бугунги кунда кўпчилик чилтон атамасига қўшилувчи “қир”, “қирқ” сўзини

“чил” (форсча “кирк”)нинг таржимаси деб англайди. Айни пайтда, “чилтон” атамасининг бу образни “кирк” эран деб юритилувчи ҳолатларга ҳам дуч келамиз. Жумладан, Болгарияда яшовчи туркларда “кирк эран” образи мавжуд экан. “Ҳурлико ва Ҳамро” достонида ҳам “чилтон”ларни “кирклар” деб аталишини ўқиймиз:

*“...Қирқлар менга шароф берди,  
Ичиб маст бўлишам бейла” (32. – Б. 289).*

Ушбу чилтонларни “кирк”, “кирк эран” деб юритилувчи ҳолат ва юқорида келтириб ўтилган тасаввурлар силсиласи бизни “кирк” сўзи аслида “қир” бўлмаганмикан, деб қарашимизга имкон бермоқда. Чунки “қир” сўзи қадимда “тоғ”ни ифодалаган. Демак, қирк эран қадимда “қир эр” деб юритилганлиги ҳақиқатга яқинроқ туюлади ва чилтонларнинг тарихан тоғ эгалари бўлишганлиги ҳам бу эҳтимолни тасдиқлайди. “Қир эран”нинг талаффузда қирк эранга ўтиши осон. Умуман, магик “қирк” рақами ва унинг атамаси билан муқаддас тоғ “қир” атамаси ўртасида боғлиқлик ҳам ушбу ҳомий руҳлар – тоғ эгаларига асос бўлувчи ягона мифологик тизимдан баҳра олиши ҳақиқатга яқинроқ. Бир сўз билан айтилса, муқаддас “қирк” рақам атамаси “қир” – тоғ сўзи билан шунчалик оҳангдош эмаслиги аниқ.

Қир эр//Қир эраннинг эроний чилтон атамасини олиши эса туркий халқлар билан қадимдан ёнма-ён яшаган эроний халқлар мифологиясидаги чилтон образи ва қирк эран образларининг бирикуви оқибатида рўй берган. Бизнингча, чилтонларни озғин, жинлар сифатида тасаввур қилувчи инонч тоғ эгалари ҳақидаги тасаввурларга кейинчалик қўшилган ва ибтидода эроний халқлар мифологиясига тааллуқли тасаввур бўлиши керак. Демакки, Қир эр / қирк эран – қирк эр / қирк эран – қирк чилтон / чилтоннинг ўтмишдаги атамасидир.

Қир(к) эранлар / чилтонларнинг Хизр билан биргаликда достонларда келиши ва уларни Хизрнинг ёрдамчилари сифатида англаниши ҳам энг қадимий тасаввурлар таркибида туради. Хусусан, «Гўрўғли» достонидаги бу ҳолат икки ҳомийлик эмас. Аксинча, достон воқелигида чилтонлар Хизрнинг ёрдамчилари сифатида ҳаракат қилишади. Чилтон ҳақидаги халқ тасаввурлари ҳам уларни Хизр ёрдамчилари сифатида талқин этганлигини юқорида кўрдик.

Эранларга тааллуқли қадим туркий тизимга кўра мавқе ва қудрат жиҳатидан қирк эр (чилтон) Хизрдан қуйи поғонада турувчи ғайб кучлари ҳисобланган ва унинг хизматини бажарган.



Хизр ва чилтонларнинг боғлиқлиги ўз навбатида уларни Гўрўғлига алокадорлигини кўрсатувчи яна бир умумий тасаввур борки, бу ҳақда ҳам тўхталиб ўтиш лозим. “Алпомиш” достонида Барчинойнинг туши тасвирланар экан, дастлаб туш кўрувчи киши ҳолати ҳақидаги анъанавий тасаввур модели баён этилади:

*Хазон бўлиб боғда гуллар сўлганда,  
Жон жасаддан бир беқарор бўлганда,  
Зиён ётиб, раҳмат тошар бўлганда,  
Раҳмат дарё айни тошиб келганда,  
Туш кўрибман файзи саҳар бўлганда (5. – Б. 145).*

Анъанавий тасаввурга кўра, одамнинг ухлаши руҳнинг жасадни вақтинча тарк этиб, эранлар ихтиёрига ўтиши, деб талкин этилган. Шу сабабли ҳам уйкуга кираётган одам:

*Ётдим, ё Олло,  
Турдим, иншоолло,  
Шу ётувим билан  
Туролмасам,  
Имонимни бергин,  
Бир обло.  
Ётдим тинч,  
Ёстигим кирпич,  
Тилаганим имон,  
Диним ислом.  
Қуралай шохли илонга,  
Бизнинг салом.  
Ибир, Худойим,  
Ибир, Худойим.  
Капилимни пок қил,  
Қоронғу йўлимни ёқти қил.  
Имонимни саломат қил.  
Куф, суф. Куф, суф. Куф, суф (263.), –*

деб айтилувчи айтимни ўқиб ётиш керак деб уқтирилган (бу айтимнинг вариантлари кўп. Биз нисбатан мукамал намунани олдик). Одатда, уйкуни ўлим билан тенг англаб, вақтинча танани тарк этувчи руҳи равон тун эгаси ва у дунё кўриқчиси, Қуралай шохли илонга топширилган. Бу айтимдаги илон одам вафот этиб, гўрга қўйилгач, келувчи илон билан бир бўлиши керак. Бу тасаввурлар тизимида илоннинг нима ёки

ким эканлигини ва унинг чилтонлар билан алоқасини Барчин кўрган туш воситасида аниқлаш мумкин. Маълумки, тушда кўрилган ҳар бир нарса анъанавий рамзий маънога эга. Барчин кўрган тушда чилтонлар билан боғлиқ ўрин қуйидагича ифодаланган:

*“...Бул тушни кўргандир мендай қаламқош,  
Кўрққанимдан кўтардим уйқудан бош,  
Келаётир маст туяман айдаҳорлар аралаш  
Ёмон демай, яхши жўранг, канизлар...”* (5. – Б. 146)

Бу ўрин тушнинг таъбир қисмида қуйидагича йўйилган:

*“... Чўлда кўрган бўлсанг қирқта айдаҳор,  
Қирқ айдаҳор қирқ чилтан пирлар бор”* (5. – Б. 147)

Демак, аждаҳор – чилтон тимсолида келмоқда. Лекин дostonдаги туш таъбиридан нима сабаблидир “келаётир маст туялар аждаҳорлар аралаш” мисранинг таъбири тушиб қолган (балки бахши унутган). Мисрани луғавий маънода англайдиган бўлсак, маст туя билан айдаҳо (аждаҳо) лар аралаш келаётганлиги ҳақида гап кетмоқда. Айни тасвир сўзсиз рамзий маънога эга, лекин бу ўринда туя образининг рамзий маъноси бизга сирли бўлиб турибди. Бевосита изланишларимиз натижасида бу рамзий тасаввур изоҳини М.С.Андреевнинг чилтонларга бағишланган мақоласидаги ушбу тасаввурлардан топдик. Яъни олим ёзади: “Менга Тошкентда чилтонларнинг бутун ер юзини саккиз кун давомида айланиб, тўққизинчи кун и ўз қутблари олдида ҳисобот беришга келишларини айтишди. Айни пайтда, уларга қарама-қарши инсонларга зиён етказувчи бир туя ҳам айланар экан. Чилтонларнинг саъй-ҳаракати билан бу зиён даф бўлар эмиш. Бу нақлни айтган киши у туянинг нима мақсадда бундай қилиши ва асли нима эканлигини изоҳлай олмади” (45. – С. 340).

М.С.Андереев келтирган нақлдаги туя ва чилтонлар бир-бирига қарама-қарши тўққиз кун давомида ер юзини айланиб чиқувчи ва эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги мутаносибликни сакловчи кучлар сифатида талкин этилмоқда. Айни тасвир “Алпомиш” дostonидаги маст туя ва аждаҳонинг аралаш келишига ҳамоҳангдир.

Халқ ўртасида тушда кўрилган туя-арвоҳ, руҳ, ажал, азизлардан деб таъбирланади (182). Ушбу асосларга таянган ҳолда Барчиннинг туши ва юкорида келтирилган нақлдаги туя образи чилтонларга қарама-қарши юрувчи ёвуз руҳ, ёвузлик эрани, деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Барчин тушидаги “Келаётир маст туяман айдаҳорлар аралаш” мисрасини эса “эзгу руҳлар – чилтонлар, ёвуз руҳлар билан курашиб келаётир” деб

талкин этилса, достоннинг умумий мазмунига ҳам мос келади. Уйкуга кетаётган одамнинг ўз руҳини Куралай шохли илонга топшириши, тана ухлаган вақтида ёвуз туя руҳни олиб кетиб қолмаслик учун уни вақтинча эзгу эранларга беришдир. Чилтонлар эса ўз навбатида, бу руҳни Хизрнинг ихтиёрида саклаб яна ўз танасига қайтишига ёрдам беришади, деб ишонишдир.

Хизрни оқ илон, чилтонларни аждар тимсолида (халк эртақ, афсоналарида илонлар шоҳи бир қарич оқ илон деб тасвирланади, қанчадан-қанча аждаҳолар, улкан илонлар унинг ҳукмида бўлишади) тасаввур қилиш, айни пайтда, тушда кўрилган илонни бойлик, хазина деб таъбирлаш, умуман, илон, аждар ер ости бойликларини, хазиналарни кўриқлаб туради, деб талкин этиш бир умумий ишончлар тизими, яъни юқорида кўриб чиқилгандек, хазиналарни бойликларни чилтон ва Хизр кўриқлаб туради ва лозим топган кишига беради, деб ишонишнинг маҳсулидир. Хизр – оқ илон, чилтон – аждар формуласи. Яъни Хизр ва чилтон ҳамда уларнинг тимсоли бўлмиш илон ва аждар бирлиги, бизни яна бир бор Гўрўғли ва илон ҳақидаги тасаввурларни хотирлашга мажбур этади. Ишимизнинг аввалида қайд этилганидек, Гўрўғлининг ярадор бўлса, юлдуз кўриб соғайиши ҳамда халкнинг ўлган илон юлдуз кўрса тирилади, деб ишонишига уйғун келади. Айни пайтда, юлдуз билан боғлиқ халқимиз орасида кенг ёйилган бир қатор ирим ва эътиқодлар мавжудки, жиддий ўйлаб қаралса, уларнинг қадим асослари ҳам “Гўрўғли” таянган мифологик тизим тасаввурларига боғлиқ эканлигини кўрамыз. Масалан, Андижонда шундай одат бор. Ўлим маросимида таркатиловчи “йиртиш”ни (рўмол, белбоғ, рўмолча) уйга олиб келиб, ташқарига, дорга осиб қўйилади. Йиртиш албатта юлдуз кўриши керак. Шундан кейингина уни уйга олиб кириш мумкин (266).

Сурхондарёда эса ювилган кир кечга – коронғига қолиб кетмаслигига қаттиқ эътибор қилинади. Чунки дорга осилган кир юлдуз кўрмаслиги керак. Аксинча, ўлган кишиларнинг кийими эса ювилиб, юлдузга кўрсатилгач, йиғиштириб олинади (264).

Тошкентда хассакашлар белига бойланган белбоғ шом яқинлашгач, ечиб олинади. Чунки белбоғ юлдуз кўрмаслиги керак. Тонг отиши билан азадор яна белбоғ боғлаб олади (262).

Андижонда эса чақалоқнинг кийимини намози шомдан кечга қолдирмай, дордан йиғиб олиши керак, деб уқтирилади (266). Демак, юқоридаги ирим-эътиқодларга кўра ювиб, дорга осилган тирик одам-

нинг кийимини юлдузга кўрсатиб бўлмайди. Чунки анимистик эътиқодга кўра, инсон руҳи, жони унинг кийимларида ҳам яшайди, деб тасаввур қилинган. Юлдуз эса тирик одам руҳини чақириб олиб қўйиши мумкин, деб ишонишган. Аксинча, ўлган кишининг руҳи ер юзида дарбадар бўлиб юрмасдан тезроқ ўз маконига бориши керак. Шунинг учун марҳумнинг ювилган кийимларини юлдузга кўрсатиб, йиғиб олганлар. Гўрўғли, Ғиркўк ва илоннинг юлдуз кўрса соғайиб, тирилик кувват олиши уларнинг оддий одам ва мавжудотлардан фарқли осмон ёриткичларига чамбарчас боғлиқ маъбуд ва эранлар оламига тааллуқли эканлиги билан изоҳланган. Достонда Гўрўғлининг Хизр маконида Антахур майини ичиб, чилтонлар, эранлар қаторига кирганлиги бунинг исботидир.

Бу ўринда юлдузнинг тирилиш манбаи сифатида келиши бевосита кўёш (нур / иссиқлик)га алоқадорлигида бўлса, бевосита Хизр образи тасаввурлари силсиласида ўз изоҳини топади. Айни пайтда кўпгина эртак ва достон, афсоналарда илонлар шоҳи ҳамда аждаҳоларнинг тоғда, ғорларда яшашини эсласак, бу тасвир ҳам чилтон ва Хизр тасаввурлари камровида турганлигини англаймиз.

Хизр ва чилтон образлари хусусида чиқарилган хулосалар умумлаштирилса, халқ орасидаги ишонч-эътиқодлар ва фольклорнинг барча жанрларидаги Хизр, чилтон, илон, аждар, юлдуз, тоғ, ғор образларининг бадий талқинлари ана шу мифологик тизимнинг бирлигидан, умумийлигидан, яхлит манбаларга боғлиқлигидан далолат беради. Айни тизимда чилтонларга тегишли тасаввурларни куйидагича яхлитлаштириш мумкин: чилтонлар ер юзини кезиб, кишиларга яхшилик қилувчи, уларни ёвуз кучлардан химоя этувчи эранлардир. Улар доимо тоғда (Аскартовда), янада аниқроқ айтсак, ернинг киндигида (марказида) Хизрнинг маконида йиғилишади. Дунёнинг барча воқеаларидан уни бохабар этишади. Улар Хизрнинг буйруғини бажарадилар. Хизрнинг ёрдамчилари ҳисобланади. Улар дунёнинг барча бойликларини (моддий, маънавий) асрайди, лозим кўрилган кишиларга ҳада қилади. Шартни бузганларни жазолайди. Чилтонларнинг асосий хизматларидан бири – кишилар руҳини ёвуз кучлардан химоя қилиш. Тангри дунёни Хизр ва унинг ёрдамчилари – чилтонлар орқали бошқаради, деб тушунилади.

Гўрўғлининг хомийлари Хизр ва чилтонларнинг ибтидоси халқнинг исломий эътиқодлардан аввалги, кўҳна шомонистик-анимистик дунё-карашлари билан алоқадор эканлигининг ўзи ҳам “Гўрўғли” эпосининг

ядроти халкимиз исломни қабул қилган VII – VIII асрлардан анча илгари пайдо бўлганлигини кўрсатиб турибди.

“Гўрўғли” дostonидаги эпик ҳомий образлари ҳақида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида куйидаги умумий хулосаларни баён этиш мумкин:

– дostonда Хизр ва чилтон қаҳрамоннинг эпик ҳомийси сифатида талқин топган, баъзан Қамбар ва Ҳазрати Али номлари ҳам ҳомийлар каторида эсланади;

– Хизр образининг тадқиқи унинг энг юқори мақомга эга ибтидоси халкимизнинг ўт, олов, қуёш билан боғлиқ, ёзни олиб келувчи, бутун табиатни, ҳаётни жонлантирувчи, уларга тириклик берувчи маъбуд ҳақидаги тасавурларига боғлиқ бош эзгу эран, деб англашганини ойдинлашди. Ана шу асосда бу образга аجدодлар култи сифатида ҳам қаралган. Кейинчалик исломий эътиқод, дунёқарашга мос талқинлар олди;

– эпик Аскар тоғ – Қуёш тоғи, ернинг маркази, эпик ҳомийлар макони эканлиги маълум бўлади;

– дostonда чилтонлар Хизрнинг ёрдамчилари сифатида ҳаракат қилишади ва бу образ ибтидоси ҳам халқнинг тоғ эгалари билан боғлиқ тасавурларга уланади;

– Хизр – оқ илон, чилтон – аждар тимсолий формула халқнинг турли ишонч-эътиқодлари ва фольклордаги Хизр, чилтон, илон, аждар, юлдуз, тоғ, ғор образларининг яхлит мифологик тизим асосида бадиий талқин олганлигидан далолат беради;

– дostonда чилтонларнинг ҳам Гўрўғлига ҳомий саналиши қўш ҳомийлик эмас, аксинча, бош ҳомий Хизр хизматчиларининг ўз ҳимоятидаги қаҳрамонга хизмат қилишидир.

### III БОБ

#### ЭПИК ҚАХРАМОН ШАЖАРАСИ ГЕНЕЗИСИ ВА ТАДРИЖИЙ БОСҚИЧЛАРИ

“Гўрўғли” дostonининг қачон, қандай шароитда, қайси дунёқараш замирида пайдо бўлганлигини ва унинг тадрижий босқичларини имкон қадар белгилаб, кўрсатишдаги таянч манбалар қаторида “қахрамоннинг туғилиши” мотиви ҳамда номланиши алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, дostonнинг Марказий Осиё версияларида қахрамон ғайритабиий тарзда дунёга келади ва унинг “Гўрўғли” деб аталиши шу мотив билан изоҳланади. Айни пайтда, “Кавказ” версияларидаги қахрамоннинг “кўр” ўғли эканлиги ҳақида ҳикоя қилувчи мотив ҳам Марказий Осиё версияларининг асосий қисмида мавжуд. Дostonнинг бошқа бир қатор мотив ва сюжет ҳалқаларида бўлганлиги каби бу кўш қатламлилиқ ҳам эпоснинг пайдо бўлиши ва ривожланишидаги маълум даврий босқичлар борлигини яна бир қарра тасдиқлаб турибди.

“Гўрўғли” дostonлари асосини XVI-XVII асрларда пайдо бўлган деб қаровчи тадқиқотчилар Ўрта Осиё версияларидаги “ғайритабиий туғилиш” мотивини кейинчалиқ бошқа манбалардан ўтган, деб тахмин қилишади (102. – С.44; 107. – С. 110; 108. – С. 174). Уларнинг бу хулосага қелишларига XVI-XVIII аср тарихий воқеаларига ҳамоҳанг қелувчи Кавказбўйи версияларида қахрамон туғилиши мотивининг йўқлигидир. Мабодо «Гўрўғли» эпосини Кавказбўйи версиялари асосида шаклланган, деган фикрни (108; 102; 78) тўғри деб фараз қилсак, у ҳолда реал тарихий воқеалар акс этган сюжетга ғайритабиий туғилиш мотивининг XVII-XVIII асрларга қелиб қўшилишининг ўзи ғайритабиийдир. Чунки вақтлар ўтиши билан инсон тафаккурида борликни билиш ва англаш жараёни реал асосларга қўчиб, мавҳумликдан аниқликка ўтилади. Табиий асосли сюжетга XVIII асрга қелиб, яъни одамлар туғилиш сабабларини ҳар томонлама реал тушунган бир даврда ғайритабиий туғилиш мотивини қўшишларига ишониш қийин. Одатда, аксинча бўлади. Бу ўринда Қўрғон дostonчилик мактабини атоқли вакили Раҳматулла Юсуф ўғлининг бир фикрини эслаш жоиздир. Раҳматулла шоир суҳбатларидан бирида: “На-

манганлик бахшидан “Гўрўгли”ни эшитдим. Уларда Гўрўглининг отаси йўқ экан. Гўрўглининг онаси олмани еб юкли бўлиб қоларкан. “Гўрўгли” матал /эртақ/ бўлсайкан, она олмани еб бўйида бўлди, деса, ишонсанг. “Гўрўгли” дoston-ку, дostonда ишонарли гап бўлиши керак-да”, деб айтган эдилар (268-А). Бу фикрда халқнинг, айни пайтда, бахшиларнинг дoston жанри хусусидаги муҳим эстетик-назарий қараши мужассам. Халқ дoston воқеаларини бўлган, бўлаётган ходисалар сифатида қабул қилади ва дoston воқеалари баёнида вақтлар ўтиши давомида юз берувчи ўзгаришлар айнан ана шу нуқтаи-назардан ҳам сараланади. Давр ўтиши, халқ тафаккурининг реалликка яқинлашгани сари дoston воқеаларини ҳам реал асослашга уриниш кучаяди. Ғайритабiiй деб англаган мотивлар баъзи ўринларда тушиб қолади. Бизнингча, озарбойжой “Кўрўгли”сида қахрамоннинг туғилиш мотивининг йўқлигини айни ҳолат натижаси сифатида баҳолаш керак (бу хусусда кейинроқ алоҳида тўхталамиз).

Дostonнинг барча ўзбек версияларида қахрамонни гўрда вафот этган она туғади. Лекин онанинг ҳомиладор бўлиши масаласига кўра ўзбек версиялари бир-биридан фарқли изоҳланувчи икки гуруҳга ажралади.

I. Ҳомила табиий, қахрамоннинг туғилиши ғайритабiiй.

II. Ҳомила ҳам, қахрамоннинг туғилиши ҳам ғайритабiiй.

Биринчи гуруҳга ўзбек “Гўрўгли”сининг Кўрғон версияси (Пўлкан шоир варианты (19); Эгамберди Оллоберган ўгли варианты (253); Раҳматулла шоир варианты (17); Ҳайдар ота Бойчаев варианты (249); Амин шоир ўгли версияси (254), Хоразм версияси (18) ва қардош версиялардан туркман “Гўрўгли”сининг “Москва” (13), “Ашгабат” (14) нашрлари ҳамда қозоқ “Коруғлы” (21) ларини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга ўзбек “Гўрўгли”сининг Фозил шоир версияси (245), Лақай версияси (256), Тош шоир версияси (252), Наманган версияси (148)лари киради.

Юқоридаги таснифдан кўриниб турибдики, қахрамоннинг ғайритабiiй тарзда туғилиб, Гўрўгли номини олиши барча версиялардаги етакчи мотивлардан биридир. Биз бу мотивлар батафсилроқ ёритилган биринчи гуруҳга мансуб “Кўрғон” ва туркман версиялари асосида бево-сита таҳлилга киришсак, “Гўрўгли”нинг ўзбек-кўрғон ва қардош туркман версиялари ўртасидаги асосий фарқ Кўрғон (Пўлкан шоир, Эгамберди бахши ва Раҳматулла шоир вариантлари) версиясида туркман дostonларига нисбатан воқеалар тафсилотининг кенглиги, кўшимча образ ва мотивларнинг мавжудлигида кўринса-да, сюжет умуртқасида

умумийлик якқол кўзга ташланади. Ўзбек-Қўрғон версиясидаги бу батафсилликни биз сўнги даврлар маҳсули сифатида қараймиз. Аввало, бу ҳолат қаҳрамон отасининг Равшан деб аталишида якқол кўзга ташланади. Ўзбек “Гўрўғли”сининг Хоразм версияси ва қардош озарбойжон ҳамда туркман дostonларида қаҳрамоннинг яна бир номи Равшан сифатида келади. Қаҳрамонга Равшан номининг берилиши дostonнинг туркман версиясидаги батафсил изоҳланган ва бу изоҳ бутун эпос замирида турувчи қадим мифологик тасаввурларни ўзида нисбатан мукамал жамлаганлиги билан ҳам эътиборга лойиқ. Дostonда айтилади:

“Эй Хизр алайҳиссалом. Сен бизнинг нафас ўғлимиз деясан. Унга қандай от қўйгансан?

Унинг отини Равшан қўйдим.

– Оббо, бу қўйган отинг гўч йигитга ярашиғлик эмас экан. Аёлларнинг отини қўйибсан-ку.

– У қоронғу юртдан ёруғлиқ юртга /дунёга/ чиқди, шунинг учун Равшан атадим.

– Э-ҳа, гўрдан чиқди, демайсанми. Унда оти Гўрўғли бўлсин. Бор отинг Гўрўғли, дедилар” ( 13. – Б. 47).

Демакки, қаҳрамоннинг қоронғилик юртидан /хаосдан/ ёруғлиқ юртига /космосга/ чиққанлиги учун номи “Равшан” деб аталмоқда. “Равшан” сўзининг луғавий маъноси ойдинлик, ёруғлиқ, ёруғ нур демакдир. Сўз маъноси моҳиятни тўлиқ ифодалайди. Айни пайтда, изоҳнинг иккинчи қисмидаги, “гўрдан чиқди дейсанми, унда оти Гўрўғли бўлсин”, дейилиши ҳам чуқурроқ ўйлаб қаралса, биринчи изоҳга мос келишини англаш мумкин.

“Гўрўғли” дostonининг тарихи у озиқ олган манбаларнинг туб илдизларини очишда, айниқса, дostonнинг архаик қатламларини ёритишда қаҳрамон номининг маъно кўлами, изоҳлари муҳим роль ўйнайди. Гўрўғлишуносликда қаҳрамон номини изоҳлашга бир қатор уринишлар бўлган. Жумладан, Х.Т.Зарифов “... туркий гўр-кўр сўзининг ботир, мард, баҳодир маънолари архаиклашиб қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши мотиви формаларига ҳам ўзгаришлар киритилган ва қаҳрамон номи “гўрда туғилган ўғил” маъносини касб этган (120. – Б. 132–157), деган гипотезани ўртага ташлаган. Айни фикрни диалектолог А.Ишаев ўзининг “Сўз мулкига саёҳат” мақоласида батафсилроқ тарзда баён этади, яъни: “Қадимги туркий ёзма ёдгорликларидан довьюрак, мард, жасур, баҳодир каби маъноларда “кур” сўзи / кур эр-ботир йигит каби сўз бирикмалари /



қўлланган. Ҳозирги қирғиз, хаказ тилларида ҳам бу сўзнинг айна маънолари мавжуд. Демак, “қур эр” сингари “ўғил” сўзи ҳам “қур” сўзи билан бирикиб, қўр ўғил /довюрақ, мард, жасур, ботир ўғил/ тарзида бўлган. Сўнгра /ўғил-ўғли/ худди сингил, сингли/ каби қур ўғли шакли вужудга келган. Кейинчалик айрим туркий тиллардаги сўз бошида “К”, “Г” товушларининг мос ҳолда қўлланиш ҳодисасига кўра Кўрўғли, Гургули вариантлари вужудга келган (204.–Б. 25), деб ёзади. Т.Ҳайдаров “Гўрўғли” ва мифологик синкритизми” деб номланган номзодлик ишида “гўр”нинг мард, довюрақ, мағрур маънолари борлигини ёзиш билан бир қаторда, қахрамоннинг Эрўғли аталишини Эрлик номи билан боғлаб талкин этади (320. – Б. 17–19). Бу фикрга қарама-қарши иккинчи бир қарашни қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов айтган. “Қадим Мисрда Горкл (Гор-қуёш) – Қуёш ўғил, Қуёш фарзанди, “чиқаётган қуёш” ҳақидаги миф мавжуд эди, – деб ёзади шоир. Сўнгра бу образ музаффар баҳодир сифатида этрусқларнинг Геркли, грекларнинг Геркулес ва туркларнинг Гўрўғли образларида қад тиклади. Қадим мисрликларда яна бир Хорхт-Қуёш-ота, “ҳалок бўлаётган Қуёш”, “ботаётган қуёш” персонажи бор эди. Улар биргаликда қуёш-туркум мифларини ташкил этарди” (211. – С. 104). Муаллиф бу қадимий сюжетларнинг бугунги туркий фольклорда ўз изларини сақлаб келаётганлиги ҳақида гапириб, уч минг йил давомида сюжетнинг сўзсиз ўзгарганлиги, лекин унинг ўзаги – мояси сақланганлигини айтади. “Энди Гўрўғли илон билан жанг қилмайди. Аммо қадимий Мисрда Гор ва Геркле ҳамда Геракллар бари сув юҳоси билан қурашадилар, Хорхтни эса гидр (сув юҳоси) ҳалок қилса, унинг ўғли гидрни мағлуб этади. Христиан дунёсидаги музаффар Георгий ҳам аждарҳони мағлуб этган. Ўғузлар бу қадим сюжетни таниб бўлмас даражада янгилади, ривожлантирди. Қозоқларда эса бу мифнинг мояси бир зарра шаклида сақланиб қолди. Эҳтимолки, образнинг Қўркут аталиши ҳам юқорида айтилган қадим персонажлар билан алоқадор бўлса керак... Бу йўналишни чуқурроқ текшириш лозим. Лекин ўзлаштирилган номлар янги тил муҳитида турли хилда талкин этилиши, янги халқ этимологиялари пайдо бўлиши бизга маълум. “Гўрўғли” билан ҳам шундай бўлди. “Гўр” – “қабр” “Кўр”-кўр-сўқир ва уни асословчи сюжет ва бошқа унсурлар вужудга келди (211. – С. 104). Бу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Ўлжас Сулаймоновга “Гўрўғли” достони ва унинг ўзбек версиялари билан яхши таниш эмаслиги панд берган. Акс ҳолда у ўзбек “Гўрўғли” достонлари мазмун-моҳиятида қуёш ўғли ҳақидаги мифлар яхлит тизим сифатида, ўзига хос бадий талкинда келаётганлигини

иллаган бўлар эди. Айни пайтда шоирнинг суҳбатдоши Е.З.Кажибеков туркий фольклоршунослиқда Гўрўғли/Кўрўғли/ ва Кўркут бир умумбирликда олиб тадқиқ этилмаяпти, дейди. Биз олимнинг фикрига қўшила олмаймиз. Туркий фольклоршунослиқда Гўрўғли ва Кўркут ота биргаликда олиб тадқиқ этилган ва уларнинг бир умумий яхлит мифологик тизимни ташкил этишлиги озарбойжонлик фольклоршунос Мирали Сейидов томонидан ёритилган (155. – Б.419–430). Мирали Сейидов дoston сюжети, етакчи мотив ва образларининг тарихини тадқиқ этиш асосида “Кўрўғли ўзини ота-бобосига қўра “Гўр ўғли – ўт ўғли” атайди. Шунинг учун ҳам у Равшан, яъни “ишыг”/ёруғлик/ аталган”, деб ёзади (155. – Б.306). Айни пайтда олим Гўрўғлини тоғ тангриси ва қуёш шуъласининг инсоний киёфага кирган образи сифатида ҳам талқин этади (155. – Б. 298).

Кўриниб турибдики, О.Сулаймонов ва М.Сейидов фикрлари бир умумий ўзакка бориб боғланишлари билан кесишади. Қизиғи шундаки, Ҳ.Зариф, О.Сулаймонов ва М.Сейидов ҳам қахрамон номидаги дostonнинг бугунги кундаги вариант ва версияларида изоҳланувчи гўр – қабр, кўр – кўзи кўр маъноларини сўнги давр маҳсули сифатида қарашлари билан ҳамфикрдирлар. Хўш, бугунги тилимизда гўр/кўр/ уларга ёндош кўр/қир/ сўзларининг қуёш, олов, иссиқ, нур, ёруғ маънолари мавжудми?

Бизнинг бу сўзлардан айни маъноларни излашимизга сабаб, **биринчи галда**, Гўрўғлининг она батнида вужудга келиб, ғайритабиий туғилишида ва бутун ҳаёти давомида ҳомийлик қилувчи нафас отаси – эпик ҳомий Хизрнинг, ишимизнинг биринчи бобида аниқлаганимиздек – тарихан ўт, олов, қуёш билан боғлиқ, ёзни олиб келувчи, бутун табиатни, ҳаётни жонлантириб, уларга тириклик берувчи бош эзгу эран(рух) эканлиги ва қадимда қуёш тимсолида қабул этилганлигидир. Қахрамоннинг “қуёш маъбуди”– “Гўр”/Кўр/Қир/ ўғли эканлигидир (дostonнинг бир қатор версияларида қахрамон тўғридан-тўғри Хизр/Қидир ўғли сифатида тасвирланган).

**Иккинчидан**, О.Сулаймоновнинг “Гўр ўғли” номини қуёш ўғли сифатида талқин этганлиги. М.Сейидовнинг Гўрўғли/Кўрўғлини ўт, олов ўғли деб изоҳлагани ва тоғ, қуёш маъбуди билан боғланганлиги.

**Учинчидан**, қахрамоннинг бир қатор версия, вариантлардаги “Равшан” номининг – ёруғлик, нур маъносида келиши, “гор” (гўр)/кор (кўр) сўзининг бу кун архаиклашган мазмунини изоҳламаяптими, деган қарашдир.

“Гор” (гўр)/кор (кўр) ва унга ёндош “қўр/қир” сўзларининг маъно қамровини ўз муаммомиз нуктаи назаридан қараб чиқамиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “гўр” ва “қўр” сўзларининг биз излаган маънолари кўрсатилмаган. Уларга ёндош “қир” ва “қўр” сўзлари қараб чиқилганда эса қуйидаги маънолар қаторини кузатамиз.

1. “Қир” сўзи: Қир. Емирилиш натижасида ажралиб қолган ясси чўзик тепалик. Баланд текислик, ер дашт.

2. “Кўр” сўзи: кўр – майда чўғ аралаш иссиқ кул, майда чўғ. Кўр – йиғиб, тўплаб, ғамлаб қўйилган керакли нарса (194. – Б. 639).

Юқорида келтирилган “қир” ва “қўр” сўзлари оиласида биз ахтараётган маънога яқин келувчи қирралари мавжуд. Жумладан, кўрнинг – чўғ, иссиқ маънолари, “қир” ўзаги асосида ясалган қирмизнинг – қизил, алвон маънолари (бу ўринда “қир”нинг “тоғ” маъноси мавжудлигини ҳам унутмаслик керак).

“Гўр” ва “қўр”га оҳангдош, билвосита яқин “қир” ва “қўр”нинг бу маънолари “гўр” ва “қўр”нинг туб ўзаги, семантик доираси ва унга маънодош сўзлар қўламини аниқлашимизга ёрдам беради. Бугунги ўзбек ва умуман, туркий тилларда энг фаол яна бир сўз борки, у бизнинг назаримизда, “гўр” ва “қўр” билан бир ўзакка уланиб, “гўр” ва “қўр”нинг архаиклашган туб маъноларини ўзида ифода этиб келаётганлиги билан ҳам аҳамиятли. Бу – “қун”/“қун” сўзидир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “қун” сўзинининг олти хил маъноси-га изоҳ берилган (193. – Б. 405). Улардан биз учун аҳамиятлиси олтинчи – қуёш, офтоб изоҳидир.

“Қуёш”, “офтоб” маъносида келувчи “қун” сўзининг тарихий негизи “ку” бўлиши керак (фонетик вариантлари кў/гу/қу/). Кўриш аъзосини ифодаловчи “кўз” сўзи ўзагида ҳам айнан ана шу “кў”/ку/гу турибди. “Кўр” феълининг негизида ҳам “ку”/“ту”ни кўрамыз. Демак, “ку/кў/гу” негизга тарихан “н”от ясовчи қўшилиб ку+н /“қун”, “з” от ясовчиси қўшилиб кў+з/ “кўз”, “р” феъл ясовчи қўшилиб, кў+р/“қўр” феъли ҳосил бўлган. Хўш “ку/кў”нинг тарихий маъноси қандай бўлган? Бизнингча, “ку/кў” ёруғ, тиниқ ойдин, нурли маъноларини англатган. Фикримизни “қун” сўзига антоним бўлган “қун” сўзининг ясалиш шакли ва бу сўз асосидаги “ту” негизининг маъноси ҳам исботлайди. Худди “қун” каби “қун” ҳам тарихий “ту” сўзига “н” от ясовчи қўшимчанинг бирикуви натижасида ясалган. “Ту” сўзи “ку”га қарама-қарши “қоронғилик, ғубор”

маъноларига эга. Бугунги тилимиздаги “тум-тирс” сўзлари ҳам айнан “гун”ни ҳосил қилган “ту” негизига бориб боғланади.

“Ку”нинг ўғузча фонетик варианты “гу”. Ҳозирги туркман, озарбойжон, турк тилидаги “гунаш” сўзи ҳам бевосита “гу” негизидан ясалган. “Гунаш”нинг ўзбекча фонетик варианты эса “куёш”дир. Демак, тарихан куёш сўзи ҳам “ку”/ку негизига бориб туташади.

Сўз тушунчани ифодалайди. Тушунча ҳар бир тилнинг ўз имконияти доирасида изоҳланса, унга ёндош сўзлар ягона оилани ташкил этади. Мабодо тушунча четдан атамаси билан бирга олинса, бу ҳол кузатилмайди. Туркий тилларда гу/ку/ку негизи асосида куёш, ёруғлик, нур, кўз, кун, кўр ва ҳоказо от ва феъл туркумига тегишли сўзларнинг катта оиласи мавжуд экан, “Гўрўғли” сўзининг негизи ва бу образ билан боғлиқ мифологик дунёкарашлар Ў.Сулаймонов фараз қилганидек, мисрликларнинг “Гор” образини қабул қилиш ҳосиласи эмас, деб хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Гўрўғли/Кўр ўғлининг бир қатор версияларда “Равшан” деб аталиши гўр/кўр сўзининг қадимий ёруғ, ойдин, нур, ёғду маъноларининг даврлар ўтиши баробарида архаиклаша бошлагач, изоҳ номга айланиб, сўнгги босқичда асосий исм муқобилида оммалашган.

Қаҳрамон номининг бир қатор версияларда “Кўр ўғли” аталиши аслида Куёш туркуми мифларидаги ботаётган “куёш” мотиви билан боғлиқ изоҳини топади. Сўнгги даврларда бу мотив “кўр киши” ўғли маъносини олган ва ушбу мотивни асословчи сюжет линияси бевосита “ботаётган – кўр қилинган куёш” тасаввурлари негизидан шаклланган.

Достоннинг ўзбек версияларида етакчилик қилувчи “гўр” сўзидаги илкин маъно ҳам “кўр” билан бир ўзак тасаввурларга боғланади.

Ушбу ўринда “кўр”/“кур” сўзининг ўзак тасаввурларига бевосита тегишли ўзбек мифлогиясидаги Анкур ва Танкур образлари тарихий асосларини текширган фольклоршунос Маматкул Жўраевнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “С.Н.Крамернинг фикрича, “шумер тилидаги “кур” сўзи дастлаб “тоғ” маъносида қўлланган бўлиб, кейинчалик “ўзга юрт”, “ёт эл” тушунчаларини англатган бўлган. Чунки тоғ ортида жойлашган ўзга ўлкалар шумерларга ҳамиша хавф солиб турган. Шумерлар талқинига кўра, кур замин билан дунё уммони оралиғидаги бўшлиқ атамаси ҳамдир. Ўликларнинг соялари ҳам ўша жойда тўпланади, дейдилар” (109.–С.180). Кўринадикки, тилимиздаги “гўр”(қабр), қир(тепалик), кўр(чўғ, яъни илгариги ўликларни ёкиш удуми бўлган), ғор (тоғдаги ко-

вак жойлар, мифологияда ер остидаги ўзга оламга ўтиш йўли) сўзлари ҳам аслида шумерча “кўр” калимаси билан маъно жиҳатдан ўзакдошдир. Бунинг устига қадимги турк-мўғул-бурят кавмлар тилида битилган кўхна ёзма обидаларда “мурда”, “мозор” маъноларини англатувчи хуур/гуур сўзлари мавжудлиги ҳам қайд қилинган (172. – С.142-143). Шунга кўра, Энкур атамаси «куйи олам» ёки “замин тангриси” маъноларини билдирадиган қадимий мифологик ном деб ҳисоблаш мумкин» (86. – Б. 43).

Бу ўринда гўр, кир, кўр, ғор сўзларининг бир умумий ўзакка келганлиги Гўрўғли номидаги “гўр” сўзининг ёруғлик, қуёш, тоғ ҳамда қабр, ғор, ер ости дунёси билан алоқадор тасаввурлар тизимида туришини билдиради. Бу тизимга кўра қаҳрамон Қуёш туркум мифларининг уч босқичи – “чиқаётган, яъни қоронғи юрт(гўр)да туғилган ёш – Қуёш (Гўр ўғли)”, “Улғайиб, камолга етган – “Тол туш” Қуёш(Қир ўғли)”, Қартайиб ботаётган, кўр қилинган Қуёш (кўр ўғли) деб ном олган. Достоннинг бу кунги вариантларидаги қаҳрамоннинг турлича номлари ва уларнинг бадиий талқинлари аслида бир-бирини инкор этмайди. Аксинча, унинг ибтидода – Қуёш ўғли сифатида анланган ҳаёт йўлидаги эврилишларни кўрсатади. Бу эврилишлар Қуёш йўлининг ёруғликда ўз ҳукмини юргизиб, яна қоронғи дунёга ўтиб, қайта куч йиғиши ва такрор ёруғ оламга келиши каби узлуксиз жараёнини ифода қилади. Шу маънода, Гўрўғлининг дастлаб гўр ўғли, сўнгра кўр (кўзи ожиз) ўғли бўлиши сабабларини миф манტიки камровида изоҳлайди. Хуллас, Гўрўғли номида бу образ билан боғлиқ қадим мифологик тасаввурлар олами тўлиқ акс этган ва дoston сюжетининг барча қатламларида ушбу тасаввур излари турли кўринишларда ўз бадиий ифодасини топган.

Энди бевосита лексик асосда келинган хулосаларни дoston материалларига солиштириб, фикримизнинг қайси даражада тўғрилигини текшириб чиқайлик.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, “Гўрўғли” достонининг барча версияларида қаҳрамон гўрда туғилади. Лекин улар хомиланинг табиий ва ғайритабиийлиги билан икки гуруҳга ажралди. Аввало, ғайритабиий ҳомила мотиви мавжуд версияларни кўздан кечирамиз. Достоннинг бу хил версияларида қаҳрамон онасининг ҳомила топиш жараёни қуйидагича тасвирланган:

**А. “Лақай” версияси:** Ҳазрати хожа Хизр ғойибдан ҳозир бўлганда, назари Бувиҳилолга тушди. Унинг назиридан Бувиҳилол умидвор бўлиб, ҳомила топади. “Орадан кўп ўтмай, ойи, куни етиб қолди” (256. – Б. 1-2).

**Б. “Тош шоир” версияси:** Биби Ҳилол йигирма ёшга яқинлашганда, тўрт-беш киз бўлиб, сув бўйида ўйин қилиб юришганда «... шу вақт сув бетида бир кўпик оқиб келаверади. Биби Ҳилол шартлашиб, шу кўпикни илиб олиб, оғзига солди ва юкли бўлиб қолди» (252. – Б. 1).

**В. “Фозил шоир” версияси:** Аҳмад Сардор иниси билан овга чиқиб, йўлда темир қозикқа занжири билан боғлаб қўйилган отнинг қув калласини кўриб, шу дори бўлар, деб уйига олиб келишиб, туйиб, бир қоғозга солиб, тоқчага қўяди. Биби Ҳилол шу суяк талқонидан ялаб бўйида бўлиб қолади (245. – Б. 1).

**Г. “Наманган” версияси:** қахрамон онаси ариқда оқиб келаётган олмани еб юкли бўлади (248. – Б. 1).

Ҳар тўрт версияда ҳам Биби Ҳилол орадан олти ой ўтиб, ҳомиласи маълум бўлгач, номус кучли, худодан ўлим тилаб оламдан ўтади ва қабрга қўйилади. Вақт-соати етгач, қахрамон гўрда дунёга келади. Шу сабабли унинг исми Гўрўғли деб номланади. Бу версияларда Равшан номига дуч келмаймиз.

Биз бу тўрт версиядаги “ҳомила” мотивини “Гўрўғли” достонининг фанга маълум версия ва вариантлари орасида нисбатан архаик қатлам сифатида қабул қиламиз. Чунки ғайритабиий ҳомила тафаккур ва англам тарихида табиий ҳомиладан аввалги босқич ҳисобланади.

Ҳар тўрт версия учун муштарак сюжетни аниқлаб олишдан аввал ҳомила уйғотувчи унсурлар: “А” версияда – Хизр назари, “Б” версияда – сув кўпиги, “В” версияда – от калла суягининг талқони, “Г” версияда – олма унсурларидан қайси бири етакчи – асосий бўлганлигини аниқлаш лозим.

Масалага нисбатан кенг қараладиган бўлса, бу тўрт версиядаги ҳомила уйғотувчи “унсур” изларини “Гўрўғли” достонининг ҳар иккала гуруҳига кирувчи барча версия ва вариантларда кўрамиз ҳамда улар бири-бири билан боғлиқ умумий семантик асосдан ўсиб, тўраганмикан, деган савол ўртага чиқади. Эътибор беринг, ишимизнинг аввалги бўлимида ва юкорида Хизрнинг ҳомий, янада аниқроқ айтилса, қахрамоннинг нафас отаси эканлиги ва шу сабабли ҳам унга Гўрўғли / Кўрўғли, яъни хиз / эр (Хизр / Қидир) ўғли деб ном берилганлиги Хизр / Хидир эса куёш тимсолидаги бош эзгу эран (рух) эканлиги айтилди.

Достоннинг Лақай (“А”) версиясида Биби Ҳилолнинг Хизр назаридан /кўз нуридан/ ҳомила топиши мавжуд тасаввурлар билан бевосита боғлиқ келаётганлигини кўрсатиш билан бирга биз чиқарган хулосаларнинг асосли эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Фозил шоир (“В”) версиясида “от суяги талқони” унсури ҳам Хизр образи билан чамбарчас боғлиқ. Чунки от дунёнинг кўпчилиқ халқлари мифологиясида бўлгани каби туркларда ҳам куёшнинг зооморфик тимсоли сифатида анланган. Бу версияда Биби Ҳилолнинг “от суяги талқони”дан ҳомила топиши замирида умумий ўзак тасаввурга олиб борувчи ушбу: от суяги талқони – от – куёш ёки куёш Хизр – от – от суяги талқони англамлари занжири турибди.

Достоннинг бир қатор версияларида қахрамоннинг бия эмиб улғайиши ва ўз оти Ғиркўк билан ширахўр – кўкалдош бўлиши бежиз эмас. Бу хил талқинларнинг барчаси бир умумий тасаввурлар тизимининг ҳосилаларидир.

Тош шоир (“В”) версиясида ҳомила уйғотувчи кўпик ҳам билвосита куёш нури /Хизр назари/ билан боғлиқ тасаввурларга тегишлидир. Бу унсури кенгроқ тадқиқ этиш учун “Гўрўғли”нинг туркий версиялари орасида айни мотивга асос бўлувчи тасаввурлар тизими нисбатан тўлароқ акс этган озарбойжон версияси сюжетидаги бир ҳалқа билан танишиб чиқайлик:

– Кунлардан бир кун Али киши Равшанни чақириб айтди:

– Ўғлим, бу ердаги тоғларнинг бирида Қўшабулоқ номли бир жуфт булоқ бор. Ҳар етти йилнинг еттинчи жума оқшомида машрик тарафдан бир юлдуз туғади, мағриб томондан бир юлдуз туғади. Бу юлдузлар келиб, осмоннинг ўртасида тўкнашади. Улар тўкнаш келганда, Қўшбулоққа нур тўкилиб, кўпикланиб тошади. Кимда-ким Қўшбулоқнинг ана шу кўпигига чўмилса, шундай бир кудратли йигит бўладики, дунёда унинг тенги топилмас. Кимки сувидан ичса, ошиқ-бахши бўлади. Унинг овози кудратидан арслонлар пусиб, кушлар ин-инига кириб, отларнинг туёғи пўст ташлайди. Кўп йигитлар, шахзодалар бу сув учун келибдилар, лекин ҳеч бирига омад ёр бўлмабди” (20. – Б.36). Кўрўғли ана шу Қўшабулоққа бориб, юлдузлар нури тушиб, кўпириб, тошган вақтида чўмилиб, сувидан ичиб, енгилмас алп, овози ўткир ошиқ бўлади. Бу ўриндаги “Қўшабулоқ” суви унсурини достоннинг ўзбек ва туркман версияларида “қахрамоннинг қайта яралиш” мотиви тасвирида антаҳур майи эгалланган. Аслида эса бу “илоҳий сув” Хизр макони “ер киндиги” ҳисобланмиш Асқартов тепасидаги ҳаёт дарахти остидаги сутли булоқ (кўл)нинг сувидир. Мифологик тасаввурга кўра бу сут булоғи (кўл) сувининг бир томчиси ҳар бир инсонга ҳаёт беради, деб анланган. Биби Ҳилол ичган кўпик ана шу муқаддас булоқ сувининг кўпиги эди. Фикримизни “Гўрўғлининг

нобуд бўлиши” (257) дostonидаги ушбу ҳолат билан исботлаш мумкин. Дostonда тасвирланишича, Гўрўглининг сўнги нафаси баланд тоғ устида “бир ҳамиша баҳор деган дарахтнинг остида; кагта чашманинг бўйида” танини тарк этади (257. – Б.12). Бу якун эпик мантик анъанасига асосланган. Ҳамиша баҳор дарахти – ер киндигида турувчи дунё дарахтини айнан ўзи. Чапма-сут булогидир. Демак, Тош шоир версиясидаги ҳомила унсури (кўпик) ҳам билвосита Гўрўглининг ҳомийси – нафас отаси, Хизр ва Хизр макони Аскартовдаги сут булог(кўл)и тасаввурлар тизимида боғланади. Бу факт ўз навбатида, ҳар учала версиядаги ҳомила қахрамоннинг бош ҳомий (нафас ота)си Хизрга алоқадор эканлигини кўрсатмоқда ҳамда дostonдаги ҳомила унсurlари ана шу ўзак асосига бевосита ва билвосита тегишли эканлиги ойдинлашмоқда. “Г” (Наманган) версиясидаги, қахрамон онасининг олма еб юкли бўлиши ҳам айнан юкорида кўрилган унсurlарнинг олмага (эртакларда ҳомила уйғотувчи магик мевага) алмашинуви орқали юзага чиқмоқда. Бу алмашинув ўзўздан келмаган (Аслида умумий тасаввурлар тизимида бўйсунувчи бу унсурни алоҳида олиб, қуйроқда тўхталамиз. Шу сабабли юкоридаги уч унсурга алоҳида эътибор берайлик).

Бугун фанга маълум версиялар орасида биз архаик қатлам сифатида олаётган юкоридаги версиялар учун муштарак сюжетда қахрамон ҳомиласи ҳомий рух – Хизр кудрати орқали амалга ошганлигини аниқладик (Хизрнинг қандай образ эканлиги (дostonда) аввалги бобда атрофлича баён қилинди).

Навбатдаги вазифа қахрамон онасининг қандай образ (реал шахси, мифологик образми) эканлигини генезис нуқтаи назардан ҳал этишидир. Ушбу муҳим масала ҳал этилмай, дostonнинг туб асослари ва тадрижий босқичларини аниқлаш мушкул ва биз назарда тутаётган архаик сюжетни муқаммал тиклаш имкони йўқ.

Ўзбек “Гўрўгли”сининг барча версия ва вариантларида қахрамон онасининг номи Биби Ҳилол “ғайритабиий ҳомилали” сюжетларда у Аҳмад Сардорнинг синглиси, “табиий ҳомилали” сюжетларда эса Гаждумбекнинг синглиси бўлиб келади. Айни пайтда қахрамон ота томондан Аҳмад Сардорга жиян сифатида боғланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам қахрамон бевосита ва билвосита Аҳмад Сардорга жиян бўлиб чиқади ва бу “жиян”лик линияси сюжетнинг нисбатан қадимий қатламига тегишлилигини кўрсатади.



Биби Ҳилолнинг илоҳий ҳомила топиши (А,Б,В,Г версияларда), вафот этиб, қабрга қўйилгач, фарзанд кўриши (барча версияларда) уни реал образ сифатида талқин этишга имкон бермайди. Қолаверса, Биби Ҳилол образидаги илкин мифологик қатлам “Гўрўғли” дostonининг бошқа етакчи образларида (Гўрўғли, Хизр, Фирқўк, Жунус пари) бўлгани каби қахрамоннинг ўз номида мужассамдир.

Умуман, “Гўрўғли» дostonларининг версия ва вариантларини ўзаро қиёслаб, шундай бир хулосага келиш мумкин: барча версия ва вариантларда (кардош туркман, озарбойжон, козок, турк версияларини ҳам биргаликда олганда) бир хил номланиб, умумий бадий вазифа бажарувчи қахрамонлар дostonнинг архаик қатламига тегишли экани (айни фикрни сюжетдаги маълум мотив – ҳалқалар учун ҳам айтиш мумкин) ва эпоснинг туб асосларида турувчи қадимий мифологик тасавурлар тизими, биринчи галда, ана шу қахрамонларнинг номида ҳам акс этишини кузатамиз. Биби Ҳилол образи ҳам ана шу тизимга мансуб. Биби Ҳилол номи икки сўздан иборат бўлиб, биринчи қисмдаги “биби” сўзи зодаган оилага мансуб аёллар номига ҳурмат юзасидан қўшиб айтилувчи атамадир. “Биби” “опа” ёки “буви” маъносида ҳам келади. “Ҳилол” эса форсча сўз бўлиб, “янги чиққан ой” мазмунини ифодалайди.

Дostonнинг кардош версияларини кўздан кечирсак, етакчи версиялардан, озарбойжон версиясида қахрамоннинг туғилиши мотиви учрамайди. Туркман “Гўрўғли”сининг Москва ва Ашгабад нашрларида (13; 14) нима сабабдандир қахрамон онасининг номи айтилмайди. Дostonнинг кардош козок версиясида эса қахрамон онаси “Ақаной” деб номланган. Таниқли ёзувчи, козок адабиётининг ўзбек тилига таржимони Носир Фозилов козок тилида “оқоной” сўзи янги чиққан ой, тўлишиб бораётган ой маъноларига эга деб ахборот берди. “Ҳилол” ва “Оқоной”нинг мазмунан уйғун келиши, дoston бош қахрамони Гўрўғли номининг Равшан деб изоҳланиб, кейинчалик изоҳнинг асосий ном каторига ўтганидек (айни ҳол дostonдаги “чилтон”, Жунус пари образларида номланишида ҳам рўй берган) қахрамон онасининг янги ой – оқаной номи Ҳилолга айланиб, кейинчалик асл ном унутулиб, фақат козок версиясидагина сақланиб қолмаганмикан, деган фикрни уйғотади. Дoston сюжети асосини тутиб турувчи мифологик тизим тасавурлари мантиғи қахрамон онаси номининг янги ой (хилол, умуман, “ой” деб номланишини тўла оқлайди. Чунки, қахрамон – отаси Хизр, яъни Куёш эрани бўлгач, онаси Оқаной – Биби Ҳилол, яъни ой бўлиши дунё халқлари фольклори ва мифологиясида ҳам ўз параллелларини топади.

Дастлабки хулосага келсак: Куёш ва Ой маъбудларининг фарзанди коронғи юртдан (ер остидан) ёруғлик (ер усти) юртига чиқади. Гўрўғли Қидир/ Хизр ўғли – ёруғликка чиққан Куёш ўғли номини олди. Ушбу тизимнинг тафсилоти дастлаб қандай бўлган?

Мавжуд версия ва вариантлардаги архаик қатламга тегишли рудимент мотивларга таяниб, илк мифологик асосли сюжетни тиклашга ҳаракат қиламиз.

Кўкда Куёш ва Ой юзма-юз келиб (асос: озарбойжон версиясидаги “Кўша булоқ” мотиви), уларнинг кўшилган нуридаги қахрамон руҳи Асқар тоғ устидаги сутли кўл ўртасида ўсувчи ҳамиша баҳор дарахтга (асос: Мирсоқи Жалмон ўғли версияси. Пўлкан ва туркман версияларидаги Хизр ва чилтонлар макони) тўкилиб, сингишади. Осмондан қуйилган нур дарахт баргини илоҳий шарбатга тўлдириб, баргидан оққан бир томчи шарбатга жойлашган рух – жавҳар кўл сувига томади (асос: Дунё дарахти ҳақидаги тасаввурлар ва “Авесто”даги дунёқарашлар). Томган жавҳар қувватидан кўл суви тўлқинланиб, кўпириб тошади (асос: “Кўша булоқ мотиви). Кўпирган сув кўл қирғоғидан ошиб жавҳарни шу ердан бошланувчи космик дарёга олиб ўтади. Тоғ ости ўзани (ғор)дан оққан дарё (асос: Лақай варианты, Тош шоир варианты) жавҳарни улкан уммонга элтади. Уммонда жавҳар сув оти (асос: от суягидан ҳомила топиш мотиви. Фозил шоир варианты, илк вариантыда наҳанг (аждар) батнига сингишиб, ҳомила жисмини пайдо қилади, ҳомила улғайиб, бола туғилади ва ер юзасига чиқади (асос: қахрамоннинг Ғиротни эна зотим, дейиши ва гўрда туғилиши). Шундай қилиб, кўк ва ер фарзанди дунёга келади. Боланинг ўз ота-онаси маконида (кўкда) ҳомила топиб, у жойдан узоқда (ерда) туғилиши мотиви излари ҳам бугунги сюжет тизимида тўлиқ сакланган (ўзбек ва туркман версияларида қахрамоннинг душман юрт – Шохдорхон ва Хунхор ўлкасида туғилишини эслаш кифоя). Ушбу асосга таяниб, “Гўрўғли” эпоси мағзини яхлит олиб содда ифодалайдиган бўлсак, насаби кўк маъбудларига, жисми ер унсурларига тегишли одам дунёга келади. Қадим мифологик тасаввурга кўра, ботаётган куёшни тун Юҳоси ютган (кўр қилган). Тонгда эса Ёш куёш Юҳо думидан, яъни коронғи дунёдан қайта туғилгандек чиққан. Бу ҳолат Қишни мағлуб этиб, Наврўзда қайта тирилган Ёзнинг келиб табиатни ўз ҳукмига такрор олгани каби яхлит тизимда қаралган. Айни “ўлиб-тирилиш” жараёнида Куёш ўғли бош вазифани бажарган. Ушбу табиат ҳодисасини изоҳловчи миф кейинчалик жамият қонуниятлари, хусусан, этнос ҳаётининг бадий

ифодасига айланди. Куёш ўгли энди халқ қаҳрамони сифатида таназулга учраган этносга янгидан куч берувчи ярим тангри ва ярим инсон сифатида самовий вазифаси – миссиясини бажаришга киришди. Яъни у улғайиб, вояга етгач, кўк ва ерни боғловчи медиаторга, янада аниқ айтилса, ер аҳлига тажовуз солиб, таҳдид қилаётган ёвуз кучларни қайтарувчи халоскорга эврилди. Одамларга йўлбошчилик қилиб, уларни тўғри йўлга бошлади. Издан чиққан жамиятда адолат ўрнатади, маърифат таркатади. Лекин дастлабки пайт боланинг жисми руҳига бўйсунмайди. Кўк билан боғланишига қайсарлик қилади. Ана шунда ҳомий руҳлар ўзлари танлаб, ер юзига юборган зотнинг руҳи танининг баробар камол топиб, ўз вазифасини бажаришга кодир бўлиши учун махсус тайёргарлик жараёнидан ўтказиб тоблашади (бу дoston сюжетининг алплик тизимида: “алплик касали”, “алпнинг қайта яралиши”, алплик илмини ўрганиб, керакли жиҳоз ва йўлланмаларида акс этган). Натижада қаҳрамон кўк (осмон) – эзгу руҳлар макони, ер усти – одамзот макони, ер ости – ёвуз кучлар маконида бирдек ҳаракат қила олиш кучу кудратига эришади – чинакам Алп бўлади. Алп ўз ёрдамчиси – ҳамкори бўлмиш отига эгалик қилади. Унинг илк жасорати амалга ошади. Уйланади, қабила-уруғ раҳнамосига айланади. Одамларнинг бахтли ҳаёт кечиришларини таъмин этади. Умри поёнида, юз йигирма ёшга кириб асл макони – космосга – муқаддас тоғ қўйнига ғор орқали ўтиб, ғойиб бўлади. Алпни бутун умри давомида ҳомий эранлари қўллаб-қувватлаб борадилар. Алп эранлар кўмаги, истаги билан иш юритади. Тақдири худди ҳомийлар айтгандек кечади. Хусусан, дostonнинг туркман версиясидаги Гўрўғлининг тилаклари орасидаги “отимнинг, ўзимнинг юз йигирма еримдан яралик бўлсак, юлдузни кўриб яралардан халос бўлайлик (13. – Б. 47), деган сўров замиридаги ишонч ана шу ҳомийлик билан бирга Гўрўғли ва Ғиротнинг космосдан тўраган образлар эканлигини яна бир бор исботловчи далиллардандир. Биз энди юқорида, шу боб давомида бири иккинчисидан келиб чиқиб туғилган қатор саволларга жавоб айта оламиз.

**Биринчидан**, қаҳрамон онаси мифологик образ бўлиб сюжетнинг архаик қатламида маъбуда сифатида тасаввур қилинган.

**Иккинчидан**, архаик сюжетда шажараси осмон ёриткичлари (куёш, ой)га боғлиқ қаҳрамон дастлаб сув остида дунёга келган ва она инсон киёфасини олгач, бу мотив қабр (гўр) шаклига ўтган. Дostonнинг бугунги вариантлари қаҳрамоннинг қоронғи юртдан ёруғликка чиққан куёш эранининг ўгли эканлиги ҳақидаги талкиннинг хиралашиб, гўр

(кабр) ўғли сифатидаги изоҳи ана шу даврлардан бошлаб етакчи ўринга чиққан.

Учинчидан, қаҳрамоннинг туғилиши ва номланиш мотивлари тадқиқотимиз аввалида кўйилган масала “Гўрўғли” достонининг қачон, қандай шароитда, қайси дунёқараш асосида пайдо бўлганлигини ҳал этишда таянч манбалардан бири эканлигини намоён этади. Чунки, биз юкорида атрофлича қараб чиққан масалалар ечими ҳеч иккиланмай куйидаги хулосаларга келишимизга асос беради (иш давомида бу хулосалар тўлдирилиб, янади ойдинлаштирилади):

а) “Гўрўғли” достони халқимизнинг анимистик дунёқарашлари ва кадим мифларнинг (оламнинг ва одамнинг яратилиши, йил фасллари-нинг алмашинуви, уч ўлчамли дунёдаги умумтартиб. Инсоннинг ердаги ҳаёт тарзи, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги узлуксиз кураш) бир умумий қаҳрамон ва сюжет атрофига бирикуви натижасида пайдо бўлди;

б) кизиғи шундаки, “Гўрўғли” достони сюжети (архаик қатлам назарда тутилмоқда) соддалаштирилса, халқимизга (ўзбек ва умуман, туркий халқларга) нисбатан ернинг иккинчи бир қутбида яшовчи Лотин Америкаси ҳиндулари орасида машҳур бир қадимий мифнинг соддалаштирган сюжетга мос келишини кузатамиз. Диққат қилинг: “барча ҳолатларда гап қаҳрамоннинг ота-онасидан ажралиб, “бегоналар” орасида тарбияланиб, ота-онаси ўлими учун ўч олиб, энг сўнггида қабиланинг илоҳий ҳомийсига айланиши хусусида кетади” (57. – С. 194). Гўрўғли ҳам “бегона” юртда улғайиб, кўр қилинган отаси, ўлдирилган онаси, ўғирланган янгаси учун ўч олиб, илоҳий танланган алп сифатида ўз юртдошларига ҳомийлик қилади. Биз бу типологик уйғунликни “Гўрўғли” достонига хос сюжетнинг дунёдаги бошқа халқлар фольклорида ҳам мавжуд қадимий мифологик сюжет эканлигини тасдиқлаш мақсадида келтирдик. Чунки туркий халқлар ва Жанубий Америка ҳиндулари ўртасида яқин уч минг йиллар оралиғида бирор-бир алоқа бўлганлигини тахмин қилишга асос топиш ўта мушкул. Мабодо бир замонлар Америка ҳиндулари ҳозирги жойларига Осиё китғасидан ўтган бўлиши мумкин, деган фаразлар борлигини инобатга олсак ҳам бу воқеалар Искандар тарихидан анча нарида келганлиги аниқ. Демак, бизда биргина ишончли фараз қолади. Ҳар икки ҳолат ҳам бу сюжет халқнинг гўдақлик даври тафаккури маҳсули эканлигини, ягона сайёрада, бир космик борлиқда, умумий ҳаёт тартиби ва қонуниятларига бўйсуниб яшаётган инсонлар қаерда бўлмасин, уларнинг фикр юритишларида, ўзини ва борлиқни

англашларида, тафаккур тарзида ягона тизим мавжуд эканлигини кўрсатади. Айти пайтда, биз тиклаган бобо сюжетнинг ҳам қадим-қадимдан келаётганлигини тасдиқлайди. Демак, “Гўрўгли” достонининг бобо сюжети Ой ва Куёш эранларининг ердаги фарзанди бўлмиш ярим тангри, ярим инсон сифатида дунёга келган қахрамон тақдиридан ҳикоя қилувчи миф асосида пайдо бўлган. Миф эса эпосга ўтгач, В.Я.Пропп, ҳақли равишда таъкидлаганидек, «эпос мифология замирида пайдо бўлади. Лекин унинг давоми ёки ривожланиши дегани эмас» (133. – С.32). Чиндан ҳам эпос ўз тараққиёт босқичларида халқнинг бадиий-эстетик тафаккур мезонларига кўра ривожланади. Аксарият ҳолларда худолар ерга тушиб инсонларга айланади. Кўпчилик мотивлар янгира талқин олиб, ўз асосидан анча олислаб кетади. Бу ҳолни “Гўрўгли” достони мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин.


Биз “Гўрўгли” достонининг бобо сюжетини жуда қадим замонларда инсон ўзини табиатнинг узвий қисми сифатида англаб, бутун борликдаги ҳар бир нарсани эгаси – эранлари бошқариб туради, деб анланган пайтларда пайдо бўлган, деб кўрсатиб, бобо сюжет қовурғасининг контурларини тикладик. Энди мавжуд версия, вариантлар асосида достоннинг дастлабки даврий босқичларини аниқлаб чиқайлик.

### Достон сюжети ривожининг асосий босқичлари

Юқорида достоннинг архаик (бобо) сюжети (шартли равишда “СА” деб олсак) қадимий қатламни ўзида у ёки бу даражада нисбатан тўлароқ сақлаб қолган Лақай, Тош шоир, Фозил шоир ва Наманган версиялари асосида тикланди (1-жадвалга қаралсин).

#### 1-жадвал

Ушбу версиялар:




Дастлабки босқични “Бобосюжет (СА) деб олсак. Навбатдаги иккинчи босқич куйидаги кўринишни олади (2-жадвалга қаралсин).

2- жадвал

I-босқич (А)

II-босқич (Б)



(Иккинчи босқични шартли равишда “СБ” деб белгилаб, ҳар бир версияга шаклдаги жойлашувига кўра СБ1, СБ2, СБ3, СБ4 деб тартиб рақами бердик).

Навбатдаги ҳал этилиши лозим бўлган масала дoston бобо сюжетида “СА”нинг иккинчи босқичга (СБ) ўтгач, қандай ўзгаришлар вужудга келганлигини аниқлаш. Бу ўринда бизни I. Қаҳрамоннинг отаси; II. Қаҳрамоннинг онаси, туғилиш вақти, жойи ва зиммасидаги миссия. III. Қаҳрамоннинг ғайрикутби билан боғлиқ мотивларнинг эволюцияси кизиқтиради (бошқа мотивлар алоҳида ўрганилади).

**I. Қаҳрамоннинг отаси.** Ҳар тўрт версияда ҳам қаҳрамон отаси (нафас отаси) илоҳий эран Хизр эканлиги юқорида баён этилди. Достоннинг иккинчи босқичида (СБ) бу мотив “СБ1”да айнан Хизр (Хизр назари), “СБ2”да бевосита Хизрга боғланувчи унсур, яъни сув кўлиги, “СБ3”да – от суяги талқони, “СБ4”да – олма сифатида давомини топади.

Кўриниб турибдики, бу ўринда ҳомиланинг ғайритабиийлиги сақланиб қолган бўлса-да, ҳомила уйғотувчи унсурга кўра версиялар фарқланмоқда.


Демак, иккинчи босқич (“СБ”)га кирувчи версиялар ҳам ўз навбатида “ота” ёки “ҳомила уйғотувчи унсурга” кўра ички тадрижий босқичларга ажралади. Яъни “СБ1” версияда ҳомила асоси бобо сюжетида жуда яқин. Унда илоҳий эран назари ҳомила туғдирмоқда. Айни пайтда илоҳий эран инсоний қиёфа олган.

“СБ2” версиясидаги ҳомила унсури бўлмиш сув кўпиги бирламчи асосдан анча узоқ. Ҳомиланинг илоҳий эран билан алоқасини бевосита мағн таҳлили орқали аниқлаш мумкин.

“СБ3” версиясидаги от суяги талқони унсури “СБ2” нисбатан ҳам бирламчи асосдан анча олислаб кетган. Юқорида кўрганимиздек, бу версиядаги унсур илоҳий эранга билвосита боғланади.

“СБ4” версиядаги унсур бошқа унсурларга семантик жиҳатдан боғлиқ магик “олма”га алмашган (бу алмашув хусусида куйида тўхталамиз). Демак, “БС” сюжетидаги ота линияси (йўнами)нинг тадрижи куйидаги даврий босқични ташкил этади (3-жадвалга қаралсин)

3-жадвал



Иккинчи босқичда қаҳрамон отаси инсон сифатида тасаввур этилмаган. Она эса инсоний киффа олган.

Энди қаҳрамон отаси тадрижий босқичининг навбатдаги қатламлари таҳлилини қаҳрамон онаси тадқиқидан сўнг давом эттирамиз. Чунки илоҳий отанинг реал отага кўчуви дoston ривожининг “она” (реал) босқичидан кейинги ҳодиса ҳисобланади. Аини пайтда бизнинг бундай иш тутишимизни эпик мантиқ ҳам талаб этади.

**II. Қаҳрамон онаси, туғилиш вақти, жойи ва зиммасидаги миссия.** Шартли иккинчи босқич (СБ) излари нисбатан тўлиқроқ сақлан-

ган тўрт версияда ҳам қаҳрамон онаси инсон – бокира қиз сифатида келади.

Биз “СА” сюжетда онани “Ой” сайёраси – “Ой” маъбуди деб аниқлаган эдик. Хўш, қандай йўллар билан сайёра ерга тушиб, бокира қизга айланди? Бу жараён қандай кечди? Навбатдаги муаммо ана шу масалага ойдинлик киритишдир. Аввало барча версия ва вариантларда қаҳрамоннинг қабрда туғилиб, одамлар назарига тушгунгача бўлган вақтда, қандай жонзот сунтини эмиб улғайиши билан боғлиқ муҳим мотивни қараб чиқайлик. Чунки бу мотив асоси бевосита қаҳрамон шажарасига чамбарчас боғлиқлиги билан аҳамиятли. Бир қатор тадқиқотчилар бу мотивни тотемистик тасаввурлар билан изоҳлашади. Айни изоҳ тўғри бўлса-да, “бу тотем”, дейилиши билан масала тўла ойдинлашиб қолмайди.

Биз бу ўринда ҳам дoston ўзагини ташкил этувчи мифологик сюжет ва тасаввурларнинг мантикий давоми кузатилади. Аслида қаҳрамоннинг “ота-онаси” фарзандининг ўсиб-улғайиб, оёққа туришида раҳнамо бўлмоқда. Бу фикр дostonда қаҳрамоннинг туғилишдан тортиб то ғойиб бўлгунгача ҳомийлар “назарида”, кўмагида туришига таяниб айтилмоқда. Янада аниқроқ ифодаланса, қаҳрамонни эмизувчи жонзотнинг бевосита ёки билвосита “ота” – Хизр – Куёш ва “она” – Биби Ҳилол (Оқаной) – Ойга алоқаси борлигини мантиқ талаб этмоқда. Имконимиздаги барча версия ва вариантлар саралаб чиқилса, улар қаҳрамонни эмизувчи жонзот турига кўра икки гуруҳга ажралади.

**Биринчи гуруҳ:** қаҳрамонни эмизувчи жонзот – бия. Тойчоғидан ажралган бия боласини истаб гўдакнинг ёнига бориб қолади. Тўғрироғи, Хизр бияни боланинг олдига ҳайдаб келади. Бу мотив дostonнинг аксарият версияларида учрайди.

**Иккинчи гуруҳ:** қаҳрамонни эмизувчи жонзот – эчки (Наманган версияси).

Қаҳрамонни бия (от) эмизиши мотивини биз, ҳомилага асос бўлган “от суяги талқони” мотивини таҳлил этиш давомида аниқлаб, отнинг куёш тимсолида тасаввур қилиниши ва Куёш маъбудининг ўз фарзандини тарбия қилиб улғайтирганлиги, деб талқин этдик. Бу мотивни архаик, яъни бобо сюжетнинг муҳим халқаларидан бири сифатида баҳоладик. Ибтидода айни мотив қаҳрамонни “эчки” эмиб улғайиши мотивидан ҳам аввалги босқич эканлигини дostonнинг деярли барча версияларида эпик от – Фирқўннинг қаҳрамонга кўкалдош, деб айтилиши исбот этади. Қаҳрамоннинг ўз отини “хоназотим”, “эназотим”, деб суюши бежиз



эмас. Бундан ташқари Қўрғон дostonчилик мактабининг вакили Эгамберди Оллоберган ўгли айтган вариантыда гўрда улғаяётган Гўрўгли шундай тасвирланади: “Гўрўгли бир жошига кирди, одамзот либосини киймагандан кейин Гўрўглининг ҳамма жойини жун босди, баданининг жуни худди тойнинг жунидай кўкарди (253. – Б.123-бет). Бизнингча, бу киёсни, яъни боланинг тойга ўхшатилишини фақат ташқи уйғунлик сифати баҳолаш масала моҳиятини торайтиради. Айни тасвирда мифик “одамтой” тасаввурининг изи турганлигини Гўрўгли образининг ибтидоси тасдиқлайди.

“Гўрўглининг туғилиши” версиялари орасида “ғайритабиий ҳомила”ли намуналардан кейинги босқичда турувчи Амин шоир версиясида (254) эса қахрамон отаси Нуртой хотини биби Ҳилолга ўзларининг шаҳид кетиши ва туғилажак фарзандларининг гўрда дунёга келишидан хабар берар экан:

*“Бизни худо жомон йўлга бошлади.  
Бизни этиб жов йўлига ташлади.  
Амон кесам муштипарни(нг) давлати,  
Агар келсам кутар Нуртойхонни меҳнати,  
Амон келсам бўлар сенинг давлатинг  
Агар ўлсам сизам кейин ўласиз  
Сизам мандай ҳам шайид бўласиз.  
Сизни элтиб агар гўрга қўйсалар  
Агар тугсангиз соғу саломат деб,  
Бобо келиб сизга энага бўладир.  
Шу боламни киндигини кесаду.  
Аввал Худо, дуйим ўшал бобо пушти паноҳдир  
Дуо олса, баланд бўлар баҳодур.  
Бу боламни тоғаси олиб кетадир.  
Бу болага тоға йўллик берадир,  
Бир бобо бунга отни қўядур (254. – Б. 56-57),*

деб каромат қилади. Матнда айтилаётган энагалик килиб, от қўювчи бобонинг Ҳизр эканлигини дostonнинг бошқа ўринларида очик айтилган. Қуёш маъбудининг зооморфик тимсоли бўлмиш “от” билан боғлиқ мотиви дostonнинг барча версия ва вариантларида бевосита ва билвосита ҳомий, қўриқчи, тарбиячи, устоз сирасида тимсоллашган Ҳизр образи билан ҳам алоқадорлиги бутун сюжет давомида кизил ип бўлиб ўтади. Яна бир бор эслаб ўтайлик:

– Куёш нури – Хизр назари – нур ва назар ой нурига қўшилиб, куйига тушиб, тоғдаги ҳаёт дарахти баргини шарбатга тўлатиб, сутли кўлни жунбушга келтиради, кўл суви тошиб, ҳомила жавҳари дарёга ўтади (озарбойжон версиясидаги қўшабулоққа маълум даврий боскич (ҳар етти йилнинг еттинчи жума оқшоми)да осмоннинг икки томонидан чиқиб, яқинлашиб нурлари қўшилиб, булоқ сувини жўштириб тоштирувчи юлдузлар архаик сюжетда Куёш ва Ой эди);

– ҳомила космос ва борса келмас юртларни боғловчи дарёда оқиб, тубсиз уммонда сув оти батнига сингишади. От уни ер юзига қайта олиб чиқади;

– сув оти воситалигида Куёш ўғли – Гўр ўғли ва Куёш оти – Фирқўк ёруғликка чиқади, қахрамон ва унинг отининг номларидаги “Гўр/кўр” ва “Фир/қир”нинг уйғунлиги ҳам бу образларнинг бир ўзакдан, бир асосдан тўраганлигини тасдиқлайди.

Эпик қахрамон ва эпик отнинг Куёш – Хизр фарзанди эканлигини қахрамон ёнида юривчи қирқ эранлардан бири – Сокибулбулнинг Гўрўғлига доимий маслаҳатчи, Фирқўкка сайислик қилишлиги ҳам далиллайди. Достоннинг сўнгги тадрижи боскичларида қахрамоннинг реал отаси – Равшаннинг отларни билувчи синчилиги билан боғлиқ мотивлар, биргина унинг Шохдорхон юртида овга чиқиб, ўлган отлар суякларидан тулпор суягини ажратиб, уйига олиб келиб, лампа шишадай осиб, юртини эслаб сиғиниши ва ниҳоят, Фозил шоир версиясидаги Ҳилолойнинг акаси Аҳмад Сардорнинг чўлда занжирга боғланган от калла суягини уйига олиб келиб, талқон қилиб, сақлаб қўйиши ва бу талқонни ялаб Биби Ҳилолнинг ҳомиладор бўлиши билан боғлиқ воқеалар бир умумий тизимидаги тасаввурлар оқимида ривож топганлиги ўз-ўзидан маълум бўлмоқда. Юзаки қаралса, бир-бирига бегонадек туюлувчи ушбу мотивлар ягона ўк илдиздан униб чиққан “Гўрўғли” аталмиш “бир чинор”нинг шоҳу бутоқларидир. Улар достоннинг барча версия ва вариантларида достон ривожланиш боскичларининг турли даврларини ўзида мужассам этиб турганликлари билан ҳам аҳамиятли. Бу ерда тасодифан кириб, ўрнашиб қолган бирор-бир бегона мотив ёки сюжет йўналишини топиш мушкул.

Демак, архаик сюжетнинг бир йўналишида қахрамон тўғридан-тўғри куёш тангриси линиясидан тўраб, улғаяди. Ушбу йўналишда қахрамонга сут бериб, улғайтирувчи жонзот ҳам ота образи билан алоқадор.

Навбатдаги масала – дoston сюжетига она йўналишининг (инсонлашган кўринишда) кириб келишини бевосита кузатиш имконини берувчи унсур нима эканлигига ойдинлик киритамиз.

Назаримизда, СВ4 (Наманган) версиядаги олма унсури ва қахрамонни эмизувчи эчки образи билан боғлиқ тасаввурлар тизими ана шу саволга жавоб беради.

Маълумки, “эчки” дунёнинг кўпчилиқ халқлари мифологиясида етакчи образлардан бири ҳисобланади. Хусусан, Бобил-Ассурия, Яҳудий, Юнон халқлари мифологиясида эчки ҳосилдорлиқ онғони сифатида қаралган. М.Сейидов ўзининг “Ёз байрами” (156) ҳамда “Озарбойжон халқининг туб илдизларини англаш” (155) китобларида туркий халқлар мифологияси, маросим ва фольклоридаги “эчки” образини атрофлича тадқиқ этар экан, “эчки – кўклам, аввало ер, жонли табиат билан боғлиқ образдир” (155 – Б. 316), деб ёзади. Мирали Сейидов эчки образини икки мақсадда: биринчидан, ёз (кўклам) маросимини тадқиқ этиш ва иккинчидан, “Кўрўғли” дoston тарихий илдизларини ёритишда муҳим ўрни борлиги учун ўз тадқиқот объекти қилиб олган. Хусусан, М. Сейидов “Гўрўғли”нинг туркман версиясида қахрамонни эчки эмизиб улғайтириш мотиви асосларида, ёз (кўклам) тимсоли бўлмиш эчкининг табиат уйғонишининг мифик образи бўлмиш гўдақ Қороғлу/Қороғли учун қайғуриши деб баҳолайди (155. – Б. 316-317). Чунки олим Қороғлу/Гўрўғлини – қуёш билан боғлиқ тоғ тангрисининг ўғли, ўлиб-тирилувчи табиатни, ёруғликни тамсил этади ва ватанни, юртни, инсонларни адолатни кўриқчиси этиб яратилган, деб қарайди. “Кўрўғлининг юртни, ватанни, истиқлолни химоя қилиш сифати эрамиздан аввалги IV юз йилликларда вужудга келган. Сўнгра эрамизнинг XVI-XVII юз йилликларида янада кучайган. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, Тоғ ва Ер тангрилари ҳам юрт кўриқчилари бўлишган” (155. – Б. 320), деб кўрсатади.

М.Сейидовнинг қўл остида дostonнинг ўзбек версия ва вариантлари бўлмаганлиги сабабли бўлса керак, Кўрўғли/Гўрўғлини тўғридан-тўғри қуёш ўғли деб айтмаса-да, бу жараёнда “қуёш”нинг ҳам ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни унутган эмас. Олим қахрамоннинг туғилиш жойини (илк сюжетига) биздан фарқли ўлароқ қабр (гўр) – қабристон деб олиб, шундай ёзади: “ўз кўриниши, ҳолатига кўра қабристон сўнаётган табиатга ўхшайди. Кимсасиз ва кўркинчилиги ҳам шуни ёдга солади. Шунга кўра ҳам туркман ва қозоқ версияларида Гўрўғлининг туғилиб, илк яшаган жойи қабристон бўлган” (155. – Б. 314). Бу фикр қанчалиқ

асосланган бўлмасин, умум Гўрўғли / Кўрўғли достони сюжетидаги кейинги, тўғрироғи, она-инсонга айланган, қаҳрамонни инсон туққан босқичга тегишли қатламдир. Қаҳрамоннинг қабрда туғилиши бир жиҳатдан М.Сейидов айтганидек, сўнаётган табиатни “қабр”дек тўлик ифодаловчи бошқа бир воситанинг йўқлиги бўлса, иккинчидан, қабр – ер ости дунёси сифатида, Гўрўғли туғилган илк макон сув остига семантик уйғунлиги ҳам муҳим роль ўйнаган.

Биз учун фольклоршунос М.Сейидовнинг қуйидаги фикрлари ўта аҳамиятли:

1. Эчкининг ёш “қўқлам”ни англашиб ернинг, табиатнинг жонланиши билан боғлиқлиги.

2. Сарик эчкининг Албасти, Аларводи тимсолида келиши фактининг қайд этилиши.

3. Қўрўғлининг ўлиб тирилувчи табиат билан боғлиқ талқин этилиши.

М.Сейидовнинг бу хулоса ва фактлари нимаси билан аҳамиятли? Биз ҳар галгидек, биринчи навбатда, “Гўрўғли” достони матнига мурожаат қиламиз ва саволларимизга жавоб топамиз. Агар диққат этилса, ота йўнами (линияси) аниқланиб, тадқиқ қилинса, Амин шоир версиясида гўдакка доялик қилиб, киндик кесувчи бобо – Хизр деб айтилади. Бир қатор версияларда хусусан, ғайритабiiй ҳомилали версияларда бу мотив унутилган. Табиий ҳомилали версияларда, жумладан, Қўрғон версиясининг Пўлкан шоир вариантыда айни мотив жуда кенг баён этилган. Диққат қилайлик: “Биби Ҳилолнинг ўлганига уч ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтди. Равшанбекдан олти ойлик гумона қолган эди. Биби Ҳилол ўлган бўлса ҳам, боласи ўлмаган экан. Худонинг раҳмати илан асровда эди. Шунда вақти жетди. Тувмоқчи бўлди. Момо Ҳаво, Амбар эна келди. Биби Фотима келди. Биби Ҳилолди қиссаси шулки, Биби Ҳилолди ўлиги гўрда тебранди. Буви Ҳилолди ўлик баданини тўлғоқ тутди... (19. – Б. 51).

*“...Ҳилол ойди фарзанди шу гўрға тушди,*

*Ҳар иш ёронлар бошидан бўлди.*

*Бачанинг жузининг ойдиплигига*

*Бар уриб гўр жап-жориқ бўлди.*

*Ҳилолбуви бир нозанин ул тувди*

*Момо Ҳаво шундай энди қучоқлаб,*

*Ҳилол ойди улини қучоққа олди.*

*Амбар эна бунинг киндигини кесиб,*

*Биви Фотма эмчак озгига солди.  
Ҳар қанча бўлса шу бачча бўлди,  
Уч кеча-кундуз орадан ўтди” (19. – Б. 51)*

Ана шундан кейин боланинг ёнига Хизр, қирқ чилтон, кутуб, кутбул кутуб ва уч юз олтмиш авлиё йиғилиб келиб унга ном қўйишади.

Бу ўринда боланинг киндигини кесувчи – энагалик қилувчи образ – Амбар она. Биби Фотима ва Момо Ҳаво унга ёрдамчилик қилишмоқда.

Амбар она ким?

“Мифы народов мира” (123) китобида ўқиймиз: “Амбар она ўзбеклар мифологиясида, хусусан, Хоразм халқи ўртасида аёллик ва аёллар юмушларининг (доялик) ҳомийси. Дастлаб Ҳаким отанинг, уларнинг вафотидан сўнг подачиларнинг пири ҳисобланмиш Занги бобонинг хотини. Хоразм воҳасидан бошқа жойлардан Амбар она ҳақидаги тасаввурлар у қадар аниқ эмас. Эҳтимолки, бу образ асосида “Авесто”даги ҳосилдорлик маъбудаси Ардвисура Анахита турар. Эл орасида Амбар онанинг ўғли Хубби хўжани излаб тополмай, қийналув саргузаштлари сақланиб қолган (ҳосилдорлик маъбудалари ҳақидаги мифларга хос типик сюжет). Сумалак таомнинг келиб чиқишини ҳам Амбар она номи билан боғлайдилар” (123. – С. 66).

Гўрўғлига Амбар онанинг доялик қилиш бежиз эмас экан. Чунки Амбар она аёллар ва аёллик юмушлари (доялик), ҳосилдорлик ҳомийси сифатида келар экан. Яна бир муҳим жиҳати – кўкламнинг рамзий таоми сумалакни Амбар она номи билан боғланишининг бу образ кўклам – табиат туғилиши ҳомийси сифатида ҳам англанаётганидан дарак беради. Янада аниқроқ айтилса, Амбар она образи нисбатан кейинги даврлар махсули бўлиб, ўз вақтида айни вазифани бажарувчи қадимий маъбудлар ўрнини эгаллаган. Ушбу мақола муаллифи В.Басилов бу ўринда “Авесто”даги Анахитни кўрсатиб ўтган (123. – С.66). Бизнингча, Амбар она туркий халқлар ўртасида жуда кенг тарқалган бошқа бир оила, ҳосилдорлик ва кўклам билан боғлиқ маъбуда Ал (Албасти)нинг бугунги кунда нисбатан хиралашган анъаналарини ҳам давом эттирмоқда.

Достоннинг бугунги кундаги версияларида (маълум қисмида) Гўрўғлига доялик қилаётган Амбар она образи билан боғлиқ тасаввур, тушунчалар ибтидосида Ал (Албасти) образи турибди, деган фаразимизни қайси даражада тўғрилигини бевосита ушбу образ билан боғлиқ халқ дунёқарашлари, тасаввур, тушунчаларини атрофлича ёритиб, аниқ хулосаларга келиш мумкин.

Алвасти эртак ёки афсонанинг сеҳрли қаҳрамони эмас. Халқдаги умумтасаввурга кўра, Алвасти ялмоғиз кампирнинг шериги, дугонаси ёки кариндоши деб ҳам англамайди. У ялмоғиз кампирдек кимсасиз чўлдаги кулбасида бит қовуриб, Кенжа ботир ёки Эрмана мерганнинг йўлини пойлаб ўтирмайди. Чўғ сўраб келган қизчанинг изидан бориб, бош қаратиш мақсадида қирқта игнасини қизнинг тиззасига санчиб қон сўрмайди. Бир сўз билан айтсак, у эртак мамлакатининг фуқароси эмас. Аксинча, сизу биз билан доимо ёнма-ён яшаган, яшаётган ва яшайдиган мавжудот деб билинади. Фақат бизнинг уч ўлчамли дунёмизга ёнма-ён бошқа ўлчамнинг “жину руҳлар” дунёсининг вакили, деб тасаввур этилади. Бизнинг оламимиз билан “албастилар” дунёси кесишган нуқталарда биз у билан тўқнаш келамиз, деб тушунилади.

Эл орасида Албастини кўрган, ушлаган, муносабатда бўлган кишилар суҳбати кенг тарқалган. Ўша нақл-суҳбатлар мағзи чакилса, Албастининг баъзи вилоят ва туманларда Сориқиз ва Морту(в) деб юритилиши маълум бўлади. Лекин атамалардаги фарқлар образнинг умумий хусусиятларини деярли инкор қилмайди. Умуман, уларни ягона образ доирасида тадқиқ этиш мумкин.

**1. Образнинг ташқи кўриниши:** Албастининг ташқи қиёфаси нақлларда бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки хилда тасвирланади.

а) узун сарик (олтин рангли) сочлари бутун гавдасини ёпган, кўзлари ёниқ, кийимсиз аёл/ қиз;

б) тишлари оғзидан чикқан, тўзғиган сочлари яланғоч гавдасини ёпган, икки узун сийнасини елкасидан ошириб орқага ташлаган аёл.

**2. Албасти одамга дуч келувчи жойлар:** боғлардаги, тоғ-дараларидаги катта ёнғоқ дарахтининг усти ёки остида, жийдазорларда, арик, анҳорларнинг ёкалари ёки сув ўтувчи кўприк ва қувурларда. Кул ёки гўнг тепаларнинг усти, сомонхона ёки ўтинхоналарнинг қоронғи бурчаклари. Кимсасиз далалар, харобазорлар, овлоқ жойлар, ёлғиз катта тошларнинг туби, камарлар, эски ертўла, қудуқлар, қоризлар, сой ва дарёларнинг ўзанлари, буғдойзорлар.

**3. Албасти ишончидаги етакчи мотивлар:**

– одатда, албастига дуч келган одам уни сарик сочларини тараб турган ҳолатда кўради. Мабодо кўрувчи кўркувдан ўзини йўқотса, Албасти унинг руҳи равонини ўғирлаб ҳушидан кетказиб кўяди. Натижада, у одам ақлдан озади, охир оқибат вафот этиши мумкин;

– Албасти дориган кишини хушига келтириш учун милтик отилади, ис чикарилади. Беморнинг дарди қайтмаса, шомон (қушноч) парихон (бахшига) даволагилади (қаратилади);

– Албастини кўрган киши “ошпичок, қалампир, саримсоқ”, деб айтса ёки Куръондан бирор-бир оятни ўқиса, Албасти йўқ бўлиб кетади. Кимда-ким кўрқмай сочидан тутиб, унинг икки бикинига ковуш патаги, қамчи, шалвар боғи билан урса, Албасти у кишига таслим бўлиб, китобини берар эмиш ёки кимда-ким Албастининг тароғини олса ёки сочидан бирор тутам улгу қирқиб ўзида сақласа, Албасти бу кишининг хизматига қириб, у одам катта шомон бўлар эмиш;

– таслим бўлган Албастидан “сенинг етти пуштингга тегмайман”, деб қасам олиш керак, деган ишонч ҳам эл орасида кенг тарқалган. Гўёки шундай қилинса, Албастилар у кишининг етти авлодига зиён етказмас эмиш. Асир Албасти ўзининг магик атрибути (соч, китоб, тароқ) ни қўлга туширишга имкон қидиради. Мабодо бу нарсаларни ўзига қайтарса, “озодликка чиқади ва хўжайинлик” қилган киши ўз навбатида шомонлик кучидан маҳрум бўлиб қолади;

– одатда, Албасти чиллалик уйга – янги келин-куёв тушган уйга, чақалоқ туғилган жойга келади, деб англанади ва уйларни Албастидан сақлаш учун қалампир, пичок, саримсоқ, исирик, ойна илинади. Боланинг бешигининг тагига (ёстиғнинг остига) нон, ойна, пичок қўйилади;

– Албасти билан боғлиқ тасаввурларнинг яна бир муҳим томони унинг бирдан пайдо бўлиб, яна йўқ бўлиб қолиши, ўз шаклини ўзгартиришидир. Бу ўринда энг эътиборли жиҳат унинг эчки қиёфасида одамларнинг кўзига кўриниб, яна ғойиб бўлиб қолишидир.

Юқорида айтилганларга қўшимча равишда, унга оммавий бўлмаган, лекин моҳиятан Албасти образи асосларини ёритишда муҳим ўрин эгалловчи қуйидаги хусусий ишончларни ҳам санаб ўтиш лозим:

– Албастининг орқа бел томони эски ёғоч тоғорага ўхшашлиги;

– Албасти конининг қанча оқса ҳам тугамаслиги;

– Албастининг тулпорлар ёлини кечалари келиб ўриб кетиши, бойлоғдаги отларни миниб, чопиб хоритиши.

**4. Албасти атамаси хусусида:** “Албасти” атамаси хусусида бир қатор адабиётларда фикр юритилган. Уларда бу образ этимологияси уч тил – туркий, кавказ ва эроний тиллардан келиб чиқиб изоҳлашга интилган гуруҳлар мавжуд (41. – Б. 274; 123. – С. 58).

Бир қатор асл турк мифологик образлари қаторида Албастини ҳам баъзи хиндевропапараст олимлар туркий мухитга семет ва эроний оламдан кириб келган, деб ҳисоблайдилар ва хусусан, Москвада чоп этилган “Мифы народов мира” китобидан ўрин олган “Албасти” мақоласининг муаллифи В.Н.Басилов куйидагиларни ёзади: “Баъзи бир муаллифлар Албастини туркий қатламда пайдо бўлган деб ҳисоблашади. Бошқа бир версия тарафдорлари уни эроний мифология анъаналари билан боғлиқ, деб биладилар ва демон маъносидаги “ал”ни эроний сўз, “бости”ни эса туркий “босмоқ” феълидан ҳосил бўлган деб изоҳлашади. Агарда “Ал” ва семетларнинг “Илу” тангриси ўртасидаги уйғунликдан келиб чиқиб “басти” фонемасининг хинд-европача “рух, тангри” маъносидаги термин эканлигини (руслардаги “бес”, осетинлардаги “уас” ва хоказолар унга туташади) ҳисобга олсак, бу этимология Албастининг хиндевропа ва семет халқлари ўртасидаги қадим этник алоқалар даврида пайдо бўлган, деб тахмин этишимизга имкон беради...” (123. – С.58). В.Н.Басиловнинг этимологияси ана шундай. В.Н.Басилов турк шомонлиги ва мифологияси билан бевосита шуғулланса-да, кўпчилик ҳамкасблари каби туркий халқларда ҳам миф мавжудлиги, устига устак қатъий тизимга эга мифология борлигини тан олгиси келмайди. Тўғрироғи, нуқтаи назар ўлчами аввалдан бошқа манфаатларга бўйсундирилган олим, айти тизимни кўра олмайди. Бир замонлар Ўрхун-Энасой ёзувлари топилиб, уларни Томсон илк бор ўқиб, бу туркларнинг ёзуви экан, деб исботлаб бермагунча, дунё билимдонлари уни турклардан бошқа ҳамма халққа бир-бир тақаб чиққан эди (62. – С. 5-7). Албасти мисолида ҳам вазият шундай. Зеро, В.Н.Басилов мақоласида бу образ мавжуд бўлган ва кенг тарқалган халқларнинг рўйхатида диққат этилса ҳам баҳсга ҳожат қолмайди. Чунки Албасти барча катта-кичик турк халқлари ва қавмлари орасида ҳамда улар билан доимий қўшни бўлган бошқа халқлардагина мавжуд экан. Эътибор қилинг: ўзбек, турк, қозок, бошқирд, тува, олтойларда ва қримлик, қозонлик ҳамда ғарбий сибирлик татарларда “албасти – алвасти” шаклида, туркманларда “ал”, “албассы”, қирғизларда – “албарсти”, қорақалпоқ, нўғайларда – “албаслы”, озарбойжонларда – “хал”, “халанасы”, кумукларда – “албасли қатин”, болқар ва қорачойларда – “алмасты” деб аталади. Айти пайтда турклар орасида “ал”, “алона”, “алқари”, “алкузы”, тува ва олтойликларда “албис” шакли ҳам учрайди. (123. – С.58).

Ўзбек, қозок, қорақалпоқ, қирғизларнинг маълум тоифаларда марту / мартуу, мартув, мартук/ деб аталувчи шакли ҳам мавжуд. Самарқанд ва



Жиззах вилоятининг бир қатор туманларида машхур “сори киз”, татарларда “сори соч”, “шурали”, “су анаси” образларини ҳам шу “ал” оиласига мансуб, деб қараш мумкин. Булардан ташқари, ўзбек, қозоқ, қирғизлар орасида бугун деярли унутилиш даражасига келиб қолган “қорабасти” образи ҳам бор /туркманларни “алқариси” ҳам айнан шу “қорабасти”нинг ўзидир/.

Албасти /алвасти образи турк қавмига мансуб бўлмаган халқларда: тожиклар /албасти/, лазги /ал паб/, грузин /али/, тотлар /ал/, қурдларда /хал, хал анаси/, белуджий /алг-, арман /алы/, чечен ва ингушларда /алмази/, мўғулларда /амас/ шаклида учрайди.

Бу рўйхатга синчиклаб қаралса, туркий халқлар оиласига мансуб бўлмаган халқ қайси турк қавм билан ёнма-ён яшаса, албастининг ўша варианты /атамада ва тасаввурда/ни қабул қилганлигини кузатамиз. Албастининг узок Сибирдан Ўрта Ер денгизи, бутун Евроосиёда яшаётган барча турк қавмлари орасида бирдай тарқалганлиги ва уларга қўшни халқларга ҳам ўтиб, сингишиб улгурганлиги унинг ўта қадимий ва асл турк мифологик образи /айни кунда ҳам жонли жараёнда яшаётган бадиий образга айланмаган/ эканлигидан далолат беради.

Энди бевосита “Албасти” номининг этимологиясига келсак. Бу ўринда В.А.Басилов ўйлаганидан фарқли ҳолда ҳар икки сўз ҳам туркий асосга эга. Жумладан, профессор М.Сейидов “Ал-ы”, “Албасти” атамалари ўзагида “ал”ни юксаклик, учқурлик билан, Албастининг “сори киз” шаклини ўт, олов, кўёш билан боғлаб талкин этади (155. – Б.300). Фольклоршунос А.М.Ажалов ва М.Д.Наврўзовлар бу образни “йўл тангриси” билан боғлиқ изоҳлашган (41. – Б.254). Биз бу муаллифларнинг ўта бахсли қарашларига қўшилмаймиз. Аксинча, М.Сейидов қарашини моҳиятан Ал /Алвасти/ Албасти образига яқинлигидан ушбу фикрини куйидаги тарзда ривожлантирамыз. Яъни “Ал” – кизил, кизгиш, “тўқ сарик”, алвон маъносига эга “басти” эса “босли” /бошли, яъни каллалик бошлик мазмунида/ бир қатор туркий халқларда бош/ бос фонетик шаклида келади. Янада аниқроқ айтсак, “кизил, кизгиш бошлик” – “сарик бошлик” демакдир. Чунки ол бошлик (сочли, сарик бош) сочлилик Албастининг етакчи хусусиятидир. Унинг баъзи жойларда “сарик соч”, “сарик киз” деб юритилиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу ўринда бошнинг илоҳ маъноси борлигини ҳам унутмаслик керак. Аслида “Ал”га қўшимча “бош” илк бор илоҳ – маъбуд(а) маъносида келган. Халқ томонидан босли-бошлининг бости/босмок деб талкин этилиши, сўнгги даврларга келиб Албасти обра-

зининг ўзига қарама-қарши бўлган шериги – Қорабости хусусиятларини ҳам тўлалигича ўзлаштириб олганлигидандир (Тўғрироғи, тасаввурлар унутилиши натижасида икки мустақил образнинг қўшилишидадир). Аслида Ал бос(ш)ли Қора(бош)лига зид вазифа бажарган. Қора бос(ш)ли ёвуз кучлар томонида турган. Халқ ўртасида бирор аёл фарзанд кўриб ҳалок бўлса, уни қорабости дейишади. Масалан, “Кунтуғмуш” достонидан шундай тасвир бор: “Кунлардан бир кун Шоир вазирнинг хотини қиз туғди, Тохир вазирнинг хотини ўғил туғди. Қизнинг отини Холбека қўйди, ўғилнинг отини Холмўмин қўйди. Лекин Холмўминнинг энаси қора босиб ўлди, ўғли этак остида қолди. Холбеканинг энаси эмизиб катта қилди...” (8. – Б. 178). Бу ўринда айнан шу Албастига зид Қорабости образи ҳақида сўз бормоқда. Аёлларнинг кўз ёриши оғир келиб, хушидан кетса, Қорабостини ҳайдаш ва туғилишни енгиллатиш мақсадида милтиқ отилади. Биз юқорида Албасти образининг ташқи кўринишини тасвир этишда иккинчи (б) гуруҳга ажратган хусусиятлар: тишнинг оғзидан чиқиб, узун сийнаси елкасидан ошиб турувчи қўрқинчли аёл айнан Қорабостининг тасвиридир (қадимда Қорабостининг сочи ҳам қора бўлган бўлиши керак). Чиллалик келин-куёв, чақалокларга аслида Албасти эмас, Қорабости хавф солган. Хўш, у ҳолда Албасти ким бўлган?

В.Н.Басилов бу хусусда “...дастлаб Албасти ҳосилдорлик ҳомийси, уй ўчоғининг ва ёввойи ҳайвонлар, овчиларнинг раҳнамоси сифатида келувчи эзгу маъбудалардан бўлиб, сўнгра ёвуз кучлар сафига кирган бўлса керак” (123. – С. 58), деган фаразни ўртага ташлайди. М.Сейидов ҳам Албастини ўчоқ, ўт илоҳи санайди (155.– Б.300). Олимларнинг бу фикрлари жиддий асосга эга. Албасти моҳиятан римликларнинг ҳосилдорлик ва барча ўсимлигу жонзотларга ҳомийлик қилувчи маъбудаси Дианага тўғри келади. Хусусан, Диананинг улкан эман дарахти тимсолида тасаввур қилиниши, уни аёлларнинг кўзи ёришини енгиллатади, деб англаниши, айна пайтда, унга «ёғоч Диана» дейилиши, Албастининг етакчи белги-хусусиятларига мос келади. Яъни Албастини ёнғоқ дарахти билан боғлаш, унинг белини ёғоч тоғорага ўхшаб кетади, деб тасаввур этиш, унинг отлар ёлини ўриб чиқади, деб билиши шулар жумласига киради. Демак, қадимда Албасти ҳосилдорлик, оила, уй ўчоғи, ўрмон ва дарёлар, уй ҳайвонлари, умуман, туғилиш, табиатнинг туғилиши – кўклам (ёз) ҳомийси – маъбудаси бўлиб, Қорабости эса унинг акси сифатида Албастига қарши иш юритади, деб қаралган. Ҳар бир уй (ўтов) тўрида Албастининг кўғирчоқ шаклидаги тимсоли ҳурмат

билан осиб кўйилган. Айниқса, чиллалик уйларда (чақалоқ туғилган, келин-куёв тушган вақтлари Ал тимсоли бўлиши шарт бўлган. У Албожи, яъни “Ал опа” деб аталган. Келин тўй маросимда Албожи (ёки бугунги шакли “бўжи”) Олабўжига фарзанд сўраб махсус айтимлар куйланган. Биргина мисол: фольклоршунос Музайяна Алавия Иштихонда ўтувчи никоҳ тўйи маросимида:

*Бўжи, бўжи бўжаласин,  
Товуқдайин жўжаласин,*

деб келин-куёв гўшангага киргач, уларнинг олдиларига тухум олиб келиб, ушбу кўшиқ айтилишини қайд этган (218. – Б.44). Кейинчалик ислом дини халқимиз ўртасида кенг ёйилиб, асосий динга айлангач, Албожи тимсоли уйнинг бурчидан олиб ташланиб, унинг ўрнига бурчаклардан чикувчи паст бўйлик, сочлари патала, болаларни кўрkitувчи – Олабўжи образигина қолди. Мифология тарихида тангри-топинчиларнинг кўрkitувчига айланиш мисоллари анча-мунча (176. – С.92–106). Биргина Олабўжи образи тарихи ҳам Ал/Албастининг оила, туғилиш, ҳосилдорлик, доялик ҳомийси эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Алвасти, хусусан, Сори/к/ киз билан боғлиқ нақлларда Сарикқизни одамлар кўзига эчки бўлиб кўриниши ҳақида гап кетади (220. – Б. 44–47). Бу мотивнинг ҳам табиий ҳам мифологик асоси мавжуд. Уй хайвонлари орасида эчки серпуштглиги билан ажралиб туради. Бир қатор халқлар кўклам маросимларида махсус эчкини қурбонликка келтиришади. Д.Фрезер Диана шарафига ўтувчи ҳар йилги байрамда ёшларнинг улоқ гўштидан таом пишириб, энди ёпилган нон ва шундоқ узиб келинган олма бутуқлари билан дастурхон безаб, шароб ичиб, байрам килишларини келтирган (176. – С.12). Биз мохиятан Диана ва Ал – Албасти бир хилдаги маъбудлар эканлигини айтган эдик. Демак, Сори киз – Албастининг эчки тимсолида тасаввур этилиши ҳам қадим анъана маъсулидир.

Умуман, турк мифологик тизимида Куёшнинг тимсоли Хизр /Қидир-Қир эр/ унинг ердаги зооморфик кўриниши от бўлиб, ушбу тизимда мавке жиҳатидан Хизр /Хидир/ Қирэр/дан кейинги ўринда Ал/Албасти турган. Бу ўринда Албасти билан боғлиқ тасаввурларда бугунги кунда нисбаган унутилган, лекин римликларнинг Дианага Ой тимсоли деб қараши орқали тиклаш мумкин бўлган яна бир муҳим ишоч борки, бу ишонч Ал/Албастининг туркий мифологик тизимдаги тасаввурлар оламини тўла тиклаш имконини беради. Албасти/Ал қадимда Ой тимсолида анланган. Чунки дунёнинг бошқа халқлари қатори туркийлар ҳам ҳар

бир тангри, маъбудни ўз сайёраси билан бирга тасаввур этганлар. Демак: Ой – Ал/Албасти – Эчки. Яъни Ойнинг тимсоли Ал/Албасти, унинг ердаги зооморфик кўриниши эчки бўлган.

Бизнинг юкорида “Тўрўғли” достонининг “Кўрғон” версияси – “Пўлкан” вариантдаги доя Амбар онанинг қадимда Ал/Албасти ўрини ҳам олмаганмикан, деган фаразимиз эндиликда ўз жавобини олмоқда. Ҳақиқатан ҳам Амбар она Ал/Албасти ўрини эгаллаган. Достоннинг “Наманган” ва “туркман” версияларида қаҳрамонни эчки эмизиши бевосита болани ҳосилдорлик, кўклам ва доялик ҳомийси Ал парвариш этган деб англаш маҳсулидир. Бу ўринда энг эътиборли жихат, қаҳрамоннинг она йўнами /линияси/да иккинчи босқич – реал онанинг қандай пайдо бўлганлигини кўрсатувчи яна бир муҳим факт мавжудлигидир. Яъни Ал/Албастининг “Ой” тимсоли эканлиги. Демак, биздаги барча версияларда қаҳрамон онасининг Ой эканлиги ва “она” – “ой” йўнами сақланиб қолган версияда қаҳрамонни эчки эмизиши, ўз навбатида, бу мотивларнинг асоси “Ал”нинг доялик қилиши билан бир тизимда турганини кўрсатади. Фикримизни тасдиқловчи яна бир деталь. “Ғайритабиий” ҳомилали версияларни тадқиқ этганимизда, биз “Хизр нигоҳи”, “Сув кўпиғи”, “От суяғи талқони” унсурларини бевосита ва билвосита Хизр-Қуёшга боғлиқлигини кўриб чиққан эдик. Табиий равишда ушбу версияларда қаҳрамонни эмизувчи “от” – бия бўлиб чиқади. Биз ишимизнинг ўша қисмида “Наманган” версиясидаги (қаҳрамоннинг она йўнами тадқиқ этилмаганлиги сабабли) ҳомила уйғотувчи унсур “олма” мотиви билан боғлиқ бирор-бир фикр айтишдан тийилган эдик. Энди бу унсур асосларини ёритиш имкони туғилди. Наманган версиясидаги ҳомила уйғотувчи олма унсури бевосита Ал-Ой ва билвосита Қуёшга боғланади. Агар диққат қилинган бўлса, Диана шарафига ўтказилувчи ҳар йилги маросимда дастурхон олманинг энди бўртган бутоғи билан безанган. Олма серҳосил дарахт. Олмани фарзанд берувчи – фарзанд рамзи деб талқин этиш, нафақат биргина ўзбек фольклорида, балки дунёнинг кўпгина халқлари ўртасида қатъий анъаналашган (214. – Б. 70-71). Шундай экан, олманинг оила, уй ўчоғи, доялик, ҳосилдорлик ва кўклам ҳомийси Ал билан боғлиқлиги ҳеч бир эътироз уйғотмайди. Аксинча, бу образларни бир умумий манбага боғлайди. Шу сабабдан ҳам бошқа версияларда эмас, айнан “Наманган” версиясида ҳомила уйғотувчи унсур олма бўлиб келмоқда.

Ўзбек “Тўрўғли”сининг ўзига хос версиялари орасида “Наманган” версияси том маънода “она – эчки – Ал – ой” йўнамини ўзида тўлиқ сақлаб

қолган ягона намунадир. Ушбу ҳолатлар қаҳрамоннинг “она” йўнамини аниқлашда биз ўртага қўйган саволимизга жавоб бериш имконини яратди. Яъни илк архаик сюжетдан иккинчи – “ғайритабиий ҳомилали” босқичга ўтишда қаҳрамоннинг самовий онаси “Ой” бевосита инсон тафаккуридаги туғилиш, ўлим, яшаш ҳақидаги тушунчаларнинг нисбатан реаллашуви (тўлиқ эмас, таъкидлаймиз нисбатан, чунки фарзандни тангри ато қилиб, она туғади, деб англаш) натижасида Ал – Ҳилол (Ақаной) атаниб ерга тушди, инсонлашди.

Энди, архаик сюжетнинг навбатдаги босқичини қайта яратишга уриниб кўрамиз. Биз юқорида тиклаган илк сюжетга кўра дастлаб қаҳрамонни сувдан чиқувчи тотем – бия дунёга келтиради. Навбатдаги босқичда бия ўрнини она эгаллади. Лекин қаҳрамоннинг сувдан, умуман, хаос-ер остидан чиқиши билан боғлиқ анъанавий тасаввур сақланиб қолди. Ғайритабиий ҳомила топган онанинг ҳалок бўлиб, бола ер қаърида, яъни қабрда – гўрда туғилди. Бу ўринда моҳиятан кескин ўзгариш кечгани йўқ. Фақат асослаш янгича тус олди. Натижада қаҳрамон қабрда туғилганлиги учун гўр ўғли атанди. Айни номни ҳар жиҳатдан изоҳловчи талқинлар вужудга келди. Лекин сюжетнинг навбатдаги босқичларида ҳам қаҳрамон номидаги куёш ўғли деган маъно “равшан” сифатида сақланди. Интиҳода унинг қабрга эмас, тоғдаги ғорга кириб ғойиб бўлиши ҳам таҳрир этилмади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, дoston ўсиб чиққан мифологик сюжетнинг ўзак маъзи дostonнинг турли вариант ва версияларида, эпос ривожининг айрим-айрим босқичларини ўзида сақлаган ҳолда бизгача етиб келмоқда. Бу мағиз эса илк архаик сюжет ва унинг асосида ётувчи мифнинг қандай ҳодисани изоҳлаётгани, Куёш ва Ойнинг ерда туғилувчи фарзанди қайси мақсадларда туғилиб, яна ўз маконига қайтиб кетишини аниқлаш имконини яратади. Бу мағиз нимадан иборат? Ушбу саволга жавоб топилса, биз тиклаб, янада тўлдираётган илк сюжет мантикий якунини топиб, унинг барча ривожланиш босқичларини тўлалигича ёритиш мумкин бўлади. Бу ўринда жавобни аввало, қаҳрамоннинг пайдо бўлиш манбалари, “ота-она”си ва бевосита унинг дostonда ифодаланган ҳаётига оид маълумотлардан излаш мақсадга мувофиқ.

Ишимизнинг аввалги бобида аниқладикки, қаҳрамоннинг “ота”си Куёш маъбуди Хизр тимсолида намоён бўлиб, у ўт, олов, куёш билан боғлиқ ёз (кўклам)ни олиб келувчи, бутун табиатни, ҳаётни жонлантириб, уларга тириклик берувчи бош эзгу эран сифатида талқин этилади.

Қахрамоннинг “она”си эса Ой тимсолидаги Ҳилол – Оканой – Ал/Ал-басти – Амбар она, яъни уй ўчоғи, оила, доялик, хосилдорлик, кўклам, кўкламги туғилиш маъбудаси. Айни пайтда юқорида ўртага қўйилган саволларга бевосита жавоб беришдан аввал яна бир масалага ойдинлик киритайлик. Яъни дoston талқинига кўра қахрамон йилнинг қайси муддатида дунёга келади?

Куйидаги фактларга диққат қилайлик:

1. Дostonнинг барча версияларида қахрамоннинг онаси ҳомила олти ойлик бўлганида вафот этиб қабрга қўйилади. Қахрамон эса ўлик танада яна уч ой ривож топиб қабрда дунёга келади. Бу ўринда ҳомиланинг олти ойлик ер юзида (тирик она батнида) уч ой ер остида (ўлик танада) ривожланиш муддатига диққатни қаратиш керак.

2. Қахрамоннинг туғилиш вақти (фасл нуқтаи назаридан) дostonнинг Тош шоир Чоршанба ўғли версиясида жуда аниқ айtilган. Бу ҳолат шундай тасвирланади, “Қишлоқдан биттга фуқаро-деҳқон бир жуфт хўкизини ҳайдаб даштга бориб келиб юрар экан. Мозорот ёнидан йўл ўтайди. Арпа-буғдой экиш вақти, тонг отмай, азон вақти кетай эди, даштга (252. – Б.2). Деҳқон илгарирок йўлга чиқиб мозоротга яқинлашиб, бир нарсанинг гўрга кириб, чиқиб ётганини кўриб бу одам егичми, гўрковми билмай хавотирланиб ўтди. Иккинчи кун ҳам кўрди, шу ҳол. Ўн кунгача кўрди, кейин қишлоқ катталарига айтди” (252. – Б.2-3). Тош шоир версиясида қахрамоннинг туғилиш вақти эрта кўклам, яъни арпа-буғдой экилиш вақти, деб кўрсатилмоқда. Бошқа версиялардаги яна бир факт бу муддатни тасдиқлайди. Одатда, эчки ва бия эрта кўклам болалайди. Қахрамонни уларни эмизиш ҳам айни муддатга тўғри келмоқда).

3. Қахрамоннинг гўрдан чиқиб, ғорга қайтиб кириб кетиши.

4. Қахрамоннинг гўрдан гўдак сифатида чиқиб, ғорга қартайган чол бўлиб кириши.

5. Гўрўғли образи моҳиятининг туб асосида турувчи даврий алмашинув ҳаракатининг турли шаклдаги излари куйидаги тасвирларда ҳам аниқ сезилиб турибди. Хусусан, “Гўрўғлининг ғойиб бўлиши” (Лақай версияси) дostonида шундай тасвирни учратамиз: “... Худонинг буйруғи билан бу ғорнинг ичи яхши жой бўлиб тузилган эди. Ғорда ётиб, туриб яшай-верди. Бир ухлаганда кўп кунлар ухлаб, уйғониб, бу ёғига ағдарилиб, яна кўп кунлар ухлар эди...” (256).

Худойкул Ниёзов айтган “Гўрўғли” дostonидаги бошлама ҳам диққатга сазовор: “Гўрўғлибекка дуо олаётган вақтига, сен бир йилига бир марта

сафар қиласан. Бир шаҳар оласан, қайси куники, сафар қилмадинг, шаҳар олмадинг, энди ўлганинг шул, деб дуо теккан эди” (247).

Демак, қахрамон хомиланинг олтинчи ойи ўтгач, ер остида (хаос, ўзга оламда) уч ой ётиб хомиласи ривож топиб, кўклам келиши билан туғилиб, ер юзига чиқиб, сўнгра улғайиб, камол топиб, кексайиб, яна ўз маконига қайтиб кетади.

Достонларда Гўрўғлининг уйқуда ётиб, вақти-вақти билан ағдарилиб, ҳолатини ўзгартириши ва бир йилда бир бор сафар қилиб, шаҳар олиши шартлиги ҳам бевосита юқорида айтилган “келиб-кетиш” билан алоқадордир.

Бу тартиб бизни табиий равишда ўлиб-тирилувчи табиат билан боғлиқ миф ва маросимларга олиб боради.

Демакки, Гўрўғли образи тарихан кўкламни келтирувчи, бутун табиатни тирилтириб, униб-ўстирувчи Куёш ва Ойнинг фарзанди бўлиб, у ўлиб тирилувчи табиатнинг тимсолларидан бири сифатида талқин этилмоқда. Ушбу жараён ибтидосидаги Гўрўғлининг тақдир йўлини соддалаштирган ҳолда ёйиб кўрсатадиган бўлсак, у куйидаги кўринишни олади. Яъни у – Куёш ўғли бир йиллик мавсумий муддатнинг уч ойи давомида ер қаърида етилиб, кўклам билан бирга туғилиб, уч ой (кўклам фасли) тетапоя бўлиб, уч ой (ёз) баробарида вояга етиб, улғайиб (қайта хомила топиб), навбатдаги уч ой (куз)да камолга эришиб, қаргайиб, хомиласи олти ойлик бўлиб, қайта ўз макони ғорга (қиш кўйнига) кириб уйқуга кетади. Уч ой (қиш) давомида ўлик танада етилган хомила қиш ниҳоясида қайтадан туғилади. Ибтидодаги Куёш ўғли – Гўрўғлининг муқобили бўлмиш қахрамон ғайрикутбининг ҳаёти эса аксинча, У – “Ўзга олам – зулмат дунёсининг ўғли” эса куз кириши билан туғилиб, уч ой қиш тўлиқ етилиб, кўклам адоғида ўз маконига кириб, кузда қайта туғилади, деб тасаввур қилинган. Бир сўз билан айтилса, кузу қиш батнида ёз етилиб дунёга келади ва кўкламу ёз ичида қиш етилиб қайта туғилади, деган тушунча каъбий амалда бўлган. Космосдан хаос, хаосдан космос пайдо бўлиши ҳақидаги универсал модель ҳамма ҳодисада бирдек амал қилади, деб анланган, талқин этилган.

Шундай қилиб, ўт, олов, куёш макони тоғ тасаввурларига боғлиқ, ёз (кўклам)ни олиб келувчи, бутун табиатни, ҳаётни жонлантириб, уларга тириклик берувчи бош эзгу эран – Хизр/Хидир – куёш билан оила, уй ўчоғи, доялик, ҳосилдорлик, туғилишу кўклам маъбудаси – Ҳилол/Ақаной/Ал – Ойнинг ерда туғилган фарзанди – Гўрўғли ибтидода ўлиб

тирилувчи табиатнинг тимсолларидан бири бўлиб, унинг туғилиб ўлиши, яъни гўрдан гўдак сифатида чиқиб, кексайиб қайтиб ғорга кириши замирида йил фаслларининг алмашинувидаги бир кутбнинг тақдири ўз ифодасини топган. Бу миф ва у билан боғлиқ маросимлар қисман унутилиб, даврлар ўтиши билан Гўрўғли табиат тимсолидан эпик қаҳрамон даражасига ўсиб чиққан ва “Гўрўғли” эпосининг тўлиқ шаклланиб, шохлаб, туркумлашиб, бу кунгача етиб келишини таъминлаган. Яна бир бор такрор-такрор айтилса, “Гўрўғли” достони илк сюжетга асос бўлган миф ўлиб тирилувчи табиат сирларини изоҳловчи куёш туркум мифлари тизимида туради.

Биз бобо сюжетнинг контрларини тиклаб, унинг бошқа қисмлари ва дастлабки даврий қатламни аниқлаш баробарида куйидаги тўрт масалани:

1. Қаҳрамоннинг отаси (ҳомийси). 2. Қаҳрамон онаси, туғилиш вақти, жойи ва миссиясига оидлик киритишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйган эдик. Бу масалаларни имкон даражасида ёритдик. Навбатдаги масала сюжетнинг муҳим йўналишларидан бири – қаҳрамоннинг ғайрикутби ва ундаги “ўч” олиш мотивининг туб илдизлари ва тадрижи босқичини тадқиқ этиб чиқамиз.

### **III. Эпосдаги ғайрикутб йўналиши ва “ўч” мотиви.**

Қаҳрамоннинг ғайрикутби ва “ўч” мотивини таҳлил этишдан аввал “ғайрикутб” атамасига қисқача изоҳ бериш талаб этилади. Биз “ғайрикутб” дейилганда қаҳрамонга доимо қарама-қарши турувчи иккинчи бир муқобил кучни тушунамиз. Эпосда қаҳрамонга ҳар жиҳатдан тенг равишда қарши тура олувчи куч ғайрикутб битга бўлади ва у шу хусусияти билан ҳам “рақиб”лардан фарқ қилади. Рақиб ҳеч қачон ғайрикутб бўла олмайди. Рақиб ғайрикутб фаолияти таркибида маълум вазифа ёки хизмат ўташи мумкин. Аксинча, ғайрикутб рақиб вазифасини тўла бажара олади. Қаҳрамон ва ғайрикутб муносабатларини тарозининг икки палласи деб олиш мумкин. Қайси томоннинг кучи, қуввати ортса, тарозининг ўша палласи босим келади. Қаҳрамоннинг кўмакчилари, рақиб, душманлар эса тарози палласига қўйилувчи қўшимча тошларга ўхшаб кетади. Худди куну тун, ёзу қиш, мусбаг ва манфий муқобиллар каби қаҳрамон ва ғайрикутб ҳам бир-бирини тақозо этади.

“Гўрўғли” достонининг ўзбек версияларини ўзаро қиёслаб қараса, бошқа етакчи мотивларда кўрганимиздек, қаҳрамоннинг ғайрикутб линииси ва “ўч” олиш мотивида ҳам қўш қатламлилиқ кўзга ташланади. Яна-



да аниқроқ айтилса, “ғайритабиий ҳомилали” версияларда қаҳрамоннинг ғайрикутби, аини пайтда рақиб ва “ўч” олиш объекти битта, у ҳам бўлса Араб Райҳон. Қаҳрамон эса олиб қочиб кетилган янгиси учун ундан ўч олади. Табиий ҳомилали версияларда эса бу йўналиш тўлиқ сақланган ҳолда, қаҳрамон отасини кўр қилгани учун Шохдорхондан ҳам ўч олади.

Тадқиқотчилар Гўрўғли ва Райҳон араб ўртасидаги конфликтни Туроннинг араблар томонидан истило қилиниши даври воқеалари билан боғлиқ изоҳлашади.

Гўрўғли ва Шохдорхон ўртасидаги ихтилофни эса дostonчилар Турон ва Эрон ўртасидаги қадим тарафқашлик билан боғлашади (8. – Б. 41). Дostonнинг бошқа етакчи образларида тадрижий ривожда бўлгани каби бу ерда ҳам мифологик образ реаллашиб, муайян ҳаётий ёки тарихий воқеалар силсиласига мослашмаганмикан?

Бизнинг бу саволни ўртага қўйишимизга сюжетнинг биринчи кутби (мусбат томони)даги қаҳрамон – Гўрўғлининг тарихан кўклам тимсоли замирида шаклланганлиги ва ўз навбатида, иккинчи қарама-қарши кутбнинг ҳам ушбу тартибда бўлишини мантиқ талаб этишидир. Бево-сита эпос материалларига мурожаат қилайлик. “Гўрўғли” дostonи версиялари орасида талқин ва тасвирларнинг нисбатан қадимий қатламлари сақланиб қолган Тош шоир версиясидаги ушбу фактлар алоҳида диққатга молик.

I. Араб Райҳоннинг “борса келмас юртнинг халқи” (252. – Б.2а) саналиши. Бу сифат унинг юртига нисбатан “борса келмас шахри”, деб такорланиб туриши.

II. Арабнинг қизи Зайлин (қўлёзмада ушбу шаклда берилган (Ш.Т.) араб отасига Гўрўғлини таърифлаган ўринлар ҳам бир қарашда сирли, ғайритабиий туюлади. Қиз айтади:

*“Бир одам кўрдим, кепти бир жойдан,  
Ранглари қонсиз ўхшайди,  
танаси жонсиз ўхшайди”.* (252. –Б. 5а)

*“... Туринг ота битта туркман келипти,  
Кўзларини кўрдим оловдай ёнгон”* (252. – Б. 52).

III. Гўрўғлининг чол Райҳон араб билан олишуви ҳам биз аниқлаган тасавурлар тизимида олиб талқин этилса, янгича мазмун касб этади. Диққат қилинг: «Райҳон араб ўрнидан ирғиб, аччикланиб турди. Ҳассани кўлига олиб, кўчага чиқиб рост бўлди. Қараса, кўчага бир бола келиб турган экан. Кўчага чопиб бориб, – Ў, онағар, деб, от устида Гўрўғлини

ушлаб, отдан ағдариб, йикитиб олди. Кўча ичида иккови анча силкишиб олишди. Олишиб-олишиб охири гаштига Райҳон араб ух, деб ўтириб қолди. Отини бурасоб Гўрўғли Райҳон арабнинг уйига жўнаб берди” (252. – Б. 62).

Бу фактларни биз юқорида тиклаган илк сюжетдаги етакчи мотивлар кўламида тадқиқ этиб кўрайлик:

1. Райҳон арабнинг “борса келмас юрт” вакили сифатида тасвирланиши биз тиклаган илк сюжетнинг иккинчи кутбига аниқлик киритади. Чунки космосдан тушган қахрамон ҳомиласи чегарани белгиловчи дарё орқали борса келмас юрт – хаосга бориб, у ерда етилиб, ер юзида пайдо бўлиши керак эди. Яъни қоронғи юртдан ёруғлик юртига чиқиши керак. Араб Райҳон юртининг “борса келмас” аталиши, деярли барча версия ва вариантларда қахрамон ва Райҳон араб юртини ажратиб турувчи дарёнинг мавжудлиги ва бу дарё билан боғлиқ мотивлар семантикаси, илк сюжетдаги мифологик йўналишлар семантикасига мос келади. Бу эса Райҳон араб образи ўзагида мифологик аънаналар турганлигини кўрсатади. Айни фактлар, ўз навбатида, илк сюжетдаги иккинчи кутб, хаос – борса келмас юрти, бугунги мавжуд версияларда Араб Райҳон юрти эканлигини билдиради. Араб Райҳон образининг тарихан “у дунё” вакили бўлганлигини илк сюжет билан тиллашиб турувчи ушбу мотивлар янада мустаҳкамлайди. Айниқса, бу тасаввурлар дostonнинг етакчи версияларидан бири “Кўрғон-Пўлкан” версиясидаги ушбу мотивларда жуда аниқ-тиниқ тасвирланган.

– Райҳон араб юрти дарёнинг нариги томонида эканлиги;

– Райҳон араб Гўрўғлининг янгасига ошиқ, бир йил бир бор кўриб кетмаса бўлмаслиги ёки касал бўлиб қолиши;

– Райҳон арабнинг оти тулпор. Тулпор отгина дарёдан эркин кушдек учиб ўта олиши;

– Гўрўғли биясини айғирга кўйиши шарт. Чунки унга тулпор от керак. Райҳон араб Гўрўғли биясига отини чоптириш эвазига унинг янгасини олиб қочиб кетиши;

– Гўрўғли бияни миниб, Райҳон арабни дарёгача қувиб бориши. Райҳон арабнинг оти дарёдан ўтиб, Гўрўғлининг бияси ўта олмай армонда қолиши;

– Гўрўғлининг Райҳон араб тулпоридан урчиган тойи – Ғиркўкнинг бу дарёдан бемалол ўта олиши (чунки у ҳам Райҳон араб отидек уч оламни осмон, ер, ер ости дунёсини боғлай олиш қудратига эга, илоҳий қанотли от ҳисобланади);

– Гўрўғли Райҳон арабнинг қизи Зайдинни янгасининг ўрнига олиб кочиб кетиши. Унинг ёш оти – Гиркўк чегара (дарё)дан эркин учиб ўтиши, Арабнинг қари оти кучини бияга бериб қўйганлиги учун дарёдан ўтолмаслиги.

Бу тасвирда Райҳон подшонинг араб сифати ва Зайдиной номларининг арабларга тегишли эканлиги ҳисобга олинмаса, дostonдаги қолган барча воқеаларини VIII-IX асрлар араб истилоси билан деярли боғланмайди. Чунки ушбу сюжет ибтидоида Гўрўғли, яъни мифик тасаввурга кўра доимий ўлиб-тирилувчи табиатдаги ёз (кўклам) тимсолининг ўзига карама-қарши кутби – киш тимсоли билан кураши турибди. Дostonнинг бу кунги версиясидаги сюжетнинг айнаи ҳалқалари эса кўклам батнида киш, киш батнида ёз етилиб туғилиши, бу туғилиш ўзаро кураш, карама-қаршиликлар ичидаги уйғунлик, доимий ҳаракатдан иборат эканлиги ҳақидаги тасаввурларни нисбатан янгиланган шакл ва мазмунда, бадий-эстетик талкинларда тасвирламоқда.

Эътибор беринг:

*Араб Райҳон борса келмас юрт вакили – қиш тимсоли.*

*Гўрўғли қўёш ўғли – космос вакили – кўклам тимсоли.*

Киш (Араб Райҳон) кўкламнинг (Гўрўғлининг) янгасига – Холжувонга ошиқ. Бир йилда бир бор кўрмаса касал бўлиб қолади. Нима эвазига бўлмасин, уни ўзи билан олиб кетишга шай. Айнаи пайтда даврий ҳаракатни боғловчи – от – тулпорнинг туғилиши Райҳон араб (қиш) тулпори билан боғлиқ. Гўрўғли (кўклам) эса бу пайтда тулпорсиз, унинг бияси тулпор туғиб бермаса, Гўрўғли чинакам Гўрўғли бўла олмайди. У ҳам “бир йилда бир шаҳар олмаса ҳалок бўлади”. Тулпорнинг туғилиб улғайиши эса унинг ғалабасини таъминлайди. Яъни кекса янгаси (қиш юрти – борса келмас воқелигига – хаосга сингишиб, кишнинг янги хомиласини пайдо қилса, Холжувоннинг ўрнига Райҳон подшонинг ёш кизини Гўрўғлининг ўз элига олиб келиши эса кўкламнинг навбатдаги хомиласини пайдо қилади. Айнаи тасвир қаҳрамоннинг ерда – кабрда туғилиш мотивининг пайдо бўлиш изларини янада аниқроқ ёритиш имконини беради. Қаҳрамоннинг (кўкламнинг) хаосдан (кишдан) чиқишида онанинг қурбон бўлиши ҳам ўлиб тирилувчи табиатдаги қадим мифологик тасаввурлар тизимидаги таянч ҳалқа ҳисобланади. Дostonнинг бу-гунги версияларидаги Холжувон (янга) ва Зайдиной қадимда Холжувон (Зайдиной) ва Ҳилол – Ақанай – Ал келиб чиқиши жиҳатидан бир ўзак манбадан ўсиб ривожланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бизнинг бу

хулосага келишимизга ёруғ дунё вакили Холжувоннинг “борса келмас юртда туғилган” Зайдиной билан “алмашинув” мотиви моҳиятан Биби Ҳилолнинг ҳалок бўлиб қабрга қўйилиши ва ер остида Гўрўғлининг туғилиб, ер юзига чиқиши мотивига уйғун келишигина эмас. Араб Райҳон қизини олиб келаётган Гўрўғлининг Райҳон арабга айтган жавоб сўзида мазмуннинг ифодаланишида ҳам ўз тасдиғини топади. Яъни Холжувон – Зайдиной йўналиши моҳиятидаги (ёз-қиш) алмашинуви жараёнини изоҳловчи тасаввурлар турганлигини англаймиз. Кўрғон дostonчилари ижросидаги бу айтимнинг машҳурлигини кўп сонли тингловчилар хотирасида қолганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Лекин нима сабабдандир дostonнинг Пўлкан шоир вариантыда айна сўзларни топмадик ва “кўрғонлик” тингловчилар хотирасида сақланган оғзаки ахборотга таянишга мажбурмиз. Уларнинг айтишларича, “Гўрўғли Зайдинойни дарёнинг бу бетига олиб ўтгандан кейин, дарёнинг у томонида қолган Райҳон арабга қараб:

*“...Чечамни бериб, қизингни олдимми араб,*

*Эчкимни бериб, чибчингни олдимми араб?”* –

деб айтган» (269). Бу ўринда чеча(Холжувон)нинг – эчкига, Зайдинойнинг – чибичга (олти ойлик улоқ) ўхшатилаётганини оддий қиёс сифатида қараш моҳиятни жўн талқин этиш бўлади. Аксинча, биз юқорида келтирган: Ҳилол – Ал – ёз (кўклам)нинг зооморфик тимсоли бўлмиш “эчки” образини ёдга олсак. Матндаги эчки ва чибич образларининг магик-поэтик мазмуни ойдинлашади. Янганинг – эчкига, Зайдинойнинг – чибичга қиёсланиши асосида ҳам айна зооморфик тимсол бош омил бўлаётганлигини кўрамыз. Яъни аввалги мавсумда қиш томонидан маҳв этилган қартайган кўклам қувватини, янги мавсум келиб, ёш қиш қувватига алмаштирдим, дейилмоқда.

2. Араб Райҳон қизининг Гўрўғлини таърифлаб:

*“...Ранглари қонсиз ўхшайди, танаси жонсиз ўхшайди...”* деб айтиши замирида Гўрўғлининг энди туғилиб, оёққа тураётган кўклам эканлигига аниқ ишора сезилади.

3. Гўрўғли ва Араб Райҳоннинг олишуви қиш ва ёзнинг кураши ҳақида тасаввурларнинг архаик шаклини тўлиқ ўзида акс эттирмоқда. Дostonнинг бошқа версияларида қиш – Райҳон араб қизини олиб қочган кўклам – Гўрўғлини то чегара – дарёгача қувиб боради. Райҳон арабнинг оти дарёдан ўта олмайди, Гўрўғли Араб Райҳон отни ёйда отиб ярадор этгач, тақдирига тан бериб изига қайтади. Тош шоир версиясида эса улар оли-

шиб – Райҳон араб энгилгач, Гўрўғли унинг қизини олиб изига қайтади. Биз бу тасвирида бевосита қадимий “қиш ва ёз” курашини ифодаловчи маросим изларининг бадий кодлашган тасвирини кўрмоқдамиз. Бу маросим кўклам кириши арафасида дунёнинг кўпчилик халқларида оммавий равишда бу кунгача нишонланади. Бизда эса бугун “Бойчечак” маросими деб номланувчи унутилиш даражасига келган ярим маросим шаклида яшаб турибди (216. – Б.40-41). (Бу хусусда алоҳида тўхталамиз). Ушбу маросим ўзагини ёз ва қиш тимсолини ифодаловчи икки гуруҳнинг турли рақс ва айтишувлар орқали кураши ташкил этади.

“Гўрўғли” достонининг деярли барча версияларида Араб Райҳон образи асосида “қиш” тимсоли турганлигини исботловчи бошқа фактларни ҳам учратамиз. Хусусан, Араб Райҳоннинг “юнг босган” сифати ва унинг қизи Зайдинойга “эчки туёқнинг қизи” деб аталиши (“Наманган” версиясида) замирида ҳам қадим мифологик асос излари аниқ намоён бўлмоқда. Бир сўз билан айтсак, “Гўрўғли” достонининг Араб истилосидан кейинги давридаги янгиланиш жараёнида Гўрўғлининг антиподи, яъни ёзнинг қарама-қарши кутби ҳисобланмиш қиш тимсоли бугунги Араб Райҳон образи шаклини олди. Бу хил тадрижий ривож ҳам мифологик тасаввур аъналарини буткул йўқотиб юбормади. Чунки қадимий тушунчаларга кўра, душман, ёвуз кучлар – нариги дунё ёки борса келмас юрт, қиш – зимистон вакили ҳисобланган. Демак, дастлабки ёзнинг (кўкламнинг) қишдан ўч олиб, табиатнинг тирилиши ҳақидаги тасаввурлар кейинчалик халқ қаҳрамонининг душманларидан ўч олиб ўз халқининг эрки ва давлатчилигининг қайта тикланиши рамзига, бадий ифодасига айланди. Халқнинг ғурурини, ўзлигини ўзига қайтарди. Фикримизни яхлитлаштирадиган бўлсак, тобора кексайиб бораётган қиш ўрнини энди туғилаётган кўкламнинг эгаллаши табиатдаги янгиланишдан далолат берган бўлса, бу янгиланиш даврлар ўтиши билан жамият қонунлари ва этнос тақдирини бадий тасвири сифатида дostonга кўчиб, янгича талқинга эга бўлди. Яъни хотинининг ўғирлаб кетилгани таъсир қилмай қўйган инерт Аҳмад Сардор ва унинг авлодошлари ўрнига янги, қувватли Гўрўғли ва унинг авлоди келганлигини бадий ифодасига айланди.

**Реал ота йўналиши ва достоннинг навбатдаги тадрижий ривож.** Биз бу пайтгача “Гўрўғли” достонининг туб асослари хусусида фикр юритиб, дoston сюжети – Куёш туркум мифлари ҳамда ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги қадим миф ва маросимлар асосида пайдо бўлганлиги,

илк сюжетда қаҳрамоннинг бевосита Қуёш, Ой тангриларининг фарзанди сифатида қаралганлиги ва кўклам – эзгулик тимсоли бўлиб келганлигини аниқладик.

Сюжетнинг навбатдаги босқичида эса қаҳрамон онасининг инсоний қиёфа касб этганлиги, лекин ота илоҳий куч сифатида асл ҳолатига бевосита ва билвосита тегишли унсурлар билан боғлиқ равишда қолганлигини, қаҳрамоннинг туғилиш ўрни, ўлиб қайта тирилиш мотивлари ўз моҳиятини сақлаган ҳолда бир шаклдан иккинчи кўринишга ўтганлигини, яъни дастлабки ҳолат: ҳомила унсурининг муқаддас тоғдаги сутли кўлдан, дарё орқали борса келмас юртга ўтишининг бевосита ер-қаборга айланганлигини, қаҳрамон рақиби эса нариги дунё вакили – “айри туёқ, жунлик” мавжудотдан реал одам – Райҳон араб қиёфасига кирганлигини кўрдик.

“Гўрўғли” достонининг навбатдаги тадрижий ривожланиш (шартли равишда Ш – босқич деб оламыз) босқичида мифологик кўринишдаги ота реал инсонга айланганлигини кузатамиз. Эпос сюжети ривождаги бу ўтиш босқичининг излари Амин шоир Малик ўғли ижро этган версияда нисбаган тўлароқ сақланган. Достоннинг қисқача мазмуни қуйидагича:

“Ғаждумбекнинг синглисига (бир ўринда қизи ҳам дейилади) бир девона ошиқ бўлади. Девона Ғаждумбекка хизмат қилиб юради. Қиз девонадан кўрқади. Чунки қизнинг янғаси таърифлангандек:

*Девонанинг пойтешиадай тишлари,*

*Ҳеч қилга ёқмайди тишлари (254. – Б. 44).*

Девонанинг оти Нуртой бўлиб, аслида “қелган девонанинг бир кокили нуқра эди, бир кокили тилла эди. Никобини олиб, кокилларини тараб ўтирувди. Қиз салом бериб чойнакни олдига қўйди. Қиз унинг ҳусни жамолига гирифтор бўлиб, хангома қилди”.

Подшонинг аъёнлари девонага қалин учун катта шарт қўйишди. Девона бориб пирларга ёлбориб шартни бажарди. Пирлар, қизни олганингда бу мамалакатга бир подшо уруш эълон қилиб келади, дейишади.

Шарт бажарилди, никоҳ ўтди. Пирлар – қирк чилтон, улуғ хўжа – Нодирхўжа, Шайхи Шарофхўжа, Аловхўжа, Хидирбово, қирк султонлар (чилтон бўлса керак) айтганидай чет эл подшоси ёвлаб келди. Улар, қиз бизга аталган эди, куёв билан биз уришамиз, дейишди.

Нуртой урушга киришдан олдин хотинига айтди:

*“Бизни Худо ёмон йўлга бошлади.*

*Бизни этиб ёв йўлига бошлади.*

*Омон келсам муштирапнинг давлати,  
Агар ўлсам сизам кейин ўласиз,  
Сиз ҳам мендай (ҳам) шайид бўласиз.  
Сизни элтиб агар гўрга қўйсалар  
Агар туғсангиз соғу саломат – деб,  
Бобо келиб сизга энага бўладур.  
Шу боламнинг киндигини кесаду  
Аввал Худо, дуйум ўшал бобо пушти паноҳдир.  
Дуо олса баланд бўлар баҳодир,  
Бу боламни тоғаси олиб кетаду,  
Бу болага тоға йўлиқ бераду  
Бир бобо бунга отни тўратур, –*

деб жангта кетади ва шаҳид бўлади. Оти жасадни шаҳарга олиб келади.

Қиз буни кўриб айтади:

*Эй ака, бой бўлиб бойликка бўлмас пулингиз,  
Бурунгидай бўлмас кўрган кунингиз  
Армон билан ўлди Нуртойхондай қулингиз  
Беэр, бева қолди охун синглингиз,  
Ана энди омон бўлинг-а ўзингиз.*

Шундай деб, киз акасининг откори (сийнаси)нинг қошига келди. Отлар босиб ўлдирсин, деб. Бир от тишлади, бир от тепди. Шунда хогин ўлди. Омон-омон бўлиб уруш тўхтади. Уларни бирга кўмишди. Икковининг қабридан икки гул чиқиб, бир-бирига чирмашди, қабрларига соябон бўлди.

Қирк чилтонлар боласи ўлмасин, номи ўчмасин, деб ҳазрати Хизр-га буйруқ қилди. Ҳазрати Хизр “хўп” деб чиллахонага кириб, Худога ёлборди:

*Гўр ичида кўлган болам омонат,  
Худо бўлсанг сақла (соғу) саломат.*

Онага қайта жон ато бўлиб, бола туғилди. Бола онасидан насл-насабини сўради, онаси жавоб қилди:

*Отанг билан онанг, болам ўлгандир,  
Тоғанг олиб бизни гўрга қўйгандур.  
Чилтон бованг бўлди сендан хабардор  
Хизр бованг бўлди сенга мададор.  
Ғаждумбек деган сенинг тоғанг бор,  
Ҳазрат Хизр алайҳиссалом бованг бор.*

Шундан кейин болани Хизр бова тоғасиникига олиб борди. Тоғаси тўй қилди. Хизр бобоси тўйга келиб, болага Гўрўғли деб от қўйди. Тоғаси етимак байталини берди. Араб Райҳон байталга отини қўйиб янғасини олиб қочиб кетди” (достон шу ерда узилиб қолган) (254. – Б. 43-80).

Достоннинг қисқача баёнидан ҳам кўриниб турибдики, қаҳрамоннинг отаси кўп жиҳатлари билан, хусусан, ниқобли бўлиши, ниқобини олгач, хушсурат йиғитга айланиши, қалин шартини пирлари орқали бажариши билан эртақ қаҳрамонларини ёдга солади.

Хўш, қаҳрамоннинг реал отаси қаердан пайдо бўлди?

**Биринчи навбатда**, тингловчи ва қуйловчи онгида, тасавурида ғайритабиий ҳомилага ишонч сўна бориб, қаҳрамоннинг соқрал асосдан узоклашуви, ҳаётийлашуви натижасида табиий отанинг бўлишини эпик мантқ талаб этади. Чунки эртақ жанридан фарқли ўларок достон воқеалари ҳар доим бўлган, деб қабул қилинади. Натижада бахшилар достонга “реал ота” йўналишини олиб киришди. Лекин бу ўринда ҳам қадим анъана ўзанидан четга чиқилмади. Бу ҳолни, аввало, ота номининг Нуртойлигидан ҳам билса бўлади. Яъни қаҳрамон отаси номининг лугавий маъносидаги биринчи қисм – “нур” сўзи ёруғ куёш билан боғлиқлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Номнинг иккинчи қисми “той” – “от қулуни” эканлиги ҳам беўрин эмаслигини достондаги “от” тасавурулари тизими аниқ айтади (бу хусусда иш давомида атрофлича фикр баён этилди).


**Иккинчидан**, ота образи билан боғлиқ сюжет йўнамидаги мотивлар юқорида санаб ўтилганидек, анъанавий эртақ мотивларига жуда мос ва бу ҳолат бахши-шоирлар эртақ қолипидан унумли фойдаланганлигини ҳам кўрсатади.

**Учинчи** бир жиҳат, қаҳрамон отаси баъзи ўринда хизматкор, бир ерда “хондек кул” деб айтиб ўтилган. Бу мотив ҳам отани реал замин билан боғлиқ асослашга уринишдир. Айни мотив ота линиясининг сўнгги босқичига хамиртуруш вазифасини ўтаб, унинг атрофлича изоҳланиб, сюжетнинг асосий ҳалқасига айланди. Биз бу ўринда достон сюжетининг навбатдаги шартли тўртинчи босқичи ва бу босқичга мисол бўлувчи Пўлкан шоир мансуб Кўрғон версиясини назарда тутмоқдамиз. Эътибор берилса, бу ўринда қаҳрамон отаси Равшан (бу ном Нуртой исми билан бевосита семантик умумийликка эга) Шохдорхон фуқароси Ҳамзага асир тушади. Бу мамлакатда муҳожир бўлиб яшаётган Гаждумбекнинг синглиси Биби Ҳилол Равшанни кўриб унга ошиқ бўлади. Биби Ҳилол тадбир ўйлаб, Равшанни кул бозорига ўзини солдиришга кўндиради. Натижада



Ғаждумбек Равшанни кул қилиб сотиб олади. Равшан Ғаждумбек хонадо­нида Биби Ҳилол висолига етади. “Кул”и билан сингисини бир тўшакда кўрганидан ғазабланган Ғаждумбек Равшанни ўлдирмоқчи бўлганида, Биби Ҳилол уни хонлар авлодидан эканлигини, тақдир тақозоси билан бу аҳволга тушганлигини айтиб акасининг жаҳлини босади. Кўриниб турибдики, Кўрғон версиясида агрофлича ишланиб, асосланган Равшан­нинг “кул” бўлиш мотиви моҳиятан Амин шоир версиясидаги “хамир­туруш мотив” – “хондай кулга” бориб уланмоқда (Туб асосда қахрамон отасининг “вақтинча кул” бўлиш мотиви ҳам мифологик ва маросимий асосга эга. Бу хусусда ҳам кейинчалик тўхталамиз). Сўнгги босқичда (Кўрғон версиясида) Амин шоир версиясидаги “эртакона” мотивларнинг туширилиб қолишини бевосита дoston жанри табиатидан келиб чиқиб Кўрғон дostonчилик мактаби вакилларининг бадий тақомил ҳолатга келтирганликлари билан изоҳлаш мумкин.

4-жадвал



Биз “ғайритабиий ҳомилали” версияларини тадқиқ этиб, илк сюжет­ни тиклаш давомида дoston сюжетининг ривожланиш йўлини мавжуд “ғайритабиий ҳомилали” версиялар асосида икки босқичга ажратиб кўр­сатган эдик. Энди юқорида келтирилган “табиий ҳомилали” версиялар таҳлили асосида аниқланган навбатдаги учинчи ва тўртинчи босқичларни

кўшиб, эпоснинг умумий ривожланиш тарихини кўрсатиш имконига эгамиз. Хулосаларимизни аниқроқ ифодалаш учун аввал тузилган жадвални давом эттирамиз (4-жадвалга қаранг).

**Жадвал изоҳи:** Жадвалда келтирилган А, Б, В, Г ҳарфлари босқичларнинг шартли белгилари. С ҳарфи сюжетнинг шартли белгиси. СА – (бобо сюжет)нинг навбатдаги тадрижий босқич унсурлари дostonнинг Б версиялари (СБ1, СБ2, СБ3, СБ4)да нисбатан гўларок сақланган. III босқич СВ версияда, тўртинчи босқич эса СГ версияда намоён бўлмоқда.

### 5-жадвал

Дoston сюжети ривожланиш босқичларининг шартли кўрсаткичи		Ҳомила асоси	Ҳомила пайдо бўлиб, ривожланувчи восита (она)	Ҳомила туғилувчи макон	Қаҳрамон ҳомийси	Қаҳрамонни эмизувчи ҳайвон	Қаҳрамон тарбиячиси
I	СА – Бобо сюжет	Қуёш ва Ой нури	Муқалдас кўл (сут булоғи)	Сув-ер	Қуёш маъбуди	Сув оти (бияси)	Ўзга юрт вакили
II	СБ – босқич	Хизр назари Сув кўшиги От суяғи талқони	Биби Ҳилол Биби Ҳилол Биби Ҳилол	Гўр Гўр Гўр	Хизр Хизр Хизр	Бия Бия Бия	Аҳмад Сардор Аҳмад Сардор Аҳмад Сардор
	СБ, I СБ, II СБ, III						
III	СВ – босқич	Нуртой	Биби Ҳилол	Гўр	Хизр	Бия	Аҳмад Сардор
IV	СГ – босқич	Равшан синчи Тубой синчи ўғли	Биби Ҳилол	Гўр	Хизр	Бия	Ғаждумбек Рустам Аҳмад Сардор

Достон тадрижий боскичининг сўнг ҳалқаси бўлмиш СГ версияда СА боскич унсурлари бадий жиҳатдан янги асосланиб, ғайритабiiй заминдаги мотивлар табиий кўриниш олганлиги билан ажралиб туради. Айни ҳолат қаҳрамоннинг ҳомийси ота-она йўналиши ва қаҳрамоннинг бунёдга келишидаги ҳомила пайдо этувчи унсур ва уни юзага чиқарувчи воситанинг такомиллашуви жараёнида янада аниқроқ намоён бўлган.

Куйида ана шу жараённи бутун боскичларни ўзаро муқояса қилиш баробарида кўриб чиқамиз. Ушбу жадвалга эътибор қилинг.

Келтирилган 5-жадвалда аниқ кўриниб турибдики, бобо сюжетнинг навбатдаги тадрижий боскичларида уч йўналиш айнан бир хил кўрсаткичга эга бўлмоқда. Булар:

– ҳомила пайдо бўлиб, ривожланувчи восита, яъни она йўналиши – Биби Ҳилол;

– ҳомила туғилувчи макон – Гўр;

– қаҳрамон ҳомийси – Хизр.

Навбатдаги қаҳрамонни эмизувчи ҳайвон (бешта вариантда бия, фақат биттасида эчки) ва қаҳрамон тарбиячиси (бешта вариантда Аҳмад Сардор ва биттасида Гаждумбек) йўналишларида биттадан фарқ мавжуд. Айни пайтда сўнгги боскич сифатида қаралаётган СГ версияда кўшимча равишда ўзга юрт вакили ҳам тарбиячи каторида турибди (Рустам).

Жадвалнинг ҳомила асоси – ота йўналиши устунидаги кўрсаткичлар ҳар бир боскичда ўзига хос равишда кўриниш олган. Бунда бобо сюжет иккинчи боскич (СБ)га ўтгач, ҳомий эран билан боғлиқ ғайритабiiй магик унсурлар ҳомила асосига айланмоқда. Учинчи СГ боскичда унсур ўрнини реал ота эгаллаган бўлса-да, у ҳам сеҳрли, ғайритабiiй хусусиятлардан холи эмас. Тўртинчи СГ – боскичда ота тўлиқ реаллашган. Айни пайтда унинг синчилиги замирида бевосита бошқа боскичларга уйғун тасаввурлар тизими аниқ сақланиб келмоқда. Бу жараённинг қандай кечганлигини такроран яна бир бор соддалаштирган ҳолда эслаймиз:

Күёш → қуёш маъбуди (Хизр) → қуёшнинг зооморфик тимсоли (от) бобо сюжетга ўлиб тирилувчи табиат билан боғлиқ маросимий мифологик тасаввурлар тизимидан ўтишган. Бундаги қиш ва ёз (кўклам) кутблари курашида қуёш маъбуди ва от (бия) ёз (кўклам) кутбини ифодалаган. Илк бобо сюжетда айни тасаввурлар мифологик асосга анча яқин турган. Лекин навбатдаги, биз шартли равишда “СБ” деб атаган иккинчи боскичда бир неча тармоқларга ажралган. Айни тармоқ излари достоннинг бугунги кунда ғайритабiiй ҳомила мавжуд версияларида аниқ сақланиб турибди.

Бу версияларда бобо сюжетнинг ота йўналишидаги асос: “СБ1” версияда “Хизр назари бўлиб, у куёш маъбудининг кўз куввати, айнан куёш нури-ни англатади, деб хулоса чиқаришимизга имкон беради. “СБ2” версиядаги “сув кўшиги” эса мифологик сут кўлига тушган ҳомий рухнинг илоҳий нуридан тўйиниб, қайнаб, кўпириб тошган сувнинг мифик дарёга ўтган қисми, кўпигидир. Бу ўринда ҳам асос, манба куёш нуридир. “СБ3” версиядаги “от суягининг талкони” куёшнинг зооморфик тимсоли бўлмиш отга (сув оти, тулпорга) тегишли эканлигини илғаш қийин эмас. Бу ўринда қисм бутуннинг магик кудратини ўзида сақлаши ҳақидаги тасаввурни эслаш кифоя. Айни унсур ҳам от, Хизр ва Куёшга бориб уланади.

“СБ4” версиядаги “олма” унсури ҳосилдорлик маъбудаси ва кўклам тимсоли сифатида бевосита она йўналиши билан боғлиқ келаётган бўлса-да, билвосита кўклам (ёз) кутбининг ҳомийси Куёш маъбуди тизими-га тааллуқли.

Жадвалдаги шартли учинчи “БВ” босқичда ҳомий рухнинг инсоний киёфага кирганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат бевосита биз юқорида таъкидлаганимиз қаби (ота, она йўналиши таҳлилида) инсоннинг туғилиш ҳақидаги билим ва тасаввурларнинг реаллашуви натижасида пайдо бўлган. Натижада реал ота образи бевосита ҳомий рухдан нусха олиб яратилди. Фикримизни қаҳрамон отасининг Нуртой аталиши ҳам исбот этади. Яъни нур – куёш нури, той – куёшнинг зооморфик тимсолини англатади. Айни пайтда, тўртинчи “СГ” босқичда қаҳрамон отасининг Равшан номланиши ва унинг синчи эканлигида ушбу тасаввурлар аъёнани сакланган бўлса-да, Равшан эпик мантик ва бадий мезонларга тўла жавоб берувчи эпик қаҳрамон образига айланганлиги билан ажралиб туради.

Биз эндиликда ушбу қисм аввалида ўртага қўйган “қаҳрамоннинг реал отаси қаердан пайдо бўлди?” деган саволга қуйидагича аниқ жавоб бера оламиз.

“Тўрўғли” туркумидаги эпик қаҳрамоннинг реал хусусиятли отаси бевосита эпик ҳомий ҳақидаги умум тасаввурларга боғлиқ магик унсур ва хусусиятларнинг реал асосга кўчирилиши натижасида пайдо бўлди, такомиллашди ва бадний жиҳатдан далилланди. Бу эса ўз навбатида “Тўрўғли” туркумидаги ҳар бир мотив ва образ йўналишларининг маълум тарихий тараккиёт йўлларини босиб ўтиб, даврлар алмашинуви баробарида мукаммаллашиб, сайқалланиб, бадний тимсол даражасига айлантирганлигини кўрсатади. Айни ҳолатни эпосдаги бошқа етакчи образлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ушбу бобда кўриб чиқилган масалаларни яхлитлаштирган ҳолда шундай умумий хулосага келиш мумкин:

– “Гўрўғли” дostonнинг барча версия ва вариантлари (улар қандай кўринишда, шаклда, ҳолатда бўлишидан қатъи назар) эпоснинг ривожланиш босқичлари жараёнини ўзида у ёки бу даражада акс эттириши, сақлаб келаётганлиги билан қимматли;

– Гўрўғли ҳаётига асос бўлган воқелик, дунёқараш ва тасаввурлар олами ҳамда дostonдаги ота, она, ғайриқутб образларнинг туб манбалари, тадрижий босқичларини текшириш эпосининг кўхна илдизларга эга эканлигини кўрсатди;

– қахрамон номида образ билан боғлиқ қадим мифологик тасаввурлар тўлиқ акс этиб, дoston сюжетининг барча қатламларида ўз изини турли кўринишларда намоён этади;

– қахрамоннинг туғилиши ва номланиш мотивларининг туб асоси халқимизнинг анимистик дунёқарашлари ва қадим куёш туркум мифларига боғланади;

– қахрамон отаси ибтидода маъбуд – рух ота, рух бобо (нур, назар) ва сеҳрли қудратга эга реал ота (Нуртой), шахзода, синчи реал ота (Равшан) тадрижий босқичларини босиб ўтди;

– қахрамон онаси ибтидода мифологик образ бўлиб, сюжетнинг архаик қатламида маъбуда сифатида тасаввур қилинган, сўнг инсоний қиёфа олди;

– дostonдаги ғайритабний ҳомила унсурлари мавжуд вариантларда турли кўриниш қасб этишига карамай, туб асосда ягона тасаввур ва дунёқарашга боғланиб, эпоснинг илк бобо сюжети қандай ривожланиш босқичларидан ўтганлигини далилловчи муҳим фактлар сифатида намоён бўлади;

– арханк сюжетда шажараси осмон ёритқичлари (қуёш, ой)га боғлиқ қахрамон дастлаб сув остида дунёга келди. Она инсон қиёфасини олгач, бу мотив қабр (гўр) шаклига ўтди. Қахрамоннинг қоронғилиқдан ёруғликка чиққан қуёш эранининг ўғли эканлиги ҳақидаги талқин ўрнини, гўр (қабр) ўғли изоҳи эгаллади.

## IV БОБ

### ДОСТОНДАГИ ЕТАКЧИ ОБРАЗЛАРИНИНГ ТУБ АСОСЛАРИ ВА ЭПОСДАГИ ЎРНИ

“Гўрўгли” достонининг туб асослари ва тадрижий боскичларини ёриштида бош қахрамон, ота-она йўналиши, ҳомий ва ғайрикутб образлари билан бир қаторда достондаги етакчи образларни ҳам атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Биз қуйида ана шу кўламдаги Сокибулбул, Фирқўк, Жунус-Мисқол парилар, кўмакчи девлар (Ҳасан чопсон, Ҳасан кўлбар, Ҳасан Якдаста) ва Аҳмад сардор каби образлар юзасидан ўз фикр мулохазаларимизни баён этамиз.

#### **I. Сокибулбул образи.**

“Гўрўгли” туркум достонларининг талқинига кўра, Сокибулбул – чилтонлардан бири. Гўрўглининг устози, маслаҳатчиси, даврасининг соқийси, Фирқўкнинг сайиси ҳисобланади. Тингловчи илк бор Сокибулбул билан достоннинг “алпнинг қайта яраниши” қуйланган қисмида, яъни ҳомий – эранлар ғорида Гўрўгли билан боғлиқ кечган воқеалар тасвирида дуч келади. Бу ўринда Гўрўглибекни чилтонларга танитиб, Ҳазрати Хизр айтади: “Бизнинг фарзанд ўтиришда таълим олсин, сипоҳигарчиликни ўргансин, деди. Шунда ҳалигилар (чилтонлар – Ш.Т.) қур тортиб, тиз букиб ўтирдилар. Ана шунда Сокибулбул чилтон май сузиб, пир айтган соқи эди. Женгди туриб, ўртага кириб, шароби антаҳурни тахлаб, жомини кўлга олиб, созни чертиб, сўзини айтаётир” (19. – Б. 128).

“Мажлисда ўтирган ҳамма азизлар антаҳур майдан навбатлари билан ичиб, Гўрўглибекка ҳам навбат кosalарини берди. Гўрўглибек ҳам кирк чилтонга кўшилди. Шунда ҳазрати Қутб ал-Ахтаб айтдилар:

– “Гўрўгли шароб антаҳурдан ичиб соҳибқирон бўлди. Соҳибқиронликди Фирот кўтара олмайди. Шунда Фиротгаям бир коса майдан беринглар, деди. Шунда Гўрўглибекнинг Фиротгаям бир коса шаробдан сувига кўшиб бердилар, шунда Гўрўгли кип-қизил валиулло бўлиб, етти қават осмонни кўрди. Етти қат ерни кўриб, Говмоҳни ҳам кўрди. Фирқўк от ҳам бўлганича бўлди” (244).

Пирлар Гўрўглининг тилакларига оқ фотиҳа бериб, от-анжомини тўғрилаб-созлаб айтдиларки, Ёвмит элида тоғнинг пастида пайшанба кунда бир шаҳар бино бўлади. Шунда Соқибулбул бориб бу шаҳарга от қўйиб сени тахтга ўтказди. “Соқибулбул сенга ҳам устод бўлади, ҳам Фирқўк отнинг сайислигини қилади. Зинҳор Соқибулбулнинг айтганидан чикма” (19. – Б. 135), яна айтадиларки, “Соқибулбул нима деб от қўйса, шаҳарнинг оти шу бўлади. Соқибулбулнинг айтгани-айтган, билгани-билган, қилгани-қилган бўлади” (19. – Б. 135-136).

Маълум бўлмоқда, Гўрўглининг бош ҳомийси – отахони Ҳазрати Хизр қирқ чилтон пирлар орасидан Соқибулбулни Гўрўгли учун доимо ёнида бўлувчи устоз, соқий, сайис этиб тайинлади. Катта “Гўрўгли” туркумига мансуб “Тулирухсора” достонининг кириш қисмида келган анъанавий тушунтиришда ижрочи бахши Алим бахши Ҳаққул ўғли Гўрўглининг пирлардан тилак тилаб, дуо ва тарбият олиб изига қайтаётган ҳолатида кечган воқеани тасвирлар экан, шундай маълумотни келтиради: Гўрўгли пирлар ғоридан “... отини миниб чикқанидан кейин орқасидан, дуомиз мустажоб бўлдимикин, деб қирқ чилтон Мунчол деган тоққа юборган эди. Шунда душман кийимида келган чилтонлар билан уруш қилиб, улардан ғолиб келиб, Соқибулбулни отдан авдириб олган эди. Шунда чилтонлар дуомиз мустажоб бўпти, деб ўлгунча отингга сайис, деб Соқибулбулни берган эди” (258. 1-дафтар. – Б.5).

Айни тасвирда нима учун Соқибулбулнинг танланишини изоҳлаш билан бир қаторда ғолибнинг мағлубни ўз хизмат доирасига олиши ҳақидаги анъанавий тушунча ҳам мавжуд.

Умуман олганда, Соқибулбулнинг устозлик, соқийлик, сайислик вазифаларининг туб асослари қандай дунёқараш ва тасаввурлар маҳсули эканлигини тартиб билан кўриб чиқайлик.

а) **Соқибулбул – устод.** Достонда Соқибулбулнинг “айтгани-айтган, билгани-билган, қилгани-қилган”, деб айтилишига сабаб Гўрўглининг эпик ҳомийларидан саналмиш чилтонлардан бири эканлиги. Янада яқинроқ айтилса, чилтонлар раҳбари ва Қутбул қутб талаби билан Гўрўғлига маҳсус ёрлашиш учун қўйилган ҳомий куч сифатида изоҳланмоқда. Чунки Гўрўгли соҳибкирон бўлди. Соҳибкирон эса “танланган”, “илоҳий нафас” ва “ҳомийлар” назарида турган, бахтли юлдуз остида туғилган кишидангина чиқади. Айни мотивни биз реал ҳаётдаги – тарихий соҳибкирон Амир Темур биографияси ҳақида ҳикоя қилувчи китобда ҳам учратамиз. Амир Темур шундай ҳикоя қилади: “Мен йигир-

ма бир ёшга тўлганимда саёҳат қилмоқчи бўлдим. Лекин аввал Шайх Зайниддин Абу Бақр Таёбодийдан дуойи фотиҳа олмақчи бўлдим. Шайх саёҳатимга дуойи фотиҳа бериб, белимга камар боғлаб, бошимга кулок кийгизди ва менга бир чиғанок узук тортик қилди, унинг кўзига “рости-русти” сўзлари ёзилган эдики, унинг маъноси ҳаққонийлик, одиллик ҳар қандай балодан халос қилади, демақдир. Шайх менга муваффақиятлар ва саёҳатимда омад тилади ва мен ҳақимдаги дилимдаги мана бу самимий сўзларни айтди:

– Дунёда бир одам бор, у сени ҳамма ишларингда қўллайди, мени пайгамбарнинг ноибидеб атайди. Алхол, сен уни кўра олишинг мумкин эмас, лекин шундай пайт келадики, унинг ўзи сенга бахтга тўла назар билан қарайди” (46. – Б.13). Амир Темур давом этиб ёзади: “Мен 805 йили, етмиш ёшимда Румнинг пойтахтини забт этганимдан сўнг шайх Қутбул Орифин Садруддин Ардабилининг ҳузурига бордим. Мен покиза ҳаёти маълум бўлган бирор авлиёга хизмат қилишни истардим ва шайхдан шундай хизмат қилишим мумкин бўлган кишини кўрсатишни сўрадим. Шайх менга Шахлон тоғига боришимни маслаҳат берди, у ерда қоядан чиқаётган бир булокни топишим керак эди; булоқдан галма-галдан бир совуқ ва бир иссиқ сув чиқиб тураркан. Мен у ерда сабр қилиб Қутбни кутиб туришим, сўнг унга хизмат қилишим керак эди. У булоқ ёнига келиб таҳорат қилиб намоз ўқиркан” (46. – Б. 14). Амир Темур айтилган жойдан булокни топиб Қутбни кутиб туради. “Тонг сахар, – давом этади соҳибқирон, – булоқ бошига бир одам келиб, таҳорат қилди-да, намоз ўқий бошлади. Мен бу одамнинг ёнига бордим, кейин бетига қарасам, – во ажабо, – бу ўзимнинг мироҳўрим экан. Бу одам уч кун давомида булоқ бошига келиб таҳорат қилиб намоз ўқиди. Учинчи кун мени қийнаётган шубҳадан қутулиш учун мен у билан сўйлашишга журъат этдим ва айтдим:

– Саййид Али ота. Мен сени хизматкорларимнинг орасида энг ношудидеб билардим, мана энди сенинг мартабанг шунчалик баланд эканини кўрдим. Энди саволим бор, айтчи қандай қилиб бундай олий ва шарафли мартабага эришдинг?

У бундай жавоб берди:

– Сенинг салтанатинг бошланишида “Қутб ул-аҳтаб” сенга ёрдам беришимни менга буюрди, мен унинг буйруғини адо этдим.

Сўнг иккимиз таҳорат қилдик, кейин Саййид Али ота имом бўлди, мен унинг орқароғида турдим ва иккимиз намоз ўқидик. Бу намоз менга ниҳоятда буюк бир сурур бағишлади. Намоздан сўнг Қутб менга деди:



– Сен Аллоҳнинг меҳмонисан, шунинг учун меҳмондўстлик юзасидан парвардигор барча айтганларингни бажо келтиради.

Мен ундан имонимни тасдиқлашни сўрадим. Кутб жавоб берди:

– Имон Расулуллоҳга тегишлидир... – дедилар” (46. – Б. 14).

Шундан сўнг Кутб вафот этади. Амир Темур ғамнок бўлиб шайх Садриддин хузурига қайтиб, бўлган воқеани айтади Шайх Темурга шундай дейди: “Ҳокимият фақат Аллоҳнинг ердаги нойиби Кутбга тегишлидир, у “Кутб ул-аҳтаб”нинг буйруғи билан буюк амирни қўллаб туради. Кутб ўлгандан сўнг эса ҳокимият унинг қўлига ўтади. Қайсарнинг салтанатини Худонинг шундай бир бандаси қўллаб турарди, у ғойиб бўлди. Энди қайсарнинг салтанати сенга ўтди” (46. – Б. 14).

Амир Темур ҳикоясидаги қуйидаги мотивларга эътибор берайлик:

1. Ёш Темурнинг тақдирдан огоҳ бўлиб, махсус ҳомийга эга бўлиши;
2. Пирдан совғалар олиши.
3. Ҳомийнинг мирохўр – отбоқарлар бошлиғи эканлиги.
4. Ҳомийнинг чилтонлардан бири – Кутб эканлиги.
5. Ҳомийнинг ҳар бир ишда соҳибқиронни қўллаб туриши.
6. Ҳомий билан учрашув жойи – тоғ, сирли булок бўйида рўй бериши.
7. Темурнинг кутб бўлиши.

Соҳибқиронликни таъминловчи бу мотивларни “Гўрўғли” дostonида Гўрўғли образи мисолида ҳам кўрдик, тадқиқ этдик. Демак, Амир Темур ҳаётида рўй берган ҳодиса ва “Гўрўғли” дostonидаги “ҳомий”лик линияси (йўналиши) бир умумий тасаввурлар замирида турганлиги аниқ. Бу эса халқнинг соҳибқиронлик ва аллпик тасаввурлар тизимидаги ҳомийлик йўналишининг алоҳида ўрни борлиги ва бу тизим қадимдан келаётганлигини кўрсатади. Ушбу тизимнинг бевосита Саййид Али ота ва Соқибулбул билан боғлиқ ўринларини қиёслаб чиқайлик:

– Саййид Али ота чилтонлардан бири – ҳатто, кутб мартабасига етган киши. Соқибулбул ҳам чилтон сифатида талқин этилади. Ҳар иккиси ҳам “Кутб ул-аҳтаб” буйруғига биноан ўзларига юклатилган вазифа (юмуш) ни бажаришади;

– ҳар иккиси ҳам ҳаётда сайислик – мирохўрлик вазифасини ўташади;

– Саййид Али ота маънавий камолотга етган, танланган кишилардан бири, Соқибулбул ҳам шундай етишган шахс;

– Саййид Али ота ислом дини ва тариқатида камол топган шахс. Соқибулбул ҳам дostonнинг ҳозирги ҳолатида ушбу мақомда тасвир-

ланган. Айни пайтда Сокибулбул образи замирида халқимизнинг кўхна тасаввур ва ишонч-эътиқодларининг излари ҳам кўзга аниқ ташланиб турибди. Ушбу жиҳатлар Сокибулбул образининг туб манбаларини ёри-тишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

**б) Сокибулбул-соки.** Сокибулбул ўз номи билан, аввало, “соки” эди. “Соки” сўзи икки мазмунга эга ва ҳар икки маъно ҳам Сокибулбул образига мос келади. “Соки” сўзининг бир маъноси – “бахши” – “шоир” демакдир. Иккинчи маъноси “даврабоши”, “май сузувчи” мазмунини ифодалайди. Бу маънолар “сокий” сўзининг бугунги кундаги маъно до-расини акс эттиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да иккинчи маъно: “Сокий(а) Май қуювчи; косагул” (194. – Б.73) тарзида берилган.

Сокибулбулнинг бахшилигини оддий кўшиқ айтувчи ҳофиз маъно-сида тор англамаслик керак. Бу сокийлик-бахшилиқ, шомонлик билан узвий боғлиқдир. Достондаги “май”, “майхона”, “май ичиш”, “сафар коса” каби сўз ва ибораларнинг маъно-мағзида моддий майдан кўра қадимий диний маросимдаги рамзий соқрал мазмун бирламчи ўрин-да туради. Аслида “майхона”ни – ибодат жойи, “соки”ни ибодатни бошқарувчи руҳоний сифатида англаш ўринли. “Соки” сўзининг бу-гун унутилган учинчи бир маъноси “руҳоний” – коҳин сўзига мос ке-лади. “Гўрўғли” достонларидаги Сокибулбул Гўрўғли салтанатининг бош коҳини, руҳонийси, шомони ҳисобланади. У салтанатдаги бар-ча маросимларни бошқарган, қаҳрамонни сафарга кузатар экан “ок фотиҳа” берган. Демак, Сокибулбул образи ибтидосида исломгача бўлган дунёқарашлар катлами ҳам бадий-тимсолий шаклда сақланиб келмоқда.

“Гўрўғли” достони сюжети, асосий мотивлар, хусусан, қаҳрамоннинг “танланиши”, “алпнинг қайта яраниши” ва “ҳомийлар” билан боғлиқ кўплаб ўринларда шомонистик дунёқараш излари аниқ кўринса-да, улар исломий дунёқараш ва тасаввурларга уйғунлашиб, исломий қобилка ўралганлигини кўрамай. Айни ҳолатни Сокибулбул образи мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

**в) Сокибулбул сайис.** “Гўрўғли” достонда тасвирланишича, Со-кибулбул Фирқўкнинг бирдан-бир қаровчисидир. Сокибулбулнинг са-йислиги моҳиятан биз иш давомида “қаҳрамоннинг ота йўналиши” билан боғлиқ тадқиқ этиб аниқланган: куёш – Хизр – от (тимсоли) та-саввурлари тизимида ўз изоҳини топади. Сайислик “Гўрўғли” досто-нида оддий хизматкорлик эмас. Сайислик илоҳий “от”га қаровчини –

илоҳий хизматга тегишлиликни билдиради. Яъни Сокибулбулнинг биз юқорида ёритган соқийлиги – коҳин, шомон, руҳонийлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бу ўринда Амир Темурнинг ҳомийси Саййид Али отанинг ҳам мироҳўр бўлишлигига қайтсак, масаланинг бизга қоронғи яна бир “сир”и борлиги аниқ. Лекин бу ҳолатни тасодиф деб изоҳлаш муаммони ўта жўн ҳал қилишдир. Умуман, Сокибулбулнинг устозлиги, соқийлиги, сайислиги халқ онгида қадим-қадимда шаклланиб, ривож топган бир умумтасаввурлар тизими билан боғлиқ бўлиб, дostonнинг ўзак линияси – ҳомийлик ва ота йўналиши (Гўрўғлининг отаси Равшаннинг ва бобоси Тўлибойнинг ҳам синчилигини эсланг) ўзига хос мукамал бадий шаклдаги ифодасидир. Шу ўринда фольклоршунос Муҳаммадали Қўшмоқовнинг Сокибулбулни Қўрқит ота типидagi эпик шоир сифатида талқин этиши масала қўламини янада кенгайтиради (191. – Б. 47-48). Аммо Ҳоди Зариф ва М.Қўшмоқовларнинг Сокибулбулнинг етакчи хусусиятларидан бири ҳомийлик чилтонликни сўнгги давр маҳсули сифатида инкор этишлари хийла баҳсталаб (92. – Б. 74; 191. – Б. 47). Эҳтимол, чилтон атамаси нисбатан кейинги даврларда юзага келгандир. Лекин бугун бу атама ифодаловчи барча моҳият Сокибулбулга хос асл хусусиятлардир. Балки зикр этилган муаллифлар биз ўйлаётган даражада анойи бўлмаган, Сокибулбулни, умуман, дoston қаҳрамонларини диний бўёқлардан атай ҳоли қилиб кўрсатиб, уларни шўровий мафкура тазйиқига рўпара келтирмасликка интилганлар. Зеро, тадқиқотчилар тажрибасида бундай йўллар аввалдан мавжудлигидан хабаримиз бор. Аксинча, Муҳсин Қодиров ва Охунжон Собировларнинг Сокибулбул образидagi етакчи планга олиб талқин этилган масхарабозлик, қизиқчиликлар нисбатан сўнгги даврларнинг талқини бўлиши керак (187. – Б.120-127; 158. – Б.8). Сокибулбул образи фольклоршунослигимизда таъкидланганидек, том маънода, ўзбек дostonчилигининг ноёб бадий ишланмаси (191. – Б. 53). Янада аниқроқ айтсак, ҳаёт ва дostonлардagi эпик ҳомий анъана-тасаввурлари асосида шаклланиб, камол топган образдир.

Сокибулбул образининг туб асослари ва тадрижи ҳам “Гўрўғли” дostonининг пайдо бўлиш даври қадимий эканлигини яна бир бор тасдиқ этади.

## **II. Фирқўк образи.**

“Гўрўғли” дostonининг бошка образларидан фаркли равишда Фирқўк образи фольклоршунослигимиз асосчиси Ҳоди Зарифнинг “Ўзбек

халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар” (92) тадқиқотининг “Жанговор от образининг қадим асосларига доир” бўлимида атрофлича ўз талқинини олганлиги билан ҳам ажралиб туради (92. – Б. 65–88). Бу ишни нафақат Ҳоди Зарифнинг, балки ўзбек фольклоршунослигининг энг муқаммал тадқиқотларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Ҳоди Зариф Фирқўк образи ҳақида фикр юритар экан, уни сув ва юлдуз билан боғлиқ талқин этилувчи қадим мифологик от образи анъаналари билан қадим аждодларимизнинг от наслини такомиллаштиришдаги наслчилик тажрибалари, малакалари, анъаналари асосида тўлиқ шакланган, деган хулосага келади (92. – Б. 65–88).

Озарбойжон фольклоршуноси Мирали Сейидов эса Фирқўк сўзи этимологиясида “ўт” (олов) ва “тоғ” сўзларини кўради ва Фиротни “тоғ” тангрисининг оти сифатида талқин беради (155. – Б. 67, 281).

Биз ҳар икки фольклоршуноснинг фикрларига қўшилган ҳолда яна куйидаги мотивларни алоҳида қайд этиб ўтамыз. Диққат қилиниб, ўзаро солиштириб кўрилса, эпик қаҳрамон ва эпик отнинг дostonдаги тақдир чизиклари деярли бир-бирига мос келишини кузатиш мумкин. Эътибор беринг:

1. Қаҳрамон ҳам Фирқўк ҳам ғайритабиий туғилиш /ҳомила/ маҳсули.
2. Ҳар икки образ ҳам доимий равишда эпик ҳомийлар кўмагида, назарида бўлишади.
3. Қаҳрамоннинг ёшлигидаги “тўполони” ёки “алплик касали” мотиви, эпик отнинг кўримсиз, тозидек шаклда дунёга келиши билан семантик жиҳатдан уйғун.
4. Эпик ҳомий макони – эранлар ғорида қаҳрамон ва эпик отнинг “қайта яраниши”, келажак тақдирининг билиши. Қаҳрамоннинг алплик-соҳибқиронлик яроқ-аслаҳаларига, отнинг асл тулпорлик от абзалларига эга бўлиш.
5. Қаҳрамон ва отнинг биринчи жасорати.
6. Қаҳрамон ва отнинг баробар қариб, асл маконларига кетишлари.
7. Бахшиларнинг қаҳрамон ва от шухратини қўшиқ қилиб куйлаб авлоддан-авлодга ўтказишлари.

Биз эпик қаҳрамоннинг илк мифологик асосдаги туғилиши бевосита куёш, ой, ернинг киндигидаги сут кўли жойлашган тоғдаги ғордан чиқувчи дарё билан боғлиқ эканлигини кўрдик. Фирқўк ҳам бир жиҳатдан сув айғирига бориб боғланади. Ҳатто дostonнинг Тош шоир версиясида Гўрўғлининг кўк байталига тоғдаги ғордан бир айғириб чиқиб чопади

ва Фирқўк туғилади (251.– Б. 20). Айни мотив бошқа версияларда бевосита сув айри сифатида берилади. Бу ўринда мифик от чикувчи макон нисбатан ўзгараётган бўлса-да, мотив семантикаси бузилмаган. Илк бобо сюжетига эпик от – Фирқўк ҳам эпик қахрамон каби бевосита қуёш (юлдуз)дан тўраб, сувда камол топганлигини дostonнинг барча версия ва вариантларида турли ҳолда, сакланган рудемент унсурлар асосида тиклаш мумкин.

Дostonнинг бугунги редакциялари ва умуман, қадимий ҳолатида ҳам отнинг бажарувчи вазифаси аниқ. Яъни жанговор от қахрамонни мавжуд оламлар билан боғлайди. Бу хусусда Ҳоди Зариф юкорида эслаган мақолада атрофлича ёзган (92. – Б. 65–88).

Ушбу ўринда бизни дoston сюжетига асос бўлган қадимий мифологик қатламда, отнинг вазифаси қандай бўлганлиги масаласи қизиқтиради. “Гўрўғли” дostonидаги бир қатор образлар тарихида бўлгани каби бу ўринда ҳам серқатламлилиқ кўзга ташланади. Бевосита дoston матери-алларига мурожаат қиламиз. Дostonнинг Кўрғон версиясининг Пўлкан шоир вариантыда Гўрўғлининг Қўҳи Қофга боришда Самандар девга учраши вақтида Фиротни «менинг худом» деб таништириши замирида бу унсур яққол кўзга ташланади. Дostonнинг бугунги ҳолатида ушбу “таништирув” тингловчида енгил кулгу уйғотади, аслида отни “худо” – тотем сифатида англаш ишончи туркий халқлар ва “Гўрўғли” дostonига кенг қўламда таянч бўлган қадим-қадимги ишонч-эътиқодлар билан боғлиқ. Айни пайтда, бевосита “Гўрўғли” дostonида аниқ бир йўналиш бўлиб келувчи бош ҳомий – “Хизр-қуёш-от” билан боғлиқ мотивлар ўзанида ўз асосини топади. Аслида “от” образи “Гўрўғли” дostonига асос манба бўлувчи мифик тизимда етакчи култ вазифаларидан бирини бажарган. Янада аниқроқ айтилса, ёзни олиб келувчи, қуёш маъбудининг рамзи ҳисобланган. Кейинчалик эса қуёш тангрисига қурбонликка айланган. Кўпчилиқ қадимий скиф-турк кабр-кўрғонларида марҳум билан отларнинг кўмилиши ҳам уларнинг қайта тирилувида от – қуёш тангриси ёрдам беради, деган маъно халқ эътиқодининг қадимий қатламида турган бўлиши керак. Ушбу ўринда сак ва массагет қабилаларида отни қуёш шарафига қурбонлик қилишгани ҳақидаги юнон тарихчиларининг ёзма маълумотларини ҳам эслаш ўринли. Отнинг боғловчилиқ – медиаторлиқ вазифаси эса бу ўзак мазмун билан ёнма-ён келиб, кейинчалиқ асосий ўринга ўтган.

Демак, дostonдаги Фиркўк образи маросимий миф замиридан ўсиб чикиб, Гўрўгли билан қадимдан ёнма-ён келаётган етакчи образлардан биридир.

### **III. Жунус ва Мискол пари образлари. Гўрўглининг уйланиши.**

“Гўрўгли” дostonининг умумий сюжетида “ёр” йўнами қахрамоннинг “ор олиш” (Райҳон подшодан ўчини олиш) ҳалқасидан сўнг келади. Шу жиҳати билан ҳам “Юнус пари” дostonи “Алпомиш”, “Кунтуғмуш”, “Якка Аҳмад”, “Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам”, “Тохир ва Зухра” ва бево-сита “Гўрўгли” туркумига кирувчи “Равшан” типидagi қатор дostonлардан ажралиб туради. Аслида ҳам “ор олиш” мотиви дoston сюжети ўсиб чиққан маросимий мифнинг етакчи ҳалқаларидан бири бўлган. Моҳиятан олиб қараганда, фаслларнинг ердаги даврий айланиши жараёнида, доимий ўлиб, қайта тирилувчи табиатнинг бир кутби – ёз (кўклам) тимсоли бўлмиш Гўрўгли учун уйланиш, фарзанд кўриш эҳтиёжи бўлмаган. Чунки у миф мантикига кўра, киш батнида етилиб, қайта туғилган. Аксинча, киш ёз батнида етилиб, қайта дунёга келган. Шу тартибда даврий узлуксизлик таъминланган. Мифологик асос эпик воқеликка ўтгач, дoston сюжетида қахрамоннинг уйланиш мотиви янги иккинчи ҳалқа сифатида киритилган бўлиши ҳақиқатга яқинроқ туюлади. Қахрамоннинг ғайрикутбидан “ор олиш” йўналиши эса анъанавий биринчи ҳалқа сифатида қолган. Шу ўринда гўрўглишуносликдаги “сирли” бир муаммо, қахрамоннинг фарзандсизлиги ҳам ўз изоҳини топади. Яъни қахрамоннинг “миф”даги ўлиб қайта тирилиш анъанаси (бу мотив эпосда ҳам турибди) асосида турғунлашган “фарзандсиз”лиги эпик сюжетга ҳам кўчган. Кейинчалик фарзандсизликнинг мифологик изоҳи унутилиб, янгича “пирлардан тилак сўралганда, “зот” унутилганлиги” ҳақидаги бадий изоҳ пайдо бўлган. Унга асранди ўғиллар тайин килинган. Ҳаттоки дostonнинг Лақай вариантыда Аваз Гўрўглининг чин фарзанди, Булдуру кассобнинг асранди ўғли сифатида талқин этилади. Бу мотивларнинг, изоҳ ва талқинларнинг барчаси кейинчалик бадий мантиқ талаби, тингловчи ва бахшиларнинг хоҳиш-истаклари билан дoston таркибига киритилиб анъаналашган.

“Гўрўгли” туркумида қахрамоннинг икки парига баравар уйланиши тасвирланади. Улардан каттаси Жунус пари – парилар подшосининг қизи, Кўҳи Қоф фуқароси. Иккинчиси Мискол пари – Ирамбоғ фуқаросидир.

Семантик жиҳатдан уларнинг бирини само, иккинчисини ер қизи деб ажратиш мумкин. “Гўрўглининг туғилиши” дostonини нашр этувчи-

лар М.Саидов, М.Муродов, Ш.Хўжаева сўнгги сўзларида Гўрўглининг рафикалари аслида бир образ бўлган (19. – Б.324), деган фикрни илгари суришади. Бу фикрни асоссиз деб бўлмайди. Чунки, аввало, париларнинг номлари мазмуни бир тушунчани англатади. Яъни Жунус пари номидаги “жунус” сўзи асл туркийча бўлиб, “мисқол” маъносини англатади. “Жунус” сўзининг бу маъноси билан бир ўзакка боғловчи “жун” сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланилади. Ўзбек тилининг Ғаллаорол шеvasида хасдек енгил “қасмок” ўсимлигини ҳам “жунус” аталади. Жунус пари – жундан, хасдан ҳам енгил бир “мисқол” оғирликка эга пари дегани. Кўриниб турибдики, Гўрўглининг ҳар икки аёлнинг номи турли шаклда бўлса-да, ягона мазмунига эга. Ушбу ҳолат “Гўрўгли” дostonларидаги бир катор етакчи образлар тарихида бўлгани каби “мисқол” сўзи Жунус номини изоҳлаш мақсадида қўлланилиб, кейинчалик мустақил образга айланган бўлиши ҳам мумкин, деган хулосага келишга асос бўла олади. Лекин янги ном эскисининг ўрнини эгаллаб сиқиб чиқармай, мустақил образ исмига айланган. Бу ўринда қаҳрамон рафикасининг иккита бўлиши туркий эпик аънада мавжуд эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Фольклоршунос Муҳаммадали Қўшмоков “Ўғузнома”да Ўғузхоннинг осмон ва ер қизига уйланиши мотивлари билан Гўрўглининг Кўйи Қоф ва Боғи Ирам қизига уйланиши ўртасидаги уйғунлик бир умумий аънага бориб боғланади, деган фаразни айтади (191. – Б.48). Бизнингча, бу фикрда жон бор. Аслида, “Гўрўгли” дostonидаги ер қизи Гулнор пари бўлган. Жунус пари номига изоҳ сифатида келган “Мисқол” сўзи отлашиб, алоҳида образга айлангач, Гулнор пари кейинги планга ўтган. М.Саидов, М.Муродов ва Ш.Хўжаеванинг “Мисқол пари билан Гулнор пари аслида бир образ бўлиб, кейинчалик кўшалоклаштириш усули орқали иккилантирилган...”, деган қарашлари (19. – Б. 324) шу жиҳатдан таҳрир талабдир.

Энди бевосита “Юнус пари” дostonи сюжети ва унинг туб манбалари хусусида фикр юритсак.

“Гўрўгли” дostonидаги Гўрўглининг уйланиш қисми алоҳида олиниб, (нашрда “Юнус пари” номи билан берилган (19. – Б.167-318). Ушбу дoston сюжетини таҳлил этилса, қизиқ бир вазият кўзга ташланади. Яъни бу сюжет ҳалқаси дostonнинг қадимий сюжетга кейинчалик қўйилган, деган фикримиз ўз тасдиғини топади. Эътибор қилайлик, Гўрўгли эл-юртдан, оқсоқоллару Аҳмад Сардордан фотиҳа олиб Жунус парини олиб келиш учун Ёвмитдан чиқди, яъни:

*Жўнайберди Гўрўгли,  
Чиқиб Ёвмит чўлига (19. – Б. 177).*

Гўрўглибек Ёвмит чўлида уч кун йўл юриб, бир тегирмонга етди. Тегирмончига учраб, ундан бир бувурчиғ олди (19. – Б. 178-179). Йўлда давом этиб, чўлдан:

*Густовуқнинг мояги  
Гўрт бенитасини олди... (19. – Б. 177).  
Яна керак бўлиб қолар деб,  
Бир тошабақа, қуённи,  
Гўрўгли ушлаб олди (19. – Б. 179-180).*

Шундан сўнг:

*Кун ёйила Гўрўгли,  
Чиқди тоғнинг устига (19. – Б. 180).*

Бу тоғ – Бало тоғи эди. Шу ерда Гўрўгли Самандар девга ўзини “худонинг балоси – дев суювчиман”, деб танитди. Белгиси учун бувирчуқ, мояк, тошбақа, қуёнларни кўрсатиб, девни кўрkitиб асир килди ва уни миниб, тоғдан сўнгги чўлни ўтиб Кўхи Қофга етди.

Ёвмитдан Кўхи Қофгача бўлган йўлни содалаштирсак, қуйидаги кўринишни олади:

А) Ёвмит (Гўрўглининг макони. Одамлар макони); Б) Ёвмит чўли (хайвонот дунёсининг макони); В) Бало тоғ (чегара); Г) Бало чўли (девлар макони); Д) Кўйи Қоф (Парилар. Юнус парининг макони).

Демак, Ёвмит билан Кўйи Қоф орасида икки томони чўлдан иборат Бало тоғи чегара вазифасини ўтар экан. Гўрўглининг ана шу чегарани ўтиши (девни кўрkitиб) мохиятан (хусусан, кўрkitувчи воситалари) сеҳрли-фантастик эртақларни ёдга солади. Масалан, “Кўрқмас чол ва айёр тулки” эртагидаги ушбу мотивларни дostonга киёслаб кўрайлик: “Тулкидан кутулишни ўйлаб бораётган чол... Эчкисини етаклаб хаёл суриб келаётиб, кўзи қуён боласига тушиб қолибди. “Бугун нон сўраса, тулкийойга шуни бераман”, деб қуён боласини олиб, хуржунга солибди. Яна бир пас юрган экан, кўзи бир кил арконга тушибди. Керак бўлиб қолар, деб арконни ҳам олибди-да, белига боғлаб, яна йўлида давом этибди. Эчкисини ўтлатадиган жойга бориб, уни ўтга кўйиб, ўзи дарахтларнинг тагига кетаётса, бир донга ўрдак тухуми ажрик устида ётган эмиш, керак бўлиб қолар деб, буни ҳам хуржунига солибди” (30. – Б.145). Шунда чолга девлар дуч келди. Чол девларга, сизларни ейман, эчким балогардон, деб дўк килади. Улар шарт боғлашади. Девлар кўлтиғидан кўнғиз-



дай бит чиқарса, чол қуённинг боласини битим дейди. Ернинг киндигини суғуриш шартида, девлар қанча қилса ҳам ернинг киндигини топмайди. Чол белидаги қил арконни тупрокқа кўмиб, учидан тортиб чиқаради. Ернинг мағзини чиқаришда чол тухумни эзиб, девларни мот қилиб, ўз юмушларини бажаришга мажбур қилади. Кўриниб турибдики, эртақдаги:

- девларга ўзини танитиш;
- уларга шарт қўйиб ютиш;
- шартларнинг тури ва бажарилиши;
- девларни енгил;

– мағлуб девларни ўз мақсадида ишлатиш каби барча мотивлар “Юнус пари” достонидаги қахрамоннинг сафар тасвирида Қўҳи Қофга етиб олгунгача бўлган сюжетга айнан мос келади. Бу ўринда чол – Гўрўғли, эчки – Ғиркўк, Бало дев – девлар номигина ўзгача холос.

Гўрўғлининг Қўйи Қофга етиб, Санам чорбоғига кириб, Гулқиз ёрдамида Жунус пари васлига етишуви ҳам эртақ сюжети анъаналарига уйғун келади. Бу ҳолатларнинг барчаси “Гўрўғли” туркум достони сюжетига ёр “йўналиши” бевосита халқ эртақларидаги анъанавий сюжет типига асосида киритилган. Биз айна ҳолатни қардош туркман “Гўрўғли”сида ҳам кўрамыз.

Туркман “Гўрўғли”сида воқеалар тафсилоти ўзбек версиясига солиштирилганда, айрича, лекин Гўрўғлининг Қўҳи Қофда Юнус парига етишуви ва уни олиб Чамбилга қайтиши масаласи ҳар икки версияни бир-бирига айнан боғлайди. Туркман достонида қахрамоннинг “уйланиш” саргузашти, “Ор (ўч)” олиш йўнамидан аввал келади ва тартиб жиҳатида қахрамоннинг илк жасорати унинг “ёр” учун сафари саналади. Лекин бу тартиб дoston сюжетига “уйланиш” йўналиши киргач, ушбу тартибда жойлаштирилган бўлиши керак. Аслида, моҳиятан, ўзбек версиясидаги тафсилот илк сюжетга ҳар жиҳатдан мос. Туркман достонида қахрамоннинг “ёр” учун жўнашига амакиси Ганжимбекнинг таънаси сабаб бўлади (Ганжимбек образи семантик жиҳатдан ўзбек версиясидаги Аҳмад Сардор образи билан бир умумий ўзакка эга. Бу хусусда куйида алоҳида сўз кетади). Чунки Гўрўғли Сапар кўсанинг қуткуси билан Ганжимбекнинг тўрт-беш кўйини сўроксиз олади. Натижада амаки жиянини “Бидовлет, салпы аёк”, деб сўқади (маъноси: “ўғли йўк, хотини йўк, саёк” дегани). Гўрўғли хафа бўлиб ётиб қолади ва шу ётишда туш кўради. Бир малла тўнли, малла дас-торли чол унинг тушига кириб, Оға Юнус хабарини беради.

Қахрамоннинг ҳақоратланиб, маълум бир мақсад учун сафарга чиқиши (Ўзбек “Гўрўғли”сига кирувчи “Равшан” достонида Равшаннинг ҳақорат эшитиши Зулхумор учун сафарга чиқишига сабаб бўлади) халқ эртақларида ҳам оммавий учровчи мотивдир.

Қахрамоннинг узоқ масофани тез фурсатда ўтаб, Юнус масканида киришида воситачи бўлувчи куч, туркман достонида ҳомий – Гўрўғлининг пиридир. Гўрўғли чўлда қийналиб малла тўнли, малла дасторли чолни мададга чорлайди. Пири чўлнинг ўртасида, баланд тепа устида, қайнаб турган булоқ бўйида уни кутиб, йўл-йўриқ бериб, уч ойлик йўлни кирк кунда ўтказганини айтиб, ана Қўҳи Қоф кўринган калъа Юнусники, деб у ерда дарвозани кўриқлаб турган аждарга қарши бир сиқим тупроқ бериб, шуни сочсанг, аждар оғочга айланади, деб (13. – Б. 69) уни Қўйи Қофга киргизиб юборади. Гўрўғли у ерда пари висолига етишиб, уни ўз юртига олиб қайтади. Кўриниб турибдики, воқеалар тафсилоти сеҳрли-фантастик эртақлардек кечмоқда. Бу ҳолат эса бизнинг юқорида “Юнус пари” достони ҳақида айтган фикрларимизни яна бир бор тасдиқ этади. Агарда достоннинг ҳар икки – ўзбек ва туркман версиялари сюжети ўзаро мотивларга бўлиб қиёс қилинса, улар ўртасида ягона семантик уйғунликни кузатиш мумкин. Ушбу жадвалга диққат қилайлик (6-7-жадвалларга қаралсин).

Келтирилган жадвал бу версиялар ядроси умумий эканлигидан далилат беради. Албатта узоқ муддат давомида кўпчилик мотивлар янгича изоҳланиб, ўзгача талқин этилган. Лекин моҳият аслича турибди.

“Гўрўғли” достонининг қардош етакчи версияларидан яна бири озарбойжон версиясида эса воқеалар тафсилоти бутунлай реал асосга кўчирилган. Истамбул хуткорининг қизи Нигор хоним Балли Аҳмад исмли йигитдан Кўрўғлига мактуб ва бозибанд бериб юборади. Кўрўғли бу мактуб ва бозибандни олиб Истамбулга келади. Бир кампир уйига тушиб, вазиятни билиб, Нигор хоним висолига етишади ва уни олиб Чамбил элига қайтади. Изидан тушган Буржа Султон ва унинг қўшини билан курашади, йигитлари келиб унга ёрдам беришди ва Хуткор қўшинини енгиб Чамбилда зиёфат бошлашади. Айни сюжет ўзбек достончилиги, хусусан, “Гўрўғли” туркумига кирувчи “Далли”, “Равшан”, “Нурали” ва бошқа намуналарнинг ҳам асосида туради. Ўғуз достони “Дада Кўркут” китобида ҳам бир қатор бўйлари сюжетини ҳам шу қаторда санаш мумкин. Демак, озарбойжон достончилигида қахрамоннинг уйланиши учун асос сифатида анъанавий ишқий достонлар сюжети танланган.

## “Юнус пари” (ўзбек версияси, Қўрғон-Пўлкан варианты)

1	2	3	4	5	6	7	8	9
Сафарга чиқиш сабаби	Хабар(чи)	Мақ- сад	Йўл (макон)	Мақсадга эришувда йўл- йўрик кўрса- тувчи (мақсад учун восита танлаш)	Тўсик. Тўсик- дан ўтиш	Висол	Қайтиш	Ху- ло- са
Аҳмад Сардор- нинг Гўрўғ- лини уйлан- тир- моқчи бўлгани	Хизр, чилтонлар ғорида пирлар- нинг қахрамон тақдирини айтганла- рида Қўҳи Қофдан оға Жунус пари, Ирам боғдан Мискол париларни олиб келиб севимли ёр қиласан деб айтиш- лари	Оға Жу- нусни олиб кели- ши	1. Чам- бил 2. Ёв- мит дашти 3. Бало тоғи 4. Бало дашти 5. Қўҳи Қоф	Гўрўғли- нинг тад- бир билан чўлдан, бувурчик, тустовук мояги, бир тошбақа, бир куённи ўзи билан бирга олиши	–Бало дев (Саман- дар дев) –Дев- нинг кўрки- тилиб бўйсун- дирили- ши	1) Дев, Гулқиз ёрдами- да оға Жунус висоли- га етиш. 2) Қирк кунлик вакт- нинг ўтиши.	Гўрўғли, Саман- дар дев билан қайтди. Оға Жу- нус уч Хасан девлар бутун тилла саройи, қанизла- ри билан Ёвмитга олиб ке- лишди	Тўй

Юкорида “Гўрўғлининг уйланиши” билан боғлиқ айтилган фикрларга хулоса тарзда шуни айтиш мумкинки, “Гўрўғли” сюжетида “уйланиш” йўналиши киритилиб, алоҳида дoston сифатида қуйланиши, биз дostonнинг реал ота йўналишида ажратиб кўрсатган, сўнгги босқичлар даврида анъана тусига кирган бўлиши ҳақиқатга яқинрок.

## “Короглининг ойлениши” (туркман версияси)

1	2	3	4	5	6	7	8	9
Са- фарга чикиш сабаби	Хабар (чи)	Мақ- сад	Йўл (макон)	Мақсадга эришувда йўл-йўрик кўрса- тувчи (мақсад учун во- сита тан- лаш)	Тўсиқ. Тўсиқ- дан ўтиш	Висол	Қайтиш	Ху- лоса
Ган- жим- бек- нинг қаҳ- рамон- ни хақорат килиши	Қахра- мон тушида Малла тўнли, малла саллали чолнинг Қўҳи Қофда Жаҳон паринг Оға- Юнус деган қизи бор, шу сенинг жуфтинг, деб ха- бар бе- риши.	Оға Жу- нусни олиб кели- ши	1. Чам- бил (дан сўнг) 2. Сув- сиз чўл 3. Улкан тепа 4. Те- падан узоқда Аға- Жунус кальаси	Малла тўнли, малла сочли чол (Хизр)	Қалъа дарво- засида ту- рувчи аждар. Пир берган сеҳрли тупрок.	Аға Юнус юбор- ган кам- пир воси- таси- да ви- солга ети- шув. Қирк кун- лик вакт бирга бў- лиш	Гўрўгли Оға Юнусни Ҳовола- ғир де- ган отда дуру жаво- хирлар билан бирга юртга олиб кайтди	Тўй

## IV. Кўмакчи девлар образи.

“Гўрўгли” дostonлари воқеа тизимида девлар қаҳрамоннинг ёр учун қилган сафари билан боғлиқ воқеалар силсиласида қириб келади.

Жунус пари Гўрўғлининг келишини аввалдан билар эди. Шу сабабли чегарага етти яшар Самандар Девни “... коровул кип кўйиб эди, шу ёқдан одам келса ейсан деб” (19. – Б. 181).

Етти яшар Самандар дев (достонда у Бало дев ҳам дейилади) тасвири анъанавий дев тасаввуридан фарқ қилмайди. Дикқат қилайлик, “Гўрўғли шундай қараса, бир нарса ётибди. Бир қулоғи кўрпачадай, бир қулоғи супрадай, бўйлари минорадай, киприклари чинордай, буни кўриб Гўрўғлибекнинг хуши бошидан учди. Унинг отини Бало дев дегувчи эди» (19. – Б. 181). Гўрўғли девни ўзига бўйсундириб, унинг ёрдамида манзилга етгач, дев ўзини таништириб, “Бизнинг отимизни етти яшар Самандар дев дейди” ва бошингга мушкул иш тушса, чакирасан, деб жунидан тутантирик беради.

Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, “Гўрўғли” туркум достонларидаги эпик вақт қанча ўтса-да, Самандар девнинг ёши ҳеч қачон ўзгармайди. У етти ёшлигича қолаверади. Бизнинг назаримизда, Самандар дев номига доимий сифатлаш бўлиб келувчи “етти ёш” унинг ёшидан кўра камолоти, куч-қудратини ифодаловчи ўлчам, мезон бўлиши керак. Янада аниқроқ айтилса, ўлдиргани билан қайта тирилиб келаверувчи қудрат сохиби бўлиши мумкин. Бизнинг бу фаразимизни исботловчи бирор-бир воқеа “Гўрўғли” достонларида сақланиб қолмаган. Лекин дев номида келувчи доимий сифатлов “яшар” сўзи “ёш”дан кўра “яша”, “яшамок” феълига яқинроқ туюлмоқда. Юнус парининг бошқа девлар ичидан айнан Самандарни танлангани ҳам унинг қайта-қайта тирилиб, аслига келавериши бўлса керак. Чунки одамзод ва парилар дунёси оралигидаги чегарани айнан Самандардек етти жонли девгагина ишониш мумкинлигини эпик мантик ҳам талаб этади.

Туркумда Самандар девнинг асосий иштироки Гўрўғлининг “ёр сафари”да қахрамонни Кўҳи Қофга олиб бориб келиши ва юртга бостириб келган Райҳон араб бошлиқ душман кўшини билан курашда ёрлашиши билан тугайди. Туркумнинг бошқа достонларида девлар хизматига эҳтиёж туғилганда, барча юмушлар уч ғаройиб хислатли дев – Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдастлар зиммасига тушади. Баъзи достонларда (жумладан, “Гулнор пари” достонида) етти яшар Самандар дев номи иштирок этса-да, унинг саргузаштлари билан боғлиқ воқеалар тафсилотига алоҳида тўхталган ўринлар деярли йўқ ҳисоби. “Гўрўғли” туркум достонларида девлар билан боғлиқ энг кизиқ, энг марокли саргузаштлар уч кўмакчи ғаройиб хислатли дев – Ҳасан Кўлбар, Ҳасан

Чопсон, Ҳасан Якдаста билан боғлиқ. Қуйида ана шу учала дев образларининг туркумдаги ўрни, туб тарихий илдизлари, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлар ҳақида батафсил тўхталамиз.

Гўрўғли Ҳасанларни ўзаро беллашиб ёки ақл билан лол қилиб ўзига бўйсундирган эмас. Ҳатто улар билан деярли рақиб сифатида юзма-юз турмади. Ҳасанлар ўз-ўзидан Жунус парининг Гўрўғлига тан маҳрам, хасми ҳалол бўлганлиги сабабли куёви, яъни Гўрўғлининг хизматига ўтишади. Достондаги изоҳга кўра, Жунус парининг ота-онаси таърифсиз иморат қуриб, дев-парилар билан қизини Така-Ёвмит элига кузатар экан, Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдастани кизига хос қўриқчи қилиб жўнатди. Қария пари кизини узатиш олдидан парилар ва бу уч девга муружаат қилиб:

*“Дев, парилар йиғилишиб келинлар,  
Юнусжоннинг айтганини қилинлар!  
Нима деса, хизматида бўлинлар!  
Йиғилишиб, тақсирлашиб ҳалмангиз,  
Ёвмитнинг элига олиб боринлар!”*

*Агар Юнусжоннинг кўнгли тўлмаса,  
Тагин-а, бу ерга олиб келинлар!  
Эшитинлар, дев, парилар сўзимни,  
Сизларга қиламан неча нозимни.  
Хуши хушвақт қилиб Гўрўғлибекка,  
Узатиб боринлар, ёлғиз қизилини!*

*Кетқаринлар Юнусжоннинг ўйини!  
Ёвмит бориб, катта қинлар тўйини!  
... Бедовга ярашган тилла тўқаси,  
Ёлғирман кўқарар даштнинг гиёси,  
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,  
Юнус кетса мен бўларман беқарор,  
Ўзинг бўлгин Юнусжоннинг акаси!*

*Ҳар замонда оп келинг Ёвмит Элидан,  
Ёмон гап чиқмасин таги тилидан!  
Учовинг бўл ой Юнуснинг акаси,  
Хабардор бўл Юнусжоннинг ҳолидан!*

*Кунда-кунда ҳолин сўраб туринглар,  
Юнусжоннинг хизматида юринглар!  
Ёвмит бориб, яхши хизматлар қилиб,  
То ўлгунча биргалашиб туринглар!  
Ҳар қайсингиз кўтаринг, ҳар нарсани,  
Яхши хизмат, яхши шафқат қилинглари!*

*Душманларни ақллариноширинг,  
Кўрганларнинг юрагини тоширинг,  
Ҳасан Чопсон, сен ўзинг бўлгин маҳрали,  
Ой Юнусни қайин юртга туширгин!” (19. – Б. 279-280)*

Шу топшириқни олишган Ҳасанлар, Жунус пари билан бирга Қўхи Кофдан Ёвмит элига келиб, Гўрўғлининг хизматида киришади. Унинг турли сафарларида ҳамроҳ бўлишади. Мушкул юмушларни бажаришда унга ёрдам беришади.

Жунус пари:

*“... Рози бўлдим, отам билан энамдан,  
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,*

*Ўлганинча бориб хизмат қил, деди” (19. – Б. 287),*

деб ота-онасидан миннатдор бўлиб айтса, “Холдорхон” достонида Ҳасанларнинг Жунус парини деб одамзод орасида юргани Ҳасан Кўлбар тилидан: “... Нима қилайин, энангни (Жунус парини Ш.Т.Ф.) қиёлмайман, шуни ташлаб кетолмайман. Мен кетсам, энанг “ҳей, аттанг, Ҳасан акам ҳам бир ўзимни одамларнинг ичига ташлаб кетди-я”, – деб айтади. Э, жияним (Авазхон. Ш.Т.Р.), иложим йўғидан юрибман-да”, – деб айтилади (11. – Б.117).

Бошқа ўринда Ҳасан Чопсон ҳақида гап кетганида, бахши у ҳақида куйидагича тушунтириш беради. “Ҳасан Чопсон деган девлардан. Бир наҳанг катта девлардан, атокли баҳоқирлардан, оға Юнус пари билан келган девлар – булар одам эмас. Буларга одам тува дев ҳам баробар келмас, буларга ҳеч нарса тенг бўлмас, ана шу Ҳасан Чопсонга Гўрўғлибекнинг вазифалари, суратлари кифоя қилмай, чўлларда катта онглари кувлаб ушлаб олар эди, овқат қилиб кунини ўтказар эди. Шу Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдастадан ҳам зўр эди. Доим чўлда, катта онг, қаерда кўп бўлса, Ҳасан Чопсон шу ерда эди” (11. – Б.295).

Ҳасанлар Жунус парини синглим деб, унинг ҳар бир топширигини сўзсиз бажаришади. Достонларда улар Жунус парининг акаси, Гўрўғлининг кайнағаси, Авазхоннинг тоғаси сифатида талқин этилади. Чунки Жунус пари Авазхонни ёшлигидан “ёқасидан солиб, этагидан олиб” ўғил қилган эди. Шунинг учун бўлса керак, Ҳасанлар кўпчилик ҳолатларда Аваз билан ёнма-ён юришади. Авазхон томонидан қилинган турли ҳазилларни оғринмай кўтаришади ва бу ҳолат тоға-жиянлик муносабатлари доира-сида изоҳланади.

Достонларда Ҳасанларнинг бениҳоя улканлиги, ҳадсиз куч-қудратга эгаллиги ўта муболағали тасвирланади. “Гўрўғлининг туғилиши” достонида Қўҳи Қофдан Жунус пари учун қурилган ҳадсиз ҳовли-жойни биргина Ҳасан Кўлбар елкасида олиб келади. Чамбилда Ҳасан Чопсонга атаб тикилган тўнга уч юз тўп мато кетади. Достонда бу ўрин шундай тасвирланади. “...Уч юз тўп нарсадан тўн қилиб Ҳасан Чопсоннинг эғнига солди (Зайдиной. Ш.Т.). Шу ҳам тиззасидан келди. Ҳасан Чопсон геварагига қараниб, соқолини тараниб, “Ёвмитнинг одами, хотинлари бойвачча бўлар экан, деб маст бўлиб, ҳар кутуриб келиб, мақомлар кип ўйнайверди” (19. –Б. 300).

Ҳасанларга унча-мунча овқат юк ҳам бўлмайди: Ҳасанларнинг ош-хўрлигини кўриб, “Бир шоир бор эди, ана бунинг шаънига қараб бир байт айтди:

*Уруш кун кетти меҳмоннинг қаҳри,  
Қишнинг кун кетмас тоғларнинг қори,  
Тўқсон ботмон нон бўлмайди наҳори,  
Шундай “чилхўр” меҳмон келди Ёвмитга” (19. –Б. 292).*

Ҳасанларнинг одамхўр девлардан эканлиги ҳам улар иштирок этган барча достонларда эслаб ўтилади. “Холдорхон” достонида Ҳасан Кўлбардан қочган Қрим подшосининг қоровуллари ўз подшоларига Ҳасан Кўлбарни шундай таърифлашади: “Ана шундай қилиб, отиб-отиб, бир пилла кизиби кетди-да, тўғри бизларга югурди. Ҳаммадан илгари кизигаф Афсар қочди, ундан сўнг Тўмпок қочди. Думалок бу ҳам қочди. Ҳасан Кўлбар бир балодай бўп келди, тўшга хез қилди. Бирдай пийпаб минг одамни йиқиб остига босиб қолди. У доим одамни ер эмиш, қай ерда ёмон кўрган одами бўлса, ушлаб олиб сўйиб, кақаб қилиб ермиш, бизлар кўрққанимиздан қочдик. Орқамиздан довуш келаётир: “Ҳеч кимга бермайман, ўзим ейман”, – дейди (11. – Б.116). Бу хилдаги фактларни



кўплаб келтириш мумкин. Лекин бирор дostonда уларнинг одам еганлиги тасвирланмаган (бу ҳолнинг сабабларига куйирокда тўхталамиз).

Агар диққат қилинса, туркумда Ҳасанларнинг учта эканлиги айтилиб, ҳар бири номма-ном саналса-да, уларнинг иккитаси – Ҳасан Чопсон ва Ҳасан Кўлбар фаол иштирок этиб, Ҳасан Якдаста кўпинча шерикларининг соясида қолиб кетади. Тадқиқотчи Т.Ашуров “Гўрўғли” дostonларидаги “қахрамон титанлар образи” ҳақида фикр юритиб, Ҳасанлар ва бу образларнинг пайдо бўлиши ҳақида ушбу фаразларни илгари суради: “Дostonда тасвирланишича, бундай баҳайбат кишилар учта: Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдаста. Улар уч хил вазифани бажарса ҳам, уларга индивидуал образ деб караб бўлмайди. Дostonда асосан Ҳасан Кўлбар қатнашади. Қолганлар эса эслатиб ўтилади холос. Асосий ном берилиб, унинг барча белгилари, хусусиятлари бир образ даражасига кўтарилади. Бу эса эпосдаги қўшалоклаштириш приёмига бориб тақалади, чунки бир образга икки-уч ном берилиб, унинг барча белгилари, хусусиятлари бир образга мужассамлаштирилади. Эпосда бундай приёмлар анчагина учрайди. Бу алоҳида текширишни талаб қилади. Масалан: Пўлқандан ёзиб олинган “Юнус пари” дostonида учта Ҳасан – Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдаста қатнашади. Аммо асосий ўринда Ҳасан Чопсон берилган, дostonда воқеаларнинг кейинги ривожланиши эса ҳам Кўлбарнинг чакқонлиги билан боғланади” (52. – Б.54).

Келтирилган фикрнинг қайси даражада ҳақли эканлигини мавжуд фактларнинг таҳлили кўрсатади. Бизнингча, Т.Ашуров дostonлардаги бу уч девнинг умумий томонларига кўпроқ аҳамият бериб, уларни бири-биридан кескин фарқлаб турувчи индивидуал хусусиятларни эътибордан соқит қилган кўринади. Бу фарқларни, энг аввало, уларнинг номлари ҳам айтиб турибди.

**1. Ҳасан Чопсон** – Ҳасан чакқон, чопағон, илдам дегани, (Чопсон – “чоп” феълига -(с)он кўшимчаси кўшилиши орқали ясалган ном. Қиёс учун “Ҳасан Чопсон” дostonида хушёр, тадбиркор вазир Сохмоннинг номини келтириш мумкин (158). Бу ном “сох” – хушёр сўзига -м)он кўшимчаси кўшилиши орқали ҳосил бўлган).

Дostonларда Ҳасан Чопсон “илдамликда Фирқўқдан ўтади”, деб таърифланади.

“Гулнор пари” дostonида танг аҳволда қолган Гўрўғли Ҳасанларни йўқлаганида Юнус пари Ҳасан Чопсон билан етти яшар Самандар девни Гўрўғлининг олдига – Ҳиндистонга жўнатади. Дostonда бу ҳол

куйидагича изоҳланади: “...Юнус пари етти яшар Самандар билан Ҳасан Чопсонга, булар Ғиротда ҳам илдам эди. Ҳасан Кўлбар билан Ҳасан Якдаста кўп оғир эди. Қараб бир сўз айтди:

*Ҳасан ака, жонни сотинг.*

*Калтакни осмонга отинг!*

*Борганча ўзинг совутинг*

*Келган мемоман ияриб,*

*Ҳиндистонга билла кетинг!..*

*...Юнус пари “бор” деб айтди...*

*...Ҳасан Чопсон, Самандари,*

*Қанотли қушининг остида,*

*Юлдуздайин оғиб кетди...” (16. – Б.217-218)*

Ҳасан Чопсон билан Самандарнинг Ҳиндистонга бораётган ҳолати эса қуйидагича хабар қилинади: “...Ҳасан чопсондан етти яшар Самандар ярим тош кетин қолип келаяпти” (16. – Б.218). “Ҳолдорхон” дostonидаги: “Ана энди Чопсон гири бонгир бўлиб, аччиғи келиб, дарёдай тўлиб, белини маҳкам бўғиб, чориқларининг ипларини маҳкам-маҳкам тортиб, чакқон бўлиб, ўзини жуда чоқлай берди”, деб тасвирланган ўринда Ҳасан Чопсоннинг чориқларини ипини тортиб, чакқон бўлиши бевосита бу образнинг етакчи хусусияти – чакқонлиги, чопқирлигидан келиб чиқиб айтилмоқда.

**2. Ҳасан Кўлбар образи.** Ҳасан Кўлбар ўзининг ошхўрлиги билан машхур. Унинг Кўлбар сифати ҳам бундан далолат беради. Кўлбар деб чўпонларнинг нон, ош солиб юрадиган халтасига айтилади. Ҳасан Кўлбарнинг худди чўпонларникидай ош халтаси бор. Лекин унинг кўлбари шунчалик каттаки, унга Қрим подшосининг ўн минг новвойи бутун пиширган нонини, уну хаамири, ўтинигача жой бўлиб кетади: “Ҳасан Кўлбар ўзини новвойхонага урди, эшикни очиб кирди, киргандан чироқни ўчиради. Шу новвойхонада ўн минг новвой подшоликка нон килиб берар эди. Барисини ушлаб олиб Кўлбарга урди, қанча нонни бўлса, кўлбарга тикди, ундан сўнг хаамирин тикди, бунинг орқасидан унини тикди, унга ҳам кўнгли тўлмаб эди, борлиқ ўтинни ҳам тикди, далага чикди. – Юр, жияним энди кетамиз, – деб иккови бояги қақадан ирғиб ошди, ўз лашкарига етишди” (11. – Б. 118-119). Dostonларда Ҳасан Кўлбарнинг беҳисоб овқатни еб, “тўйдим”, деган сўзини оғзига олмаганини тасвирловчи ўринларни кўплаб учратиш мумкин.

**3. Ҳасан Якдаста образи.** Ҳасан Якдаста номини сўзма-сўз луғавий маъноси Ҳасан бир қўлдир (форсча: Як – бир, даста – қўл). “Гўрўғли” туркум дostonларида Ҳасан Якдаста билан боғлиқ воқеалар тафсилоти бошқа Ҳасанларникидек атрофлича ёритилмаган. У кўпинча шериклари каторида саналиб ўтилади холос. Лекин номнинг луғавий маъноси асосида уни бир қўл бўлган экан, деган мазмунни англаш бу образ моҳиятини ўта жўнлаштириш бўлади. Аксинча, бу сифат бир томондан унинг асосий юмушларни бажаришда иккинчи қўлига у қадар эҳтиёж сезмай, бир қўлида бажариб қўйишлигидан (бу хусусда қуйироқда батафсил тўхталамиз) бўлса, иккинчи бир муҳим жиҳати, халқ ўртасида ўта паҳлавонларга нисбатан қўлланилувчи “бир билак” полвон атамасининг айнан ўзи бўлиши керак. Наманганлик Темурбек Тўрабековнинг хабар беришича, “билак суяги худди оёқ суягидек битта бўлган одам чин паҳлавон бўлар эмиш”. Эҳтимол, Ҳасан Якдаста шундай паҳлавон бўлган.

Бир билак паҳлавонлар ҳақидаги тасаввур ва айни атамани биз “Гўрўғли” дostonларида ҳам учрагамиз. Масалан, Эргаш шоир Жуманбулбул ўғли куйлаган “Кундуз билан Юлдуз” дostonида кўпқари тасвирини куйлаганда бахши шундай дейди:

*Ҳали ҳам одам кўп экан,  
Тўй жуда талотўп экан,  
От ҳам, одам сизгишмайди,  
Чопарман бола кўп экан.  
Келибди сап тулпор отлар,  
Кўлтиқда яшин қанотлар.  
Устида хўп ярашади.  
Сап бир билак азаматлар (10. – Б.349).*

Ёки:

“Далли” дostonидан: “Подшоликнинг бир гурра бедовлари, устида бир билак бўз болалар отларнинг жиловини бўшатиб, “подшомизнинг битта қизини бир ўзбекка бериб юборгандан ўлганимиз яхши эмасми, бир кўриб қолсак”, – деб от бетига қарамай, қувиб келаётир” (9. – Б.117).

Яна:

*“Менинг учун ўлиб кетиб борасан,  
Далли деб хуноба ютиб борасан,  
Хон Даллини қон йиғлатиб борасан  
Мени қимга ташлаб кетиб борасан  
Вой бир билак арслонимдан айрилдим” (9. – Б.193).*

Демак, Ҳасан Якдастанинг маъноси Ҳасан бир билак (пахлавон) деганидир.

“Гўрўғли” дostonлари версиялари тизимига Ҳасанларнинг эпик вазиёт талаби билан, улардаги ҳар бирига хос етакчи хусусиятлар асосида олиб киритилиши ҳам Ҳасанларнинг алоҳида-алоҳида образлар эканлигини яна бир бор исботлайди.

“Ҳасан Чопон” дostonида Ваянгандан Ҳасанхонни олиб келиш учун энг илдам, энг чопқир киши талаб этилар эди. Бу юмушга Ҳасан Чопсон бирдан-бир муносиб номзод деб топилади. Ҳасан Чопсон Сокибулбул билан бирга бу юмушнинг уддасидан чиқади (158).

“Холдорхон” дostonида Қрим подшоси Холдорхон Гўрўғли, Така Ёвмит юртини тўйга айтади. Гўрўғли тўйга борувчи вакиллارни танлаш учун қирк йигитга маслаҳат солганида, қирк йигит айтади:

– ...Йўқ, бўлмайди десангиз, ўриснинг тилини Авазхон яхши билади, Авазхон бора қолсин. Сиз Фирқўкни беринг. Фирқўкнинг тилини Сокибулбул билади, ҳам от ушлари, ҳам сайиси, – Сокибулбул бора қолсин.

Гўрўғли бек:– Тўйга боргандан сўнг ошхўри бўлмайдимиз?! – деди.

Қирк йигит айтди: – Ундай бўлса Ҳасан Қўлбар бора қолсин, қанча оши бўлса еб беради.

Гўрўғлибек: – Тўйга борган сўнг қўлқарни този бўлмайдимиз? – деди.

Қирк йигит: – Ундай бўлса, Шодмон бора қолсин, – деди.

Ана энди тўйга шу тўртовини жўнатмоқчи бўлди.

Уч отлиқ, бир пиёда Қрим мамлакатига қараб тўйга кетиб бораётгани” (11.–Б. 10-11).

Демак, Ҳасан Чопсоннинг хос хусусияти чаққонлиги, илдам чопқирлиги бўлса, Ҳасан Қўлбар ошхўрлиги билан шерикларидан ажралиб турган. Лекин дostonларда Ҳасанларнинг бу етакчи хусусиятлари алмаштириб талқин қилинган ўринлар ҳам мавжуд. Бу ҳол Юнус пари дostonида яққол намоён бўлади. Дostonда ошхўр сифатида Ҳасан Чопсон таърифланиб, Ҳасан Қўлбар чаққон (Чопқир) қилиб кўрсатилган (19.–Б.292,310). Биз бу хил чалкашликларни сўнгги даврларда бахшиларнинг асл аъналаридан бирмунча узоқлашган вақтлари, импровизация жараёнида чалғишларининг натижаси, деб баҳолашимиз мумкин.

Айни ҳолат бизда, Ҳасан Якдастага хос етакчи сифатларга мос дoston воқеалари унинг шериклари – Ҳасан Чопсон ва Ҳасан Қўлбарга нисбатан бериб юборилмаганмикан, деган саволни уйғотди?!

Юкорида таъкидланганидек, Ҳасан Якдастанинг етакчи хусусияти унинг шерикларидан жисмонан кучлилиги, яъни “бир билак” паҳлавонлиги билан ажралиб туришидир. У хатто Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон икки кўллаб бажарадиган юмушларни бир кўлда уддалайверган. “Холдорхон” достонида эса Ҳасан Кўлбарнинг душман билан олишуви тасвирланган ўринларга диққат қилайлик: “Шунда Ҳасан Кўлбар Авазхонга қараб айтди: –Ў, жияним, бу ёмон бўлди-ку, ҳали Холдорхон подшо келгани йўқ, кўшини тамом келиб бўлгани йўқ. Бу бебош баччағарлар мунча бесабрлик қилди. Ўлгиси келган баччағар, одам ҳам ўлимга бесабрлик қилиб ошиқармикан, нимага бундай қилади?! Ў, Аваз, жияним, сен ўзинга ҳазир бўлиб тур. Бир гап бўлиб мен парига шарманда бўлмайин. Сен ҳозир бориб қараб тур, мен ҳам бир-икки тош отайин, – деб Ҳасан Кўлбар жойидан турди, белини бугди, этакни қайтарди, кўлини пўстиннинг енгидан чиқариб, катта-катта тошлардан ўпириб олиб, улар ўн ботмон, ўн беш ботмонгача тошни отаётир эди, Ҳасан Кўлбар кирк ботмон, эллик ботмон, аччиғи келса юз ботмон тошларни бир кўлига олиб, қизилбош лашкарига ота берди. Ҳасан Кўлбарнинг отган тоши ерга тушиб ҳаққалаб, юмалаб кетгани ҳар кимган тегса, кирк-эллик одам оти билан пачоқ-пачоқ бўлиб ёта берди» (11. –Б.108). Иккинчи бир ўринда Ҳасан Кўлбарнинг жангга кириши қуйидагича тасвирланади:

*“...Бири қилич олган, бири найзадор,  
 Ҳалмаси атоқли полвон аждаҳор,  
 Бирдан чопди Холдорхоннинг лаишқари,  
 Лаишқар ўртасида қолди эр Кўлбар.  
 Бири ўйдан, бири қирдан дап қилди,  
 Олсак, деб жонини сотар кўп лаишқар...  
 ...Ҳали кўли қизимайди Кўлбарнинг,  
 Ўҳ-у, деб кулиб юрибди баччағар.  
 Шунча элга бирор ваҳм емайди,  
 Дилоғи чоғ бўлиб қулар, ёронлар...  
 ...Кўп кўшинга танҳо тушиди мард Ҳасан,  
 Энди аччигланди, бўлди дараҳар.  
 Пўстиндан бир кўлни энди чиқарди  
 “Бир кўл бўлади-да икки кўл не даркор”.  
 Қараб турса, келган одам жуда кўп,  
 Бу кўрни ҳам суғуриб олди, ёронлар” (11. –Б.206-207).*

ёки: “...Кўлбарнинг жуда аччиғи келди. Шундайми, деб бир кўлини пўстиннинг енгидан суғуриб олди, у бир енгини ҳам пўстинидан чиқарди. Пўстиннинг икки енгини белига маҳкам қайтариб ўзини чоқлай борди” (11. – Б. 112.).

Ҳасан Кўлбарга нисбат берилаётган бу тасвир ва тафсилотлар Ҳасан Кўлбардан кўра Ҳасан Якдаста сифатига яқин келади. Чунки Ҳасан Кўлбар биринчи навбатда ошхўр.

Иккинчидан, унинг пўстин кийиб юриши бошка ўринларда тилга олинмайди.

Учинчидан, Ҳасан Кўлбарнинг доимий буюми Кўлбар (ош халта) унутилмоқда.

Аксинча, юқоридаги тасвир Ҳасан Якдастанинг бир билак деб ағалишини ҳам изоҳлайди. Яъни Ҳасан Якдаста бирор-бир юмушни бажарётган вақти бир кўлини пўстинининг енгидан чиқариб бажарган. Кучлилигидан иккинчи кўлини ишлатишга ҳожат сезмаган. Унинг бу хислати “Якдаста” (бир кўлли – “бир билак”) деб ағалишига яна бир асослардан бўлган.

Демак, “Гўрўғли” дostonларидаги уч улкан дев – Ҳасан Чопсон, Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Якдаста фольклоршунос Т.Ашуров ёзганидек, бир образнинг учланган кўриниши бўлмай, ҳар қайси ўзига хос алоҳида шахсий сифатга эга мустақил образлардир. Жумладан, Ҳасан Якдаста полвонликда ўз тенгини топмаган.

Эътиборли жиҳати шундаки, “Гўрўғли” дostonларидаги учала Ҳасанга ўхшаш бирор-бир юмушни бажариши билан машҳур образлар ўзбек халқ эртақларида ҳам мавжуддир. Масалан, “Аҳмадлар” (36(А). – Б. 152–162) эртагида Аҳмад сувишак – совуқ қотувчи, Аҳмад югурак – тез югурувчи. Аҳмад ўкчи – мерган. Аҳмад сичқон – сичқонлар ҳукмдори. “Эрмана Мерган”да (15. – Б. 170–179.) Сувчи – кўп сув ичувчи, Исчи – исга қараб йўл топувчи. Юлдузчи – юлдузга қараб тақдирини билувчи. “Маликаи Бирмисқол”да (36(А). – Б. 93–96). Аҳмад ўйчи – куръа ташлаб бу дунё сирларидан воқиф бўлувчи. Аҳмад якпо ҳар қадамда бир неча кундуз йўл босувчи. Аҳмад камалак – камалак билан бир тоғнинг тошини отувчи. “Мулла Қурандозбой”да тегирмон тошини ўйновчи дев. Тоғни тоққа урувчи дев. Бир дарёнинг сувини “Хўпла кетим, хўпла”, деб ичувчи, дегувчи дев. “Қилич ботир”да (36(А). – Б. 84–88) Дарё-боғлар, Юлдуз санар каби образларни келтириш мумкин.

Бу эртақларнинг барчасида ғаройиб кўмакчилар билан боғлиқ воқеалар умумий тарзда бир-бирига яқин келади. Уларда эртақ қаҳрамони

подшо ёки бирор-бир куч томонидан буюрилган ўта мушкул юмушни бажариш учун йўлга чиқади (кўпчилик вариантларда гўзал кизини олиб келиш).

Йўл давомида қахрамонга ҳар бири ўз юмуши билан банд бўлган ғаройиб кўмакчилар учрайди. Қахрамон улар билан олишиб, енггач, ғаройиб кўмакчилар унинг сафарида ҳамроҳ бўлишади (баъзи вариантларда беллашув мотиви тушиб қолган).

Ғаройиб кўмакчилар баъзи эртақларда девлар, баъзиларида эса улкан одамлар сифатида тасвирланади. Уларнинг номлари ҳам Ҳасанлардек ҳар бири бажарадиган асосий юмушдан келиб чиқиб берилган.

Эртақларда келувчи ғаройиб кўмакчиларнинг умумий сони ҳам диққатга сазовор. Улар кўпчилик ҳолларда Ҳасанлардек учта. Фақат “Ахмадлар” эртагида бош қахрамон Ахмаджон билан бирга бешта бўлиб келган. Бош қахрамонни ғаройиб кўмакчилар қаторида санашни олтой эпоси “Мадай-Кара”да учратамиз. “Мадай-Кара”да бу турдаги образлар бош қахрамон билан бирга еттита. Уларга эпосда қуйидагича ном берилган:

*“... Тура солиб отландилар,  
Сўраб кўрса отлар бир хил.  
Етти бир хил қўк тўриқ от,  
Ипак ёлли эди бари.  
Бўйлари ҳам бўйига тенг,  
Етти бирдай ул ботирлар,  
Бир-бирига ном атаиди  
Ер тингловчи ул ботирни,  
Елтингловчи деб атаиди.  
Тог кўтарган ул ботирни,  
Тог кўтаргич, деб атаиди.  
Кўл симлириб юрган ботир  
Кўличувчи бўлсин, деиди.  
Тошлар териб юрган ботир  
Тоштерувчи бўлсин, деиди.  
Сакар юрган (тоғ-тоға) ботирни  
Саковчи деб атадилар.  
Ғоз отувчи узун ботир  
Ғоз отувчи бўлсин деиди.  
Еттинчиси Кўғудай мерган.  
Ўзининг оти ўзида қолди...”* (22. – Б.204–205)

Эртак ва дostonларда ғаройиб кўмакчиларнинг магик ракамлар 3,5,7 доирасида чегараланиши бу образлар микдори қадим тасаввурлар замирида белгиланганлигини кўрсатади. Эртаклардаги ғаройиб кўмакчиларни магик ракамлар кўламида ўрганган фольклоршунос М.Жўраев ҳам ушбу фикрни ёзади (85. –Б.102). Бу эса Ҳасанларнинг алоҳида-алоҳида образ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбек эртаклари ва “Мадай-Кара”даги ғаройиб кўмакчилар ўзаро қийсанса, улар ўртасида ҳайратланарли даражада уйғунликни кузатиш мумкин (8-жадвалга қаранг).

8-жадвал

Т/р	Ўзбек халқ эртакларида келувчи ғаройиб кўмакчилар	“Мадай-Кара”даги етти ботир
1.	Аҳмад ўйчи (“Маликаи Бирмиқол”) Исчи (“Эрмана мерган”)	Ертингловчи
2	Тоғ кўтарувчи дев (“Мулла Қуронбой”)	Тоғ кўтарувчи
3	Дарё боғлар (“Қилич ботир”) “хўпла кетим, хўпла”, дегувчи дев (“Мулла Қуронбой) Сувишак (“Аҳмадлар”) Сувчи (Эрмана мерган)	Кўличувчи
4	Аҳмад сичқон (арпа теради) (“Аҳмадлар”)	Тоштерувчи
5	Аҳмад югурак (“Аҳмадлар”) Аҳмад Яқпо (“Аҳмадлар”)	Сакровчи
6	Аҳмад ўқчи (“Аҳмадлар”) Аҳмад камалак (“Маликаи Бирмиқол”)	Фозотувчи
7	Юлдуз санар (“Қилич ботир”) Юлдузчи (“Эрмана мерган”)	Кўғудай Мерган (Айни пайтда Кўғудай мерганда деярли барча хусусиятлар мужассам)

Бу уйғунликнинг асосини қадим умумтуркий фольклорий анъаналар ва ягона манба билан изоҳлаш ўринли.

“Мадай-Кара”да бу етти баҳодирларнинг руҳи осмонга кўтарилиб етти қароқчи (етаган, етти оғайни) юлдузига айланиб қолганлиги ҳақида қуйланган.



Етаган (Етти қароқчи) юлдузлари ҳақидаги қадим туркий космогоник мифнинг “Мадай-Кара”даги ғаройиб кўмакчиларига боғлиқ ҳолда изохланиши бу образларнинг мифологик заминида тўраб эртақ ва эпосга ўтганлигини кўрсатади.

Энди бевосита асосий объектимиш – “Гўрўғли” дostonларидаги Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдаста образларига қайтайлик. Эътибор қилинса, барча эртақларимишдаги ғаройиб кўмакчилар ва “Мадай-Кара”даги етти ботир образлари бажарувчи юмушлар ва уларнинг асосий сифатлари Ҳасанларга моҳиятан айнан ўхшаш эканлигини кўрамир (9-жадвалга қаранг).

### 9-жадвал

Т/р	“Гўрўғли” дostonидаги ғайритабиий кўмакчилар	Ўзбек халқ эртақлари ва “Мадай-Кара”даги ғайритабиий кўмакчилар
1	Ҳасан Кўлбар (ошхўр)	Сувчи (“Эрмана Мерган”) “хўпла кетим деювчи дев” (“Мулла Қурондоз”) Дарё боғлар (“Қилич ботир”) Сувишак (“Аҳмадлар”) Кўл ичувчи (“Мадай-Кара”)
2	Ҳасан Чопсон (тез югурувчи)	Аҳмад югурак (“Аҳмадлар”) Аҳмад якпо (“Малика Бирмискол”) Сакровчи (“Мадай-Кара”)
3	Ҳасан Якдаста (пахлавон)	Тоғни тоққа урувчи дев (“Мулла Қуронбой”) Тоғ кўтарувчи (“Мадай-Кара”)

Ушбу айнанликлар “Гўрўғли” дostonларидаги Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Якдаста образларининг ибтидоси эртақларимишдаги ғаройиб кўмакчилари ҳамда “Мадай-Кара”даги етти ботир оиласига мансуб мифологик образлар эканлигидан далолат беради.

Ягона умумтуркий космогоник мифлар муҳитида пайдо бўлган ана шу образларнинг шажараси икки йўналишда, эпос ва эртақда ўзига хос равишда ривожланди.

“Гўрўғли” дostonларида бу учала девнинг бир умумий “Ҳасан” номи билан аталиши ҳам аслида ғаройиб кўмакчилар Олтой эпоси ва ўзбек эртақларининг бир қисмида ҳам бир умумий ном билан юритилади (“Мадай-Кара”да Кўғудай мерган деб бош қаҳрамон номи билан. “Аҳмадлар”

ва “Маликаи Бирмисқол” эртақларида ҳам асосий қаҳрамон Аҳмад номи билан).

Ғаройиб кўмакчиларнинг бош қаҳрамон номи билан юритилиши бу сюжетнинг илк ҳалқаларидан бўлиши керак. Чунки кўмакчилар мохиятан қаҳрамон бажариши керак бўлган юмушни бажаради ва бу юмушни қаҳрамон томонидан амалга оширилган, деб ҳисобланади. Бундан ташқари улар ўртасидаги умумий ўхшашликларнинг мавжудлиги ҳам бир ном билан юритишларига сабаб бўлган.

“Гўрўғли” дostonидаги Кўлбар, Чопсон, Яқдастанинг умумий Ҳасан номини олиши ҳам уларнинг ташқи ўхшашликлари асос бўлган. Эҳтимолки, бахши шоирлар уларни эгизак дев сифатида қабул қилиб, эгизакларга берилувчи “Ҳасан-Ҳусан” номи билан атаган. Кейинчалик айтилувчи “Ҳусан” номи қисқариб, бу девларнинг номи Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан Яқдаста шаклини олган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Биз “Гўрўғли” туркумидаги ёр йўналиши бевосита эртақ сюжет типини асосида шаклланиб ривож топган, деган хулосага келган эдик. Ҳасанлар эса “Гўрўғли” сюжетига бевосита Юнус пари билан боғлиқ кириб келади. Юқорида эса ғаройиб кўмакчиларнинг асосий қисми эртақларимиз таркибида кенг тарқалганлигини кўрдик. Бу ҳолатнинг ўзи аслида мифологик заминга бориб боғланувчи Ҳасанлар худди Юнус пари сюжети каби эртақ мотивлари заминидан “Гўрўғли” дostonлари таркибига сингишиб, сайқал топиб, оддий кўмакчилардан тўлақонли эпик образ даражасида тўлиқ шаклланганлигидан далолат беради. “Ҳасан”лар эртақлардаги ғаройиб кўмакчилардан, биринчи галда, тўлақонли мустақил эпик образ даражасида бадиий талқин этилганлиги билан ҳам тубдан фарқ қилади. Улар “Гўрўғли” дostonларидаги воқеалар силсиласига тўлиқ сингишибгина қолмай, Гўрўғлининг яқин сафдоши, туркумнинг етакчи образларига айланишган. Натижада, дostonларнинг бугунги вариантларида Ҳасанлар табиатида девликдан кўра инсоний фазилатлар устунлик қилади. Улар одамхўр дев сифатада таърифланса-да, бу ҳолни акс эттирувчи бирор-бир эпизоднинг учрамаслигини ҳам ушбу талқин билан изоҳлаш мумкин. Дostonларда Ҳасанлар фақат ошхўр, чопқир, паҳлавонгина эмас, масхаробоз, улкан гавдаларига номутаносиб ҳолда болаларча содда тасвирланаган ўринлар кўпроқ жой олган (“Гўрўғлининг туғилиши” (19), “Тулнор пари” (15), “Ҳасан Чопсон” (158), “Ҳолдорхон” (11) дostonларида Ҳасан Чопсон, Ҳасан Кўлбар билан боғлиқ саргузаштларни эслаш кифоя).

Айни пайтда даврлар ўтиши билан ҳар бир Ҳасанга хос бўлган етакчи хусусиятлар маълум миқдорда хираллашиб, бирининг сифати иккинчисига нисбат берилган ҳолатлар ҳам вужудга келган. Ҳасан Якдаста эса деярли шериклари соясида қолиб кетганлиги кузатилади. Бу ҳолнинг маълум сабаблари ҳам бор эди.

Биринчидан, “Гўрўғли” туркумида Ҳасан Якдаста билан боғлиқ алоҳида дostonнинг йўқлиги. Аксинча, Ҳасан Чопсон ва Ҳасан Кўлбар билан боғлиқ алоҳида дostonларнинг мавжудлигидир. Масалан, “Ҳасан Чопсон” дostonи сюжети бевосита Ҳасан Чопсоннинг чаққонлигига таяниб яратилган. “Ҳолдорхон” дostonида эса Ҳасан Кўлбар билан боғлиқ воқеалар дoston сюжетининг энг муҳим ҳалқаларини ташкил этади.

Иккинчидан, Ҳасан Якдастанинг асосий хусусияти полвонлиги, паҳлавонлигининг Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсонлар номига энгил кўчириши мумкинлигидир. Уларнинг ҳам улкан девлардан эканлиги, беқиёс куч-қудрати тингловчи тасавурида ортиқча изоҳ талаб этмайди, шубҳа туғдирмайди. Айни пайтда бахшининг Ҳасан Кўлбар ва Ҳасан Чопсон образининг янада кизиқарли, жонли бўлиши учун ижро жараёнида бадиҳа қилиб, уларни жангу жадалларга олиб кириши ҳам Ҳасан Якдаста паҳлавонлигининг шериклари номига осон ўтиб кетишига асосий сабаб бўлган.

Ҳасанларнинг “Гўрўғли” дostonлари таркибига кириб, ривож топишини яққолроқ тасаввур қилиш учун шу туркумга мансуб “Равшан” дostonида ҳам худди эртақлардагидек оддий кўмакчи вазифасини бажарувчи тўрт ака-ука кал образларини келтириб ўтиш мумкин. Улар Равшанни кутқариш учун борган Ҳасанхонга кўмак беришади ва Ҳасанхоннинг ғалабасини таъминлашда катта хизмат қиладилар. Дostonда бу ака-ука каллар тавсиф этилган ўринга эътибор қилайлик:

“...шу кампирнинг катта ўғлининг бир нонхўр полвони бор эди, ўзи жуда зўр эди, уруш-суруш бўлса, мингга баробар эди. У полвоннинг отини Айноқ кал дер эди. Лекин ўзлари тўрт оға-ини эди, тўртови ҳам кал эди, бариси ҳам боҳунар эди.

Катгаси Айноқ кал зўр эди. Айноқ кал шундай эди: от, туя, арава кўтаролмас эди. Доим бир ёққа кўчирмоқчи бўлса, пиёда кетар эди. Лекин укалари ҳам бариси дуруст каллар эди. Укаларининг отларини Жайноқ кал, Эрсак кал, Терсак кал дер эди. Жайноқ жуда масхарабоз эди, ҳар тусли бўла берар эди. Агар бировни алдамоқчи бўлса, ҳар тусли бўлганда ўзининг жўралари ҳам танимас эди.

Эрсак кал шундай эди: оқшомлари камонини кўлига олса, кушни кўзидан урар эди. Жуда мерган эди, кушларнинг, онгларнинг додини берган эди.

Терсак кал синчи эди. Йилкининг тулпорини суягидан танир эди, киличнинг ўткирлигини қинидан билар эди” (9. – Б. 541–542).

Ҳасанлар ҳам дастлаб худди ака-ука каллар каби оддий кўмакчи бўлиб, дoston сюжетининг маълум бир ҳалқасида иштирок этишганлиги эҳтимолдан узок эмас. Лекин юқорида таъкидланганидек, даврлар ўтиши билан мустақил образларга айланган. Бу ҳолат ҳам ўз навбати “Гўрўғли” туркум дostonларидаги ҳар бир образ қайта-қайта бадиий жило берилиб келганлигидан далолат беради.

#### **V. Аҳмад сардор образи.**

Ўзбек фольклоршунослигида Аҳмад Сардор ҳақида мавжуд хулосалар Ҳоди Зариф ва В.М.Жирмунскийларнинг “Узбекский народный героический эпос” китобида айтилган фикрлар асосида шаклланган. Бу икки фольклоршунос хулосаларини куйидаги тарзда умумлаштириш мумкин:

Ёвмит юртининг подшоҳи Одилхоннинг иккинчи ўғли Аҳмадбек жияни Гўрўғлини ўз тарбиясига олиб уйлантиради. Лекин дostonларнинг кейинги ривожига ўзбек версиясидаги эпик хиёнатчи, ёвуз ниятли хоин, кутқучи (интриган) роли ҳам айнан шу – Аҳмад Сардор зиммасига тушади.

Олимлар Аҳмад Сардорнинг жиянига нисбатан бу хилдаги зимдан ўзгаришни, дostonларда кўрсатилганидек, Аҳмад Сардордаги ичи қоралик, ота ҳокимиятини бегоналар (Аваз, Ҳасан) эгаллаб олаётганидан куйиниш билан изоҳланишига ишорат қилишади. Айни пайтда Аҳмад Сардорнинг барча кутку ва хиёнатларининг Гўрўғлибек томонидан жазосиз қолиши ва унинг доимий равишда қирқ йигитнинг бир қаноти йигирма йигитга бошлик бўлиб тураверишини асосланмаган мотив сифатида баҳолаб, бу ҳолатни Аҳмад Сардор образи эпос таркибига кейинчалик киритилганлигидан бўлса керак, деб ёзишган (78. – Б. 219–220).

Яна Ҳ.Т.Зарифов ва В.М.Жирмунский ёзадилар: “Туркман эпоси эпик бадкор образининг бу янги намояндасини билмайди. Лекин бевосита ўзбек оғзаки поэтик аънаналари асосида шаклланган тожик “Гўрўғли”сида Аҳмад Сардор камчисидан қон томувчи жоҳил, хиёнаткор ва кутқучи туркман ҳукмдори сифатида тасвирланади ҳамда у доимо шу жиҳатларига кўра жияни билан келиша олмайди” (78. – Б.220).

Тадқиқотчилар “Аҳмад Сардорнинг оилавий ва сиёсий кутку(интрига)лари, унинг Гўрўғли ва йигитларига нисбатан ғарази айрим асарларда

(“Хуш келди”, “Авазнинг арази”, “Интизор”, “Холдорхон”, “Хидирали Элбеги”, “Малика айёр” ва бошқалар). Умумий тарзда кўйилса, бир қатор дostonларда (“Аҳмад Сардор ва Ҳасаншоҳ”, “Аҳмад Сардор ва Аваз”, “Авазхоннинг ўлимига ҳукм этилиши”) бундай ҳаракатлар асар сюжети-нинг асосини ташкил этади” (197. – Б.234; 78. – Б.220–221), деб алоҳида кўрсатиб ўтганлар.

Келтирилган хулосаларнинг қайси даражада ҳақ эканлигини бир-бир қараб чиқайлик. Аввало, Аҳмад Сардор образи сўнгги даврларда дoston таркибига киритилиб, бевосита ўзбек версиясига хос, дейилган масалага ойдинлик киритайлик. Ҳақиқатан ҳам туркман ва озарбой-жон “Гўрўғли”ларида Аҳмад Сардор исмли образ йўқ. Лекин барча жиҳатлари, дoston сюжетида тутган ўрни, семантик вазифасига кўра Аҳмад Сардорга мос келувчи образни туркман “Гўрўғли”сида кўрамиз. Бу – Ганжимбек образидир. Туркман версиясига кўра Жигалибекнинг уч ўғли бўлади. Биринчи ўғли – Ганжимбек. У дунёпараст, хасис, мол-мулк йиғиб, бой бўлиб, отасидан ажралади. Иккинчи ўғил – Мўминбек. Унинг акли кирди-чикдирак, кўзи ҳам шилпиқ бўлди. Учинчи ўғил – Адибек оломончи, боскин, чопиш – жангу жадал, жўрабозликка ўч бўлди. Қирк йигитга бош бўлиб чопқинлар билан кун ўткарди. Гўрўғли ана шу Адил-бекнинг ўғли эди. Адилбек ўлгач, Гўрўғли (Равшан) бобоси Жигалибек қўлида қолди. Равшан Хунхор юртидан кўр қилинган бобоси Жигалибек билан қайтиб келгач, бу орада Мўминбек ҳам ўлиб, Араб Гуландони олиб қочиб кетади. Ғирот туғилиб, Гўрўғли овоза чиқариб атрофига йигитлар тўпланиб, Хунхор шохдан ўч олиб қайтгач, дostonнинг кейинги сюжет ривожига, яъни Гўрўғлининг уйланиши ва Арабдан ор (ўч) олиш учун боришида жўнатувчи таҳқирчи (рақиб) вазифасини Ганжимбек ўйнайди, Ганжимбекнинг бу вазифаси Аҳмад Сардорнинг “Хушкелди”, “Авазнинг арази”, “Интизор”, “Холдорхон”, “Малика айёр” каби дostonлардаги “жўнатувчи-таҳқирчи вазифасига айнан мос тушади. Аҳмад Сардор ва Ганжимбек образларининг моҳиятан бир хиллиги уларнинг аслида бир умумий ўзакдан ўсиб, ривож топганлигидан далолат беради. Лекин бу образларнинг туб асоси даврлар ўтиши, турли шароит ва ўзига хос йўналишда тараққий топган адабий муҳит анъаналари ўзанида ўзига хос равишда талқин этилган.

Биз “Гўрўғли” дostonининг туб асослари маросим мифларидан ўсиб чиққанлигини ва Гўрўғли образи бевосита ўлиб тирилувчи табиат циклида ёз кутбининг тимсолидан эпик қаҳрамонга айланганлигини

аникладик. Бизнингча, Аҳмад Сардор ва Ганжимбек образларининг бобо типи ана ўша илк эпик талқинли сюжетда қаҳрамоннинг рақиби сифатида майдонга чиққан. Чунки дунё халқлари мифларидаги турғун анъаналарга кўра қаҳрамон ўзининг карама-қарши кутби душманга (бу кутб илк киш тимсолини ифодаловчи образ – сержун, айри туёк, девсифат мавжудот эди. У Араб Райҳонга эврилди) эга бўлиши билан бир қаторда ўз ички муҳитида рақибига ҳам эга бўлади. Одатда, рақиб қаҳрамонни бирор-бир юмушга жўнашида катализатор, кутқучи вазифасини бажарган. Рақибидан ахборот олган қаҳрамон душман юртига бориб, бу юмушларни уддалаб, хар доим рақибини доғда қолдириб ғолиб сифатида қайтган. Достоннинг туркман версиясидаги Ганжимбекнинг қаҳрамонни таҳқирловчи – жўнатувчилик вазифаси айнан шу қадим анъананинг бу кунгача давом этиб келаётган кўринишидир. Достоннинг ўзбек версиясида Аҳмад Сардорнинг бу функцияси бош қаҳрамондан сўнгги бўғинда турувчи авлод вакиллари (Аваз, Ҳасан, Равшан ва бошқалар...)га кўчирилган. Кузатишларимиз “Гўрўғли” достонларида Аҳмад Сардорнинг (туркман версиясида Ганжимбекнинг) кутку ва таҳқирлари, хиёнатларнинг жазосиз қолиши Ҳ.Т.Зарифов ва В.М.Жирмунскийлар томонидан: “Аҳмад Сардорнинг ушбу бадий асосланмаган ва англаб бўлмайдиган жазосизлиги, унинг эпосдаги доимий эпик роли билангина боғлиқ бўлиб қолмай, аслида аввалги – етим жиянининг тарбиячиси, хомийси сифатида келувчи образига карама-қарши хиёнаткор қариндош сифатининг сўнгги давр қатлами сифатида қўшилиши сабаблидир” (78. – Б.220), деб ёзганларига бир оз таҳрир киритиб қабул этишни талаб этмоқда. Яъни Аҳмад Сардорнинг тарбиячи сифатидаги эпик талқини унинг рақиб, жўнатувчи вазифасига солиштирганда, достон тараққиётининг навбатдаги босқичларига тўғри келмоқда. Бу ҳолатни исботловчи ўринларни “Гўрўғли” достонининг ўзбек версиялари орасида Аҳмад Сардор тарбиячи сифатида атрофлича ёритилган Кўрғон – Пўлкан вариантыдаги куйидаги ўринлардан ҳам англаш мумкин. Достонда тасвирланишига кўра, Гўрўғлининг отаси Равшанбек кўр қилинган, Биби Ҳилолнинг акаси Гаждумбек билан бирга ҳолвачининг отини тарбиялаб, Шохдорхон мамлакатидан қочиб ўз юртларига боради. Ана шунда Равшанбек томир тортиб, Урайхон подшонинг олдига келди. “Урайхон подшонинг олдида одамлар:

– Шу кўрдан нима қариндошлик чиқади? Қайси ердан келган бўлса, шу ерга кета берсин, – деди. Урайхон ҳеч нима демади” (19. – Б.45).

“Шу Ёвмитнинг бир камбағал саройбони бор эди. Тўлибой синчини танир эди, Равшан кўрни сарой ёнида кўриб, суриштириб таниб олди; кўнгли жўш урди. “Азоб тортиб, қариндошим, деб келди, подшолар қабул қилмабди. Мен бу бечорага саройни берайин, еб ётсин, мен бошқа бир тирикчилик топиб кетарман”, деб Равшанга айтди:

– Шу сарой ўлгунигча боқади.

Саройдаги хизматчилар Равшанга хизмат қилиб ёта берадилар” (19. – Б.45). Гўрўғли Ёвмит элини излаб келгач, шундай дейилади: “ – Равшанбек Одилхон подшонинг бел боласи экан, Биби Ойшадан туғилган экан. Равшанбек Зангарнинг юртида Биби Ҳилолнинг олган экан. Бу кўр бўлиб қочиб келганда, Биби Ҳилолнинг қорнида гумона қолган экан. Ҳилол ўлган сўнг, гўрнинг ичида бир ўғлон пайдо бўлган экан. Ўзи қипкизил яланғоч келибди. Гаждумбек уч кундан бери Ҳилолойма ош бериб – худойи қилиб, шу Гўрўғли билан бирга ўлтирибди. Ана шу ишимиз уят бўлган экан”, – деди... Бу сўзнинг устига Аҳмадбек келиб қолди. Аҳмадбек айтди:

– “Дўст келса, душман ёр”, деган мақолни эшитганинг йўқми! Бир одамнинг оркасидан неча дулдул отли, тўнли, тойли, шойли бўлиб юради. Лекин шунча йўлдан Равшанбек кўр бўлса ҳам, тоғам деб, суйкаланиб келди. Сенинг хумсалигинг тутди. Шундай сўз бўларини бир вақтда мен билиб эдим. Кел, жияним, деб кўтармалаб, Регистонда бир саройни ҳокимларнинг муҳрини босиб, олти кул сотиб олиб, бор, подшо Урайхонни дуо қил, деб бериб келиб эдим, – деди” (19. – Б. 81).

Ҳар икки ҳолат ўзаро солиштирилса, кескин фарқ яққол кўзга ташланади. Аввалги парчада Аҳмад Сардор, кейинги парчада, Тўлибой синчининг дўсти Саройбон ҳақида лом-лим дейилмади. Бахши бадиха жараёнида бу тафовутга йўл қўйди дейилса, катъий анъанага кирган воқеаларда бундай бўлиши камдан-кам ҳолатдир. Демак, ушбу мотивларни бевосита кейинги ижодий изланишлар меваси сифатида баҳолаш ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Достоннинг бошқа бир ўрнида сўнгги версия тасдиқланади. Эҳтимолки, бахши учун Равшанга карвонсаройни Аҳмад Сардорнинг олиб бериш ҳолати кейинги сюжет ривожига энг мақбул кўринган, шу нуктаи назардан у ҳақли ҳам. Достонда ҳикоя этилишича, Урайхон Ганжибек, Равшанбек ва Гўрўғлини ўз саройига таклиф этганида, Равшанбек айтади:

“– Заргарнинг шаҳридан келганимга саккиз йил ўтди. Баракалла Аҳмадбекка, менинг қадримга ўша етди. Урайхон подшонинг олдидан

умидим узилиб, ноумид бўлиб чиқиб эдим. Мени етаклаб Регистонга олиб келиб, шу саройни бўйи бараварли зарга сотиб олиб, қози калонларга зиёфатлар қилиб, менинг отимга васиқа қилиб, бозордан олгита ғуломбачча сотиб олиб келиб, ўлгунингча шу Равшанбекнинг айтганини қиласан, айтганини қилмасанглар, сизларни дорга тортиб ўлдираман, деб менга хизматкор қилиб бериб кетди, шундан бери умрим шу билан ўтди” (19. – Б. 86). Демакки, Аҳмад Сардорнинг қаҳрамонга тарбиячи, раҳнамолиги мотивини ҳар жиҳатдан асослаш сўнгги даврларгача давом этмоқда. Келган хулосаларимизни биз тадқиқотимизга асос қилиб олган “Гўрўғлининг туғилиши” достонининг ўзбек версияларидаги қаҳрамон тарбиячиси ким эканлигини қараб чиқайлик.

А) Ғайритабiiй ҳомила мотиви мавжуд версияларда:

1. Фозил Йўлдош ўғли версияси. Тарбиячи раҳнамо – Аҳмад Сардор. Қаҳрамоннинг онаси Аҳмад Сардорнинг синглиси, дейилган.

2. Соибназар Аҳмад – Лақай версияси. Тарбиячи раҳнамо – Аҳмад Сардор. Қаҳрамоннинг онаси Аҳмад Сардорнинг синглиси.

3. Тош шоир версияси. Тарбиячи раҳнамо – Аҳмад Сардор. Қаҳрамоннинг онаси Аҳмад Сардорнинг синглиси.

4. Имом Насриддинов – Наманган версияси. Тарбиячи раҳнамо – Ганжибек. Қаҳрамон Ганжибекнинг қизи.

Б) Табiiй ҳомила мотиви мавжуд версияларда:

1. Кўрғон версияси (Пўлкан ва Эгамберди Оллаберган ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли вариантларида). Тарбиячи раҳнамо – Аҳмад Сардор. Қаҳрамоннинг отаси Равшан Аҳмад Сардорга жиян (Айни пайтда, Гўрўғлини гўрдан олиб етти ёшигача вояга етказган киши Рустам). Қаҳрамоннинг онаси Ганжубекка сингил ҳисобланади.

2. Ҳайдар Бойтаев версияси. Тарбиячи раҳнамо – Аҳмад Сардор. Қаҳрамоннинг онасига Аҳмад Сардор ўғай ака (ота бир, она бўлак). Ганжубек қаҳрамон онасининг туғишган акаси.

3. Амин шоир версияси. Тарбиячи раҳнамо – Ганжубек. Қаҳрамон онаси Ганжубекнинг кизи (синглиси).

Келтирилган барча версиялар ўзаро киёслаб чиқилса, қуйидагича ҳолат кўз ўнгимизда намоён бўлади: Икки версияда (Наманган ва Амин шоир версияларида) Аҳмад Сардор номи учрамайди. Уларда тарбиячи раҳнамо – тоға, ота – Ганжибек (Ғаждумбек). Фозил шоир, Тош шоир ва Лақай версияларида аксинча, тарбиячи, раҳнамо тоға Аҳмад Сардор бўлиб, Ганжибек (Ғаждумбек) номи йўқ. Кўрғон ва Ҳайдар Бойчаев верси-



яларида эса Аҳмад Сардор ва Ғаждумбек (Ганжимбек) қахрамон шажараси баравар иштирок этиб, Ғаждумбек қахрамонга тукқан тоға, Аҳмад Сардор ота томонидан (Кўрғон версияси) ёки ўғай тоға (Ҳайдар Бойчаев версияси) сифатида келади. Лекин дoston сюжетининг кейинги ривожидан тарбиячилик вазифаси Аҳмад Сардор зиммасига тушади. Демак, туркман версияси учун асосий куткучи, жўнатувчи қариндош бўлган Ганжимбек образи ўзбек версиялари орасида ҳам мавжуд экан (моҳиятан унга мос келмаса-да). Тўғрироғи, дostonнинг ўзбек версияларида Ғаждумбек образига хос хусусиятларни Аҳмад Сардор образи тўла ифодалаб келади. “Тўрўғлининг туғилиши” дostonининг ўзбек версиялари Ганжимбек ва Аҳмад Сардор образи иштироки нуктаи назаридан ўзаро қиёслаб чиқилса, қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин:

А) кўриниш: Тарбиячи (рақиб) – Аҳмад Сардор (Фозил шоир версияси, Тош шоир версияси, Лақай версияси);

Б) кўриниш: Рақиб (тарбиячи) – Ганжимбек (Ғаждумбек) (Наманган версияси, Туркман версияси, Амин шоир версияси);

В) кўриниш: Тарбиячи (рақиб) – Аҳмад Сардор; Тукқан тоға – Ғаждумбек (Кўрғон версияси, Ҳайдар Бойчаев версияси).

Ушбу қиёс натижалари қуйидаги хулосаларни беради:

– эпоснинг ўзбек версиялари биз шартли равишда илк босқич сифатида олган намуналари асосий қисмида Ғаждумбек номи учрамайди. Айни пайтда дostonнинг туркман версиясида Аҳмад Сардор номи йўқ. Бу эса ушбу ном соф ўзбек версияларига хос, деган фикрга келишга асос беради;

– ўзбек версиялари орасида Наманган ва Амин шоирлар ижро этган қахрамоннинг туғилиши билан боғлиқ дostonларда тарбиячи сифатида Ганжимбек номи келади. Дostonнинг Кўрғон ва Ҳайдар Бойчаев вариантларида эса асосий тарбиячи-рақиб Аҳмад Сардор бўлса-да, Ғаждумбек образи ҳам қахрамоннинг туғилиши билан боғлиқ воқеалар тафсилотида иштирок этади.

Ушбу ҳолат нимадан далолат беради? Айни ҳолат ушбу версия ва вариантларни ижро этган бахши ва дostonчилик мактаблари туркман бахшичилиги ва туркман “Тўрўғли”си билан бевосита ёки билвосита адабий ҳамкорлик қилишган бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, дostonнинг ўзбек версияларида Аҳмад Сардор тарбиячи ва рақиб сифатида ўз мавқеини тўла саклаб қолди. Дoston сюжетида Аҳмад Сардор – Ганжимбек (Ғаждумбек), яъни рақиб образи реал ота образидан аввал мавжуд

бўлган. Бу хулосани айтишга аини образнинг “ғайритабиий ҳомилали” дoston версияларида ҳам мавжудлиги тасдиқ этади.

Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати шундаки, тарбиячи раҳнамо ва кейинчалик рақибга айланган Аҳмад Сардор (тоға) ва Гўрўғли (жиян)нинг “тоға-жиян”лик муносабатларида ўзига хос бир “сир” мавжуд. Яъни Одилхон тахтига унинг ўғли Аҳмадбек эмас, киз томон авлоди Гўрўғлининг ўтириши замирида дoston генезисининг тарихий асосларига тегишли таянч – ҳаётий асос турибди. Чунки тахтнинг ота уруғи эмас, она уруғ вакилига мерос бўлиб ўтиши Ўрта Осиё халқлари тарихида ҳам бир босқич сифатида кечганлигини С.Л.Толстов ўзининг “Древний Хорезм” китобида алоҳида қайд қилиб ўтган. Жумладан, олим шундай ёзди: “Массагетларнинг шарқий тармоғи исседонлар – “аёлнинг эркаклар билан бир хил мавкеда туриши адолатдандир” деб ҳисоблашади. Бактрия истилоси (эрадан олдинги II аср) даврида юечжий қабила бирлашмаларига (resp. массагетлари) аёл ҳоқон эди. Юечжилардаги аёл ҳукмронлиги анъаналари она уруғ етакчилик қилган давр изларини сақлаган.

Парфия давридаги Хоразм чўлларидан келиб Сеистон (Сакстон)да қурилган сақаваралар давлатида ҳоқон синглисининг ўғли валиаҳд ҳисобланиб, ҳукмдор билан бирга мамлакатни бошқарган, сулола она уруғ қоидалари асосида давом этиб, бу даврдаги ҳаётий шароит биз ўрганган Жонбосқалъа ҳаётига уйғун келади” (166. – С. 326).

“Ўрта Осиёда яшаган кўчманчилар ўртасида она уруғ ҳукмронлиги сўнгги даврларгача давом этган. Орол бўйи чўлларига 575 йилда борган византиялик элчи Валентин “скифлар” худудининг ушбу қисмини бошқарган Аққағаз исмли подшо мулкидан ўтган” (166. – С. 326).

“... Массагетлар – юечжи ва Аққағаз “скифлари”нинг авлоди бўлмиш ўғуз – туркманлар XVII асрларда ҳам ўғуз салтанатини бошқарган етти ҳукмдор киз ҳақидаги хотирани айтиб юришади” (166. – С. 326).

Чиндан ҳам “Гўрўғли” туркумида тоға-жиян йўналиши эпоснинг ҳамма версия, вариантлари ва эпос босқичларида мукамал равишда ўз бадий талқинига эга. Аксинча, реал ота йўналиши “Гўрўғли” туркумига тегишли бир қисм версия ва вариантлардагина мавжуд бўлиб, у ҳам дoston воқеалари тизимининг дастлабки қисмидагина иштирок этади. Аини ҳолат ҳам “Гўрўғли” туркумидаги тоға-жиянлик муносабатлари эпос воқелигини тутиб турувчи ўзак йўналиш эканлигини исбот этади ҳамда “Гўрўғли” дostonининг ижтимоий асоси матриархат тузуми анъаналари замирида шаклланган, деб айтишга имкон беради. Янада

аникроқ айтилса, матриархат тизимдан патриархат тизимга ўтиш даври муносабатлари “Гўрўғли” дostonи воқелигининг социал асоси бўлган. Бу ҳолат дostonнинг “Кўрғон-Пўлкан” вариантыда янада серкатлам бадий галқинда берилган. Яъни Ёвмит элининг подшоси Одилхоннинг икки ўғли Урайхон ва Аҳмадбек ҳамда Биби Ойша исмли кизи бор эди. Биби Ойша ва Тўлабой синчидан Равшанбек туғилади. Табий равишда Равшанбек Урайхон ва Аҳмадбекка жиян бўлади. Бу орада Равшанбек Шохдорхон юртига аср тушиб изсиз кетади. Урайхон ва Аҳмадбек уни суриштирамайди (ушбу ўринга эътибор қаратиш лозим). Ёвмит эли Така-Ёвмит эпосининг бир қаноти ҳисобланарди. Айни пайтда этноснинг иккинчи қаноти Така эли ҳукмдорининг ўғли Гаждумбек Шохдорхон қўлида мулозимлик қиларди (аслида гаров сифатида тутиб турилган). Равшанбек Шохдорхон мамлакатига ана шу Гаждумбекнинг синглисига уйланади ва синчилиги маълум бўлади. Шохдорхонга ҳақ гапни айтгани учун кўр қилинган, Гаждумбек билан бирга Така-Ёвмитга қочиб келишади. Биби Ҳилол эса гумонаси билан ёв қўлида қолиб ҳалок бўлади. Гўрўғли қабрада туғилади.

Равшанбек ва Гаждумбеклар ўз юртларига етишади. Бу пайт Ёвмит тахтида Урайхон ўтирган эди. Урайхон Равшанни қариндош сифатида тан олмайди. Бевосита дostonда айтилмаган бўлса-да, ушбу ҳолатнинг мантикий асосини биз юқорида аниқлаган матриархат тизим анъаналарига боғлиқ равишда айтишимиз мумкин. Яъни Равшаннинг қариндош сифатида тан олиниши Урайхонни тахтдан маҳрум этар эди. Чунки мавжуд тартибга кўра тахт эгаси Биби Ойшанинг ўғли ҳисобланарди. Урайхон ва Аҳмадбеклар ҳарбий қўмондонликни эгаллашлари мумкин ҳолос. Шу сабабли ҳам Аҳмадбек Гўрўғлининг олдида доимий Сардор, яъни қирқ йигитнинг бир қаноти – йигирмасига бош бўлиб туради. Уни ҳеч ким, ҳатто Гўрўғли ҳам сардорликдан маҳрум қила олмайди.

Гўрўғли Шохдорхон юртидан етти ёшида қайтган, вазият бошқача тус олади. Гаждумбек Гўрўғлининг ўзига ҳамда Урайхон ва Аҳмадбекларга жиян эканлигига гувоҳ сифатида келади (Гўрўғлининг Така ва Ёвмит ҳукмдор табақасига тенг даражада жиянлиги унинг бутун Така-Ёвмит этносига юридик ҳукмдор бўлишини таъминлар эди). Натижада Аҳмадбек Гўрўғлини тутинган ўғил сифатида қабул қилиб, тарбиячи раҳнамога айланади. Урайхоннинг ўлими ҳамда Гаждумбекнинг дoston воқеаларидан изоҳсиз чиқиб кетиши Гўрўғлининг Така-Ёвмит элига бош бўлишини сўзсиз таъминлайди.

“Гўрўғли” туркумига кирувчи бошқа версия ва вариантлар, хусусан, дostonнинг “гайритабий ҳомилали” версияларида вазият бу тартибда мураккаб кўриниш олмаган. Гўрўғли Аҳмад Сардорнинг синглизининг ўғли ва у тўғридан-тўғри Аҳмад Сардор хонадонига тушиб уруғ-қабиланъанасида белгиланган ўринни эгаллайди.

Мавжуд тахлиллардан ҳам кўришиб турибдики, биз юқорида айтган фикр дostonдаги “тоға-жиян” йўналиши реал ота йўналишидан кўра қадимий бўлиб, эпослик таянч йўналишларидан бири экан ва Аҳмад Сардор образи – тарбиячи, рақиб сифатида илк бобо сюжетнинг айнан тарбиячи ва рақиб йўналиши асосида шаклланиб, тўла бадий-эстетик жилосини олган.

Суюк суриштиришда (уруғ ва қариндошликни), белгилашда она уруғни асос сифатида олишнинг излари халқимиз орасида бутунлай йўқ бўлиб кетган эмас. Бу қадимий анъана излари нисбатан консерватив маросимларда аниқ сақланиб турибди. Ушбу ўринда қуйидаги фактларни эслаш ўринли:

1. Никоҳ тўйида қизга вакил ота сифатида тоғанинг танланиши.

2. Ўлим маросимида майитни қабрга тоға кўйиши. Яна бир жиҳат Самарқанд вилоятининг Қўшрабoт тумани аҳолиси ўртасида аёл киши вафот этса, майитни ювишга (марҳум қандай ёшда ва қайси оилада яшашидан қатъи назар) она уруғига тегишли аёлларгина киради. Эр уруғига тегишли аёллар киритилмайди.

3. Қиз болани узoқ сафарга жўнатиш керак бўлса, асосан, тоға ҳамроҳлигида жўнатиш анъанаси бўлган.

Жиян билан боғлиқ удум-анъаналар ҳам ушбу тизимга боғлиқ:

1. Тоға юртда жиянга нисбатан алоҳида ҳурмат-эътибор қаратилган. Жиян она юртига кўчиб бoриб, ўзини ҳеч бир кам-кўстсиз, ўша жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида яшашга ҳақли билган.

2. Тўй маросимларида жиянга алоҳида ҳурмат юзасидан жиян оёқ берилган (Жиян оёқ таомга жиян учун махсус илик кўйиб бериш).

3. “Жиян келса етти бўри чопгандай”, деган айтим ҳам ушбу анъана, тасаввурларнинг ифодаси бўлиб, унда “бўри” аждодлар руҳи тимсолини ифодалайди ва ҳар бир жиян етти ота аждодлар руҳи билан ушбу жамоага боғлиқ, деган маънони англатади.

Ушбу этнографик маълумотлар ҳам биз юқорида келган хулосани тасдиқлаш баробарида Аҳмад Сардор каби “Гўрўғли” дostonидаги барча образлар ва бу эпосга асос бўлган сюжет ва унинг мифологик ҳамда

тарихий-ижтимоий асоси қадим-қадимдан Сирдарё ва Амударё бўйларида яшаб келаётган сак ва массагет уруғ бирлашмалари ҳаёти, эътиқодий қарашлари, тарихи тақдири билан боғлиқ равишда шаклланиб ривож топганлигини ҳам кўрсатади. Бу эса эпоснинг Марказий Осиё сарҳадларида пайдо бўлиб, ривожланганлиги ва то шу кунларгача етиб келганлигини далиллайди.

Юкорида тадқиқ этилган дostonнинг етакчи образлари борасида қуйидаги умумлашмларга келинди:

– дostonдаги етакчи образлар тадрижида ҳам кўпқатламлик намоён. Ушбу ҳолат эпоснинг асрлар давомида сайқалланиб, бадий жихатдан мукаммаллашиб келганлигини билдиради;

– Сокибулбул образи дostonнинг ўзак линияси – хомийлик ва ота йўналиши (Гўрўғлининг отаси Равшан, бобоси Тўлибой ҳам синчи эди) ўзанида шаклланди, бадий талқинини олди;

– Ғиркўк образининг генезиси худди қаҳрамон каби куёш туркум маросимий мифлар ва халқнинг от наслчилиги тажрибалари замирида бадий-эстетик талқинлар олди, рамзий-гимсолий маънолар касб этди. Эпосда жанговор от қаҳрамонни мавжуд оламлар билан боғлайдиган ҳамкор, ҳамқадам тўлақонли образга айланди;

– дostonнинг Юнус пари билан боғлиқ йўналиши халқ эртақларидаги анъанавий мотивлар асосига қурилган. Дoston сюжетидаги ёр йўналиши талқинининг романик кўриниш олганлиги ҳам унинг нисбатан кейинги давр маҳсули эканлигини билдиради;

– Ҳасан кўлбар, Ҳасан чопсон, Ҳасан яқдаста образлари талқини ҳам эртақ мотивлари заминидан “Гўрўғли” дostonлари таркибига сингишиб, сайқал топиб, оддий кўмакчилардан тўлақонли эпик образ даражасида этди. “Ҳасан”лар Гўрўғлининг яқин сафдоши, туркумнинг етакчи образларига айланншиди

– Аҳмад Сардор образи, эпосдаги таянч йўналишларидан бири – тарбиячи, рақиб, кутқучи сифатида илк бобо сюжетнинг рақиб йўналиши асосида шаклланиб, тўла бадий-эстетик талқинларда намоён бўлди.

### Қуёш туркум мифлари, мавсумий маросимлар ва “Гўрўғли” эпоси

“Гўрўғли” дostonларининг пайдо бўлишида қуёш туркум мифлари ва мавсумий маросимлари билан боғлиқ ишонч ва эътиқодлар асос бўлганлигини мазкур тадқиқотларимизнинг аввалги бобларида батафсил ўрганиб, таҳлил этдик. Ушбу ўринда ўта муҳим масалалардан бири – ўзбек халқи орасида бугунги кунда ҳам амал қилаётган маросим-байрамлардаги қуёш туркум мифлари, мавсумий маросимлар билан алоқадор жиҳатларни “Гўрўғли” эпосига қиёслаш орқали дostonнинг бевосита ана шу – қуёш туркум мифлари ва ушбу тизим билан боғлиқ мавсумий маросимлар, ишонч-эътиқодлар замирида шаклланиб, мустакил бадиий-эстетик ҳодиса сифатида таракқий топганлигини ёритиш масаласини кўриб чиқамиз.

А.Л.Чижевский ёзади: “Замонавий одамнинг қуёшга муносабати қандай? Табиатнинг ўзига хос кўринишларидан бири холос. Аждодларимиз эса бундай англашмаган... Улар қуёшни ҳаёт ва илҳом манбаи, ақл-идрокни уйғотувчи, маҳобатли маъбуд, деб билишган. Қадимий мифларнинг барчаси қуёш нурунинг кўзни қамаштирувчи рамзларига тўлиқ йўғрилган. Аждодларимизнинг интуиция билан айтган хулосаларини эндиликда фан эришаётган ютуқлар тасдиқламоқда! Аслида инсон ва ер юзидаги жамики мавжудодлар дунё таракқийётининг ўзга хос мураккаб тарихий босқичларидан ўтиб келаётган “қуёш фарзанди” ҳисобланадилар ва бу жараёнда бошқа космик қувват манбалари қаторида бизнинг қуёшимиз муносиб ўрнига эга” (173. – С.28).

Чиндан ҳам қуёш топинчи дунёдаги барча халқлар тафаккур тарзининг турли жабҳаларида у ёки бу даражада акс этган. Лекин барча халқлар ҳам бу тизимни яхлитлигича сақлаб, авлодларга тўлалигича етказиб берган эмас. Фан қуёш мифлари ҳақида баҳс юритар экан, маълум халқлар мифологик тизимлари доирасидагина фикр билдириб келмоқда. Бу ҳолатнинг ўзига хос объектив, субъектив сабаблари бор. Биз масаланинг ушбу жиҳатларига тўхталмоқчи эмасмиз. Фақат халқимиз мифо-

логик тизимида турувчи куёш топинчи ва мавсумий маросимлар билан боғлиқ эътиқодлар ҳақида ҳалигача кўзга ташланарли тадқиқотларнинг пайдо бўлмаётганлигини қайд этмоқчимиз. Ушбу ҳолат, аввало, мавжуд материалларнинг турли манбаларда сочилиб ётаётганлигидан бўлса, иккинчи жиҳат – фольклоршунослигимизда ўзбек мифологиясининг яхлит ҳолатда ўрганишга эндигина эътибор берилаётганлигидандир.

Маълумки, куёш ер юзининг бирор-бир жойига бизнинг юртимиздаги каби ўз ёруғлигини тенг меъёردа сочмайди. Аниқроғи, йил давомида куёш ёруғлигининг тушиши – фаслларнинг алмашинуви ер юзининг бошқа бирор-бир нуқтасида биздагидек ўзаро тенг ўлчамга эга эмас. Юртимизнинг куёшли ўлка аталиши ҳам шундан. Ушбу ҳолат ўз-ўзидан куёш топинчининг шу ерлик халқлар тасаввурларида етакчи роль ўйнашининг табиий асосларидан бири бўлган. Халқимизнинг урф-одатлари, маросимлари, анъанавий таквимларида куёш ва унинг тимсоли бўлмиш оловга бўлган эътибор, эътиқод ҳам бу ҳолатни исбот этади. Лекин фактларни қайд этиш билан куёш топинчига боғлиқ қадим тасаввурлар тикланиб қолмайди. “Авесто” ва ундаги куёш топинчига тегишли ўринларни бу кунги фольклор материаллари, халқ орасида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган иримлар, ишонч-эътиқодлар билан ўзаро муқояса қилиб, улар ўртасида узвий боғлиқликнинг давом этаётгани тўлалигича тадқиқ этилмаганича мавжуд фактлар фаол манбага айланмайди.

Маълумки, ҳар қандай ишонч-эътиқод катъий тизим сифатида бирор-бир халқнинг моддий, маънавий ҳаётида амал қилган ва давом этаётган бўлса, унинг ўзига хос маросимлари, ушбу маросимлар ўтувчи қадамжоларнинг бўлишини оддий мантиқ ҳам талаб этади. Демакки, биз халқимизнинг “муқаддас куёш” ҳақидаги ишонч-эътиқодлари изларини, аввало, ана шундай маросимлар тизими ва муқаддас қадамжолардан излаб кўришимиз керак.

Ернинг Куёш атрофидаги ҳаракатидан келиб чиқиб вақтни ҳисоблаш, деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа юмушларни олиб бориш ҳар бир халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Одатда, Куёш шимолий ярим шарга ўтиши билан одамлар ер шарининг қайси минтақасида яшашларига қараб баҳорни кутиб олишган. Баҳорнинг келиб, қишнинг чекиниши табиатда янгиланишни таъминлаган. Бу пайт “Ер бир йилда бир маротаба куёш атрофини айланиб чиқади ва шу вақт ичида, куёшнинг ер шари устида 23°27 ш.к. ва 23°27 ж.к.лар оралиғида силжиши кузатилади. Буни биз куёшнинг эклиптика (осмон сферасининг катта доираси, 360° га тенг)

бўйлаб йиллик ҳаракати деб атаймиз”. Одатда, “... ўн икки бурж ана шу эклиптика чизиғи бўйлаб бир хил – 30° га тенг оралиқни эгаллаган. Куёш баҳорги тенгкунликда ҳамал буржида бўлади. Йигирма биринчи мартда куёш нуллари Ер экваторига тик тушади ва бу вақтда кеча билан кундуз узунлиги ҳар иккала ярим шарда ҳам бир хил, яъни бир-бирига тенг бўлади. Бу ҳолат шимолий ярим шарда баҳорги тенгкунлик деб аталади. Гўёки шу кундан бошлаб куёш биз томонга (шимолий ярим шарга) ўтган бўлади ва унинг тафти кун сайин орта боради. Кузги тенгкунликда (23 сентябрь) эса аксинча, бу ҳолат жанубий ярим шарда кузатилади” (60. – Б.10). Айни шу баҳорги кун ва тун тенг келган даврда янги йилнинг кириши, табиатнинг қайта тирилиши ва дехқончилик, чорвачиликни бошлаш билан боғлиқ маросимлар ўтган. Ушбу маросимлар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулотларини енгиллаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни қутлаб, унинг кут-баракали ўтишини яратгандан сўраш баробарида турли белги ва ишоралар асосида уни чамалаб фол кўриш, керакли тадбирларни белгилашга хизмат қилган. Ушбу улкан эътиқод ва у билан боғлиқ маросимлар тизими бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

Ўлиб тирилувчи табиат, яъни кўкламнинг келиб, қишнинг кетиши билан боғлиқ эътиқодий қарашлар, маросимлар давоми, излари ёки улар ҳақидаги маълумотлар саралаб чиқилса, қуйидаги гуруҳларга ажралади.

1. Бевосита маросим шаклида келаётган анъаналар.

2. Маросимдан узилиб санъат намуналари кўринишини олган намуналар.

3. Турли манбаларда ёзиб қолдирилган маълумотлар.

Эътиборли жиҳати шундаки, маросимларнинг давом этиб келаётган анъаналари ёки санъат кўринишидаги ҳолатлари ва тарихий маълумотлардаги тавсифлар моҳиятида бир умумий дунёқараш туради. У ҳам бўлса қиш ва ёз (кўклам) ўртасидаги курашнинг кечуви; бунда ёзнинг қишни енгиб табиатни тирилиши ёки аксинча, қишнинг ғолиб келиб, табиатнинг вақтинча ҳалок бўлишининг маросимларда акс этиши. Инсонларнинг ўз хатти-ҳаракатлари, ибодатлари билан табиат кучларига кўмак беришга интилишлари, табиат, инсон ва жамиятнинг бирликда, уйғунликда олиб қараш, ушбу ягона қонуният мезонларига мос ҳаёт кечиришга барчани ундаш маросимлар моҳиятини ташкил этади. Масаланинг биз учун муҳим жиҳати ҳам ана шу нуктада.



Бевосита маросим шаклида яшаётган анъаналар ва даврлар ўтиши баробарида маросим тизимидан узилиб, санъат кўринишини олган намуналар ҳақида турли ёзма манбаларда келган маълумотларни биргаликда олиб таҳлил этишни илмий мантиқ талаб этади. Биз ушбу фактларни ўз мавзумиз нуқтаи назаридан тадқиқ этамиз.

Маълумки, кўкламнинг келиши билан боғлиқ ўтувчи энг асосий мавсумий маросим Наврўз (йилбоши) ҳисобланади.

Наврўз тарихи, байрам тартиби ва унда куйланган фольклор намуналари ҳақида қатор мақола ва китоблар нашр этилган (60; 87; 168; 169). Шу сабабли ҳам биз бу тадқиқотлар таҳлиliga тўхталмай, бевосита Наврўз билан боғлиқ эътиқодий қарашларнинг “Гўрўғли” дostonига асос бўлган эпик дунёқараш билан уйғун жиҳатларига алоҳида эътиборни қаратамиз.

**I. Наврўзда аҳолининг қарама-қарши гуруҳларга бўлиниб курашиши.** Янги йил, яъни Наврўз қиш ва ёз (икки кутб)нинг ўзаро курашуви, қиш томоннинг енгилиб, чекиниши натижасида кириб келади, деган дуалистик қараш ушбу маросимда энг таянч тасаввур ҳисобланади. Наврўзни кутиб олиш, тантана қилиш жараёнида ўтувчи барча маросим ҳалқаларида ана шу курашни тасвирлашга, ифодалашга йўналтирилган. Ушбу ўринда Фарғонада ўтувчи Наврўз байрами ҳақидаги хитой манбасидан келтирган кўчирма муҳим аҳамиятга эга: “Ҳар янги келаётган йилнинг аввалида, подшо ва дарғалар бошчилигида халқ икки гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ биттадан вакил сайлаб, унга жанг кийимларини кийдириб ўзаро жанг қилдиришган, қолганлар эса рақиб томонга тошу кесаклар отиб ўз жангчиларига ёрдам бериб туришган. Жанг томонларнинг бири ҳалок бўлгунича давом қилган. Сўнгра жанг натижаларига қараб янги йилнинг қандай келиши тахмин этилган” (166. – С. 282–283).

С.П.Толстов ушбу маросимни ибтидоий халқлар орасида кенг тарқалган икки фратрийнинг маросимий мусобақаси эканлигини ёзар экан, Шарқий Туркистондаги Кучи шаҳрида янги йилни кутишда етти кун давомида ўтувчи кўчкор, от, туя уриштириб йилнинг қандай келишини аниқлаш тантаналари ва Ўрта Осиёдаги улоқ (кўпкари) ҳамда туркманлар орасидаги “кўк бўри” тўй маросимини ҳам ана шу тизимда таҳлил этади (166. – С. 284).

Биз учун эътиборли жиҳат, ушбу ўринда кўпкари (улоқ) ва кўк бўри никоҳ тўйи маросимидаги бўри ва улоқ (эчки) образларидир.

Кўк бўри маросимида улоқ ёки кўзичокни (аслида улоқ варианты тўғри) отда ўнгариб қочаётган келинни куёв ўз жўралари билан таъкиб

килиб, ундан улоқни олиб қўйиши керак (козоклар ўртасидаги кизқувди маросими ҳам ана шу тизимда туради. Факат у ўринда улоқ унутилган). Ушбу маросимнинг туб асослари ҳам йил фасллари ўртасидаги кутблар ҳолати, кураши ва бирлигига уланади. Улоқ – кўклам, бўри эса киш тим-соли. Қиз – улоқ – кўклам, йигит – бўри – киш яхлит тизимни ташкил этади. Улоқ (кўпкари) ўйинининг киш вақти ўтказилиш анъанаси ҳам бекор эмас. Бойсун туманининг олис кишлоғида Наврўз куни ижро этилувчи “Тургак” ўйини ҳам бевосита ана шу тасаввурларга боғлиқ (87. – Б. 148).

Ишимизнинг она йўналиши тахлилида она – Ҳилолой (Аканай)нинг Ой, Ал, Эчки (улоқ), Олма билан боғлиқ тасаввурлар тизими халқимизнинг ҳосилдорлик, кўклам, оила ва уй ўчоғи топинчлари замирида шаклланганлигини аниқлаган эдик. Бу, ўз навбатида, юқорида келтирилган тасаввурларнинг маросимларга уйғун келиши хулосаларимизнинг тўғри эканлигини яна бир бор исбот этмоқда.

Республикаимизнинг бир қатор вилоятларида турли шакл-кўринишларда ҳозиргача амал қилиб келаётган “Бойчечак” маросими ҳам ушбу тизимнинг ўзига хос кўриниши ҳисобланади.

Маросимни нисбатан тўлароқ халқаларини Наманган вилоятининг Чортоқ тумани худудида кузатиш мумкин. Бу ерда болалар эрта кўклам бойчечакни топиб, бир гуруҳ бўлиб, жўрабоши етагида хонадонма-хонадон кезиб чиқишади. Бойчечакчилар ҳар бир хонадон дарвоза олдида тўхтаганда, жўрабоши ушбу қўшиқни куйлайди:

– Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,  
Худоим ўғил берсин бешигингизга, –

Гуруҳ эса:

– Бота, бота-бо, бойчечак,  
Уйингизга чоч тилла.  
Илойим ўғил берсин,  
Отгинаси Раҳматилла,

Уй эгаси кўриниш берганда:

– Ўтириб чиқинг,  
Ўтириб чиқинг,  
Ёғоч товоқни тўлдириб чиқинг, –

дейдилар.

Хонадон соҳиби жўрабоши тутиб турган бойчечакни кўриб, тавоб қилиб, ҳимматига яраша бойчечакчиларга ул-бул беради. Уй эгаси ҳасиллик қилиб ҳеч нарса бермаса, бойчечакчилар:

Ўқим, ўқим,  
Козонингга ...! –

деб ёмон тилак билдиради.

Биз ушбу маросимни дунёнинг бошқа минтақаларида яшовчи халқларидаги кўклам маросимлари билан қиёсан ўрганиб, унинг қадимий кўринишини тикладик (216. – Б. 40-41).

Қадимда ўтган “Бойчечак” маросимида киш ва кўкламнинг курашини ифодаловчи саҳналар бўлган. Бойчечак тугган жўрабоши кўклам сиймосида ўз шериклари – аниқроғи, жангчилари билан хонадонма-хонадон юриб кишни ҳайдаган. Қиш сиймоси ва жангчиларини ифодаловчи томон қаттиқ қаршилиқ кўрсатган. Бир-бир чекиниб хонадонларни ва ниҳоят бутун кишлоқни тарк этган. Қиш ва кўклам ўртасидаги асосий кураш қатта далада бўлган. Бунда киш ва ёз томон рамзий жанг қилиб, айтим-қўшиқ қуйлаб баҳслашганлар.

Хоразмда сумалак сайли билан алоқадор бўлган “Ашшадарози” ўйини (169. – Б.43-44) ва унда айтилувчи лапарнинг туб асосларини киш ва ёз мунозараси сифатида баҳолаш ўринли. Ушбу лапарни маросимдан буткул ажралиб, соф санъат намунасига айланган версияси сифатида Фарғона водийсида кенг ёйилган “Сочингни узун дейдилар” лапарини келтириш мумкин. Ушбу лапар матнида “қиш”нинг сўроғи ва “кўклам”нинг жавоблари асл моҳиятга яқин турибди. Лапарда йигит кизнинг сочи, қоши, кўзи, юзи, бели, қандай эканлигини сўрайди. Қиз эса кўкламдаги табиат тасвири орқали ўзини таъриф этади (27. – Б.90-92). Бизнинг назаримизда, “Кичкинажон-кичкина” қўшиғи ушбу айтишув, баҳснинг сўнгги нуқтаси бўлган. Яъни кўшиқни қуйлаб, ўртадаги раққосни маълум образларга таклидан кичрайиб бориши баробарида тарик тимсолига келиши, буни рақсда кўрсатиши кўкламнинг кишни енгиб уруғ (тарик) ҳолатига келтиришини ифода қилган.

Халқимизнинг ёз (кўклам) ва қиш (куз) ҳақидаги тасаввурлар тизимини қуйидаги жадвал орқали янада аниқроқ ифода этиш мумкин (10-жадвалга қаранг).

Ушбу жадвал ёз ва қиш маросимлар тизими, уларнинг ўтиш тартиби, ижро этилувчи қўшиқ рақслари ва тимсолларини аниқ кўрсатади.

С.П.Толстов ўзи келтирган фактларни таҳлил этар экан, уларнинг туб асосини зооастризмдан ҳам анча қадимийроқ бўлган ибтидоий одамнинг анимистик тасаввурлари замирида аънаналашганлигини ёзади (166. – С. 291). Бу эса бизнинг “Гўрўғли” туркуми ўзагидаги сюжет, етакчи

мотив ва асосий образларнинг анимистик дунёқараш ва эътиқодларга боғлиқ талқин этганимиз тўғри эканлигини кўрсатиш баробарида, туркумнинг туб манбалари қадим-қадимдан келаётганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

### 10-жадвал

Тавсифи	Ёз (кўклам)	Қиш (куз)
Маросими	“Бойчечак” маросими	Кўк бўри (кўлкари, улоқ халқ ўйини )
Ўсимлик тимсоли	Бойчечак	Уруғ (тарик, буғдой)
Зооморфик тимсол	Эчки (улоқ)	Бўри
Инсоний тимсол	Қиз	Йигит
Асосий қўшиқлари	“Бойчечак”, “Ашшадорози”, “Қошингни каро дейдилар” ўйин рақслари	“Кичкинажон кичкина”, “Гургак”
Муқаддас таоми	Сумалак	Ёрма (ҳалим)

**II. Наврўз маросимидаги вақтинчалик шоҳ сайлаш ва қурбонлик келтириш.** Айни Наврўз арафасида табиат ва жамият тартибида маълум муддат бетартиблик юзага келиб, кутбларнинг алмашилиб қайта ўз ўрнига келиши ҳақидаги тасаввурлар ушбу узвлар асосини ташкил этади. Бу ҳолат табиатда Айём Азиз кириб, то Наврўзгача ўтувчи об-ҳаво ўзгариши ва турланишларида намоён бўлса, жамиятдаги эврилишлар маросим чоғида каттанинг кичик, кичикнинг катта, подшоҳнинг кул – кулнинг подшо, бекнинг хизматкор – хизматкорнинг бек ўрнида кўрилиши ва ҳ.з. Вақтинчалик тартибсизликдан сўнг яна барча ҳолатларнинг ўз ўрнига қайтиши баробарида ифодаланади.

Ушбу ўринда С.П.Толстов Сиёвуш образига топиниш тарихи ва генезиси билан боғлаб талқин этган, хитойлик Вэй-цзе томонидан ёзиб қолдирилган Самарқандда ўтувчи янги йил ҳақидаги маълумот ўта муҳим: “Олтинчи ойнинг биринчи куни уларда янги йил ҳисобланади. Ушбу кун келганда подшодан тортиб барча фуқаролар соч-соқолларини кузаб, янги

кийим-бош кияди. Суворийлар шахарнинг шаркий томонида жойлашган ўрмон чеккасига бориб етти кун давомида ёйдан ўқ узишади. Еттинчи кун эса нишон учун олтин қобикни осадилар ва кимки унга ўқини дастлаб тегизса, шу ёяндоз бир кунлик шоҳ бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар Кўк тангрига бутун борлиқлари билан сиғинадилар. Яна айтадиларки, Кўк тангрининг зурриёди еттинчи ойда ҳалок бўлиб, суяклари далага сочилиб кетади, уларни териб, ҳурмат кўрсатиш шарт. Шу сабаб етти кун давомида 300 дан 500 гача эркагу аёл қора кийиб, сочларини ёйиб, йиғлаб, ёкавайрон кўкракларига мушт уриб, юзларини тимдалаб, даладан йўқолган суякларни излашади. Еттинчи кун маросим тугайди” (166. – С. 204). Келтирилган кўчирмада учта муҳим факт диққатга сазовор:

1. Маросимда вақтинчалик шоҳ сайланиши. Бу эса ўз навбатида шоҳнинг бир кунга оддий фуқарога айланишини билдиради.

2. Самарқанд ахлининг кўк тангрига топиниши.

3. Кўк тангри ўғлининг олти ойни тўлдириб, еттинчи ойга ўтганда ҳалок бўлиб, суякларининг йўқолиб қолиши ва уни одамларнинг етти кун даладан излашлари.

С.П.Толстов бевосита Сиёвуш образининг туб илдизлари ҳақида: “Биз қадимий Қангю подшолигидаги реигид ва бошқа маросимларда ўлиб тирилувчи наботот тангриси сифатида илоҳий сулола бобокалони Сиёвуш топинчининг ўта муҳим ўрин эгалашини кузатамиз” (166. – С. 205).

Бизнингча, ўлиб тирилувчи наботот (табиат) ҳақдаги тасаввурлар тизимида Сиёвуш топинчи навбатдаги бир ҳалқа холос, аслида ушбу тизим Сиёвуш топинчига ҳам асос бўлган қадимий илдизлари ва тараққиёт қатламларга эга.

Хусусан, “Гўрўғли” достонидаги бир қанча мотив ва образлар талқинининг асослари ҳам биз юкорида алоҳида қараб чиққан маросим узвлари ва ундаги тасаввурлар билан уйғун келаётганлигини кўраимиз. Булар қуйидагилар:

1. Гўрўғлининг реал отаси бўлмиш Нуртой (Тош шоир версияси) ва Равшан (Кўрғон версиясида) вақтинчалик “кул” бўлиши мотиви Наврўз маросимларидаги бир кунлик шоҳ тасаввурига боғлиқ шаклланган, деб қараш ўринли.

2. Гўрўғлининг нафас отаси, ҳомий эранлар дарғасининг Кўк тангри тасаввурлари, янада аниқроқ айтилса, куёш маъбуди билан алоқадорлиги.

3. Гўрўғли онасининг олти ойлик гумонаси билан ҳалок бўлиб ерга – қабрга қўйилиши мотивининг кўҳа Наврўз маросимидаги Кўк тангриси

зурриёдининг олти ой ўтиб ҳалок бўлиши ва унинг далага сочилган суякларини халқнинг еттинчи ой мотам тутиб излашига уйғунлиги.

Айни уйғун жиҳатлар шунчаки тасодиф деб қараш ўта ишончли фактларни назарга олмаслик ҳисобланади. Аслида эса “Гўрўғли” достонининг туб асослари ҳар жиҳатдан халқимизнинг қадимий ўлиб тирилувчи борлиқ (табиат) билан боғлиқ эътиқодий қарашлари, тушунчалари замирида шаклланганлигини ана шу ўхшашликлар ҳам исбот этади.

**III. Маросимда қоҳин ва подшоҳнинг ўрни.** Ўлиб тирилувчи борлиқ (табиат) топинчи билан боғлиқ тасаввурлар тизимида қоҳин-шоҳ ўрнининг алоҳида мавқега эгаллиги ва қоҳин-шоҳнинг ўлиб тирилувчи борлиқ тимсолида қаралиши ҳақида илмий адабиётларда етарлича ёзилган (176. – С. 552; 166 – С. 318; 124. – С. 547-548). Айни тасаввурлар тизими Гўрўғли топинчининг Гўрўғли хон бўлишида муҳим босқич бўлган. Шу билан бир қаторда Гўрўғли образига хос бир қатор хусусиятлар, яъни унинг аллиғи, бахшилиғи замирида қоҳинлик (шомонлик) тасаввурлари ҳам ўз изини аниқ сақлаб келмоқда.

**IV. Наврўз маросими ва ўлиб тирилувчи борлиқ тасаввурлар тизимида от топинчининг ўрни.** Ҳар қандай илоҳ ва маъбудларга унинг тимсоли бўлмиш ҳайвонларни қурбонлик қилиш анъанаси кенг тарқалган. Қурбон қилинган ҳайвоннинг гўшти ёки муқаддас саналган қисмининг аёллар томонидан ирим қилиб, танаввул қилиниб, ҳомила топиши эса, бўлажак фарзанднинг ана шу илоҳдан туғилди, деб ҳисоблашга асос берган.

Массагетларнинг диний эътиқодлари ҳақида Геродот шундай ёзган: “Массагетлар маъбудлар орасида фақат куёшнинггина муқаддас билишади ва унга отларни қурбонлик келтиришади. Бунга сабаб энг шиддатли, тезкор маъбудга ҳайвонлар орасидан чопоғон отларгина муносибдир, деб билишдир” (72. – С.143).

С.П.Толстов эса олтойликларнинг қурбонлик қилинган от терисини баланд тепага осиб қўйишлари асосини куёш топинчи билан боғлиқ талқин этади (166. – С.207).

Ушбу ўринда С.П.Толстов келтирган яна бир факт жуда муҳим: “Биз шимол халқлари маросимлари мисолида гувоҳ бўлганимиз от топинчидан далолат берувчи олқишлар хинд “ашвамедҳи” маросимлар мажмуасида ниҳоятда муҳим ўринга эга бўлиб, унда улуғланган ва маҳсус тарбияланган от бир йил давомида мамлакат бўйлаб эркин айланиб юрган, бу вақт мобайнида отга хурмат-эҳтиром кўрсатилиб, хизмат

килинган; сўнгра у тантанали равишда қурбонликка сўйилган. Шундан кейин малика илоҳий ҳайвон ёнида ётиб гўёки тан маҳрамлик алоқага киришиш саҳнасини ўйнаган” (166. – С. 207). С.П.Толстов ушбу маросимни серпуштлик магияси ва шоҳларнинг илоҳий шажарасининг само тулпорларига алоқадорлиги ҳақидаги тасаввурлар замирида изоҳлайди (166. – С. 207).

“Гўрўғли” дostonларидаги Ғиркўк образининг шажараси ва эпик қаҳрамон билан эпик отнинг ширахўр, қондош сифатида тасвирланиши, “Гўрўғлининг туғилиши” дostonининг Фозил шоир вариантыда Ҳилолойнинг от суяги талқонини ялаб ҳомила топиши ва эпосда: от – Ҳизр – куёш тасаввурлар тизимининг яхлит равишда амал қилиши юқорида келтирилган топинчлар тизимига қиёсланса, “Гўрўғли” эпосидаги ушбу мотивларнинг туб илдизлари янада ойдинлашади. Қолаверса, дostonнинг Кўрғон версиясида Ғаждумбек билан сайрга чиққан Равшаннинг ўлиб кетган тулпорни қув калласидан таниб, отнинг кала суягини уйига олиб келиб, лампашишадек осиб қўйиб, юртини эслаши тасвирланган мотив ҳам ушбу топинчлар тизимида ўз изоҳини топади. Чунки Ғаждумбек ва Равшаннинг юртида куёш шарафига қурбонлик келтирилган тулпор суягини эъозлаб, муқаддас билиб сақлаш урф эди. Уни хор қилиш аждодлар руҳи ва яратганга хурматсизлик, деб қораланади, гуноҳ саналарди.

Биз юқорида кўриб чиққан ўлиб-тирилувчи табиат билан боғлиқ халқимизнинг қадимий дунёқарашлари ва уларнинг маросим шаклидаги анъаналари ҳамда “Гўрўғли” дostonидаги асосий мотив ва образлар талқини ўртасидаги уйғунлик “Гўрўғли” туркуми асосининг ўз заминимизда, халқимизнинг кўхна эътиқодий ишонч ва дунёқарашларига эш ҳолатда пайдо бўлганлигини билдиради. Ўлиб тирилувчи борлик (табиат) билан боғлиқ тасаввурлар тизимининг ўзагида, биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек, куёш топинчи марказий ўринни эгаллинига гувоҳлик беради.

Эндиги масала халқимизнинг куёш топинчи билан боғлиқ эътиқодий қарашларини яхлит тизим ҳолида тадқиқ этишдир. Чунки бу ўзак масалани ҳал этмай, “Гўрўғли” дostonининг туб асослари ҳақида узил-кесил бирор бир хулосага келиш мушкул. Халқнинг куёш топинчи билан боғлиқ тасаввурлар тизими ёрқин сақланиб қолган жабҳалардан бири – эътиқодий асоси куёш топинчи бўлган муқаддас қадамжолар ҳисобланади. Биз қуйида ана шундай қадамжолар сирасига кирувчи маконлардан бирининг тарихи, тавсифи орқали масаланинг ушбу жиҳатига ойдинлик киритамиз.

**V. Куёш топинчи қадамжолари ва “Гўрўгли” достони.** Юртимиз бўйлаб кезсак, турли муқаддас қадамжоларга ҳар қадамда дуч келамиз, улар билан боғлиқ ибратли нақл ва афсоналарни эшитамиз. Лекин булар орасида доврўғи нафақат маълум худуд, балки узок-узокларга кетган машхур зиёратгоҳлар санокли. Шундайлардан бири – Нур (Нурота)дир.

Бизнинг Нурота зиёратгоҳига тўхталишимизнинг ўзига хос сабаблари бор. Нурота зиёратгоҳи тарихий манбаларда номи зикр этилган кўхна қадамжолардан ҳисобланади.

“Гўрўгли” достонини куйлаб авлоддан-авлодга ўтказиб келган асосий дostonчилик мактаблари (Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм бахшилиги) намояндалари мансуб аҳоли ўртасида ҳам Нурота муқаддас саналади. Айни пайтда, яна бир қатор сабаб ва асосларимиз борки, улар бевосита Нур қадамжоси тарихи баёнида янада ойдинлашади.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ёзади: “Нур катта жой. Унда масжиди жоме бор: у кўпгина работларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳолиси бу ишда кўп муболага қиладилар; Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган (кишининг) фазилатига эга бўлади; у зиёратдан қайтиб келганда, табаррук жойдан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавоза банд қилиб безатадилар. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобеинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар...» (38. – Б. 95)

Бундан ўн аср муқаддам яшаган тарихчининг ушбу қисқагина баёнида бир қатор муҳим маълумотлар бор:

– Нур зиёратига борган кишининг ҳаж амалини бажарганлар қаторида қаралиши;

– Бухоро ва бошқа жой одамларининг ҳар йили Нур зиёратига боришлари;

– зиёратдан қайтганларнинг, табаррук жойдан келди, деб байрамона кутиб олينيши;

– халқнинг Нурга чексиз эътиқоди.

Наршахий ўз китобида, ҳар бир ҳодисани исломий эътиқод ва мафкўра нуқтаи назаридан туриб баҳолайди. Тарихчи Нур (Нурота) ҳақида ҳукмрон дунёқараш имкон бериши мумкин бўлган даражадаги маълумотларнигина келтирган. Бизни эса Наршахий очиқ ёзмаган, лекин таърифлашда: “...бу ишда кўп муболага қиладилар”, деб кўрсатиб ўтган “муболагааларга сабаб бўлган эътиқод” қизиқтирмақда.



Нур (Нурота) қандай жойки, ерли халқнинг унга бўлган эътиқодини Наршахий мусулмончилик фарзларидан саналмиш ҳаж билан қиёсламоқда ва мантиқан Нурни Макка қаторида эъзозланганлигига гувоҳлик қилмоқда. Мабодо Нур (Нурота) бу кун англанаётганидек, ислом дини билан боғлиқ муқаддас қадамжо бўлганида эди, тарихчи буни аниқ ёзарди. Чунки Нур аҳолисини исломга киритиш учун кечган жангларда ҳалок бўлган тобеинларни (Мухаммад пайғамбарни ўз кўзи билан кўрган (саҳоба)ларни кўрган кишилар) унутмаган олим бу хил маълумотни асло четлаб ўтолмасди. Демакки, Нур ерли халқнинг исломгача бўлган эътиқодлари билан боғлиқ муқаддас қадамжо саналган. Хўш, бу қандай эътиқод эдики, Наршахийнинг оғоҳлик билан: “...Бухоро аҳолиси бу ишда кўп муболага қиладилар” демоқда. Ушбу таъриф замирида нималар турибди?

Тобеинлардан кўпчилиги бу тупроқда шахид бўлганлари ҳам Нурнинг исломлашуви оғир кечганлигини, бу ерда эътиқодлар, динлар кураши ўтганлигини ашглади. Охир-оқибат ислом ғолиб келди. Нурота ва унга яқин қатор қадамжолар аста-секинлик билан исломий зиёратгоҳларга айланди. Лекин Нурота ва унга туташ бошқа қадамжолар билан боғлиқ қадимий эътиқод излари узук-юлуқ ҳолатда бўлса ҳам турли нақл, афсона, ирим ва маросимларда бугунги кунгача сақланиб келди. Улар жамланиб, туб моҳияти синчиклаб ўрганилса, Нур ва унга туташ бошқа қадамжолар силсиласининг исломгача бўлган асл эътиқодий таянчи, мавқеи, халқ ҳаётидаги ўрни ойдинлашади.

Нурота атрофи – Оқтов ва Қоратов (ҳозирги хариталарда Қоратов Нурота тизмаси деб ном олган) чегараси тарихи, афсона ва ривоятларининг билимдони, атоқли бахши Раҳматулла Юсуф ўгли ёзиб қолдирган ушбу маълумотга диққат қилайлик: “Искандар Зулқарнайн Нурота чашмасини кўриб, гошларини кўйган, деб ривоят қиладилар.

Искандар ҳазратлари 360 қориз қаздириб, ҳар бир қоризни ўз аскар бошлиқларидан бирининг исми билан атабди. Ҳозир ўша қоризлардан иккитасигина сақланиб қолган, дейдилар. Нуротада бурунги замонларда ҳар йили биринчи жавзодан 21 жавзогача ҳафталик “Тули сурх” сайли бўлган. Нуротада “Бола қудуқ” деган бир қудуқ ҳам бўлган. Ҳар ким фарзанд кўрмаса, хоҳ эр, хоҳ аёл бўлсин, бир қанча назир олиб ана шу қудуққа борган. Борган киши бошига нарса ёпиниб, қоп-қоронғи қилиб, шу қудуқ ичига қараган. Агар қудуқда бешик кўриниш берса, болалик бўлиш аломати эмиш. Агар юлдузлар кўринса, неча фарзандлик бўлиш

юлдузлар сонига қараб ҳисоб бўлар эмиш. Агар кўзига ой кўринса, эр бўлса уйланиши ёки аёл бўлса, эрга тегиши аломатлари эмиш. Агар бешиқдан кейин тобут кўринса, бу туғилажак бола ўлимининг аломати эмиш” (7. – Б. 49).

Ушбу нақлдаги Нур чашмасига Искандар Зулқарнайн тош қўйган деб айтилиши Нур билан боғлиқ эътиқодларнинг Александр Македонский босқини даврида ҳам бир бор мафкуравий тазйикқа учраганлигини билдиради. Чунки Нур зиёратгоҳида чашма алоҳида мавқега эга.

Лекин бу ҳаракат ҳам Нурнинг маҳаллий халқ топинчлари билан боғлиқ асл эътиқодий асосларини йўқотиб юбора олмаган. Ушбу нақлда эсланган икки муҳим факт бундан далолат беради. Улардан бири Нурдаги “Бола қудуқ” билан боғлиқ тасаввурлар. Бу қудуқ Нурота бикинидаги Мозор қишлоғида жойлашган.

Нурота атрофида яшовчи (бугунги Нурота, Кўшработ, Хатирчи (Оқтов қисми) туманлари (аҳолиси) ўртасида қатъий анъана сифатида яшаб келётган яна бир иримга кўра, ушбу ҳудуд аҳлидан қайси бирининг фарзанди Нурота шаҳрида дунёга келса, унга ирим қилиб, ўғил болаларга – Нурбек, Нурбой, Нуржон, Нуртой, Нурназар, Нурали, Нуриддин; қизларга – Нургул, Нурай, Нурбиби, Нуржаҳон, Нурнисо каби исмлар қўйишади. Бу эса халқнинг Нуротага яратгандан фарзанд сўралувчи муқаддас жой, туғилиш, фарзанд топиш, умуман, ҳосилдорлик билан боғлиқ илоҳ мақоми сифатида қаралганлигини билдирмайдими? Аслида, бу хил ишонч ва эътиқодлар бевосита кўклам, ёзни ўз ҳукмида олиб юрувчи Қуёш тангриси билан боғлиқ тасаввурлар силсиласига киради (Аксинча, Искандар образининг ҳосилдорлик култи билан алоқадорлиги ҳақида ҳеч бир маълумот йўқ). Шу маънода нақлда келтирилган иккинчи далил “Гули сурх” сайлининг Нурда доимий ўтиши ҳам ушбу тасаввурлар асосида ўз табиий талқинини топади. Фикримизни Г.П.Снесаревнинг “Хоразм ўзбекларининг исломгача бўлган ишонч ва маросим қолдиқлари” асаридаги “Бола қудуқ” билан боғлиқ ушбу маълумот ва хулоса янада тасдиқлайди: “...кўпгина қабристонлар ёнида (Хоразм ҳудуди назарда тутилмоқда – Ш.Т.) фарзандталаб аёллар зиёратга келадиган муқаддас қудуқлар мавжуд. Ахборотчиларнинг маълумотига кўра, зиёратчилар бу қудуқларни тавоф қилиб, унинг тубига қарашади. Қудуқ тубида кўзларига ой, юлдуз кўринса, буни келажакда туғилажак фарзандларининг ўғил ёки киз бўлишидан далолат деб англашади. Бизнинг назаримизда, содда зиёратчи чин ҳақиқат деб қабул қилувчи ушбу ўзига хос фол замирида

замонлар ўтиб ўзгаришларга учраган маросим турибди. Бу маросимда фарзанд кўришда осмон ёритқичларининг илоҳий кўмаги бор, деб англаниши бежиз эмас. Чунки осмон ёритқичларига эътикод ҳосилдорлик топинчларида муҳим ўрин эгаллайди” (157. – С. 316).

“Бола қудук” эътикодининг Хоразмда ҳам кенг тарқалгани, бу хил тасаввурларнинг нафақат Нур, балки Бухоро, Хоразм тегараларини қамровчи катта ҳудудда қадимдан кенг амал қилганлигини англатади. Аслида Бола қудукнинг мазорлар олдида бўлиши ҳам тасодифий эмас (Нуротадаги Бола қудукнинг ҳам Мазор кишлоғида эканлигини эсланг). Шу хил қудук бу олам билан ўзга олам ўртасидаги туйнук, йўл вазифасини ўтайди. У моҳиятан муқаддас ғор ва икки олам чегарасидан оқувчи мифик дарёларга уйғун. Қадимда ғайб олами билан боғланиш, ўзга иқлимларга ўтиш, сирлардан воқиф бўлиш фақат муқаддас қадамжоларда, маълум маъбудлар, улуғ аждодлар руҳи маконларидаги ғор, қудук, дарё бўйларида амалга оширилган.

Г.П.Снесаревнинг “Бола қудук” тасаввурлари асосида ҳосилдорлик топинчи билан боғлиқ маросим ва муқаддас саналувчи осмон ёритқичлари туришини таъкидлаши ҳам бизнинг Нур ҳақида келган дастлабки ҳулосаларимизни қувватлайди. Демак, Нурни туғилиш, фарзанд топиш билан боғлиқ талқин этишга асосимиз бор. Шундай экан, Нур (Нурота) билан боғлиқ топинч, ирим ва урф-одатлар илдизининг таҳлили бу зиёратгоҳга асос бўлган асл эътиқодий тизимнинг қандай эканлигини аниқлаш ҳамда тиклаш имконини туғдиради.

Шубҳасиз, Нур (Нурота) қадамжосининг юраги муқаддаслаштирилган чашма ҳисобланади. Моҳиятан Маккада Байтуллоҳ қандай ўрин тутса, Нуротада ҳам чашма шундай мавқега эга. Зиёратчилар ундаги ҳар бир нарсани азиз билиб, тавоф қилади. Халқ орасида тарқалган афсоналардан бирида Нурота қадамжосининг чашма билан боғлиқ равишда пайдо бўлганлиги шундай изоҳланади:

“Қадим замонда бу ерлардан қарвонлар ўтиб турган экан. Чўл томондан келаётган қарвон тўхтаб, тунни тоғ бағрида ўтказишибди. Улар тонг азонда уйғонишса, мўъжиза рўй берибди: рўпараларида қандайдир шуъла равшанлашиб, буғ таратармиш. Кеча бу ерда бундай ҳолни кўришмаган одамларни қўрқув ва ҳаяжон босибди. Бориб қарасалар, шундоқ тоғ этагидаги чуқурликда катта булоқ сувлари йилтирлар, ҳовуридан буғ кўтарилар экан. Булоқ шундай тиниқ эканки, йўловчилар шунча дунё кезиб, умрларида бундай тоза ва мазали ширин сувни кўришмаган эканлар.

– Худо бизга Нур ато қилди, – деб одамлар хурсанд бўлибдилар. Шундан буён бу жойнинг номи Нурота бўлган экан» (242. – Б.47).

Нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлган бу афсона чашманинг Нур, Нурота аталишини изохлаш билан бир қаторда унинг муқаддаслашувига булоқ жойлашган ернинг географик ўрни ва булоқнинг табиий хусусиятлари ҳам сабаб бўлганлигини билдиради. Чунки чўл томондан келаётган карвон чашма яқинига кўнган вақти, куёш ботаётган ёки ботиб шом тушган пайт бўлади. Куёш эса чашма жойлашган Оқтов тизмасининг адоғига ботади ва бу вақт чашма тоғнинг соя томонида қолади. Аксинча, куёш тонгда чашма жойлашган тоққа – Оқтовга қарама-қарши, унга ёнма-ён келувчи Қоратов (ҳозирги адабиётларда Нурота тизмаси)нинг шарқий қисми – Кувқалла тарафдан чиқади. Куёшнинг илк нури аввало, Оқтоғнинг Лангар чўккисига, сўнгра Нур чашмаси ва бошқа қиру тепаларга ёйилади. Куёш нурининг чашмадан кўтарилаётган иссиқ буғ-у тиниқ сувга тушиб, унинг ойнадай ярқираб кўриниши ўз-ўзидан маълум. Ушбу мўъжизавий ҳолат ҳар қандай киши руҳиятига таъсир этади. Уни сирли, илоҳий гуйғулар оламига олиб киради. Лекин масаланинг энг муҳим жиҳати, эътиқодий томонидадир. Халқнинг кўҳна тасаввур, ишончларига кўра, ҳар бир тонгнинг отиши, куёш нурининг илк ерга тушиши, нур билан сувнинг кўшиливи ҳаётни таъмин этган. Моҳият эътибори билан халқ тасаввуридаги улкан олам тимсоллари, яъни муқаддас тоғ чўккиси, унинг тубидаги қайнар булоқ (сут булоғи) ва улкан ҳаёт дарахти Нур чашмаси жойлашган жой ва чашма хусусиятларига айнан уйғун келмоқда. Шу жойда аждодларимизнинг ҳаёт ибтидоси бошланган муқаддас макон ҳақидаги тасаввурлари ўз мужассамини топган бўлиши мумкин. Ушбу ўринда Нурнинг фарзанд топиш, туғилиш ва ҳосилдорлик топинчлари билан боғлиқ зиёратгоҳ эканлиги, ушбу топинчларнинг ўз навбатида йил фасллари – кўккламу ёз, қузу кишининг даврий алмашинувини изоҳловчи мавсумий маросим ва куёш туркум мифларига уланувчи қадимий эътиқодлар тизимида туришлиги назарда тутилса, Нурнинг бу топинч ва эътиқодлар тизимидаги мавқеи, ўрни ойдишлашади. Яъни Нур қадим аждодларимизнинг куёш туркум мифлари билан боғлиқ дунёқараши, эътиқодларининг локаллаштирилган муқаддас маконларидан бири эканлигига шубҳа қолмайди.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Бу тизимда Нурнинг ўрни қандай?

Юқорида аниқланган эътиқодий қарашлар асосида, Нурнинг ўрни туғилиш, ибтидо билан боғлиқ, деб жавоб бера оламиз. Лекин “Ким ёки

нима туғилган?” – деган савол очик қолмоқда. Ушбу саволларга жавоб бериш учун масалага бирмунча кенгроқ қараб, Нур атрофидаги бошқа кадамжолар ва уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини батартиб қараб чиқайлик.

Нур зиёратгоҳига яқин Октов тизмаси ғарбида яна икки кадамжо мавжуд. Булар: Лангар ота ва Шохимардон зиёратгоҳлари. Аслида жойлашув ўрнига кўра тартиб берилса, Октов тизмасининг адоғида, кунгай тарафда Шарқдан Ғарбга қараб Лангарота, Нурота, Шохимардон кадамжолари ўрин олган.

Лангарота кадамжоси Октов тизмисининг Лангартов қисмидаги энг баланд чўққиси (денгиз сатҳидан 2003 метр баландликда) Лангарда қарор топган. Раҳматулла Юсуф ўғли: “Афсоналарга қараганда, Нух алайҳисалом кемасининг лангари шу ерда тушиб қолган эмиш. Сўнгги замонларда бу жой катта бир зиёрат жойи бўлган экан” (7. – Б.50), деб ёзган.

Тўфондан сўнг Нух кемаси тўхтаган қурук ер билан боғлиқ афсоналар республикамизнинг бошқа жойларида ҳам бор. Аслида, кейинчалик Нух кемасига нисбат берилган бу жой бошқа бир мифик кема тўхтайдиган – лангар ташлайдиган нукта эканлиги ҳақиқатга яқинроқ. Чунки, айнан ана шу Лангар чўққиси атрофида куёш ўзининг сўнгги – қишки чегара нуктасига 22 декабрь куни келиб тўхтаб яна изига қайтади. Шу асосда куёш кемаси тўхтовчи жой Лангар аталган бўлиши керак.

Лангар сўзининг иккинчи бир маъноси – ибодатхона эканлигини фольклоршунос Жаббор Эшонкулов эски уйғур манбаларига асосланиб келтирган (321. – Б.207). Лангар зиёратгоҳи ибтидосида эса куёш топинчига эътикод қилган аждодларимизнинг 21-22 декабрь – қисқа ёруғ кун вақтида мифологик нуктаи назардан ҳалок бўлган куёш шарафига қурбонликлар ўтказувчи кадамжо – ибодатхона бунёд қилганлигини илғаш мумкин. Бу ўринда қадим оташпарастларнинг йилда бир маротаба жамоа бўлиб, тоғ тепасида куёш шаънига қурбонликлар қилиш маросими бўлганлигини эсласак, тахминимиз асосли тасдиғини топади. Кейинчалик халқимизнинг куёш ва бошқа муқаддас саналувчи осмон ёритқичлари билан боғлиқ кўҳна топинчлари зардушт дини топинчлари сифатида қайта қувватга кирди. Лангарота мисолида ҳам шундай қайта янгиланиш жараёни юз берган (бу хусусда қуйида тўхталинади) бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

Лангарота, Нурота тизимидаги учинчи зиёратгоҳ Шоҳимардон ҳисобланади. Раҳматулла Юсуф ўғли бу жой ҳақида қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган:

“Ҳозгон мрамр кони яқинида Шоҳимардон зиёратгоҳи бор. Айтишларига қараганда, шу ерда бир томнинг ичида оқ мрамрдан ясалган чўкиби турган туянинг ҳайкали қилинган. Туянинг боши кесилган. Кесилган боши булоқ бошида ётган эмиш. Баъзилар бу ҳайкал Алининг жасади оргилган туя бўлиб, шу ерга келиб тошга айланиб қолган, деб ишониб сиғинишар экан” (7. – Б. 41).

Шоҳимардон қадамжосида Ҳазрати Алига нисбат берилувчи улкан қабр мавжуд. Биринчи галда ана шу қабр зиёрат қилинади. Эски замонларда, Наврўз арафасида бу ерга зиёратчилар кўплаб келишар экан.

Шоҳимардон қадамжосига ҳос хусусиятлар нималарда кўринади?

1. Шоҳимардонда ҳазрат Алига нисбат берилувчи улкан қабрнинг мавжудлиги.

2. Тошга айланган бошсиз туя ҳақидаги маълумот.

3. Туянинг булоқ бошида қолган боши билан боғлиқ тасаввурлар.

Айни пайтда ўзбек фольклорида (мусулмон оламига ҳам тааллуқли) ҳазрати Али билан боғлиқ қўшимча муҳим тасаввурлар гуруҳи мавжуд.

– Ҳазрати Али – ботир жангчи, ислом динининг қуввати; «Али шери худо», Али – авлиёлар шоҳи – Шоҳимардон сифатлари билан таърифланувчи қаҳрамон деб қаралиши;

– унинг Дулдул оти ҳам тавсифда Фирқўку Бойчиборлардан кам бўлмаган таъриф тавсифларга эгаллиги;

– Ҳазрати Алининг мўъжизакор қиличи – зулфикорга ҳеч бир қурол дош бера олмайди, деб англаниши;

– Ҳазрати Алининг дин йўлида қурбон бўлган шаҳидлар тимсолида қаралиши;

– мусулмон оламининг етти иқлимида ҳазрати Али номи билан боғлиқ муқаддас қабрлар бор, деб англаниши;

– Али жасоратидан нишона, деб кўрсатилувчи тошга айланган аждару девлар, сарёғдай қирқилган қоя тошларининг кўп эканлиги;

– айниқса, ҳазрати Али билан боғлиқ нақлларда аждар билан жанг мотивининг етакчи ўрин эгаллаши.

Аслида эса Али ибн Толибнинг Ўрта Осиёга келмаганлиги тарихий факт. Шундай экан, ушбу қабр ва қадамжолар кейинчалик Али ибн То-

либ номи ва жасоратига боғлаб талкин этилгани ҳеч бир шубҳага ўрин қолдирмайди.

Ҳозирдаги Шохимардон зиёратгоҳи ва Октовнинг ҳазрат Али номига боғлаб нақл қилинувчи бошқа жойлари ҳам аини туркум эътиқодлар сирасига киради. Октовнинг терскай – Зарафшон водийсига қараган тарафида жойлашган Мойбулоқ қишлоғи ҳақидаги нақлда Ҳазрати Алининг аждар билан қилган жанги ҳикоя қилинади: “Асли Морбулоқ. Афсоналарга қараганда, Барбар аждарҳосиннинг сув ичадиган булоғи шу Мойбулоқ булоғи экан. Али ҳазратлари аждарҳони қувалаганда, аждарҳо булоққа қараб келаверган экан. Али ҳазратлари Қўшҳовуз қишлоғидан ўтиб, аждарҳонинг кейинидан етиб олиб, думидан бошлаб чопиб ташлаб келаверибди. Аждарҳонинг бош томони қочиб келаверибди. Мазкур Мойбулоққа етгунча, аждарҳо йўл-йўлакай кесилиб, фақат боши қолибди. Ҳозир аждарҳонинг кесилган таналари ҳар жойда узилиб, қават-қават тош бўлиб ётибди” (7. – Б.54).

Сув юхоси, аждар билан жанг дунё халқлари қуёш туркум мифларининг етакчи мотивларидан бўлиб, миф талқинига кўра, қуёш тангрисининг ўғли камолга етиб, ҳалок этилган отаси учун аждардан ўч олади. Бу мотив ўзбек халқ достонларидан “Қунтуғмиш” таркибида сақланиб қолган. Ушбу достон қаҳрамонининг номи ҳам унинг қуёш ўғли – кун туғмиш эканлигини айтиб турибди.

Нурота тоғлари орасидаги Ўртачўлдан кузатилса, ёзнинг энг узун кунни 22 июнда қуёш Шохимардон қадамжоси ўриплашган йўналишга ботишининг гувоҳи бўламиз. Шу жой қуёш ботишининг йил давомида шимол томон силжишидаги сўнгги нуқта ҳисобланади. Навбатдаги кунлардан бошлаб, қуёшнинг ботиш нуқталари жанубга – Нурота ва Лангарота қадамжоларига томон аста-аста қайтади. Халқнинг қадим мифологик тасаввурларига кўра, энг узун кун ва энг қисқа тун, яъни 22 июнь қуёш лангар ташлаб изига қайтувчи нуқта, ёз камолга етиб, киш эса ҳалок бўлувчи тимсолий жой, деб англанади. Шундай экан, Ҳазрати Алига нисбат берилувчи жасоратлар аслида қуёш ўғлига тегишли бўлиб, Шохимардон қадамжоси ҳам бевосита қуёш ўғлининг жасорати билан боғлиқ зиёратгоҳ бўлганини мантиқ исбот этади.

Демак, Лангарота қадамжосининг жанубий кўлами қуёшнинг қишки сўнгги тўхтам нуқтаси, Шохимардон қадамжосининг шимолий кўлами қуёшнинг ёзги сўнгги тўхтам нуқтасига тўғри келувчи зиёратгоҳлар экан, уларнинг ўртасида жойлашган Нурота тегараси эса халқнинг ми-

фологик тасаввурларига кўра, ўз-ўзидан кун ва тун тенг келувчи 21-22 март – кўклам-ёз тимсоли туғилувчи ва 21-22 сентябрь куз-қиш тимсоли туғилувчи жой бўлиб чиқмоқда. Ушбу мантиқий хулоса биз юкорида, Лангарота, Нурота, Шохимардон зиёратгоҳлари тизимида Нурнинг ўрни қандай ва унда ким туғилган? – деб ўртага ташлаган саволга жавоб топиш имконини яратади.

Бугунги кунда фақат Хоразм халфалари репертуарида сақланиб қолган “Нурота” қиссаси масалага янада ойдинлик киритади. Афсуски, биз қиссани бевосита халфалар ижросида эшитишга муваффақ бўлмадик. Фақат уни тингловчилар маълумоти асосида қахрамон – Нуротанинг туғилиши билан боғлиқ ўринларинигина ёзиб олдик. Лекин шу қисмнинг ўзи ҳам бизни кизиқтираётган масалаларга етарли манба бўлади. Хоразмлик журналист Раёно Зарипова шундай ҳикоя қилади: “Хоразмда халфалар мушкулкушод ва марҳумнинг уч, етти, йигирма, қирк, йил тўлдиларида эски китоблардан ўқишади. Шулар орасида Нурота ҳақидаги китоб ҳам ўқилади. Шеър билан қора сўзи аралаш. Оҳангга солиб, Аҳмад Яссавий ҳикматлари оҳангида ўқилади. Ўзи ўқилиши кўшиқдай. Бунга мусиқа керак эмас, кампирлар йиғлаб эшитади. Шунда Нуротани нурдан бўлган, дейишади. Эмишки, онаси сувда чўмилаётган пайти илохий нур тушиб, ҳомила топибди. Нурота шундай гўзал эканки, тангри гўзаллик ажратганда, 99 қисмини Нуротага, қолган бир қисмини ер юзидаги одамларга ташлаган экан. Нурота доим юзига тўққиз қават парда тортиб юрар экан. Элда очарчилик, қаҳатчилик, курғок, қирғинбарот бўлса, бир пардасини кўтарар экан. Қайтадан одамлар нурланиб, осойишталик келар экан. Нурота тикилиб қараса, тухумлардан жўжа чиқар экан”.

Ушбу парчадаги қуйидаги мотивлар алоҳида эътиборга лойик:

- қахрамон онасининг ғайритабиий ҳолда нурдан ҳомила топиши;
- қахрамоннинг тенгсиз хуснга эгалиги;
- қахрамон жамолини пардалар ортига яшириб юриши;
- қахрамон жамоли қувватидан эл фаровонлик топиши;
- қахрамон назарининг тириклик бағишлаш қувватига эгалиги.

Нур чашмасида чўмилаётган бокира қизнинг илохий нурдан (куёшдан) ҳомила топган фарзанди нур ўғли – куёш ўғли эди. Куёш ўғлининг туғилиши эса бу жойнинг туғилиш, фарзанд топиш, ҳосилдорлик топинчлари билан боғлиқ талқин этилиши ва Нуротанинг куёш туркум мифларида – куёш ўғли туғилган жой сифатида муқаддаслашга шайлигини билдиради. Айни пайтда, Лангарота, Нурота, Шохимардон зиёратгоҳларининг



куёш туркум мифлари талкинида мавсумий маросимлар ўтувчи муқаддас маконлар сифатида бир умумий тизим ҳалқаларини ташкил қилишини тасдиқ этади.

Бу ўринда табиий бир савол туғилади.

Хоразмда Нурота образи ва бу қахрамон билан боғлиқ воқеалар қисса сифатида бу кунгача сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган экан. Бевосита Нур эътиқоди қатъий амал қилувчи Нурота атрофида яшаётган аҳоли хотирасида ҳам ана шу образ ва у билан боғлиқ сюжет сақланганми?

Ушбу саволнинг жавоби бир қатор ўзак масалаларни тўғри ечишда асос бўлиши аниқ.

“Нурота” қиссасига уйғун сюжет Нурота атрофида яшаётган аҳоли (Нурота, Хатирчи, Қўшработ, Конимех туманлари) ўртасида ҳам маълум бўлса, ўз-ўзидан куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Нурга эътиқоднинг бу ерлик уруғ ва қавмлар ўртасида қадимдан келаётганлиги ва туғма топинчлар сирасига кириши.

2. Ўртачўлни қуршаб турган Нурота тизма тоғларидаги бир қатор қадамжоларнинг ҳам бевосита қуёш туркум мифлари, мавсумий маросимлар билан алоқадор эканлиги.

Нурота тизмалари атрофи, ўртачўлда яшовчи кўп сонли аҳоли чиндан-да бетакрор фольклорий меросга, урф-одатларга эга. Ўзбек дostonчилик мактаблари орасида маълум ва машҳур Қўрғон дostonчилик мактаби, унинг Ёдгор бахши, Бўрон бахши, Тилла кампир, Султон кампир, Жассок, Жуманбулбул, Ёрлақаб, Қулсамад бахши, Эргаш шоир, Пўлкан шоир, Дарвеш бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли каби намоёндалари бизгача етказган бебаҳо фольклорий ёдгорликлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас. Бу маънавий бойликлар ибтидоси дунё цивилизацияси ўчоқларидан бири сифатида кўрсатишга арзигулик кўхна маданий хазинага боғлиқлиги бор гап.

Қўрғон дostonчилик мактаби бахшилари репертуарининг асосини “Гўрўғли” дostonлари ташкил этади.

Биз илмий ишимизнинг аввалги бобларида аниқланган хулосага кўра, етмишга яқин мустақил дostonларни қамровчи “Гўрўғли” эпосининг туб моҳиятида Қуёш туркум мифлари билан боғлиқ мавсумий маросимлар туради. Кўхна миф талкинида кўклам-ёз тимсоли бўлмиш Қуёш ўғли – Гўрўғли қиш батнида ёки ер остида (ўзга дунёда) туғилиб ер юзига чиққан. Аниқроғи, тоғ тубидан қайнаб чиқаётган мусаффо сувда чўмилаётган бокира қиз қуёш нуридан (қуёш тангриси тимсоли – Қидирнинг

назаридан) ҳомила топган. Ҳомила олти ойлик вақти ер ости – ўзга юрт тангриси кизни ўғирлаб кетган. Достон сюжетининг ҳозирги шаклида бу мотив икки мустақил шохобчага ажралган: биринчи шохобча қаҳрамон онаси йўналиши бўлиб, унда Ҳилолоӣ олти ойлик гумонаси билан ўзга юртда ёлғиз қолиб ўлади. Уни қабрга қўйишади. Орадан уч ой ўтиб, қабрда Гўрўғли туғилади. Иккинчи йўналиш қаҳрамон янгаси – Аҳмад Сардорнинг хотини Холжувон йўналиши бўлиб, уни Райҳон подшо дарё ортидаги ўз юртига ўғирлаб кетади. Қадимда ана шу икки йўналиш умумий ҳолатда ягона образ тақдирида намоён бўлган, деб ўйлаймиз. Эпик мантиқ шуни талаб этади.

Гўрўғлининг янгаси ўрнига Райҳон подшонинг қизи – Ойзайдинни олиб келиши эса қаҳрамоннинг зулмат дунёсида туғилиб, ер юзасига чиқиб, вояга етгач, ўғирланган янгаси, кўр қилинган отаси учун ўч олиш йўналишини ташкил этган. Куёш ўғлининг отаси учун ўч олиш мотиви бошқа халқлар куёш туркум мифларида ҳам етакчи мотив саналади.

Гўрўғлининг ғайрикутби бўлмиш Райҳон подшо мамлакати эпик ўзга юртни ифодалайди. Гўрўғли ва Райҳон подшо юртлари ўртасидаги чегаранинг дарё эканлиги ва бу дарёни фақат асл тулпор кесиб ўта олиши бежиз эмас (224. – Б. 24-26). Қаҳрамоннинг қартайиб ғорга кириб кетиши ҳам умумий сюжет мантиғига мос яқундир. Ёз ва кишнинг даврий айлануви Гўрўғли ва Райҳоннинг навбат билан ўз ҳукмларини юргизиб туришларига уйғун келади. Уларнинг бири иккинчисисиз воқе бўлмайди. Шундай экан, Гўрўғлининг ғўрдан – ғордан чиқиши ва яна ғорга – ғўрга қайтиб кириши қадимий сюжетнинг асосий бўғинидир. Ўзбек “Гўрўғли” достонининг турли версия ва вариантларидаги етакчи мотивларни киёсий таҳлил этиб тикланган ушбу бобосюжет дунё халқлари ўртасида кенг тарқалган кўҳна куёш туркум мифларига уйғун.

Ишимизнинг дастлабки бобларида аниқланган “Гўрўғли” сўзининг ўзагидаги гур/гўр/кур/кўр ёруғлик, нур, иссиқлик манбаи мазмунини ифодалаш, “Гўрўғли” айнан шу манба эгасининг фарзанди, яъни куёш тангрисининг ўғли эканлигини эслаш кифоя. Достоннинг Хоразм ва туркман версияларида Гўрўғлининг яна бир номи Равшан Гўрўғли номидаги мазмун архаиклашган давридаги изоҳ сифатида пайдо бўлганлиги ҳам таъкидланган эди.

Ушбу далиллар асосида Гўрўғли номи, у билан боғлиқ тасаввур ва мифологик тизимни мисрликлардан бизга ўтган, деб хулоса чиқариш мавжуд фактлардан беҳабарлик натижаси эканлигини кўрсатган эдик. Айни

чоғда, куёш туркум мифлари ва мавсумий маросимларнинг ҳам бевосита дoston куйловчилар яшаётган жойлардаги мукаддас кадамжоларда мужассамлиги масала моҳиятини жиддийроқ ўрганишни талаб қилмоқда.

Биз юкорида кўриб чиққан Гўрўғли билан боғлиқ кадим сюжет Нурота атрофида яшаётган аҳоли ўртасида ҳам куёш туркум мифларининг кадимдан келаётганлигини билдиради.

“Гўрўғли” дostonлари асосида тикланган бобосюжетни Хоразм халфаларининг “Нурота” қиссасидаги етакчи мотивларга қиёсласа, ҳайратланарли уйғунлик кўзга ташланади:

– сувда чўмилаётган бокира қизнинг нур (ёғду)дан хомила топиши. “Гўрўғли”нинг Лақай версиясида қахрамон онаси сувга чиққан вақти Хизр назаридан, Тош шоир версиясида сувдаги кўпикни олиб ичгач, Наманган версиясида сувда оқиб келаётган олмани егач, Фозил шоир версиясида отнинг калла суяги талқонини ялагач, ғайритабиий ҳолатда хомила топади. Қўрғон версиясида Гўрўғли Хизрнинг нафас ўғли, синчи Равшан (ёруғлик, нур)нинг чинакам фарзанди ҳисобланади;

– Кўк ва Ер фарзанди бўлмиш қахрамоннинг халқ халоскори бўлиб етилиши;

– қахрамонларнинг ғайритабиий кудратларга эгаллиги. Хусусан, Нурота назари ўликка тириклик бахш этиши ва Гўрўғлининг кўзи ўткир эди, деб таърифланиши ўртасидаги ўхшашлик.

Бу – ҳар икки асар асосини ташкил этувчи мифологик тасаввурлар мантиғига суяниб, ушбу қахрамонларнинг сўнги ҳаёти ҳам умумий бўлиши керак, деб айтиш мумкин.

Аслини олганда, Гўрўғли ва Нурота образлари улкан бадий тим-солларга айланишган. Улар қанчалик бадийлашгани сари ўз асосларидан шунчалик узоклашганлар. Лекин бу образлар моҳиятида турувчи кадимий мифологик тизим уларнинг бутун коинот, борлиқ сир-синаотлари, ердаги ҳаёт ибтидоси ва интиҳоси, инсон руҳи ва танининг барча камолот босқичлари ривожини бадий умумлаштириш имконини берган.

Хоразм халфалари афсонавий Нурота туғилиб, улғайиб, яшаган жой ҳозирги Нурота шаҳри эканлиги, ушбу қахрамон сабаб Нур кадамжога айланганлигини айтадилар.

Нур кадамжосида Нурота деган азиз-авлиё ўтганлигига ишонч Нурота атрофида яшовчи аҳоли ўртасида ҳам қатъий анъаналашган. Бу азиз-авлиёни Шайх Абул Ҳасан Нурий номи билан боғлаб талқин этувчилар ҳам кўп. Лекин ушбу таҳмин ва Нур атамаси айни жой билан боғлиқ биз

юқорида кўриб чиққан қадим ишонч-эътиқодларнинг энг сўнгги талқин ва таҳриридир. Чунки, Нурота сўзининг ўзагида турувчи “Нур” сўзи араб тилидан ўзлашган ва “Нур” сўзи ўзбек тилида қуйидаги маъно доирасига эга:

“1. Ёруғлик манбаидан таралган ва ингичка тола равишда тасаввур этиладиган зиё, ёғду.

2. Умуман ёруғлик, зиё, ёруғлик энергияси.

3. Кўчма, ҳақиқат, бахт-саодат, эркинлик, маърифат рамзи” (194. – Б. 513).

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Нур, Нурота қадамжосининг номи ислом келгунга қадар ҳам айни шу маънога эга, бу жой билан боғлиқ тасаввурларни ифодаловчи бошқа сўз билан юритилган. Бу қандай сўз бўлган? Ерли халқнинг қуёш туркум мифлари асосида пайдо бўлган қахрамони Гўрўғли номи ўзагидаги ёғду маъносига эга Гу, Ку, Қу ўзагидан ясалувчи сўзни араблар Нур билан алмаштиришмаганмикин? Ушбу саволларга жавоб бериш учун биз юқорида тартиб билан кўриб чиққан Лангарота, Нурота, Шохимардон зиёратгоҳларининг туб моҳиятида ётган шу ерлик аҳолининг қуёш туркум мифлари билан боғлиқ эътиқодий қарашлари ва қуёшнинг йил давомидаги асосий ҳаракат нуқталари чегарасининг ушбу жойларга тўғри келиши ҳақидаги ҳулосаларимизга таянамиз. Бу нуқталар қуёш ҳаракатининг бир жиҳати, яъни ботиш томонини ифодалайди. Қузатувчи учун эса, қуёшнинг тўлиқ ҳаракати унинг чиқиш томонидаги чегара нуқталари билан биргаликда олингандагина мукамал бўлади, Қуёшнинг ботиш нуқталари муқаддас зиёратгоҳларга тўғри келаётган экан, унинг чиқиш чегарасидаги таянч нуқталар ҳам муқаддас саналишини оддий мантиқ талаб этади. Савол туғилади, Нурота тоғ тизмаларида қуёшнинг таянч чиқиш нуқталари қайси жойлар ва улар ҳақиқатан ҳам муқаддас саналадими?

Одатда, икки тоғ маркази – Ўртачўл бошланувчи Боғажот тепалигидан кузатилса, Қуёш йил давомида Октов ва Қоратовнинг (ҳаритада Нурота тизмаси деб келтирилган) шарқий қисмлари оралигидан чиқади. Яъни қуёшнинг қишки узун тун ва қисқа кун вақти – 21-22 декабрдаги сўнгги тўхтовчи нуқтаси Октовнинг шарқий Ёнбош Лангари чўққисига тўғри келса, ёзнинг энг узун кун ва қисқа тун вақти 21-22 июнь кунлари қуёшнинг шимолдан чиқиш чегара нуқтаси Қора тоғнинг шарқий Қувқалла чўққилари эканлиги кузатилади. Қуёшнинг кўкламги (21-22 март) ва кузги (21-22 сентябрь) тун-кун тенг келувчи пайтда чиқувчи

нуқтаси Қувкалла ва Ёнбош Лангари оралиғидаги Қўрли томонларда бўлади.

Шундай қилиб, куёш 21-22 декабрь куни Ёнбош Лангаридан чиқиб, Лангартов Лангарининг жануби тегарасига ботса, 21-22 март ва 21-22 сентябрларда Қўрли тарафдан чиқиб, Нурота зиёратгоҳи чўққилари ортига, 21-22 июнда эса Қувкалладан чиқиб, Шохимардон зиёратгоҳи тизмаларининг шимолий тегарасига ботади. Маълум бўлмоқдаки, ўрталик нуқтадан кузатаётган киши ўзини қуршаб турган икки тоғнинг йил давомида куёш чиқиб ботишидаги катъий тўхтаб нуқталарини аниқ чегаралаб белгилай олади. Мунтазам кузатувчи эса ҳар бир кун-соатни ҳам куёш нурининг тоғ чўққиларига тушиб ҳосил қилувчи сояларининг ҳолатига қараб айта олади. Масалан, Октовнинг Ок чўққисидagi сояга қараб туш вақтини белгилаш бугунги кунгача Жўш атрофидаги кексалар ўртасида одат. Биз бу ўринда маҳаллий аҳолининг фенологик календари қаршида турганимиз ўз-ўзидан аён бўлмоқда.

Фенологик календарлар куёш ҳаракатини аниқловчи муқаддаслаштирилган етти нуқтага таянади ва бунда умумий доира олиниб, куёш чиқиб ботувчи олти нуқтага кузатилувчи марказ – еттинчи нуқта қўшиб ҳисобланади. Айни пайтда бу нуқталар бутун оламнинг модели сифатида қабул этилади. Шу ўринда Раҳмагулла Юсуф ўғли йикқан мақол ва иборалар орасидаги “Йилнинг туви етти қўрут” (250) ва “Ойнинг оти кўп, куннинг қўти” (250) мақолларидаги “Қўрут”, “Қўт” сўзларининг сирли маънолари биз юқорида таъкидлаган фенологик календарнинг таянч нуқталари асосида бутунлай ойдинлашади. Ҳар икки мақолдаги “Қўрут” ва “қўт” сўзлари ўзагидаги “қўр” ёғду, нур ва куёш тангриси маъносига эга ва қўрут (қўт эса шу сўзнинг ихчам шакли) куёш тўхтовчи нуқта маъносини беради. Умуман, Қўрнинг бу кунги маъно кўлами араб тилидаги Нур сўзининг маъно қамровига деярли мос келади. Чиндан-да, мақолда айтилгани каби йилнинг туви (туби, асоси) етти қўрут – куёш йил давомида бориб қайтувчи ва кузатилувчи етти нуқтада мужассам. Айни пайтда ҳар бир қўрутнинг – муқаддас нуқтанинг ўз моҳиятидан келиб чикувчи номи – тасаввурлар олами бор. Мақолда айтилганидек, “Ойнинг оти кўп, куннинг қўти”. Энди бевосита куёш чикувчи қўрутлар – Ёнбош Лангари тегараси, Қўрли, Қувкалла тегаралари билан боғлиқ халқ афсона, нақл ва эътиқодларини қараб чиқайлик. Ана шунда ҳар бир қўрутнинг туб моҳияти янада аниқлашади.

Раҳматулла бахши материаллари орасида Қувкалла ва Ёнбош Лангари ҳақида шундай нақллар келтирилган: “Қувкалла афсонаси шундан иборатдурки, бурунги замонда бир ботир митанларни (митанлар – уруғ номи – Ш. Т.) таламоққа борибди. Аммо митанлар кўплашиб, ботирни қувалаб, Тўсин оралиғидан ўтганда, унга етиб олиб, бошини кесиб ташлашибди. Шундан кейин кесилган бош юмалаб-юмалаб кочаверибди. Митанлар:

– Қув каллани! – деб кува берганлар. Шундай қилиб, ботирнинг калласи ўз қишлоғининг чегарасидан ошганда, бир тўда ҳамқишлоқлари отликлар чиқиб қолибди. Улар митанларни қайтариб юборибди. Ботирнинг калласи эса сой ичига тушиб тўхтабди. Каллани шу ерда дафн этибдилар. Ҳозир ҳам бир жамоа халқ ўша ботир кўмилган жойни мўътабар тутади. Қувкалла Ғужумсаройнинг юқорисидаги бир қишлоқнинг номидир” (7. –Б.43). Ушбу нақл вақтлар ўтиши давомида қанчалик янгилашиб, номлар ўзгариб, уларга мос талқинлар пайдо қилмасин, унинг туб моҳиятидаги асос яхлитлигича турибди. Яъни:

1. Қаҳрамоннинг ўз маконидан (Қувкалладан – куёш чиқишининг шимолий сўнгги қўрути, 21-22 июнда куёш шу нуктага етиб, яна изига қайтувчи жойдан) ўзга маконга (Митан томонга – бу куёш чиқишининг жанубий сўнгги қўрути, 21-22 декабрь куёш ушбу йўналишдаги Ёнбош Лангари яқинида тўхтаб, яна изига қайтади) таламоқ (бу мотив куёш туркум мифларидаги “ўч” мотивига семантик жиҳатдан уйғун) учун бориши.

2. Митанларнинг (янги талқинда уруғ номи, лекин моҳиятан ўч олувчига қарама-қарши турувчи кучнинг (уни изига қайтариши).

3. Тўсинда (жой номи, бу қишлоқ Қўрлига яқин жой. Биз куёшнинг 21-22 март ва 21-22 сентябрдаги кун ва тун тенг келувчи вақтида чиқувчи қўрутини айнан ана шу Қўрли тегарасида деб белгилаган эдик. Бу ўринда Қўрли сўзи ўзагидаги “қўр”нинг Қўрут ўзагидаги “қўр”га уйғун келиши ҳам муҳим) митанларнинг ботирга етиб (яъни кун ва тун тенг келиб) жанг қилиши.

4. Ботир бошининг олинishi.

5. Ботир бошининг ўз чегарасига етганда (бу чегара ёзги қўрут тегарасига тўғри келмоқда), ҳамқишлоқларининг таъкибчиларни изига қайтариши.

6. Ботир бошининг Қувкаллада (ёз қўрутида) дафн этилиши.

7. Кесикбош дафн этилган жойнинг муқаддас зиёратгоҳ эканлиги.

Батартиб келтирилган ушбу мотивлар моҳиятидан Қувқалла ҳақидаги нақлда қадимий ёз ва қиш мавсумий маросими ҳақидаги миф асос бўлиб турганлигини илғаш қийин эмас.

Айни тизимни тўлиқ тасаввур этиш учун Қувқалла кўрутига қарама-карши турувчи Ёнбош Лангари кўрути ҳақидаги нақлларни таҳлил этиб чиқайлик. Нақлда айтилади: “Ёнбош Лангари тоғ оралиғидадир. Лангарнинг кўхна ўрни бор. Шу ерда Қуёвтерак деган жой бор. Лангар юкорисида Хўжа Маҳмуд Парроннинг туяси деган туяга ўхшаш бир тош ҳам бор. Афсонага қараганда, Хўжа Маҳмуд Паррон бир неча ёвдан қочиб шундай тошга тўғри бўлганда, тош тешилиб, Хўжа Маҳмуд туя-пуяси билан тошнинг бу томонидан кириб нариги тарафига ўтиб кетган эмиш. Сўнгра туя чўкиб, тош бўлиб қолган эмиш. Яна бир афсонада Лангарда жин, париларнинг бозори бўлар эмиш. Бозор одамларнинг кўзига кўринмас эмиш, дейилади. Яна бир афсонада Лангарда бир улуғ аждархо бор эмиш дейилади. Аждархо кечалари кўзи ўтдай ёниб, чириллаб, қичкириб юрар эмиш. Аммо аждархо ҳеч кимга зарар етказмай, Лангарни кўриб юрар эмиш.

Лангарнинг баландроғида Таҳоратхона деган мавзе бор. Афсонада айтилишича, ўша жойда кўздан пинҳон бир хонақоҳ бор эмиш. Айтувдан катта бир тош хонақоҳ оғзининг олдида кўндаланг бўлиб қолган эмиш. Худога яқин одамга кўндаланг тош силжиб, йўл берар эмиш. Эшик ичкарасида бир тол бўлиб, ундан ўтса, бир арик сув оқиб бораётган йўлак бор эмиш. Йўлакнинг икки томонида тоқчалари бўлиб, тоқчаларда ҳар хил нозу неъматлар тўлиб ётган эмиш. Йўлакдан нарига ўтса, хонақоҳ эшигидан қираб эмиш. Хонақоҳнинг болахоноси бор эмиш. Болахо-нага хонақоҳдан доим қимирлаб турувчи тош нарвон кўйилган эмиш. Чиққан одамга йикилиб тушиш эҳтимоли бор эмиш. Хонақоҳга болахо-надаги чилтонларнинг чириллаб ҳалқа солган овози келиб турар эмиш” (7. – Б.54). Ёнбош Лангари кўрути билан боғлиқ нақлдаги етакчи мотивларни ажратиб чиқайлик:

1. Ёнбош Лангариди ҳам кема (Нух кемаси назарда тутилмоқда) тўхтайдиган жой бор деб англаниши (Аслида бу ер ҳам худди қуёш ботувчи Лангартов Лангари каби қуёшнинг жанубий чиқиш нуктасининг кўрути хисобланганлиги сабабли ҳам Лангар аталгани ва бу ерда ҳам қуёш шарафига қурбонликлар келтирилувчи ибодатхона бўлганлиги ҳақиқатга яқин).

2. Хўжа Маҳмуд Паррон (шартли равишда қаҳрамон деб атаймиз) нинг ёвдан чекиниб, шу ерда ғойиб бўлиши.

Нақлдаги қахрамонга тошнинг йўл бериши ва унинг тошга сингиб кетиши Гўрўғлининг ғорга кириб ғойиб бўлишини ёдга солади. Ҳар икки ҳолатдаги тош, ғор унсурларининг мифологик семантикаси уйғун.

3. Нақлда қахрамоннинг туя миниб ёв таъкибидан қочиши эса куёш туркум мифларидаги иккинчи бир қахрамон – Қўрқут образини эслагани. Қўрқут тарихан қартайган куёш, куёш ота образи сифатида қаралади. Қадим мифологик талқинга кўра, чиқаётган куёш тимсоли бўлмиш Гўрўғли қартайиб, Қўрқутга эврилиб ғорга киради. Бу ҳолат Ў.Сулаймонов киёсан келтирган қадимий Мисрдаги Горнинг (чиқаётган куёш) Рага (куёш тангриси)га кўшилиб Хорхтга эврилиши ва ҳалок бўлишига уйғун ёки киш тимсоли томонидан ҳалок этилади (Бир қатор халқларнинг мифологиясида куёшнинг аждар томонидан ютиб юборилиши натижасида тун пайдо бўлади, деб тушунтирилади).

Қўрқут ҳақидаги нақлларда унинг ажалдан қочиш туя билан дунёнинг тўрт томонига боргани ва қаерга борса ҳам ўзига қазилаётган қабрга дуч келгани (бу туш сифатида ҳам келади), Қўрқут, ўзини ўлим ер юзидан ухлаган чоғида маҳв этишини англаб, Сирдарё ўртасига бўйра солиб ўтириб, ухламаслик учун кўбиз чалиб вақт ўтказгани, ниҳоят, чарчаб кўзи илинганида ажал илон бўлиб келиб, уни чақиб ўлдирганидан хикоя қилинади.

Ушбу нақл ва Ёнбош Лангари ҳақидаги нақлдаги етакчи мотивларнинг бир-бирига мос келиши тасодифий эмас. Агарда Ёнбош Лангарини аждар қўриқлашини ҳисобга олсак, масала янада ойдинлашади.

Ёнбош Лангариди Хўжа Махмуд Парронга нисбат берилаётган нақл ва тушунчалар аслида ботаётган куёш, яъни 21-22 декабрда ҳалок бўладиган Қўрқут – ёз тимсолига тегишлидир. Ёнбош Лангарига қарама-қарши кутб – Қувқалла кўрутига тегишли нақлдаги кесик бош мотиви киш тимсолига тааллуқли. У моҳиятан 22 июнь кунини куёш ботувчи Шохимардон кўрутидаги: тошга айланган туя боши ҳақидаги ишончлар билан боғланади, зеро, бу қадамжолар яхлит тасаввурий тизимни ташкил этади.

Куёш чиқувчи тарафдаги Ёнбош Лангари ва Қувқалла кўрутлари билан боғлиқ нақллар бу жойларнинг ҳам худди Куёш ботувчи тарафдаги Октов Лангари, Нурота ва Шохимардон кўрутлари қатори муқаддас саналганлигини аниқлатмоқда. Аниқланган кўрутлар билан боғлиқ ишонч-этикодлар ва номланиш асосида юқорида ўртага ташланган саволга жавоб бериш имконига эгамиз. Савол Нур, Нурота қадамжосининг исломгача бўлган номи ва унинг тимсолий куёш ўғли – Гўрўғли билан



алоқадор жихати бор-йўқлиги масаласини аниқлашдан иборат эди. Биз “Йилнинг туби етти кўрут” мақолига таяниб, қуёшнинг йил давомидаги ҳаракати билан боғлиқ чегара нуқталарини халқ кўрут аташини аниқладик. Дикқат билан қаралса, Нурота тоғлари тизмаларидаги қуёш қарор топувчи муқаддас нуқталар номида “кўрут” ўзагидаги “кўр” сўзининг турли вариантларини кўрамыз.

1. Қуёшнинг жанубий оғишидаги сўнгги чиқиш-ботиш нуқталарининг Лангар номидаги иккинчи бўғин “гар” сўзи гўр ва унинг вариантлари кўр/кўр бўлиши мумкин.

2. Қуёшнинг шимолий оғишидаги сўнгги чиқиш нуқтаси Қувқалла номини тарихчи Мирсодиқ Исҳоқов Хуқаря деб тахмин этади. Ушбу фарзага таянсақ, Хуқаря атамаси таркибида ҳам қар, кўр, кўрни топамиз.

3. Қуёш чиқувчи ўрта нуқтани Қўрли аталувчи топонимга тўғри келиши эса ҳеч бир исботсиз бу сўз ўзагида кўр турганлигини кўрсатади.

Мавжуд ҳолат Нурота ва Шохимардон зиёратгоҳлари ҳам қадимда кўр ўзагидан ясалувчи номлар билан юритилган, деб хулоса чиқаришимизга асос беради. Эҳтимол, Нуротанинг қадимий, исломгача бўлган номи тўғридан-тўғри Қўрут бўлган.

Халқ ўзининг фенологик календаридидаги асосий нуқталарни кўрут деб умумий номлаши баробарида ҳар бир жойнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, асосий ўзак сўз “кўр”га маълум сифатларни қўшганлиги кузатилмоқда. Масалан, қуёшнинг жанубий чиқиш-ботувчи кўрутлари номи “лангар” атамасидаги лан (ланг) ва /шимолий кўрўтдаги қуёш чиқувчи нуқтанинг Хувқаря (Қувқалла) сўзидаги ку/ху ўзак ҳамда ла қўшимча айна жойлар билан боғлиқ маъно ифодалаётгани аниқ.

Нурота қадимда “Кўрут” аталган бўлиши мумкинлиги ва Нурота, Кўрут сўзлари ўртасидаги оҳангдошлик Кўрутнинг нисбатан осонгина Нуротага эврилганлиги ва исломий қадамжога айланиб, янгича таҳрирларга учраганини тахмин этишимизга ҳам асос беради. Умуман, қуёш ботувчи томондаги кўрутлар каби қуёш чиқиш тарафдаги кўрутлар ҳам муқаддас қадамжолар сифатида қаралган. Энди бевосита қуёш туркум мифлари ва ушбу кўрутларнинг алоқаси масаласини қараб чиқайлик. Маълумки, қуёш туркум мифлари моҳиятан икки гуруҳга ажралади.


Биринчи гуруҳ бевосита фаслар алмашинуви билан боғлиқ қадимий қатламни, иккинчиси эса қуёшнинг зулмат ва ёвузлик тимсоли бўлмиш кучлар билан курашини ифодаловчи нисбатан кейинги босқични ташкил этади. Йил фасллари алмашинув чегараларини би-

лиш қадимги кишилар фаолиятида бу кунгидан кам аҳамият касб этмаган. Аждодларимиз осмон ёритгичлари ҳаракатини кузатиб, ўз тажрибаларини жамлаб, авлоддан-авлодга ўтказган. Айниқса, куёш ҳаракати билан боғлиқ: кун ва тун (тун ва кун) тенг келувчи вақтлар, энг узун кун ва энг узоқ тун чегаралари, бу ораликда ўтувчи анъанавий об-ҳаво ўзгаришларини билиш уларнинг кундалиқ, хўжалиқ, ижтимоий-сиёсий, диний ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Аслида куёш туркум мифлари ва мавсумий маросимлар моҳиятида ана шу жараёнлар ҳақидаги билим ва тажрибалар ҳам жамулжамдир. Биз йилни тўрт фасл, ўн икки ой деб ҳисоб-китоб юритамиз. Ҳар бир фаслни эса ўртача уч ойдан килиб белгилаганмиз. Қадим замонларда эса худди тун ва кун каби йил фасллари ҳам иккига ажратиб қарашган. Бу тасаввурга кўра, ёз ва кишнинг ҳар бири ўн икки ой – йил давомида узлуксиз бир-бирига қоришган ҳолда ҳаракат қилади, деб анланган. Уларнинг ўзаро муносабати эса куёшнинг муқаддас кўрутлардаги ҳолатига боғлиқ ҳолда талқин этилган. Куёшнинг бир кунлик чиқиб ботиши тун-кунни ҳосил қилса, куёшнинг шимолий кўрутдан жанубий нуқтага етиб тўхташи ва яна изига қайтиб, шимолий кўрутга келиши бир йиллик кун-тун – ёз ва кишнинг алмашинув жараёнида воқе бўлган. Куёш туркум мифларидаги ўзак мотивлар куёш ўғлининг туғилиб, улғайиб, вояга етиб, отаси учун ўч олиб, сўнг қартайиб, ота куёшга айланиб ҳалок бўлиши ана шу – куёшнинг шимолий ва жанубий кўрутлардаги бориб-қайтиш ҳаракатини тимсолий тасвирлаган. Ушбу жараённи аниқ тасаввур этиш учун Нурота тоғларидаги аждодларимизнинг фенологик календари асосида куёшнинг муқаддас кўрутлардаги ҳаракати ва унда ёз ва кишнинг бир-бири ўрнига келиб кетув жараёнини қуйидаги шартли чизмалар мисолида кўриб чиқайлик. Аввало, Нурота тизмаларидаги фенологик календарнинг шартли чизмасини келтирамыз (11-жадвал):



Куёшнинг Ёнбош Лангари кўрутидан (АА1) чиқиб Лангар кўрутига (А2 А3) ботиши 21-22 декабрь энг узун тун ва энг қисқа кун бўлувчи жанубий нуқталаридир.

Куёшнинг Қўрли кўрутидан (ББ1) чиқиб Нурота кўрутига (Б2 Б3) ботиши (21-22 март ва 21-22 сентябрь) кун ва тун йилда икки бора тенг келувчи нуқталардир.

Куёшнинг Қувқалла кўрутидан (ВВ1) чиқиб, Шоҳимардон кўрутига (В2, В3) ботиши энг узун кун ва энг қисқа тун бўлувчи нуқталардир.



Қуёш чикувчи кўрутлардаги АБВ нуқталарда кун узайиб, тун кискара боради. В1 Б1 А1 нуқталарда аксинча, тун узайиб, кун кискара боради. Айни ҳолатни қуёш ботувчи нуқталарда ҳам кузатамиз. Энди бевосита ана шу кўрутларда қуёш туркум мифларида акс этган ёз ва киш тимсолларининг бир йиллик тақдирини чизмасини қараб чиқайлик (12-13-жадваллар).



Биз шартли равишда қиш ва ёзнинг бир йил – ўн икки ой давомидаги ҳаракатини алоҳида-алоҳида олиб, икки чизмада бердик. Аслида бу жараён бирликда кечади. Бу кунги жорий ой ҳисоблари асосида ушбу жараённи ёзиб чиқсак, масала янада аниқлашади (14-жадвал).

#### 14-жадвал

Қиш (куз-қиш)	Ойлар (кунлар)	Ёз (кўклам-ёз)
	21-22 март → ёз туғилади	
Қиш қарғаяди	1.март (22-31) Апрель(1-21) 2.Апрель (21-30) Май (1-21) 3.Май (22-31) Июнь (1-21)	Ёз туғилиб, ўсиб, балоғатга етади
Қиш ўлади ←	21-22 июнь →	ёз янги (қайта) хомла топади
Қиш ер остида бўлади	1.Июнь (22-30) Июль (1-21) 2.Июль (22-31) Август (1-21) 3.Август (22-31) Сентябрь (1-21)	Ёз кучга тўлади
Қиш туғилади ←	21-22 сентябрь →	
Қиш улғайиб, балоғатга етади	1.Сентябрь (22-30) Октябрь (1-21) 2.Октябрь (21-31) Ноябрь (1-21) 3.Ноябрь (22-30) Декабрь (1-21)	Ёз қартайиб, кексаради
Қиш янги (қайта) хомла топади ←	21-22 декабрь →	ёз ўлади
Қиш кучга тўлади	1.Декабрь (22-31) Январь (1-21) 2.Январь (22-21) Февраль (1-21) 3.Февраль (22-28) Март (1-21)	Ёз ер остида бўлади

Чизмаларда акс этган жараён шарҳига ўтайлик. Халқнинг қадим мавсумий маросим мифларига кўра, 21-22 март ёзги кун-тун тенг келган кун и ёз (кўклам) туғилган. Ушбу кун куёш Қўрли қўрутидан

чикиб, Нурота кўрутига ботган. 12-13-жадвалдаги тасвир ҳам ёз Нурота кўрутида туғилишини кўрсатмоқда. Нега шундай? Табиат тартиби ва уни изоҳловчи миф мантиғига биноан ёз (кўклам) киш батнида туғилиб, во-яга етади. Фенологик календарда киш томон куёш ботувчи, ёз тараф эса куёш чикувчи кўрутлар хисобланади. Ёз тимсоли туғилган муддатда киш тимсоли куч-қудратга тўлиб, қартайиш даврини бошлаган.

21-22 июнь – энг узун кун ва энг қисқа тун вақти эса куёш Қўрли кўрутидан чикиб, Шоҳимардон кўрутига ботган. Бу кун ёз тимсоли балоғатга етиб, киш тимсоли билан жанг қилиб, уни енган. Халқ тасав-вурига кўра, киш ҳалок бўлиб, ер остига кирган. Ёз тимсолининг янги ҳомиласи ҳам шу кун юз берган.

Киш тимсолининг ҳалок бўлиши Шоҳимардон кўрутида юз берган. 21-22 июндан то 21-22 сентябргача ёз тимсоли тўлик кучга эниб, киш эса бу даврда ер остида бўлади, деб тушунилган.

21-22 сентябрь кузги тун-кун тенг вақти эса фенологик календарнинг ёз томони – Қўрли кўрутида киш тимсоли туғилган. Шу кундан бошлаб ёз тимсоли қартайган. Аксинча, киш улғайиб кучга кирган. 21-22 декабрь узун тун ва қисқа кун вақти Ёнбош Лангарида киш балоғатга етиб, ёз билан урушиб, уни ҳалок қилган. Шу кун ҳалок бўлган ёз тимсоли ер остига кирган. Бу тўқнашув қишнинг янги ҳомиласини ҳам туғдирган.

Ёз тимсоли уч ой ер остида бўлиб, яна 21-22 мартда Нурота кўрутида қайта туғилади, деб қаралган.

Анъаналашган умумтасаввурга кўра, ушбу ёз ва киш тимсолларининг алмашинув жараёнида ҳаракатдаги ёзу киш билан бирга уларнинг янги ҳомиласи ҳам етилиб келган. Яъни ёзнинг янги ҳомиласи 21-22 июнда Шоҳимардон кўрутида бошланиб, олти ой давомида Ёнбош Лангари кўрутигача (21-22 декабрга) етиб, ҳалок бўлган ёз билан бирга ер остига кирган ва Оқтов Лангари кўрутига ўтиб, уч ой ер остида тўлик етилиб, Нурота кўрутида ер юзасига чиққан.

Киш тимсоли ҳомиласи эса 21-22 декабрь кунини Ёнбош Лангари кўрутида пайдо бўлиб, олти ой давомида Шоҳимардон кўрутига етиб ҳалок бўлган кекса киш тимсоли билан бирга ер остига кириб, Қувқалла кўрутига ўтиб (нақлда кесилган бошнинг Қувқаллага бориб тўхташини ва кўмилишини эсланг), уч ой ер остида етилиб, яна янгитдан Қўрли кўрутида ер юзасига чиққан. Халқимизнинг Нурота тизмаларидаги фенологик календаридида куёш туркум мифлари билан боғлиқ мавсумий ма-росимлар шундай талқин қилинган.

Куёш туркум мифларидаги иккинчи босқич – куёшнинг зулмат дунёси вакиллари билан кураши – куёш ўғил ва куёш ота тимсолларининг халоскор қахрамон тимсолида эпик воқеликка кўчганлигида намоён бўлган. Халоскор қахрамоннинг юхо билан жанги асосида эса ёз ва қиш кураши ётиши ўз вақтида тадқиқотчилар томонидан айtilган. Хусусан, моҳиятига кўра “Гўрўғли” эпосидаги Гўрўғли образи ёз тимсоли, унинг ғайрикутби Райҳон подшо эса қиш тимсоллари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам “Гўрўғли” эпоси сюжети ва унинг етакчи мотивларини муқаддас кўрутларда тажассум топган қиш ва ёз тимсоллари ҳаракатининг шартли чизмасига киёсласак, ҳайратланарли уйғунликнинг гувоҳи бўламиз:

1. Достонда тасвирланишича, Гўрўғлининг онаси Ҳилолой вафот этганида гумонаси олти ойлик эди. У ерга кўйилгач, орадан уч ой ўтиб, Гўрўғли гўрда туғилади. Гўрўғлининг ер остидан чиқиш вақти эрта кўклам, деҳқонлар қўш ҳайдашни бошлаган вақти, деб кўрсатилган (252. – Б.2).

Бу эса кўклам (ёз) тимсолининг туғилиш вақтига уйғун давр – 21-22 март деб белгилашимизга асос бўлади. Ўз-ўзидан Ҳилолойнинг вафот этиш куни эса 21-22 декабрь, яъни ёз тимсоли ҳалок бўлиб ер остига кириши пайтига, Гўрўғлининг ҳомиласи эса 21-22 июнь куни – ёзнинг қайта ҳомила топиш даврига тўғри келишини кўрсатмоқда. Демак, биз ушбу уйғунликка таяниб, Гўрўғли халоскор қахрамоннинг (хусусан, Нуротанинг) туғилишини Нурота кўрутида (21-22 март), қайта ҳомиласи Шохимардон кўрутида (21-22 июнь), ҳалок бўлишини эса Ёнбош Лангари кўрутида рўй беради, деб англашганини тиклаш имконига эгамиз.

Гўрўғли ҳали вояга етмай, Райҳон подшо унинг биясига тулпорини кўйиш эвазига Холжувонни ўғирлаб кетиши моҳиятан Ҳилолойнинг ўлимига уйғун; Гўрўғлининг қартайиб ёрга кириши ҳам ушбу тизимда туради. Кейинчалик бадий талаблар асосида бу йўналишлар алоҳида-алоҳида ривожланган. Аслида уларнинг маъзида 21-22 декабрда ҳалок бўлувчи ёз тимсолнинг тақдири турибди.

2. Гўрўғлининг янгаси Холжувон учун Райҳон подшо мамлақати – ўзга юртга дарё кечиб бориши, Холжувон ўрнига Райҳон подшонинг кизи – Ойзайдинни олиб қайтиб, ғайрикутбдан ўч олиши ёзнинг янги ҳомиласи вужудга келган – 21-22 июнь куни рўй берганлиги ҳам киёс асосида ойдинлашади.

Достоннинг бир қатор версияларида “Айритуёк”, “Борса келмас юрт эгаси”, “Жун босган” сифатлари билан юритилувчи Райҳон подшо билан боғлиқ сюжет йўналиши ва мотивларни қараб чиқайлик:

1. Гўрўгли туғилиб, балоғатга етган давр Райҳон подшо картайган вақтга тўғри келади. Бу халқнинг табиат билан боғлиқ тасаввурларига кўра, 21-22 майдан то 21-22 июнгача бўлган пайтни ташкил этади. Достоннинг Тош шоир версиясида Гўрўгли ўч олиш учун Райҳон юртига борганида, Райҳон подшо кекса чол сифатида тасвирланганлигини эслаш кифоя. Айни ҳолат биз тузган жадвал (14-жадвал)даги киш тимсолининг картайтиш даврига уйғун.

2. Эпос униб ривож топган мифологик дунёқараш талқинига биноан, Гўрўгли айни куч-қудратга тўлганда, Райҳон подшо мағлуб бўлиб ер остида ётган. Бу халқ эътиқодига кўра, 21-22 июндан то 21-22 сентябргача бўлган муддатдир.

Халок бўлаётган киш тимсолининг вориси Райҳон ўз навбатида ёз тимсолининг вориси Гўрўглининг қайта қувватга киришига ҳам сабабчи бўлган. Айни вақт фенологик тақвимдаги 21-22 июнга мувофиқ тушади.

3. Райҳон подшонинг қайта қувватга кириши эса худди киш тимсолининг янгидан туғилиши каби 21-22 сентябрда рўй берган.

4. Вояга етиб, улғайган киш тимсоли ёзни мағлуб этганидек, Райҳон подшо 21-22 декабрда Гўрўглининг ғорга кириб ғойиб бўлишига сабабчи бўлган. Бу ҳодиса 21-22 декабрда рўй беради, деб анланган. Ўз навбатида Райҳон подшо Гўрўглининг янгиси (онаси)ни ўзи билан олиб қайтган ушбу мотив шу кун кишнинг янги ҳомиласини пайдо қилгани каби Гўрўглининг қайта туғилиши учун асос яратган.

Достон бобосюжетидаги бу мотивлар муносабатини куйидаги чизмада аниқ тасвирлашимиз мумкин (15-жадвал).


Ушбу ихчамлаштирилган мотивларнинг ўзаро муносабатлари фенологик календарда акс этган ёз ва киш тимсоллари алмашинуви тартибида уйғун келмоқда. Бу эса ўз навбатида “Гўрўгли” достонлари ўзагида қуёш туркум мифлари турганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Достоннинг туб асослари халқимиз бадий тафаккурининг кўҳна қатламларида пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Албатта, достон воқеаларида (айниқса, бугунги ҳолатида) бу мотивлар ўта бадийлашиб кишу ёз йўналишлари нафақат Гўрўгли ва Райҳон подшо образлари, балки эпосдаги бошқа бир қатор етакчи образлар – Қидир, эранлар, Гўрўглининг отаси Равшан, Аҳмад Сардор, Ғиркўк, Ҳилолой, Холжувон, Ойзайдин, Шоҳдорхон, девлар, Юнус ва Мисқол парилар тимсолида ҳам ўз ривожини топган. Бу образлар моҳияти, эпик қаҳрамон, эпик рақиб, эпик душман, эпик кўмакчи, эпик ҳомийлар си-



фатида умумлаштириб олинса-да, улар асосан икки кутбда – эзгулик ва ёвузлик курашида ўз ўрнига эгалигини кузатамиз. Ушбу курашсиз эпос ва унга асос бўлган мифлар ҳам тушунарсиз қолади.

15-жадвал



Биз юқорида Нурота тоғ тизмалари билан қуршалган музофотдаги муқаддас кўрутларга боғлиқ нақл, афсона, ириму айтимларда қуёш туркум мифларининг мужассам топганлигини, ўз навбатида, бу эътиқодий қарашларнинг эпос таркибида бадий-эстетик талқинлар олганлигини бағартиб кўриб чиқдик. Бизга бу борада асосан, Кўрғон дostonчилик мактабининг намояндаси Раҳматулла Юсуф ўглининг ўз ҳамюртларидан ёзиб олган маълумотлари таянч бўлди. Ушбу манбаларда акс этган эътиқодий қарашлар биринчи галда, ана шу юрт вакиллари мансуб уруғ ва қабилаларга тааллуқли эканлигига шубҳа йўқ. Лекин бу катта-кичик

уруғларнинг тарихи, тақдири Нурота тоғлари билан турли даврларда боғланган. Айни пайтда улар орасида Нурота тоғларида яшовчи халқнинг асосий қисмини ташкил этувчи ва бевосита Кўрғон дostonчилари мансуб бўлган Оксоқ-Тўқсоқ уруғлар бирлашмаси алоҳида ажралиб туради.

Бир қатор тарихий манбалар (113. – С. 135–158; 165. – С.25-27; 40. – С. 97–105), оғзаки нақл ва маълумотларга кўра, Оксоқ-Тўқсоқ уруғлари IX-XI асрлар давомида Сирдарё бўйларидан Каспий томонларга кўчган ўғуз қабилалари таркибида бўлганлар. Лекин улар ота юртдан кўчишни хохламай, шу ерда муқим яшаб қолганлар.

Оксоқ-Тўқсоқ уруғларининг Сирдарё бўйларида яшагани ва Нурота тоғлари ораси уларга қишлоқ вазифасини ўтагани ҳам турли нақлларда айtilган. Айниқса, бу уруғлар ҳозирги Жўш қишлоғи тепаликларида жойлашган 360 сағанага қадим-қадимда ўз марҳумларини, қаерда вафот этмасин, олиб келиб дафн этганлари ҳақидаги маълумот диққатга лойик.

Жўшдаги 360 сағана ва уларга марҳумларни қўйиш тартиби эса оташ-парастлик эътиқодига мансуб тоифалар урф-одатларини ёдга солади. Жўш атрофида яшовчи кекса авлод вакилларининг айтишларича, ҳар бир сағана пишиқ гиштдан узунлиги 25-30 метр, эни 5-6 метр, баландлиги 2-2,5 метр бўлиб, махсус узун том шаклида қирни ўйиб қурилган. Эшигига зина билан тушилган. Сағананинг ичида икки томон тоқчалар қилиб чиқилган. Тоқчалар шифтгача етган, ўртада йўлак қолган. Марҳумларнинг суяклари ана шу тоқчаларга териб қўйилган. Одатда, ҳар бир уруғ ўз сағанасига эга бўлиб, суяқнинг бегона суяқ билан қўшилишига йўл қўйилмаган.

Раҳматулла Юсуф ўғли ҳам Жўш ҳақида маълумот берар экан: “Яна бир афсона, Жўшда 360 даҳма (сағана) бўлган. Ҳозир ҳам ана шулардан баъзилари мавжуд” (7. –Б. 46), деб ёзади.

Оксоқ-Тўқсоқ уруғларининг ўз марҳумларини Нурота тизмаларидаги Жўш қишлоғига олиб келиб махсус сағаналарга қўйиши, Октов ва Қоратов ўртасининг бу уруғлар ҳаётида муқаддас макон сифатида алоҳида мавқега эгалигини яна бир бор тасдиқлайди. Марҳумларни муқаддас саналувчи маконларга дафн этишни барча қадимий халқлар тарихида учратамиз.

Маълумки, икки дарё – Аму ва Сир оралиғи қадим-қадимдан инсоният яшаб келаётган маконлардан ҳисобланади. Хусусан, бизни қизиқтираётган жой – Нурота тоғ тизмалари ва унга туташ Қизилқум, Сирдарё бўйларидан Орол атрофларигача бўлган ҳудудларда сак (шак)

қабилалари яшагани маълум. Жумладан, эрамиздан аввалги 500 йилга қадар сак ва массагет қабилалари Каспийнинг шарқий қирғоқларидан Хоразм, Орол агрофлари, Қорақум, Қизилқум чўллари, Сирдарё бўйлари, Нурота тизмаларигача бўлган катта ҳудудда яшагани, эрамиздан аввалги VI-III асрлар сак (шак)лар бевосита Сирдарё бўйлари, Қизилқум ва Нурота тоғ тизмаларида ҳаёт кечирганлиги мактаб учун мўлжаллаб чиқарилган “Ўзбекистон тарихи атласи”да ҳам акс этган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Қизилқум, Сирдарё бўйлари, Нурота тизмалари сак қабилалари қадим-қадимдан яшаб келган жой бўлган.

Тилшунос олим Қозоқбой Маҳмудов бу кунги бир қатор ўзбек уруғлари номида сак қабила бирлашмаси номи учрашини келтириб, улар тарихан ана шу қабила-бирлашма таркибига кирганлар, деган фикрни айтади (206. – Б. 10-11). Энг эътиборли жиҳати шундаки, Нурота тизмаларидаги фенологик календарь ва у билан боғлиқ эътиқодларни, эпик аънанани бу кунгача сақлаб келаётган Оқсоқ-Тўқсоқ уруғ номларидаги таянч ўзак айнан “сак” сўзидир. Бу факт эса Оқсоқ-Тўқсоқ уруғлари ҳам қадимда сак қабила бирлашмалари таркибига кирганлигини кўрсатиш билан бирга, Нурота тизмаларидаги фенологик календарь билан боғлиқ эътиқодий қарашлар ҳам бевосита сак қабила бирлашмаларига тегишли бўлиши мумкин, деб ўйлаш имконини беради.

Қадимий мисрликлар ва Америка ҳиндуларидан – майялар яшаган жойларда худди Нурота тизмаларидек қулай имкониятли тоғлар бўлмаганлигидан йил фасллари алмашинувини кузатиш, муқаддас диний маросимларни ўтказиш ва марҳумларни соялар салтанатига бехатар узатиш учун улкан пирамидалар қурганлар.

Сирдарё бўйлари, Қизилқум чўллари, Туркистон даштлари, Орол ёқаларида яшаган саклар эса Нурота тоғ тизмаларидан худди мисрликлар ва майялар пирамидалардан қандай фойдаланган бўлсалар, шундай фойдаланиб келганлар. Шу сабабли бутун Нурота тоғ тизмалари муқаддас саналган. Куёш чиқиб ботувчи олти қўрут ва борлиқни кузатувчи марказий еттинчи қўрутларда ибодатхоналар қурилган.

Жўшдаги 360 сағана ҳам нафақат Оқсоқ-Тўқсоқларга, балки бутун сак қабилаларига тегишли бўлган. Бу муқаддас қабристон жойлашган жой ва унинг сони 360 (бир йилнинг умумлашма кунлари сонига тенглигига диққат қилинг) шунчаки пайдо бўлган эмас. Аслида бу ерда ҳам куёш туркум мифлари билан боғлиқ, куёш топинчи тизими билан изоҳланувчи ишонч-эътиқодлар мужассам.

Нурота тизмалари куршаган хуудда Жўш қишлоғи куёш чикувчи шимолий-шарқий Кувкалла кўрути (21-22 июнь) йўналишидаги тоғ бикинида жойлашган бўлиб, Оқтов Лангари Нурота ва Шохимардон кўрутларига карама-қарши кутбда жойлашган.

Мархумлар куёш чиқадиغان шимолий кўрутга яқин йўналишга кўйилган. Аксинча, туғилажак авлодни куёш ботувчи Нурота кўрутидан сўралган. Бунинг замирида сакларнинг қиш батнида ёз ва ёз батнида қиш туғилиб, даврийлик таъмин этилиши билан боғлиқ эътиқодлари турганлигини билдиради. Саклар ҳам дунёнинг кўпчилиқ қадимий халқлари катори аждодларнинг янги авлодлар сиймосида қайта дунёга келишларига ишонганлар. Шу сабабли Нуротада туғилган фарзандларга алоҳида эътиқод билан караганлар, бу жойга бориб, Яратгандан фарзанд сўрашган. Нуротадаги Бола кудуғига караб, соялар салтанатида пешоналарига фарзанд битилганми, йўкми, фол кўриб билишга қизиққанлар.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Нурота тизмалари – Оқтов, Қоратов хуудди сак қабилалари диний, эътиқодий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу жойларда сак қабилалари қохинларигина муқим яшаган бўлишлари ҳам мумкин. Жумладан, Кўрғон дostonчилиги аънаналари, эпик репертуарининг туб илдизлари ана шу қохинларга бориб боғланиши ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас. Чунки шу қадар улкан эпик меросни саклаб, ривожлантиришга оз сонли Оқсоқ-Тўқсоқ уруғининг қуввати етмаслиги аниқ. Кўрғон дostonчилик аънаналари, сак қабила бирлашмалари эпик аънаналарининг давоми сифатида қаралса, “Гўрўғли” туркуми ва бошқа дostonлар қамраган эпик воқеликка саклар қаби улкан тарихга эга кўп сонли халқ тақдири, кечмиш бадий хотираси асос бўлганлиги ҳақида фикрлаш мумкин. Одатда, эпос хотира ва орзу чегарасида, турғун поэтик аъналар замирида ривож топади. Кўрғон дostonчилиги тарихини сак қабила бирлашмаси тарихи, тақдири қамровида олиб қаралса, ушбу бетакрор дostonчилик ва унинг то XX асргача яшаб ижод этган донгдор бахшилари қандай маънавий меросга ворислик қилиб келганларини англаймиз. Орадан қарийб йигирма беш асрдан ортик вақт ўтган бўлишига карамай, халқ хотирасидан сакларнинг куёш топинчи билан боғлиқ эътиқодий қарашларининг сакланиб келаётганлиги ҳам бежиз эмас. Қанчалик таъкиб ва таъқиқларга дуч келмасин, муқаддас қадамжолар зиёратчиларсиз қолмади. Одатда, динлар янгиланса-да, муқаддас топинчлар, улар билан боғлиқ жойлар ўзгармасдан қолаверган. Ушбу жараёнлар шу халқ ҳаётида кечган кескин ижтимоий, сиёсий, диний-эътиқодий ўзгаришларга уйғун равишда маълум босқич ва қатламларни ташкил этган.

Сак қабила бирлашмаларининг куёш топинчи ва эътикодлари тажассум топган Нурота тоғ тизмаларидаги етти муқаддас қўрут билан алоқадор қадамжолар тақдирида ҳам ушбу жараёни кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат эса ўз навбатида сак қабила бирлашмаларидаги куёш топинчи, куёш туркум мифлари ва мавсумий маросимларнинг қандай ҳолатда бизгача етиб келганлигини кузатиш имконини ҳам яратади.

**Биринчи босқич.** Қадимий давр: мавжуд тарихий манбаларда бирдек қайд қилинганидек, сак қабила бирлашмаларида куёш бош топинч ҳисобланиб, олов унинг тимсоли сифатида муқаддас саналган.

Нурота тоғ тизмаларидаги етти қўрут саклар орасида бутун олам модели сифатида англаниб, муқаддас макон сифатида қаралган, эътиқод қилинган. Сак коҳинларининг барча диний, мавсумий маросимларни ана шу қўрутлар марказида туриб бошқарганлар. Бу жойнинг коҳинлар муқим яшаган макон бўлиши эҳтимоли ҳақиқатга яқинроқдир.

Алоҳида мавқега эга марҳумларни мўътабар саналувчи муқаддас макон Жўшдаги 360 сағанага олиб келиб қўйилган.

Кувкалла (Хуқаря) қўрутида аجدодлар топинчи, кишнинг ҳалок бўлиши билан боғлиқ маросимлар уюштирилган.

Нурота қўрутида авлодлар туғилиши, ёзнинг туғилиши билан боғлиқ асосий маросимлар ўтган.

Ушбу эътиқодий тизимда турли маъбудларга топиниш устувор кўриниш олган. Осмон ёриткичлари, хусусан, куёш ва ой календарини изохловчи дунёқараш кенг ёйилган.

Олам эзгулик ва ёвузликнинг ўзаро курашида воқеа, деб анланган.

Сак қабила бирлашмаларини диний, эътиқодий жиҳатдан ҳам боғлаб турувчи ушбу топинчлар, ишончлар навбатдаги босқич – Зардуштийлик давригача кенг амал қилган.

Зардуштийлик сак қабила бирлашмаларининг анъанавий эътиқодлари тизимини бутунлай инкор қилган эмас. Чунки у ана шу заминда униб ривож топган эди. Аксинча, зардуштийлик дастлабки куёш топинчи билан боғлиқ тасаввурлар, маросимларнинг янада такомиллашувида, кўпхудоликдан яккахудоликка ўтиш босқичи бўлди. Қуйида ана шу жараёни қисқача қараб чиқамиз.

**Иккинчи босқич.** Зардуштийлик даври: маълумки, зардуштийликни Турон (Туркистон) ҳудудида кенг тарқалиб, узоқ вақтлар амал қилганлигини тарихий, этнографик, археологик манбалар, адабиётлар тасдиқлайди. Мутахассислар “Авесто”даги “Тот”ларга таяниб, Зардушт-

нинг “қадим Хоразмда туғилгани ва Спитама уруғидан эканлигини, (Беруний Спитама номини Сафид Туман шаклида киши оти деб беради ва Зардуштни унинг ўгли деб кўрсатади), Ахура-Мазда динини тарғиб қилишда кўп қийинчиликларга учраб, ўзга юртларга бош олиб кетгани, ва ниҳоят, Сакастана юртида Кавий Вишжаспа саройида ўзининг илк умматларини топганини” (202. – Б. 42–43) ёзган. Ахура-Мазда динининг муқаддас китоби “Авесто” хусусида эса “У ибтидоий даврлардан бошлаб маҳаллий, қабилавий ва уруғ маъбудалари шаънига айтиб келинган алковлар, афсуслар, қайтариқлар, намозликлар, зикру само, бошқа дуою такбирларни оғзаки анъана асосида бирлаштирувчи катта туркум мажмуидир. Зардушт турли маъбудлардан воз кечиб, фақат Ахура-Маздани Ҳақ деб билишга даъват этган”(202. – Б. 42), деган фикрни илгари сурган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Зардуштнинг Хоразмда туғилгани, Хоразмнинг эса сак қабила бирлашмалари яшовчи ҳудудларга туташлигини ёдга олсак, зардуштийлик дини асосида турувчи эътиқодий қарашларнинг сак қабила бирлашмалари топинч, эътиқодларига уйғун келиши мумкин, деган фаразни илгари суришимизга имкон туғилади.

Ушбу тахминни имкон қадар шакллантириш учун сак қабила бирлашмаларининг қуёш туркум мифлари ва мавсумий маросимлари билан боғлиқ, биз юқорида тиклаб чиққан тизимни Зардушт дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто”даги асосий эътиқодий қарашлар, тасаввурлар билан чоғиштиришга ҳаракат қилайлик:

Ҳар қандай диний таълимоғда инсон макони бўлмиш ер ва бутун олам тузилиши, тартибининг ўзига хос изоҳи, тасвири мавжуд. Ушбу тасвир ва у билан боғлиқ тасаввурлар нафақат эътиқодий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга. Тадқиқотчилар “Авесто”даги дунё тузилиши ҳақидаги тасаввурларни қуйидагича умумлаштириб, баён этганлар: “Ер юзаси қаршвар деб аталувчи етти иқлимга бўлинган. Бир ўринда дунё тоғи (Хара, Хуқарйа) дунё марказида жойлашган деб кўрсатилса, бошқа жойда дунёни Шарқ ва Ғарбдан қуршаб турувчи Харайти (Хара Березайти) тизмасининг шимолий қисмида жойлашган деб қаралади” (123. – С. 562). Мэри Бойс эса бу ҳақда шундай ёзади: “Етти қаршварлар” ибораси хусусида шунини айтиш мумкинки, эронийлар дунёни етти ҳудудга бўлиб, ҳалқалар сифатида тасаввур этганлар. Уларнинг энг каттаси – ҳалқаларнинг марказида жойлашган Хваниратада одамлар яшайди, қолган олти ҳалқа эса ўзаро қалин ўрмон ва сув билан бир-биридан ажралиб туради (бу эса шимолий рус даштларида яшовчиларнинг тасав-

вурларига тўғри келади). Махобатли Хара тоғининг чўққиси Харахвати айнан Хванирати худудининг ўртасида кесишиб, куёш унинг атрофида шундай айланадики, ер юзининг бир кутби қоронғиликда қолса, иккинчи томони ёруғ бўлади.

Эронийлар куёшнинг маълум табиий тартибдаги ҳаракати туфайли йил фаслларининг алмашинуви ва бутун борликдаги тартиб юзага келади, деб тушунганлар” (58. – С. 14).

Тарихчи Мирсодиқ Исҳоқов “Авесто”да олам тасвири (етти каршвар, Хара тоғи, Хукарийа чўққиси жойлашуви) ҳақида фикр юритар экан, куёшнинг Хукарийадан чиқиш ҳолати чўл томондан туриб кузатаётган кишининг нуқтаи назаридан келиб чиқиб акс эттирилганлиги, Хукарийа номи Нурота тизмасидаги Қора тоғнинг шимолий шарқидаги Қувкалла чўққиси бўлиши мумкин, деган фаразни ўртага ташлайди (203. – Б. 74–75).

Чиндан ҳам, Нурота тоғ тизмаларидаги сак фенологик календари ва улардаги етти муқаддас кўрутнинг еттинчи – марказий кўрути масофа ва кузатиш имкони жиҳатидан айнан Ўрта чўл бошланувчи Богожат тепалигига тўғри келади.

Сак фенологик календари билан “Авесто”даги етти каршвар тасаввури ўзаро таққосланса, гап нима хусусда кетаётгани янада аниқлашади. Аслида етти каршвар қандайдир мавҳум тасаввурлар бўлмай, бевосита амалий аҳамиятга эга бўлган муқаддас етти кўрут, яъни йил давомида куёшнинг чиқиб ботишида фасллар алмашинуви чегараларини кўрсатувчи нуқталардир. Янада аниқроқ айтилса, Нурота тоғ тизмаларидаги сак фенологик календарининг айнан ўзидир. Бу ўринда уйғунлик фақат тасаввурлар ўртасигина эмас, балки муқаддас тоғ Кара ва Хукарийа чўққисининг Нурота тизмасидаги Қоратов ва Қувкалла чўққиси номларига ҳамоҳанг келиши ҳамда “Кўрут” ва “Каршвар” атамаларидаги “Кўр”, “Кар” сўзларининг ўзаро уйғунлиги тасодиф махсули бўлмай, умумий манбага алоқадорлигини кўрсатади.

Мабодо, Зардуштнинг Хоразмда туғилгани ҳақидаги фактни эътиборда тутсак, бугунги кунгача хоразмликлар орасида муқаддас Нурота топинчи ва халоскор қаҳрамон Нурота ҳақидаги қиссанинг машҳурлигини, “Бола қудук” ва бошқа кўпгина тасаввур, ишончлар мавжудлигини ёдда саклаб, қадимдан Хоразм ҳамда ерларининг туташлиги, улар орасида иқтисодий, эътиқодий бирлик бўлганлигини инобатга олсак, бевосита, куйидаги умумий хулосага келишимиз мумкин:

“Авесто”даги етти каршварга асос бўлувчи Нурота тоғ тизмасидек иккинчи бир фенологик календар учун мос тоғликнинг, Хоразм территорияси ва бутун сак-массагет қабила бирлашмалари яшаган улкан худуднинг бошқа бирор-бир ерида йўқлиги бу жойнинг Сирдарё бўйлари, Орол қирғоқлари, Қизилкум, Қорақум чўллари, Хоразм худудларида яшаган халқлар учун ягона диний, эътиқодий, муқаддас марказ бўлишига сабаб бўлган. Нурота тизмаларидаги етти муқаддас кўрут Куёш топинчи, йил фаслларининг алмашинуви, аждодлар топинчи ва бошқа байраму маросимлар ўтишида ҳар жиҳатдан етакчи марказ ҳисобланган.

Йил боши – Наврўз ва бошқа байрамлар арафасида узоқ-яқиндан Нурота тизмаларидаги етти кўрут зиёратига келувчиларнинг сон-саноғи бўлмаган.

Нурота худудида ўзига хос коҳинлик мактаблари амал қилганлиги эҳтимоли ҳақиқатга яқинроқ. Бу ерда турли маъбудлар шаънига аталган алқовлар, афсун, қайтариклар, намозликлар, зикру само (маросимий рақслар, хусусан, бугунги “Лазги” ва “Бешқарсақ” рақсларининг туб асослари ҳам ана шу рақсларга бориб уланса, эҳтимоли) ва бошқа дуою такбирлар ўргатилган. Шулар қаторида астрология, табобат, ҳисоб илми ривож топган.

Ўз ҳаётини маъбудлар ва куёш тангрисига бахшида этган толиблар Нуротага келиб сабоқ олганлар. Сафид Туман ўғли Зардушт ҳам ана шу толиблардан бири бўлганлигига бизда шубҳа йўқ.

Зардушт ҳам барча толиблар қаторида ушбу коҳинлар мактабида мавжуд барча билимларни ўзлаштиради. Сак коҳинлари мактабида айниқса, астрология чуқур ўргатилганлигини халқ орасида бу кунгача омон қолган астрологик ҳисоб-китоблар ҳам исбот этади.

Ана шу тарзда Зардушт туғилган юрт, тарбия топган муҳит ва унинг фаолияти ҳақида янада аниқроқ фикр айтиш имкони пайдо бўлади.

Маълумки, йил ҳисобининг азалдан шамсий ва қамарий тартиби мавжуд. Саклар ўртасида ҳам ҳар икки ҳисоб амал қилган. Биз юқорида етти кўрут билан боғлиқ куёш ҳисобини кўриб чиқдик. Айни пайтда ой ҳисоби ҳам халқнинг хотирасидан мутлақ ўчиб кетмаган. Жумладан, Раҳмагулла Юсуф ўғли томонидан ёзиб қолдирилган Нурота худудида яшовчи аҳоли орасидаги Кўзибой майриқ йил ҳисоби алоҳида диққатга лойик. “Кўзибой атамаси аслида “Кўйчибой” бўлиб, бизнинг Оқсоқ-Тўқсоқ тароқимамиздаги Қозаёкли уруғининг Кўйчибой шохобчасининг бобоси” (7. – Б. 78), дейдилар. Бу ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди.



Агар Кўзибойни Кўйчибой уругига алокадор деб билсак, XIII-XIV асрни кўзда тутган бўламиз. Чунки Кўйчибой уруги Чингизхон истилосидан бу ёғига кўпайгани маълум.

Кўйчибой майриқ асли қадимги туркий қабилалардан бирида яшаган қатта донишманд бир чолдир. Кўзибой майриқ туркча ойлар маъносини ўрнига қўйган. Кейин араб ҳисобига туркийча ой номларини солиштириб чиққан. Бу ҳисоб бўйича: 1-тўғал асадда, 3-тўғал сунбулада, 5-тўғал мезонда, 7-тўғал акрабда, 9-тўғал қавсда, 11-тўғал жаддийда, 3-тўғал далвада, 7-тўғал ҳутда, 5-тўғал ҳамалда, 3-тўғал саврда, 1-тўғал жавзода, 0-тўғал саратонда дохил бўлар экан.

Тўғал кунлари ҳаво бузилади, шунинг учун чорвадорлар орасида ҳалиям бу ҳисоб кенг қўлланилади. Кўзибой майриқнинг ой ҳисоби араб тақвимида 7 кун илгари юради. “Тўғал” дегани ой билан Хулкарнинг жуфтлашишидир.

Ривоятда келтирилишича, ўша замоннинг подшоси Кўзибойнинг ҳисобига шубҳаланган экан, Кўзибой майриқ:

“– Фалон куни, фалон соат, фалон дақиқада янги йил киради. Агар менинг гапимга ишонмасангиз, тилло сопли пичоғингизни менга бериб кўйинг. Ўша дақиқада мен пичоқни тошга ураман, пичоқ тошга лойга ботгандай ботиб кетади, – дебди.

Шундай қилиб, Кўзибой майриқ айтган вақт келибди. Подшонинг кўз олдида Кўзибой майриқ пичоқни тошга урган экан, пичоқ тошга ботиб, қотиб қолибди.

– Энди келаси йил худди шу дақиқада пичоқ тошдан олинадди, дебди Кўзибой майриқ.

Келгуси йил айни Кўзибой майриқ айтган паллада подшонинг пичоғи тошдан олинибди. Шундан кейин подшо Кўзибой майриқни чақиртириб келиб, инъом-эҳсонлар берибди” (7. – Б. 79).

“Яна Қамбар тўғал деган ҳам Кўзибой майриқнинг бир ҳисоби бўлган. Уни мен эшитолмаганман. Кўзибой майриқнинг “Юлдуз ўнг, юлдуз чап”, деган ҳисоби ҳам бўлган. Ҳатто бу ҳисоби эски китобларга ҳам ёзилган. Ҳеч ким Ютар юлдузга қараб сафар қилмоғи керак эмас экан. Масалан, бир ойни ўн кун-ўн кундан қилиб учга бўлган. Ўн кунликнинг биринчи кунда кун чиқарда, иккинчи кунда чошгоҳликда, учинчисида тушликда, тўртинчисида улоқ ўйнарада, бешинчисида қиблада, олтинчисида Урганч томонда, еттинчисида чўл томонда, саккизинчисида Тошкент томонда, тўққизинчисида осмонда, ўнинчисида ерда бўлар экан. Маса-

лан, 9-да – осмонда вақтида ўтовга чанғарак кўтармок наҳс, 10-да – ерга вақтида қозик қокмок наҳс дейдилар.

Ўн икки ой, 30 кундан баробар 360 кун ўтиб йил тамом бўлади. Сўнгра 2 кун “Аҳман-дахман”, 2 кун “Ҳэзим-хирмон”, бир кун “наҳси – наврўз” жами – 365 кун бўлади. “Аҳман-дахман”ни қозоқлар “Оқмон-тўкмон” дейдилар.

Яқинда Чинникул деган синиқ солувчи устадан бир ҳисобни ёзиб олдим. Маълум бўлишича, “овчилар Қамбар тўғалнинг биринчи куни Нуротага, иккинчи куни Умуртокқа сафар қилиш лозим эмас, деб ҳисоблаганлар”(7. – Б. 77–78).

Оқсок-тўксок уруғларининг космогоник нақлларига кўра, Хулкар ва Қамбар юлдузлари бир-бирини яхши кўрган йигит ва киз деб талқин этилади. Лекин уларнинг орасига Етти қарокчи тушиб, Хулкарнинг бир юлдузини ўғирлаб олиб, Қамбар ва Хулкарни уриштириб қўйган эмиш. Хулкар билан Қамбар то киёматгача юз кўрмас бўлибди. Хулкар чиқса, Қамбарнинг ботиши, Қамбар чиқса, Хулкарнинг ботиши шундан эмиш. Одатда, Хулкар қишда чиқади.

Ўзбек самовий афсоналарини тадқиқ этган фольклоршунос Маматқул Жўраев кўплаб самовий жисмлар қатори Хулкар юлдуз туркуми ва у билан боғлиқ тасаввурлар акс этган нақл, афсоналарни текшириб, “Хулкар юлдузи” “совуқ ҳаво эгаси” сифатида ҳам тасаввур қилинади” (86. –Б.35), деб ёзар экан, Эшон бува Абдиевдан ёзиб олган қизик бир афсонани келтиради. Афсонада айтилишича, Хулкар юлдуз ернинг остига кириб кетганидан кейин у жойда қанча кўп турса, хайвонларга шунчалик яхши бўлади, деб анланган. Ана шундай кунларнинг бирида туя, от, сигир, эшак, кўй, эчки келишиб, Хулкарни ер тагидан чиқармасликка аҳд қилишибди. Навбат билан Хулкар чиқадиган ерни бекитиб пойлаб турадиган бўлишибди. Эчкига навбат етганида, тоқати тоқ бўлиб, бу қачон чиқади, бир ўтлаб келай деб, ўйинга берилиб, Хулкарни унутибди. Бир пайт келиб қараса, Хулкарнинг боши кўриниб, чиқиб келаётганмиш. Эчки шошилиб туёғини тешикка босибди. Хулкар унинг туёғини тешиб, осмонга чиқиб кетган экан. Агар эчки вақтида олдини олганда, Хулкар ер остида қолиб, ҳамиша ёз бўлар экан (86. – Б. 35).

Нима учун афсонада Хулкар эчкининг туёғини ёриб чиқиб кетмоқда? Бу саволга жавобни кўклам билан боғлиқ тасаввурлар тизими тимсолларидан топамиз. Биз ишимиз аввалида эчкининг кўклам фасли зооморфик тимсоли эканлигини ёзган эдик. Айни нақлдаги эчки образи бевоси-

та ана шу кўклам хақидаги умумэтикодий карашларга бориб уланади. Қуйидаги халқ мақоллари ҳам буни тасдиқлайди. Масалан, “*Хулкарли ойнинг бари қиш*”, “*Хулкар тугди – ўт тугди*”, “*Хулкар уйдан кўринса, уч ойдан сўнг ёз*”, “*Хулкар ботди, хор-хор ётди*”.

Ушбу мақолларнинг ҳар бирида халқимизнинг фенологик календари билан боғлиқ билим ва тажрибалари, топинч-ишончлари мужассам. Хусусан, “*Хулкар ботди, хор-хор ётди*” мақолидаги “хор-хор” бевосита қуёш топинчи билан боғлиқ кекса қуёш Қўрқутнинг номи эканлигини илғаш қийин эмас.

Қамбар ёз вақтида чиқади. Хулкар ва Қамбар юлдузларининг йил давомида чиқиб ботишлари тартиби қуёшнинг муқаддас кўрутларидаги ҳаракатига ҳам уйғун келади.

Биз ушбу тадқиқотимизда келтирган жадвалдаги қиш ва ёзнинг йил давомидаги келиб кетиш тартиби, бири иккинчисининг батнида ҳомила топиб, туғилиши, камолга етиши ва ҳалок бўлиб, ер остига кириши билан боғлиқ мифологик тасаввурларга уйғун тизим Хулкар ва Қамбарнинг йил давомидаги ҳаракати билан ҳам боғлиқ ҳолда амалда бўлган. Қадимги вақтларда сак қоҳинлари ушбу уйғунликни яхши билганлар. Хулкар ва Қамбар тўғал ҳисоби ва етти кўрут тасаввурлари бунинг аниқ далилидир.

Етти муқаддас кўрут қуёш календари бўлса, Хулкар тўғал ва Қамбар тўғал ой ҳисоби билан юритилувчи тақвим ҳисобланади.

Зардушт ҳам ушбу ҳисоб-китоблар амал қилган муҳитда тарбият топган. Ўрта асрлар Ғарб адабиётида уни маг ва мунажжим деб ҳам талқин этилгани бежиз эмас. Зардушт замонасининг етук мунажжими бўлган. Аммо Зардуштни амалдаги таълимот кониктирмаган. У жавобини излаётган саволлар: бутун оламни ўз измига олган тартиб, Инсоннинг бу ердаги вазифаси, ибтидо ва интиҳо ҳамда барча нарса ва ҳодисалар, борлиқнинг асл яратувчиси ва мутлақ эгаси ким эканлиги жавобсиз қолаверган. Шундай қилиб, у ўттиз ёшга кирганида, чеккан заҳматлари мевасини тотди. Худди Гаутама Шакиямуна Билик дарахтининг тагида ўлмаслик давосини топганидек, Зардушт ҳам Наврўз тонгида муқаддас булоқ сувида чўмилиб, унинг қайноқ кўзидан хоама учун энг тоза сувни олиб, ортига ўгирилган вақти ҳавода муаллақ турган нурли хабарчига юзма-юз бўлди. Шундан сўнг Зардушт Ахура-Мазданинг ягона тангри эканлигини таниди. Ундан ваҳийлар ола бошлади. Ўзини қийнаган барча саволларга жавоб олди. Инсонни бу ҳаётда камолга етказувчи йўл “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” эканлигини англаб етди. Бошқаларни ҳам Аху-

ра-Маздага топинишга чорлади. Мазда таълимоти ташвикига астойдил киришди. Зардушт, аввало, ўз шериклари ва кохинларга янги диннинг афзалликларини тушунтириб, уларни ботил йўлдан қайтармоқчи бўлди. Лекин кохинлар уни ота-боболар динини бузишда айблаб, ораларидан қувишди. Зардуштнинг сак қавми орасидаги тарғиб ва ташвикоти ҳам зое кетди. Катта куч ва мавкега эга бўлган кохинлар уни сак ерларидан бутунлай бош олиб кетишга мажбур этишди ва Зардушт Сакастанада Кавий Виштаспа саройида ўз умматларини топди.

Зардушт илк бор Ахура-Маздадан ваҳий олган жой (кейинги манбаларда дарё деб талқин этилган) аслида Нурота қўрутидаги муқаддас булоқ бўлиши эҳтимоли кўпроқ эканлигини халқ орасида Нурота қадамжосига бўлган топинч ва бошқа ишонч-этикодлар қўллаб-қувватлайди. Чунки шу ерда кўклам келиши, йил бошланиши – Куёш ўғли тимсоли Гўрўғлининг туғилиши муносабати билан энг катта байрам, сайил ўтказилар эди. Кейинчалик сак қабилалари ўртасида ҳам Зардушт дини кенг ёйилгач, бу жойнинг мавкеи янада ортди. Бу ҳолнинг яна бир муҳим сабаби бор. Чунки Нурота қўрутида халоскор қахрамон (Гўрўғли, Кунтуғмишларнинг) туғилиши ҳақидаги тасаввурларни зардуштий қавмларнинг сувда сақланиб қолган Зардушт жавҳарининг бокира қиз батнига ўтиб, ҳомила пайдо қилиши ва бу қиздан туғилувчи фарзанднинг келажак халоскори бўлиши ҳақидаги тасаввурларга айлантиришди. Нағижада Куёш ўғли – Гўрўғли ва Зардуштий қавмларининг келажак халоскори ҳақидаги этикодлари уйғунлашиб кетди. Аслида инсониятни ёвузликдан, жамики бало-қазолардан қутқарувчи халоскорни сувда чўмилаётган бокира қиз илоҳий нурдан ҳомила топиб, ер юзига келтириши ҳақидаги қадим Куёш ўғли билан боғлиқ сюжетни Зардушт қавми янада ривожлантиришди. Нағижада бокира қизнинг Канасой кўлида сақланиб қолган Зардушт жавҳаридан ҳомила топиб, бўлажак халоскор – Саошйант дунёга келиши анъанаси қонунлашди.

Бизнинг назаримизда, ушбу тасаввурларнинг кенг ёйилишида бевожута Зардуштнинг ўз ҳаётида кечган илк ваҳий келиши билан боғлиқ таассуротлари ҳақидаги хотиралар ҳам туртки бўлган. Чунки пайғамбар жавҳари (уруғи)нинг Канасой кўли сувига тушиш мотиви тасодиф ёки уйдирма эмас. Эзотерик адабиётлардан маълумки, алоло (экстаз) ҳолатига етиб, космос, бутун борлик билан яхлитлик сезган, илоҳий илҳом келган кишида бехосдан жавҳар ажралиш ҳолати юз бериши мумкин экан. Зардуштнинг Нурота қўрутидаги Қутли хабарчи билан учрашгандаги руҳий

ҳолати айнан шундай ҳолат эди. Унинг жавҳари Нур кўрутидаги булоққа ва ундан шу булоқ суви ҳосил қилган кичик кўлга тушиши эҳтимоли ҳақиқатдан йироқ эмас. Алоло (экстаз) ҳолатда ажралган маънининг илоҳий ҳодиса сифатида англаниши эса барча динларга хос. Шу сабабли ҳам Нурота кўрути зардуштий қавм ўртасида нафақат Зардуштга ваҳий келган жой, балки унинг жавҳаридан келажак ҳалоскори туғилувчи макон сифатида ҳам муқаддас саналди. Зардуштий қавм орасида Нуротадан фарзанд сўраш мотиви янгича тус ва мазмун олди. Шу даврдан бошлаб халқ Нуротада куёш ўғли эмас, бевосита инсоннинг – пайғамбар зурриёди – халқ ҳалоскори сифатида туғилишига қаттиқ ишондилар. Ўз фарзандларининг халқ ҳалоскори бўлишига умид боғлаб, уни шу муқаддас кўрутда тангридан сўрашди, кўрутдаги илоҳий сувда чўмилиб, ичишди. Туғилган фарзандларига Нур номини кўшиб айтиш урф бўлди (аслида бу ном қадимда кут, кутли, кутлуғ бўлиши эҳтимолга яқинрок).

Зардушт Сакастанада Ахура-Мазда таълимоти ва диний маросимларини жорий этишда ўзи тарбия топган сак қоҳинлари мухитининг куёш туркум мифлари, маросимларини ҳам сингдирди. Бу биринчи навбатда “Авесто”даги олам тузилиши ҳақидаги тасаввурлар, туғилажак келажак ҳалоскори билан боғлиқ талқинларда ҳамда муқаддас олов – Атар эътиқотида, олов қаторида эъзозланиб қўлланилувчи барсман ўсимлигини зардуштий маросимларда етакчи ўрин тутганлигида кўринади.

“Авесто”даги барсман ўсимлиги қадим-қадимдан халқимиз барча маросимларида кенг қўллаб, инсу жинслардан, бало қазолар, дардлардан ҳалос этувчи тутатқи сифатида муқаддаслашган адрасман – исирик бутасининг айнан ўзи. Адрасман ўсимлиги мамлакатимизнинг дашт, чўлларида, хусусан, Нурота кўрути тегарасидаги катта ҳудудда кўллаб ўсади. Зардушт вафотидан сўнг Эрон ва Ҳиндистонда адрасман хивчин боғлами билан алмаштирилган бўлса-да, сак ва массагет авлодлари ўртасида адрасман – исирик бу кунгача муқаддас саналиб келмоқда. Халқнинг ирим билиб бешик билан исирикни савдолашмай сотиб олишининг ўзи ҳам бунинг оддий далилидир.

Зардушт ўз таълимотини умматларига тушунтирар экан, куёш туркум мифлари ва тасаввурларидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда анъанавий атамаларни ҳам қўллаган. Хусусан, “Ахура” атамаси таркибидаги “хур”, бизнинг назаримизда, куёш топинчидаги “бош тангри” номи билан боғлиқ *ҳур/ қўр/ гўр/ хўр* сўзига бевосита алоқадор бўлиши керак. Чунки кур, хур сўзи Зардушт даврига келганда ўз маъно кўламини кен-

гайтириб, “муқаддас илоҳ” маъносига ҳам эга эди. “Ахура” атамаси таркибидаги “хўр” аини маънони ташимокда.

Зардуштийларнинг муқаддас оловни “Атар” аташлари. “Атар” ўзагида атўт-олов бугунги ўзбек тилидаги энг фаол сўзлардан бири турганлиги баробарида оловга топиниш ва ва зардуштийликнинг Аму ва Сир худудида пайдо бўлганлигини янада тасдиқлайди.

“Авесто” матни ва у ердаги кўплаб атамалар этимологик нуқтаи назардан синчиклаб қараб чиқилса, бу рўйхат янада кўпайиши мумкин.

Зардушт умматларининг сони кундан-кунга ортди, унинг доврўғи узоқ-узоқларга кетди. Сак қавмлари орасида ҳам унинг тарафдорлари пайдо бўлди. Бу эса куёш топинчи қохинлари ташвишини орттиради. Қохинлар ота-боболар динини ҳимоя қилишнинг йўли ўзидан чиққан балони жисман йўқ қилиш деб билдилар ва айнан Зардушт ўз қавмидан чиққан қохин ханжаридан ҳалок бўлди. Натижа эса акс таъсир этди. Зардушт таълимоти янада кенг ёйилди, охир-оқибат Зардуштийлик кўпчилик сак ва массагет қабилаларининг асосий динига айланди. Бу ҳолат эса ўз навбатида, куёш туркум мифлари ва мавсумий маросимларининг янги воқеликка мослашувини талаб этди.

Бу вақтларга келиб, бош топинч объекти бўлган олов диний, мавсумий маросим ва кундалик ибодатларнинг адрасман (барсмон) қаторидаги унсурига айланди.

Куёш туркум мифларининг иккинчи босқичи куёшнинг эзгулик тимсоли сифатида ёвуз кучларни даф этувчи хизмати етакчи мавкега чиқди. Куёш ўғли – Гўрўғли, Кўрўғли сюжетини билан бир қаторда Зардушт жавҳаридан ҳомила топиб туғилувчи халоскор қахрамон билан боғлиқ нақллар оммалашди.

Етти муқаддас кўрунлар яхлитлиги тизим сифатида сақлаиб қолган бўлса-да, улар билан боғлиқ кечувчи маросимлар ҳам зардуштий таълимотга уйғун равишда янгиланди. Айниқса, кўклам ва халоскор қахрамон ҳомила топиб туғилувчи ҳозирги Нуротадаги кўрун мавкеи етакчи ўринга чиқди.

Куёш туркум мифлари ва мавсумий маросимларининг иккинчи – Зардуштийлик даври босқичи таҳлили юқорида ўртага қўйилган саволга ҳам жавоб беради.

**Учинчи босқич.** Александр Македонский истилоси давридаги ҳолат:

Маълумотларга кўра, Искандар “Авесто”ни куйдирган деб қаралади. Нурота ҳақидаги нақлнинг “Искандар Зулқарнайн Нурота чашмасини

кўриб, тошларини кўйган деб ривоят қиладилар” деб айтилиши замирида ҳам Нурота кўрутининг Зардушт умматлари орасидаги муқаддаслигини кўриб, Искандарнинг ўз мафкурасини тиклаш мақсадида айнан шу ерда юнон худоларидан бири шарафига ибодатхона курдиргани эҳтимолдан холи эмас. Лекин бу уриниш Искандар ҳукмронлиги тугаши билан ўз-ўзидан йўққа чиққан кўринади.

**Тўртинчи босқич:** Ислол маданияти ёйилгандан кейинги давр. Ислол дини ўзига муҳолиф бўлувчи барча диний эътиқод ва топинчларга қарши курашди. Бу йўлдаги таъсирли ҳаракатлардан бири маҳаллий халқлар зиёратга келувчи, муқаддас сановчи жойларга масжидлар куриб, уларни исломий ўзанга буриш бўлди. Бу иш айнан Нурота кўрутида ҳам амалга оширилди. Халқ хотирасидан муқаддас кўрут, зардуштийлик эътиқодини мутлақ сидириб ташлаш мақсадида жой номлари ҳам ўзгартирилди. Натижада Зардуштийликнинг энг мўътабар зиёратгоҳи Нур, Нурота деб юритилди. Ўз-ўзидан Куёш ўғли билан Гўр/Кўр ўғли ёнма-ён келаётган келажак халоскори образининг номи ҳам Нуротага айланди. Бу сюжет мустақил равишда Хоразм халфалари репертуарида бизгача етиб келди.

Тазйик ва таъқибларнинг кучли бўлишига карамай, Нур эътиқодини халқ хотирасидан ўчириш имкони бўлмади. Наршахий даврида халқнинг Нур билан боғлиқ кўҳна эътиқодлари тўла унутилмаган эди. Шу сабабли ҳам Наршахий “Бухоро ҳолиси бу ишда кўп муболага қиладилар!” – деб ёзди. Нурота ва унинг тегарасидаги қадамжолар халқнинг куёш топинчи, етти муқаддас кўрут, ёзнинг ва куёш ўғли – Гўрўғли, Зардушт, халоскор қахрамонга алоқадор тасаввур, эътиқодлар изини бу кунгача саклаб келмоқда.

Ушбу бобда кўриб чиқилган масалалар юзасидан ушбу умумий хулосаларга келинди:

– Наврўз байрами, кўпқари мусобақаси, маросимий таомлари, турли кўшиқ-айтим ва рақслари мағзида келаётган халқнинг куёш туркум мифлари ва ўлиб-тирилувчи борлик билан боғлиқ тасаввурлар оламининг “Гўрўғли” дostonининг асосий мотив ва образлари талқинига уйғун келиши дostonнинг ушбу ишонч ва дунёқарашлар замирида пайдо бўлганлигини тасдиқ этди.

– Куёш топинчи билан алоқадор қадамжолар, етти кўрут, Хулқар, Қамбар тўғал йил ҳисоблари, зардуштийлик ва халоскор қахрамон ҳақидаги ишонч-эътиқодларнинг “Гўрўғли” дostonи генезисини ойдинлаштиришда таянч дунёқарашлар тизими вазифасини ўтайди.

–“Гўрўғли” достонининг бобосюжети айнан Сирдарё бўйлари, Орол денгизи агрофлари, Туркистон кенгликларида пайдо бўлганлиги далилланди.

– Достон Марказий Осиёга Кавказдан келган деб қаралувчи фаразнинг бирёклама эканлиги, аксинча, ўғуз кабилалари ушбу сюжетни Кавказ ва Кичик Осиё ҳудудларига олиб бориб, кейинги давр тарихий воқеалари асосида сюжетнинг янгиланганлиги ойдинлашди.

– “Гўрўғли” достонининг ядроси сақ, массагет ва ўғиз эпик аъаналари асосида эрадан аввалги минг йилликлар яратилиб, босқичма-босқич сайқал топиб, тўлиқ бадий-эстетик сатҳга ўтганлиги исботланди.



## VI БОБ

### Достоннинг сўнги давр тадрижий босқичлари. Этнос ва эпос

“Гўрўғли” эпоси воқелигини асословчи дунёқараш, эпик мафкура ва тарихий воқеалар билан боғлиқ қатламларни умумлашма тарзда шартли уч қатга даврга бўлиб кўрсатган эдик.

1. XVI аср охири XVII аср бошларида Жанубий Озарбойжонда кечган воқеалар, Жалолийлар ҳаракати билан изоҳланувчи мотив, воқеа ва образлар.

2. Араб истилоси акс-садолари ва ислом мифологияси билан боғлиқ изоҳланувчи мотив, воқеа ва образлар.

3. Исломий мафкура, дунёқараш ва маълум бир тарихий воқеалар, ҳодисалар билан изоҳлаб бўлмайдиган “сирли” воқеалар, мотивлар ва образлар.

Ушбу шартли гуруҳлардан учинчи бўлинмага тегишли мотив ва воқеалар, образларни бутун иш давомида атрофлича тадқиқ этиб, таянч мотивлар ва етакчи образларнинг туб асослари аниқланди. Уларнинг асосий ривожланиши – эволюцион босқичлари кўриб чиқилди. Бевосита мавзу талабларидан келиб чиққан ҳолда достоннинг кейинги, биз шартли бир (1) ва икки (2) деб ажратилган даврларига ҳам тўхталиб ўтиш навбати етди. Бизнинг бу давраларга нисбатан умумий ҳолатда қисқача тўхталаётганимизнинг маълум объектив сабаблари бор.

Аввало, шартли биринчи давр – XVI аср охири, XVII аср бошларида Жанубий Озарбойжонда кечган воқеалар, Жалолийлар ҳаракати билан боғлиқ тарихий асос тадқиқотчилар томонидан атрофлича ўрганилган. Ҳеч шак-шубҳасиз, Жалолийлар ҳаракати ва шу хил воқеалар бевосита Озарбойжон “Кўрўғли” достонига кучли таъсирини ўтказган. Тадқиқотчиларнинг бу пайтгача дoston генезесини шу давр воқеалари билан боғлиқ талкин этишлари бежиз эмас. Бу воқеалар силсиласининг дoston сюжетига сингишуви, ўз навбатида, Кавказ орти версияларидаги Сирдарё бўйларидан ўғуз қабилалари олиб борилган кўҳна сюжетнинг бир қатор етакчи мифологик йўналишлари реаллашди, тарихий, ҳаётий

асосга кўчди. Хусусан, бу версиялардаги қаҳрамоннинг туғилиши билан боғлиқ сюжет ҳалқасининг тушиб қолганлиги бевосита ушбу “тарихий-лашиш” жараёни билан изоҳлаш мумкин. Аслида ушбу версияларда ҳам қаҳрамоннинг туғилиши билан боғлиқ мотивнинг бўлганлигини айни версияларнинг бугунги ҳолатидаги эпик от образи талқинидаги мифологик қатлам ва бошқа қатор «сирли» мотивлар мантиқан кўрсатиб турибди (Озарбойжон версиясидаги “кўшабулок” мотиви).

Иккинчидан, достоннинг Кавказ версияларига бағишланган тадқиқотларнинг хулосаларига биргина ўзгартириш киритилса, масала бутунлай ойданлашади. Яъни Сир бўйларида шаклланиб, анъаналашиб қадим мифологик асосда ривожланган эпос сюжети XVI-XVII асрларга келиб Жалолойлар ҳаракати билан боғлиқ тарихий воқеалар асосида янгидан сайқал топиб, ўзининг сўнги, муҳим редакциялардан бирини бошдан кечирди. Достоннинг Марказий Осиё, хусусан, ўзбек версиялари материали ушбу хулосани беради.

“Гўрўғли”/“Кўрўғли” достонининг етакчи версиялари бизнинг кунимизгача ўзгаришсиз, қотиб қолган ҳолатида етиб келди, деб тушуниш бир ёқлама фикрлаш бўлади. Улар доимий равишда сайқал топди, сараланди. Бу ҳолатнинг икки муҳим сабаби ва сабабчилари мавжуд.

Биринчидан, достон ривожи, сайқал топишини таъминловчи катта достончилик марказлари – мактабларининг мавжуд бўлганлиги.

Иккинчи, “Гўрўғли”/“Кўрўғли” достонининг тарқалишида асосий робитачи бўлмиш маълум ўғуз-туркман қабила бирлашмалари ва уруғларининг узлуксиз равишда Ўрта Осиё билан Касбий бўйлари ва Кичик Осиё худудларига бориб-келиб туришлари, шу жараёндаги этник ва маданий-адабий алоқаларнинг кечганлиги.

Ўзбек “Гўрўғли” туркумига мансуб асосий версиялар ўзаро киёслиниб, уларни ижро этувчи бахши-шоирлар мансуб достончилик марказлари – мактаблари ва бу марказларнинг ядросини ташкил этувчи ижрочиларнинг этник тарихига назар ташланса, қизик бир ҳолатнинг гувоҳи бўламиз.

Диққат қилинса, биз ишимизда достоннинг ўзбек версияларини икки катта гуруҳга ажратган эдик. Яъни:

1. Ҳомила табиий, қаҳрамоннинг туғилиши ғайритабиий.
2. Ҳомила ҳам қаҳрамоннинг туғилиши ҳам ғайритабиий. Биринчи гуруҳга достоннинг Кўрғон версияси (Пўлкан шоир варианты, Эгамберди Оллоберган ўғли варианты, Раҳматулла Юсуф ўғли варианты), Кўрғон

версиясига деярли якин Ҳайдар Бойчаев версияси ва Амин шоир Малик ўгли версияси киради.

Иккинчи гуруҳга Фозил шоир версияси, Лақай версияси, Тош шоир версияси, Наманган версияси киради.

Мавжуд версиялардан фақат биринчи гуруҳга мансуб Қўрғон версияси Каспий бўйи версияларига анчагина якин келиши билан характерли. Бу яқинлик эса биринчи галда, Қўрғон дostonчиларининг асосиши ташкил этувчи бахши-шоирлар мансуб, ўзбекнинг туркман (фанда “Нурота туркманлари” деб номланади) уруғи тарихи, тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

Нурота туркман уруғлари тарихи IX-XII асрлар давомнда Сирдарё бўйлари (Нурота ва Туркистон тегараларини қамровчи қатга худуддан) Каспий бўйлари ва бошқа тарафларга кўчган ўғуз қабилалари тарихига бориб боғланади (40. – С. 227, 229; 113. – С. 135,158).

Нурота тоғ оралари қадимдан ўғуз қабилаларининг маълум уруғларига доимий қишлоқ вазифасини ўтаганлиги. Жўш қишлоғи тепасидаги эски қабристон бу уруғларга мансуб марҳумларнинг (у қаерда вафот этмасин) мангулик макони бўлганлиги хусусида юқорида ҳам айтиб ўтилган эди.

Бугунги Нурота туркман уруғларининг асосий қисми ўғузларнинг йигирма тўрт қабиласидан бири – Салорларнинг Оқмон ва Қорамон бўлимларига тааллуқлидир.

Нурота туркман уруғлари тарихий афсоналарида Оқмон, Қорамон подшо сифатида кўрсатилиб, уруғ номи эса Оқсоқ, Тўқсоқ деб юритилди. Раҳматилла Юсуф ўғли ҳам уруғларининг умумий номини “бизнинг Оқсоқ-Тўқсоқ тароқимамизда” деб айтиб ўтган (7. – Б. 78).

Бизнингча, Оқсоқ-тўқсоқ уруғлари ўз вақтида Салор қабила бирлашмалари таркибига кирган бўлиши керак. Фикримизни Нурота турманларига тааллуқли қахрамон уруғини Салор деб аташи ва ҳозиргача шу номда аталиб келиши тасдиқлайди.

Тарихдан маълумки, ўғузлар ўртасидаги ҳокимият Салорлардан Қиниклар қўлига ўтгач, Салор уруғлари дунёнинг турли тарафларига тарқалиб кетади. Бугунги кунда биз Салор уруғига мансуб гуруҳларни Ўрта ер денгизи бўйлари, Эрону Ҳиндистон, Хитойу Сибир, Волга ва Қора денгиз агрофларида яшовчи турли туркий халқлар таркибида кўра-миз. Уларнинг барчалари тарихий ватанлари сифатида Туркистон ва Нуротани эслашлари турли муаллифлар томонидан қайд этилган (113. – С. 151-152; 165. – С. 25-27, 461; 40. – С. 227-229).

Нурота туркман уруғларининг тарихий афсоналарида уларнинг Туркистон атрофида яшаганликлари ва йўлбошчилари Оқмон, Қорамоннинг Хўжа Аҳмад Яссавий билан келиша олмай, унинг қарғишига учраб кавмини Нуротага бошлаб келганликлари, уруғнинг асосий қисми Каспий бўйларига кетганлиги, улар эса шу ерда ватан тутиб колганлиги хикоя қилинади.

Хитойда яшовчи Салор элатининг тарихий афсоналари эса нуроталик уруғдошлари тарихий афсонасининг давоми бўлиб, улар ўзларини Самарқанд атрофидан келганлиги, Оқмон ва Қорамон подшонинг фуқаролари бўлиб, ўзаро уруш туфайли элатдошларидан ажралиб, у ерларга бориб колганлигини айтишади (164. – С. 61; 165. – С. 56; 113. – С. 142-144; 40. – С. 227-229).

Айни пайтда Каспий бўйларига кетган бир қатор уруғлар яна Нуротага қайтганлар. Хусусан, Нурота туркман уруғларининг бир гуруҳи саналмиш Манғишлов уруғи олимлар томонидан ана шундай “қайтиб келувчи”лардан деб санаб ўтилади. Нурота туркман уруғлари ва уларнинг Каспий бўйига кетган уруғдошлари ўртасидаги алоқалар турли шаклларда то XIX аср ўрталаригача давом этган (113. – С. 147).

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Кўрғон дostonчилари ижро этган “Гўрўғли” дostonининг бошқа ўзбек версияларига нисбатан Каспий бўйи версияларига яқинлиги ва серқатламлиги, юқорида қараб чиқилганидек, Нурота ва Каспий бўйи туркманларининг маданий-тарихий алоқаларининг мевасидир.

Кўрғон дostonчилик мактаби тарихига кенгрок қараб чиқиладиган бўлса, Нурота туркман уруғлари тарихидир. Нурота туркман уруғлари тарихи эса турк қабила бирлашмаларининг катта бир гуруҳини қамровчи ўғузлар тарихига бориб боғланади. Такдир тақозоси билан Кўрғон дostonчилари улкан тарихий воқеалар гирдобидида оққан халқ – қабилалар таркибидида бўлди, бу воқеаларни кўрди, кузатди, кўнглидан кечирди ва ўзи куйлаган дostonларига сингдирди. Шу маънода, “Гўрўғли” дostonининг “Кўрғон” версиясидаги бош қаҳрамон – Гўрўғли образининг ҳар жиҳатдан сайқал топишида Нурота туркман уруғлари орасида етилиб чиққан халқ қаҳрамонлари ҳаёти ҳам ўз хизматини ўтади. Хусусан, Қозаёкли уруғи (Кўрғон дostonчиларининг асосий уруғи шу уруққа мансуб)нинг катта бир бўлинмасига ўз номини берган Халқомон ҳақидаги тарихий афсоналарни “Гўрўғли” дostonига киёсласак, улар ўртасидаги яқинлик яққол кўзга ташланади.

“Тубини Ўрта уста дейди (Қазаёкли уруғининг Қизил жудрук бўли-маси бобоси). Исми бошқача бўлишиям мумкин. Ўрлада темирчилик қилганига шундай дейишган. Бир ривоятга кўра, Қизил Ўрдадан келиш-ган, дейилади. У вақтлар темирчилик олдинги касбдан ҳисобланган. Ав-вал Қизил Жарда ўтиришган, кейин ҳозирги Кўрғон ўрнида Кўрғон со-либ кўпайишган. Устанинг тўрт ўғли бўлган: Ўр уста, Ер уста, Сори уста, Кўйчи Сори.

Шунда ёвгарчилик бўлиб, Ўр уста Қалмоқ юртига аср тушиб ўлган. Ўр устанинг хотинининг бўйида гумонаси бўлиб, бориб қалмоқнинг юртида ўғил туккан. Онаси, эл омончилик бўлсин, деб отини Халқамон қуйган. Халқамон ўсиб, улғайиб қалмоқнинг болалари билан курашиб бирини йикитиб кўяди. Шунда ҳалиги бола уни отасиз бино бўлган бола, деб ҳақорат қилади.

Халқамон келиб онасидан отасини сўраганида, онаси айтадики, се-нинг отанг Ўр уста эди. Октовга борсанг, Сори уста отанг бор. Қора товда Ойтамғали тоғанг бор. Адашсанг ойга қараб тус тани, деб йўлга солиб юборади.

Ойтамғали ҳозирги Мушкентда ўтирган. Халқамон келиб тоғасини топади. Тоғаси унга кўйларини боқтириб кўяди.

Бир кун кўй Қизилқумга кочган. Халқамон неча бир кунларда то-пиб келиб кўйнинг ичида ухлаб ётса, тоғаси келган. Келиб қараса, Халқомоннинг бошидан ёруғлик чикиб турган. Яқин келиб кўрса, тел-пагидан чиқаётган экан. Телпаги шобдор эканда, шунда тоғаси бу бо-лада бир сир бор, деб отаси Сори устанинг қўлига юборади. Сори уста Халқомонга, “ўзи келди”, деб лакаб кўяди. Сори уста бу бола акасининг ўғлими, ўғли эмасми, шубҳаланиб юради. Айтишларича, Халқомон доим ниманингдир устида ўтирар экан. Сори уста, “бу курғур бир нима бўла-ди, бўлмаса ерга ўтирарди-да”(268А), дейди. Сори устанинг иккинчи акаси Ер уста ўлиб, ундан бир қиз колган эди. Укаси Кўйчи Сори чорва-дорлик билан машғул бўлиб бўлак кўрғон қилиб чикқан эди. Сори уста-нинг хотинлари Халқомонга Ер устанинг қизини олиб бермоқчи бўли-шади. Шунда Сори уста бир туш кўради. Тушида бир минор, минорнинг устида ёнғоқ, ёнғоқнинг устида Халқамон Сори устанинг болаларига ёнғоқ олиб ташлаётган эмиш. Сори уста бу тушидан бир фазилат сезиб, ўз қизини Халқомонга никоҳлаб беради. Халқамон урушларда катнашиб, жасоратлар кўрсатиб, беклик мартабасигача кўтарилади. Нурота ўр-тасида кўп беклар Халқомон авлодидан чикқан. Байрамали, Урганжи

қишлоқларининг боболари ўз вақтида бориб, у шаҳарларда беклик қилиб қайтиб келишган дейишади (268А).

Диққат қилинса, бу тарихий афсонадаги ушбу мотивлар:

- қахрамон ота-онасининг душман юртга аср тушиши;
- қахрамоннинг душман юртида туғилиши;
- етим ўсиши;
- қахрамоннинг таҳқир тазйикидан ота юртга келиши;
- қахрамоннинг “ҳомийлари” назарига тушиши;
- қахрамоннинг улғайиб юрт дарғасига айланиши.

“Гўрўғли” достонидаги ўзак мотивларга уйғун келиши билан характерли.

Бу ҳолат эса ўз-ўзидан “Гўрўғли” достонининг “Кўрғон” версиясида ушбу дostonчилар мансуб бўлган уруғ-қабилa тарихи, тақдири ҳам ўз аксини топганлигидан далолат беради.

Достон сюжети тадрижида шартли равишда иккинчи гуруҳ сифатида ажратган “араб истилоси акс-садолари ва ислом мифологияси билан боғлиқ изоҳланувчи мотив ва образлар” деб номланган даврнинг ҳам “Гўрўғли” дostonлари ривожидa алоҳида ўрни бор. Хусусан, мифологик рақибнинг Араб Райҳон образига айланиши дoston сюжет йўналишида катта бурилиш ясади.

Иккинчидан, қахрамон ҳомийлари шомонлик илоҳларидан исломий авлиё ва пайғамбарларга айланишди. Бу ўринда Хизр ва чилтан образларнинг бу кунги ҳолати назарда тутилмоқда.

Учинчидан, эпик от Ғиркўк образининг реал отга айланувидa арабий отлар иштирокининг бадий талқини масаласи. Бу хусусда Ҳоди Зариф атрофлича тўхталган (92. – Б. 65–89).

“Гўрўғли” туркум дostonларидаги ислом дини, исломий дунёқараш ва эътиқодлар билан боғлиқ қатлам алоҳида тадқиқотларни талаб этади. Биз ишимизнинг мавзу доирасидаги маълум чекланиш ва ҳажм нуктаи назаридан бу мавзуга атрофлича тўхталмай, умумий қайдлар билан чегараланмоқдамиз.

Демак, “Гўрўғли” дostonининг тадрижий босқичларида биз алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтган бу уч катта даврнинг ўзига хос ўринлари мавжуд. Дoston сюжети ва у билан боғлиқ бош қахрамонлар ҳаёти бу даврларда ўз замонаси талабларига мос равишда таҳрир қилинди, янги талкинлар олди.

Эпос ва Этнос. “Гўрўғли” мифологик заминда пайдо бўлган дoston эканлигини бевосита эпос материаллари мисолида аниқ кўрдик.

Мифологик асосда ривож топган эпосларнинг бош қаҳрамонлари дастлаб ярим тангри, ярим одам, яъни тангрилар ва одамлар дунёсининг элчи – боғловчилари бўлишган. Улар тангрилар тартибини одамлар ўрта-сида ёювчи йўлбошчилар ҳисобланган.

Гўрўғли ҳам шундай ибтидода Куёш тангрисининг ўғли ва ердаги элчиси эди. У борса келмас юрт вакили – кишни қувиб ёзни келтирар, ўлик табиатга тириклик берар, доимий ҳаракатда бўлган табиатнинг икки қутби (ёз ва қиш – эзгулик ва ёвузлик)нинг бир томони сифатида ўз ҳукмини юргизар эди.

Вақтлар ўтиши билан ундаги кўк (тангрилик) хусусият ва сифатлар палласи ер (одамлик) томон оғди. Гўрўғли тўлик равишда халқ йўлбошчиси ва ҳукмдори (сохибқирон)га айланди. Эпос воқеалари эса халқ ҳукмдори, йўлбошчиси ҳаётини кўрсатишга уйғунлашди. Янгича талкин ва асослашлар олди. Айни пайтда қаҳрамон ҳаёти ва тақдири халқнинг ҳаёти ва тақдирига айланди. Шу маънода, “Гўрўғли” достонини халқимиз “тақдирномаси” дейиш мумкин. Эпоснинг, хусусан, “Гўрўғли” эпосининг халқимиз “тақдирномаси” эканлиги ҳақидаги сўз шунчаки айтилмаяпти. Бизнинг бу фикрга келишимизга эпос воқеалари ва халқ тарихини қиёсий мушоҳададан ўтказиш натижалари асос бўлмоқда.

Авалло, қаҳрамон туғилиши арафасида у мансуб бўлган халқнинг сиёсий аҳволи, мавқеига эътибор берайлик. Ана шунда қаҳрамоннинг ўз халқи тақдирининг – тарихининг қандай ҳалқасида, қандай шароитда дунёга келганлиги аён бўлади. Унинг зиммасидаги тарихий миссия нимадан иборат эканлиги англашилади.

Бевосита дoston воқеаларига диққат қилайлик. Достоннинг Кўрғон-Пўлкан версияси шундай бошланади: “Бурунги замонда Ёвмит деган эл, Мари деган яна бир кўрғон бор эди...” (19. – Б. 7). Бу бошланма туғилажак қаҳрамоннинг бўлажак ота-онаси, наслу насаби ҳақида тингловчига тўлик ахборот бериб, уларнинг Шохдорхон юртига асир тушиб кетгунигача давом этади.

Бошламадан англашиладики, бўлажак қаҳрамон эпик туркман халқининг икки қатта гуруҳи – Ёвмит ва Така элини қон жиҳатидан бирикуви натижасида оламга келмоқда. Яъни Гўрўғли ота томондан эпик Ёвмитларга, она томондан Такаларга бориб боғланмоқда.

Қаҳрамон туғилиш арафасида эса Одилхон расман эпик Така-Ёвмит элига хон бўлса-да, Ёвмитлар ўз ҳолича Такалар алоҳида, ҳатто Мари каби кўрғонлар ҳам мустақил сиёсат юргизиб яшаётганлигини кўрамыз. Катта мамлакатнинг майда хонликларига, бекликларга бўлиниб, уларнинг ўзаро ички урушлар олиб борганликлари ҳам шажарада ўз аксини топган. “Марининг беги Қовуштахон Ёвмит элининг хони Одилхон подшонинг бозорчи савдогарларини йўлда танлаб олди” (19. – Б. 7). Натижада Одилхон подшо Мари кўрғонини вайрон қилиб, Қовиштихонни тўпга солиб отдириб юборади. Ўғли Тўлибойни эса ўлдирмай тарбиялади. Вояга етгач, “бу ҳам ўзимнинг суягим-да” (19. – Б. 7), деб қизи Биби Ойшани берди. Кўриниб турибдики, мамлакат подшозодалар ўртасида пароканда бўлиб, уларнинг ҳар бири тахт даъвосида ўзаро кураш олиб бормоқда. Бундай шароитда қолган мамлакат кўшни кучли давлат тазйиқида бўлади, сиёсий қарам ёки тўлик мустамлакага айланади.

Демак, қаҳрамон туғилиш арафасида эпик Така-Ёвмит эли ўз бирлигини, куч-қудратини, ўзаро ички урушларда йўқотган эди.

Бундай мамлакатда, элининг қатгаю кичиғида – подшосидан подасигача орият, номус, қадрият қолмайди.

Ҳамма тарикдай тарқок яшайди. Қориннинг ғамида ҳаммаси ёлғон гапиради, ўз ёлғонлигига ўзларини ишонтириб, ёлғонларга ростдек кўникиб қолишади. Бу ҳолат дostonнинг икки ўрнида жуда аниқ ифода этилган.

Биринчи Гаждумбек, Биби Ҳилол, Равшанларнинг асир тушиб кетганларида ҳеч қимнинг хаёли қалқимаганлигида бўлса, иккинчиси анча батафсил очик-ойдин тасвирланган.

Райҳон араб Ёвмит элининг сардори Аҳмадбекнинг хотинини олиб қочиб кетди. Ёш Гўрўғлидан бошқа ҳеч ким бу ишни фожеа сифатида қабул қилмайди. Гўрўғли одамлардан араз қилиб Болли кўлига чиқиб кетди. Шунда у ёнига келган хабарчидан сўрайди:

“...– Элда ҳеч гап-сўз, маслаҳат бўлдими?”

Булардан бири айтди:

– Ҳамманинг ҳам кўнгли қора.

Гўрўғлибек:

– Райҳон подшо, элни йиғамиз, кўпчилик лашкарни уямиз, Гўрўғлини сардори лашкар қиламиз, Ширвоннинг элига аскар тортиб борамиз, Райҳон подшони ўлдирамиз, Холжувоннинг лотини оламиз, хазинасини барча аскарларга талатамиз, деб айтмадими? Мен, маслаҳат бўлар, деб



хар куни пойлаб ётибман. Хабар йўк, – деди. Келган одамлардан бирови айтди:

– Ундай чоқ сўз, маслаҳат бўлгани йўк.

Гўрўғлибек, “беномуслар”, деб сўкиб-сўкиб бир хилини ўлдириб, бир хилларини бураб синдириб қолди, қолгани қочиб шаҳарга кирди” (19. –Б.106). Аҳмад сардор ҳам барча воқеадан хабар топгач, “Хайр, тақдирда” деб парвойига келмайди (19. – Б. 107).

Гўрўғли ана шу пароканда, кадрина англамаган авлодга қарама-қарши туғилган янги авлод вакили. У юртни кон жиҳатидан ҳам, худудий жиҳатидан ҳам, ор-номус жиҳатидан ҳам бириктирувчи, мамлакатни ички ва ташқи душманалардан ҳам жисман ҳам руҳан халос этувчи қаҳрамон – янги авлод дарғаси бўлиб туғилади. Л.Н. Гумилов бу хил одамларни пассионар одам сифатида тадқиқ этган (67. – С. 82–83).

Қиёс этиб қаралса, табиат ва жамият қонунлари ўртасида кўз илғамас, ҳайратланарли даражада уйғунлик мавжуд. Худди киш бағнида баҳор етилиб, баҳор қўйнидан қиш туғилиб келишидек, душман батнида халқ халоскори етилади ҳамда улўғ давлатлар таназзули ҳам унинг ичида пайдо бўлади.

“Гўрўғли” достони мағзидаги мифологик асос, яъни ўлик оламдан тирик оламнинг яралиши ҳақидаги табиат ҳодисасини изоҳловчи миф моҳиятан ўзгаришсиз жамиятнинг яшаш ва ривожланиш тарзига – этносларнинг пайдо бўлиши, кучга эниб, таназзулга учраши ҳодисасини изоҳлашга кўчди. “Ўлиб-тирилиш” кенг маъно қамровини олди. Янги талқинлар пайдо бўлди. “Гўрўғли” достонининг асос мағзи ана шу ҳодисани акс эттиришида намоёндр.

Гўрўғли ота-онасининг Заргар подшоси Шохдорхонга ёшлигида асир тушиб, душман юртида топишишлари. Гўрўғлининг душман юртида туғилиб улғайиши, унинг ва ота-онасининг ватанга бўлган муҳаббатлари, интилишлари ҳамма-ҳаммасининг мағзида юрт бошида тушган кулфат фожеа акс этган. Равшаннинг ўзи шахзода бўла туриб кул сифатида сотилиши, Гаждумбекнинг Шохдорхон саройида мулозимлик қилиши замирида бу фожеа янада бўртиброк кўринади. Турк халқи тарихида ушбу ҳолат бот-бот такрорланиб турган. Айни ҳолатнинг умумлашма, барча даврларга мос келувчи картинаси “Култигин битиги”да жуда аниқ баён этилган.

“... Хоконлик қилиб турган ҳоконни йўқотиб юборган. Табгач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан кул бўлди, сулув киз боласи билан

чўри бўлди. Турк беклари туркча отларини ташлади. Табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, Табғач хоконига қарам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини сарф қилибди. Шарқда – кун чиқарда Бўкли хоконига лашкар тортиб борибди. Табғач хоконига туркларнинг давлатини, ҳукуматини олиб берибди... Турк фуқароси, барча халқ шундай дебди: “Давлатли халқ эдим, давлатим энди қани? Кимга давлатни эгаллаб бера-япман? – дер экан. – Хоқонлик халқ эдим, хоқоним қани? Қайси хоқонга меҳнатимни, кучимни сарф қилаяпман? – дер экан. Шундай деб Табғач хоконига қарши бўлибди. Қарши бўлиб қувилиб, ўзини тиклашга умид қилиб, яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кучини сарф этганини андиша қилмай, Табғач хоқони Турк халқини ўлдирайин, уруғин қирайин”, – дер экан ва уни йўқотиб бораётган экан. Аммо юқорида турк осмони, туркнинг муқаддас ери, суви шундай дебди: “Турк халқи йўқ бўлмасин!” деб “халқ бўлсин!” деб, отам Элтариш хоқони, онам Элбилга хотунни тангри ўз мартабасида тутиб, юқори кўтарган экан...” (37. – Б. 25).

Айни сўзни Доро ва Кир босқинлари, Искандар ва араб истилоси, мўғуллар ва сўнгги рус мустамлакачиларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Култегин сўзлари айни пайтда, Гўрўғли уй-кечинмалари, дардлари, армонларига ҳам уйғун. Култегин ҳам Гўрўғли ҳам тўлиқ пассионар шахслардир. Этнос ва пассионарлик назариясининг етук тадқиқотчиси Н.Л.Гумилев тарихдаги халқлар ҳаётидаги юксалиш ва таназзул ҳолатларини, ундаги шахслар ҳаётини ўрганиб, шундай хулосаларга келганки, киши беихтиёр олим бу хулосаларни “Гўрўғли” дostonи асосида яратганми, деб айтиши ҳам мумкин. Бу уйғунлик бир жиҳатдан Н.Л.Гумилев назариясининг ҳақиқатга қанчалик яқинлашганлигини кўрсатса, иккинчидан эпосларда халқ тарих ва тақдирининг асосий кодлари, бадий образлар шаклида намоён бўлганлигини англатади.

Н.Л.Гумилев ёзади: “...Пассионарлик – бу турли табақаларнинг ҳаётдан қониқмаслиги... пассионарлар ўз қабилаларини хузур-ҳаловатидан маҳрум қиладилар, бироқ уларсиз қавм ҳимоясиз бўлиб қолади...” (68. – С. 46).

Чиндан ҳам Равшан, Гаждумбек Биби Ҳилол ва Гўрўғли ўз ҳаётларидан, бу гарзда яшашларидан норози эдилар ва курашдилар. Уларнинг кураши турли даражада ўз қабиладошлари тинчлигини бузди.

Олим пассионар шахсларга хос хусусиятларни тарихда улкан салтанатларга асос солган Модэ, Темучин каби жаҳонгирлар ҳаёти мисолида кўрсатади. Қизиғи шундаки, кўпчилик пассионар шахсларнинг ҳаёти ва тақдирлари ҳам ўхшашлигини кўрамыз. Эътибор берайлик, Н.Л.Гумилев Хун салтанати асосчиси Модэ ҳақида шундай фикрларни келтирган:

“Хун” маъноси Туман тожу тахтини гўзал жориясидан бўлган суюкли ўғлига топшириш учун катта ўғли Модэдан халос бўлиш эвазига кўшни мамлакатларнинг ҳар қандай талабларини қабул қилишга тайёр эди.

Туман ва унинг сафдошлари эскича руҳда тарбия топган сахро лўтти-бозларидан эдилар. Агарда ҳамма хунлар улардек бўлишганида, биз бугунги кунда уларнинг бирортасининг номини ҳам билмаган бўлар эдик. Бироқ навқирон хунлар орасида ғайратли, тадбиркор, ватанпарвар янги пассионар авлод қад тиклаб келарди. Шахзода Модэ ана шулардан бири эди. Отаси ўғлини суғдларга гаров сифатида бериб, атайин улар Модэни ўлдирсинлар, деб суғдлар устига юриш қилди. Аммо жасур Модэ душман исканжасидан қутулиб, отда ўз қабиладошлари қароргоҳига қайтиб келишга муваффақ бўлди. Туман қабила жамоасининг тазйиқи остида 1000 оилани мажбуран Модега топширди. Моде ўз лашкарлари орасида мустаҳкам интизомни жорий этиб, давлат тўнтариши қилди. Мазкур тўнтаришда Туман, унинг суюкли жорияси ва кичик ўғли қурбон бўлди” (68. – С. 76–77). Шундай қилиб, Модэ ўз мавқеини мустаҳкамлаб, жангу жадаллар билан шавкатли Хун салтанатини тузишга эришди.

Н.Л.Гумилев ўзининг “XII асрда мўғуллар ва маркетлар” деб номланган мақоласида Темучин ҳақида шундай ёзади: “Ҳа, ёлғончи ва хонлар қуршовида қолган Темучиннинг тақдири аянчли эди! Бироқ у қисматнинг бу оғир юкини энг яқин кишиларига ҳам сездирмай, қандай матонат билан олиб юрди. Чунки мақсадга эришиш йўлидаги шундай сабот ва матонат пассионар шахснинг асосий фазилатидир” (67. – С. 115).

Яна бир қиёс:

Чингизхон тарих саҳнасига чиқишидан “...йигирма йил илгари татарлар Амбағай хонни хониларча қатлга йўллаганларида мўғуллар ўзларини қандай тутганликларини бир эслаб кўрайлик. Улар ўшанда янги хон сайлаб, бўкиб ичишганди. Есугей баҳодирнинг ўлиmidан кейин эса унинг етимларининг мол-мулкани талон-тарож қилишганди. Меркитлар бундай душмандан ҳайиқмас эдилар” (67. – С. 115).

Чингизхон тарих саҳнасига чиққач:

“Бироқ орадан йигирма йиллар ўтди, пассионар шахсларнинг сони популяция жараёнида ошиб борди: шунга мувофиқ кавмнинг табиати ўзгарди. Энди лоқайдлик турмуш тарзига бегона бўлиб қолди. Лоқайдлик жирканч иллат сифатида баҳоланадиган бўлди. Биргина мўғул аёлининг шаъни паймол қилинганида, интиқомга қирқ минг отлиқнинг оёққа туриши учун махсус чақириқлар керак бўлмади қолди. Албатта, уларнинг ҳаммасининг кучи билагига сиғмай, баҳона кутиб турган эди, дейиш кийин. Эҳтимол, уларнинг кўпчилиги, бундай ўтириб, ўйлаб кўриб, уйи-

да ёғли гўштлирини пишириб еб ўтирса ҳам бўларди. Бироқ шароит уларга ўйлаш имконини бермас эди. Серғайрат, довурак, фидойи йигитлар эл орасида шундай кайфият яратган эдиларки, бошқача айтилса, этник-ижтимоий биомайдоннинг шундай таъсир кучи юзага келган эдики, ўтовда қолиш шармандалик ҳисобланарди.

Жангчилар йиғилиб, бир сафга тизилишганда эса, улар шундай бир шиддатли вулкон тўлкини янглиғ кучга айланар эдики, то максадларига эришмагунларича, бу кучни тўхтатиб бўлмасди. Уларни тўхтатиш учун эса айни ўзлари каби буюк бир қудратли қарши кучгина керак бўларди” (67. – С. 115).

Модэ ва Темучин каби Гўрўғли ҳам етимлик, оғир болаликни бошидан кечирди. Уларнинг халқ тепасига келишлари эса эски авлод ва инерт оломонга қарши кураш билан биргаликда кечди. Улар ўз қувватлари билан этнос характерини ўзгартира олдилар. Серғайрат, гадбиркор, ватанпарвар янги авлод етишувида янги дарға сифатида қатга хизмат қиладилар.

“Гўрўғли” достонидаги эпик Така Ёвмит юртида янги этноснинг пайдо бўлишидаги илк пассионар ҳаракат, яъни инкубацион жараён, Шохдорхон юртида, тутқунликда яшаётган Равшанбек, Гаждумбеклар тимсолида намоён бўлади.

Гаждумбек билан Равшанбек бир ўлган от суягини кўриб, унинг тулпор бўлганлигини таниб, бу тулпор суягининг хор ётганлигидан ўзларининг ҳам хўрликлари ёдига тушиб:

*“Икковининг банди бўғини бўшади,*

*Ўлим қурсин суяклари шовшади.*

*Мусофирлик асар қилиб бошига*

*Икковлари “аттанг, аттанг”, дейишди” (19. – Б.27).*

Бекваччалар бу тулпор суягини лампа шишадай уйнинг ўртасига осиб, тунаб ўтиришлари ва Равшаннинг синчилиги ҳақидаги хабарнинг Шохдорхонга бориб етиши ва Равшаннинг ҳақ гапига муқофот сифатида кўр қилиниб, унинг ҳақлигини исботлаб, Гаждумбек билан бирга юртларига қайтгунигача бўлган жараён эпосдаги пассионарликнинг инкубацион жараёни тасвиридир.

Достонда Равшан ва Гаждумбекнинг ҳовлачидан олган отини тарбиялаб, Равшан отда қанот чиққанини билгач:

“ – Отнинг қаноти чиқибди, шундан билдим! Гаждумбек, энди кетасанми, ё Заргарда қоласанми? Мол-дунё яхшими, ё эл-қариндош яхшими? – деди. Гаждумбек:

– Тонг отгунча ўйлаб кўраман, – деди.

Биби Ҳилолнинг бўйида олти ойлик гумона бўлган эди. Ана энди Гаждумбек, кетай деса молни, пулни кўзи қиймайди, кетмай деса, элнинг ишқи, қариндошларнинг меҳри тортган, кўп ўйлади. Охири кетмоқни ихтиёр қилди!” (19. –Б.34) деган тасвир бу инкубацион жараён кульминациясини ташкил этади. Ушбу диалогдан илк жараёнда асосий-пассионар шахс Равшан эканлигини, Гаждумбекни эса Равшан таъсирида ҳаракатга келаётганлигини англаймиз. Аслида Гаждумбек “ўзлаштирилган” тоифа вакили. Бу хил “ўзлаштирилган” тоифа ҳар қандай мустамлака, қарам ёки вассал мамлакатларда ҳар доим бўлади. Улар босиб олувчи, қарам қилувчи мустамлакачилар кўлида ишловчи ерли халқ вакилидир. Уларнинг кўпчилик қисмида мол-мулк туйғуси ватан туйғусидан устун бўлади. Улар аниқ имконият туғилмаса, қалблари тубида чўкиб ётган ватан туйғуларини уйғотишдан кўрқишади. Аксарият ҳолатда бу “ўзлашган”лар қарам халқнинг зодагон қатлаמידан чиқади.

Така-Ёвмит элида Чамбил бунёд бўлиб янги салтанат тикланди. Гўрўғли пароканда халқни бирлаштирди. Унинг орини олиб, кадр-кимматини тиклади. Бу пайтга келиб унинг ёнида ўзига ҳамфикр йиғитлар тўпланди. Эски бефарқлиги йўқолди. Бу ҳолнинг ёрқин мисоли “Ғирот таърифида” келувчи ушбу воқеадир:

*“Бектош араб қирқ минг тилла тилаган,  
Бермоқчи бўлганда отам Гўрўғли,  
Номи туркман уввос тортиб жилаган.  
Элатнинг орини олган бедовсан” (141. – Б.71).*

Бу ўринда от нафақат Ғирқўк, балки ватан тимсоли ҳам. Агар диққат этилса, Шохдорхон юртида тутқинликда юрган Равшан ва Гаждумбек ўлган тулпор суягини кўриб ватанларини эслашган, юрти ишқи юракларини ўртаган эди. Моҳиятан бу ўлган тулпор таназзулга учраган. Эпик Така-Ёвмит юртининг рамзий образи эди.

Равшан ва Гаждумбек даврида тулпор ўлиб, унинг суяги хор бўлиб, халқ унга безътибор, бефарқ қараган бўлса, Гўрўғли даврида янгидан туғилиб, кучга кирган тулпорнинг ўзи мавжуд. Гўрўғли уни сотмоқчи бўлса, халқ уни сотишга қўймайди. Эпосда куйланган бош ғоя ҳам ана шунда, таназзулга учраган салтанат ўрнидаги янги салтанатнинг барпо бўлиши, унинг гурқираб яшнашини ва кейинги тақдирини кўрсатишдир.

Достонда Гўрўғли ёшининг бир юз йигирма беш деб айтилиши ҳам бежиз эмас. Бизнингча, бу ёш нафақат қаҳрамоннинг, балки у тузган салтанатнинг ёшини, айна пайтда, достон куйловчилари мансуб халқ – туркийлардаги салтанатлар, подшоҳлик сулолари алмашинувининг даврий

ўлчамини ҳам билдиради. Туркий халқлар, умуман, Турон ва Туркистон тарихида сулолалар алмашинувининг йил ҳисоблари ўрганиб чиқилса, улар ўрта ҳисобда ҳар 120-130 йил оралиғида алмашиниши маълум бўлади. Бу ҳолат эса беихтиёр Гўрўғли ёшини эсга солади.

Умуман, биз юқорида кўриб чиққан барча факт ва келинган хулосалар “Гўрўғли” достони халқимиз “тақдирномаси” эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

“Гўрўғли” – серкатлам, серкирра, сермаъно эпос.

Биз илмий ишимизнинг ушбу бўлимида эпоснинг этнос ҳаётини тимсолий акс эттирган қатлами юзасидан ўз фикрларимизни баён этдик. Чиндан ҳам ер юзасида инсон насли пайдо бўлибдики, Одам Ато зурриёдлари – Абу Турк авлодларидан бизнинг кавмимиз ҳам тўраб, яшаб келмоқдамиз. Ёруғ дунё айвонида қанча давлатлар қурдик, қанча салтанатларимиз нуради. Қанча алплар, дарғалар келиб кетмади... Толемиз кўёши неча марта чиқиб ботди. Келажак ўтмиш изларини янгилаб, ўз маромида келаверади... Гўрўғли туғилиб, ғойиб бўлаверади. Яна туғилади...

“Гўрўғли”нинг халқимиз даҳоси ижод қилган ўзи ҳақидаги энг улкан тимсол эканлиги ҳам ана шу мазмунни бадиий ифодалаганлигида кўрилади.

Тадқиқотнинг сўнги бобида айтилган фикр-мулоҳазаларни жамлаб қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

– достоннинг туғилиш мотивида ҳомила асоси табиий талқин олган версиясилар янгиланишнинг бир қанча босқичларидан ўтиб, мукамал бадиий кўриниш ҳосил этган;

– ҳомила асосига кўра ажралувчи мавжуд версияларни ҳар жиҳатдан қамровчи Қўрғон версияси айни пайтда Каспий бўйи версияларига ҳам уйғун талқинларга эгаллиги билан ажралиб туради;

– ўзбек “Гўрўғли” достонларининг асосий қисми ёзиб олинган Қўрғон достончилиқ мактаби бахши-шоирлар мансуб ўзбек уруғи тарихи, тақдири, унинг бошқа этник гуруҳлар, этнослар билан алоқалари достон мазмуни ва тадрижида ҳам акс этган;

– халқнинг ҳаёти эпосда бадиий тимсолий ифода топади. “Гўрўғли” достонлари бунга далилдир.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Аждодларимиз кадимдан яшаб келаётган Аму ва Сир оралиги, Орол бўйи сарҳадлари дунё тамаддунининг кўхна ўчоқларидан саналади. Халқимизнинг давлатчилик анъаналари, илм-фан, маданият ва ҳаётнинг барча соҳаларидаги кўплаб кашфиёту ютуқлари ушбу тамаддуноларга асос бўлди. Маънавий меъросимизга тегишли бетакрор эпик асарлар, хусусан, «Гўрўғли» дostonлари ҳам ана шу тамаддунолар замирида шаклланди, ривож топди. Шундай экан, «Гўрўғли» дostonининг генезиси ва тадрижий босқичларини монографик планда тадқиқ этиш, эпоснинг туб асосларини ёритиш, этнос тарихи ва тақдири билан боғлиқ ҳолда ривожланиб, мумтоз ҳолатга етиш жараёнларини босқичма-босқич ўрганиш имконини беради. Монографияда ушбу масалалар ўрганилди ва иш якунида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Эпосининг пайдо бўлиш даври, асос-манбаларини аниқлашда дoston сюжети, унинг ўзагида турувчи етакчи мотивлар муҳим ўрин тутди. «Гўрўғли» дostonидаги «алплик хасталиги», «алпнинг қайта яратилиши» ва «алпнинг тан олинishi» билан боғлиқ мотивлар сюжетининг илк қатламига тааллуқли бўлиб, бевосита анимистик дунёкарашлар асосида шаклланган. Бизнинг назаримизда алплик тизимининг таянч бўғинларини ушбу мезонлар ташкил этади:

– «танланган» қаҳрамон туғилмасданоқ ҳомий – эранлар назарида туради, илк босқичда илоҳий ҳомила топади. У «ўзга макон»да дунёга келиб, юртига қайтади, алплик дардига йўлиқади. Алплик дарди «танланган» ва «танловчилар» ўртасида бевосита мулоқотнинг бошланиши ҳисобланади;

– эранлар маконида қаҳрамон жисми илоҳий нур ва сув (шароб) билан тобланиб, алп сифатида қайта яратилади, ушбу инициация жараёнида қаҳрамон алплик сиру синоатларини эгаллаб, куч-қудратга, жангчилик санъатига, билимга, мўъжизакор хусусиятлар ва белги-нишонларга эга бўлади. Зиммасига юкланган вазифа, бурчи, тақдири ва ҳаётининг ибтидо-интиҳосини билди. Эранлардан бири унинг донмий ҳамкорига айланади;

– қаҳрамоннинг ҳаёти ғайриқутб, ракиб («дўст» ) тақдирига боғлиқ кечади, у янги салтанатга асос солади, эл-юрт камолига хизмат қилади. Умри поёнида эран мақомида асл маконига қайтади. Жангворот ҳам алп билан ҳамқадам синов ва тобланиш жараёнларидан бир-бир ўтиб, қаҳрамон хизмати бажаради.

2. Алпнинг миссияси – жамиятда издан чиққан тартибни асл ўзанига қайтариб, таназулга учраган этносни қайта тиклаб, элнинг шаънини

ардоқлаб, адолат ўрнатиб, атрофига оловқалб шахсларни йиғиб, уларни фаол авлодга айлантириб, янги салтанатни гуллаб-яшнашига хизмат қилиш. Бу мазмун алллик тизимининг моҳиятида туради.

3. Эпос воқелиги ва талқинида алллик тизимининг мавжудлиги ушбу дostonнинг қайси турга мансублигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди, алллик тизими қаҳрамонлик дostonларининг асос мезонларидан саналади. «Гўрўғли» туркумига кирувчи Гўрўғлининг туғилиши, болалиги ва ор олиши ва ғойиб бўлишни ҳикоя қилувчи намуналарни қаҳрамонлик дostonи сифатида олиш аввало ушбу асосга таянади.

4. Гўрўғлининг ҳомийлари Хизр ва чилтон образларининг ибтидо-си халқнинг исломий эътиқодгача бўлган қадим шомонистик-анимистик дунёқарашлари, мифологик тасаввурлари билан алоқадор шаклланди. Ибтидода Хизр образи халқимизнинг ўт, олов, қуёш билан боғлиқ, ёзни олиб келувчи, бутун табиатни, ҳаётни жонлантирувчи, уларга тириклик берувчи маъбуд ҳақидаги тасаввурларига боғлиқ бош эзгу эран, деб англаган. Ана шу асосда бу образга аждодлар култи сифатида ҳам қаралган. Кейинчалик исломий эътиқод, дунёқарашга мос талқинлар олди. Дostonда чилтонлар Хизрнинг ёрдамчилари сифатида ҳаракат қилишади ва бу образ ибтидоси ҳам халқнинг тоғ култи тасаввурларга боғланади.

5. Хизр ва чилтонларнинг қаҳрамонга ҳомийлик қилиши; Хизр – ок илон, чилтон – аждар тимсолий формула тизимида халқнинг турли ишонч эътиқодлари ва фольклордаги; Хизр, чилтон, илон, аждар, юлдуз (қуёш), тоғ, ғор образларининг яхлит мифологик англамининг бадий талқинлари турибди. Ушбу тасаввур ва дунёқарашлар қаҳрамон ҳаётида ҳам ўз ифодасини топган. Дostonда чилтонларнинг Гўрўғлига ҳомий саналиши қўш ҳомийлик эмас, аксинча, бош ҳомий Хизрга бўйсуниб, ўз ҳимоятидаги қаҳрамонга хизмат қилишдир.

6. Эпик Аскар тоғ – қуёш тоғи, ернинг маркази, эпик ҳомийлар макони ҳисобланади. Қаҳрамоннинг туғилиши, ҳомий эранлар билан боғлилиши, умри поёнида ғойиб бўлиши ушбу мифик тоғ тасаввурлари камровининг ҳам эпос таянган ягона тизимда туришини тасдиқлайди.

7. «Гўрўғли» дostonининг генезиси ва тадрижий босқичларини аниқлашда қаҳрамон номининг маъно қўлами, изоҳлари муҳим роль ўйнайди. Гўрўғлишуносликда қаҳрамон номининг ботир, мард, баҳодир маънолари архаиклашиб, ғайритабiiй туғилиши мотиви шакллари ҳам ўзгариб «гўрда туғилган ўғил» маъносини касб этган, деган гипотеза мавжуд. Ишда гўр/кўр сўзининг ҳомий эран номи билан уйғун архаик гў/гу, кў/ку негизда ёруғ, нур маъноли сўздан ҳосил бўлиб, шу негиздан унган қаҳрамон



номи моҳиятан куёш ўғли мазмунини бериши, унинг иккинчи «Равшан», номи эса бу сўз изоҳи сифатида пайдо бўлиб, номда қаҳрамонга тегишли дунёқарашлар акс этишини кўрсатади.

Қаҳрамон отаси ибтидода маъбуд – рух ота, рух бобо (нур, назар) сеҳрли қудратга эга ота (Нуртой) ва шахзода, синчи реал ота (Равшан) тадрижий босқичларини босиб ўтди. Қаҳрамон онаси ибтидода мифологик образ бўлиб, сюжетнинг архаик қатламида маъбуда сифатида тасаввур қилинган, сўнг инсоний киёфа олган.

Ушбу хулосалар қаҳрамон, хомийлар, ота, она йўналишлари эпосда яхлит дунёқараш ва ишонч-эътиқодлар тизимида турганлиги ва тадрижий ривожланганлигини билдиради.

8. Достондаги ғайритабiiй ҳомила унсурлари мавжуд вариантларда турли кўриниш касб этишига қарамай, туб асосда ягона тасаввур ва дунёқарашга боғланиб, эпоснинг илк бобосюжетнинг эволюцион босқичларини далилловчи муҳим фактлар сифатида намоён бўлади. Лақай версиясида Биби Ҳилолнинг Хизр назаридан (кўз нуридан) ҳомила топиши туб асосда – Хизр назари (кўз нури) – куёш нурига боғланади. Фозил шоир версиясидаги «от суяги талқони» унсури ҳам умумий ўзак тасаввурлар: от суяги талқони – от – куёш ёки куёш – Хизр – от – от суяги талқони англамларида турибди. Қаҳрамоннинг бия эмиб улғайиши ва Ғиркўк билан ширахўр – кўкалдош бўлиши ушбу тасаввурлар тизимининг ҳосилаларидир. Тош шоир версиясидаги ҳомила уйғотувчи сув кўлиги унсури ҳам билвосита куёш нури / Хизр назари/, бевосита эранлар макони Аскартов ўртасидаги сут кўли (ҳамиша баҳор дарахти остидаги булоқ, Антаҳур май – ўзбек версияларида, Қўшабулоқ – озарбойжон версиясида) сувига тегишли. Наманган версиясида қаҳрамон онасининг олма еб юкли бўлиши, ҳомила мотивидаги ота йўналиши унсурларининг, она йўналиши, ҳосилдорлик топинчларига алоқадор магик мева – олмага алмашган кўринишидир.

9. Архаик сюжетда шажараси осмон ёриткичлари (куёш,ой)га боғлиқ қаҳрамон дастлаб сув остида дунёга келди. Она инсон киёфасини олгач, бу мотив қабр (гўр) шаклига ўтди. Қаҳрамоннинг қоронғилиқдан ёруғликка чиққан куёш эранининг ўғли эканлиги ҳақидаги талқин ўрнини, гўр (қабр) ўғли изоҳи эгаллаган.

10. Архаик сюжет замиридаги миф талқинида Гўрўғли – Куёш ўғли бир йиллик мавсумий муддатнинг уч ойи давомида ер қаърида етилиб, кўклам билан бирга туғилиб, уч ой (кўклам фасли) тетапоя бўлиб, уч ой (ёз) баро-

бариди вояга етиб, улғайиб (қайта ҳомила топиб), навбатдаги уч ой (куз)да камолга эришиб, қартайиб, ҳомиласи олти ойлик бўлгач, қайта ўз макони – ғорга (қиш қўйнига) кириб уйқуга кетади, уч ой (қиш) давомида ўлик та-нада етилган ҳомила қиш ниҳоясида қайтадан туғилади, деб тушунилган. Гўрўғлининг ғайрикутби – «ўзга олам – зулмат дунёсининг ўғли» эса куз кириши билан туғилиб, уч ой қиш тўлик етилиб, кўклам адоғида ўз мако-нига кириб, кузда қайта туғилади, деб тасаввур қилинган. Кузу қиш батнида ёз етилиб дунёга келади ва кўкламу ёз ичида қиш етилиб қайта туғилади, деган тушунча қатъий амалда бўлган. Космосдан хаос, хаосдан космос пай-до бўлиши ҳақидаги универсал модель ҳамма ҳодисада бирдек амал қилади, деб анланган, талқин этилган. Ишда ушбу тасаввурлар модели инсон ва жа-мият, этнос ҳаётининг асоси сифатида олиниб, «Гўрўғли» дoston мағзига сингдирилганлиги бевосита дoston материаллари мисолида ёритилди. Ушбу ягона тизим эпоснинг ҳар жиҳатдан мукамал, ўзига хос халқона эзотерик билимларининг ҳам мажмуаси эканлигини намоён этади. Бу билим эпосда образлар тақдири, талқини ва уларнинг моҳиятини очувчи тимсолларда ўз бадий инъикосини топган.

11. Қаҳрамон ғайрикутби ўзга дунё вакили – «айри туёқ, жунлик» мифо-логик мавжудотдан реал одам – Райҳон араб қиёфасига кирди. Унинг «борса келмас юрт» вакили деб сифатланишида қаҳрамон маконига муқобил ик-кинчи кутб тасвири акс этади. Чунки космосдан тушган қаҳрамон ҳомиласи чегарани белгиловчи дарё орқали хаос – борса келмас юртга бориб, у ерда етилиб, ер юзида пайдо бўлиши керак, деб тушунилган. Яъни қаҳрамон қоронғи юртдан ёруғлик юртига чиқади. Дostonнинг барча версия ва ва-риантларида қаҳрамон ва Райҳон араб юртини эпик дарё ажратиб туради. Дoston сюжетининг Гўрўғли ва Араб Райҳон билан алоқадор мотивлари мағзида Гўрўғлининг (илк асосда, мифологик тасаввурга кўра доимий ўлиб-тирилувчи табиатдаги ёз (кўклам) тимсолининг) ўзига қарама-қарши кутби – Араб Райҳон (қиш тимсоли) билан кураши турибди. Дostonнинг бу кунги версиясида сюжетнинг айна халқалари (кўклам батнида қиш, қиш батнида ёз етилиб туғилиши, бу туғилиш ўзаро кураш, қарама-қаршилиқлар ичидаги уйғунлик, доимий ҳаракатдан иборат эканлиги) билан боғлиқ тасаввурлар янгилиниб, бадий-эстетик талқин олди, инсоний муносабатлар тасвирига ўтди: этнос ва уни қувватга келтирувчи алп мансуб бўлган авлоднинг бадий «тарих»ига айланди.

12. Дostonнинг етакчи образлари: эпик ҳомий, қаҳрамон, ғайрикутб, рақиб, кўмакчилар, эпик от ва ёр билан боғлиқ йўналишлар тадқиқи бу образларнинг ҳам мифологик асосдан бадий сатҳга ўзига хос босқичлар билан ўтганлигини намоён этди. Жумладан:

– Сокибулбуя образи дostonнинг ўзак линияси – хомийлик ва ота йўналиши (Гўрўглининг отаси Равшан, бобоси Тўлибой ҳам синчи эди) ўзанида шаклланиб, бадий талқинини олган;

– Фирқўк образининг генезиси худди қахрамон каби куёш туркум маросимий мифлар ва халқнинг от ҳақидаги кўҳна тасаввурлари замирида бадий-эстетик талқинларда рамзий-гимсолий маънолар касб этган. Эпосда жанговор от қахрамонни мавжуд оламлар билан боғлайдиган ҳамкор, ҳамқадам тўлақонли образ сифатида гавдаланади;

– дostonнинг Юнус пари билан боғлиқ йўналиши халқ эртақларидаги анъанавий мотивлар асосига қурилган. Дoston сюжетигади ёр йўналиши талқинининг романик кўриниш олганлиги ҳам унинг нисбатан кейинги давр маҳсули эканлигини билдиради;

– Ҳасан кўлбар, Ҳасан чопсон, Ҳасан якдаста образлари талқини ҳам эртақ мотивлари заминидан «Гўрўгли» дostonлари таркибига сингишиб, сайқал топиб, оддий кўмакчилардан тўлақонли эпик образ даражасида кўтарилган. «Ҳасан»лар Гўрўглининг яқин сафдоши, туркумнинг етакчи образларига эврилди;

– Аҳмад Сардор образи, эпосдаги таянч йўналишларидан бири – тарбиячи, рақиб, куткучи сифатида илк бобо сюжетнинг рақиб йўналиши асосида шаклланиб, тўла бадий-эстетик талқинларда намоён бўлди;

– дostonдаги етакчи образлар тадрижида ҳам кўпқатламлик намоён. Ушбу ҳолат эпоснинг асрлар давомида сайқалланиб, бадий жиҳатдан мукамаллашиб келганлигини билдиради.

13. Нафақат бош қахрамон ва эпик хомийлар, балки дostonдаги қахрамон ғайрикутби, рақиб, кўмакчилари, эпик от, ёр образларининг таққики «Гўрўгли» эпосининг кўҳна илдизларга эга эканлигини, дoston ядросининг куёш туркум мифлари ҳамда маросимларига ва анимистик тасаввурларга боғлиқ эрадан аввалги минг йилликлар пайдо бўлганлигини асослайди.

14. «Гўрўгли» дostonининг ядроси, сюжети ва образлар тизимининг мифологик ҳамда тарихий асослари қадим-қадимдан Туркистон кенгликларида яшаб келган аждодларимизнинг тасаввурлари, дунёқарашларига боғлиқ сак, массагет ва ўғуз эпик анъаналари асосида эрадан аввалги минг йилликларда яратилиб, босқичма-босқич сайқал топиб, тўлиқ бадий-эстетик сатҳга ўтди. Архаик эпоснинг навбатдаги талқинларидан бир шохобчаси Марказий Осиёдан Кавказ ва Кичик Осиёга кўчган ўғуз қабилалари билан у худудларга ҳам тарқалди, янгиланди. Сўнги талқинлар ўзаро маданий-адабий алоқалар натижасида Марказий Осиё версияларига ҳам маълум таъсирини ўтказди. Ўзбек «Гўрўгли» дostonининг қахрамон туғилиши табиий ҳомила талқинини олган версияларда бу ҳолат аниқ сезилса-да, туғилиш ғайритабиий ҳомила

талқинини олган версиялар қадимий ўзанда ривожланиб, таъсирлардан холи қолди. Ушбу версияларда сақланган қадимий мотив ва унсурлар дoston гeнeзиcини аниқлашда таянч омиллар бўлди.

15. Ўзбек халқи орасида бугунги кунда ҳам амал қилаётган маросим-байрамлардаги қуёш туркум мифлари, мавсумий маросимлар билан алоқадор жиҳатларни «Гўрўғли» эпосига қиёслаш дostonнинг бeвocитa ана шу – мифлар ва ушбу тизим билан боғлиқ мавсумий маросимлар, ишонч-этиқодлар замирида шаклланиб, мусатақил бадиий-эстетик ҳодиса сифатида тараққий топганлиги кўрсатди. Хусусан:

– Наврўз байрами, кўпкари мусобақаси, маросим таомлари, турли қўшиқ-айтим ва рақслари мағзидаги халқнинг қуёш туркум мифлари ва ўлиб-тирилувчи борлиқ билан боғлиқ тасаввурлар оламининг «Гўрўғли» дostonининг асосий мотив ва образлари талқинига уйғун келиши дostonнинг ушбу ишонч ва дунёқарашлар замирида пайдо бўлганлигини тасдиқ этади;

– Қуёш топинчи билан алоқадор қадамжолар, етти қўрут, Хулқар, Қамбар тўғал йил ҳисоблари, зардуштийлик ва халоскор қахрамон ҳақидаги ишонч-этиқодлар «Гўрўғли» дostonи воқелигига шунчаки ўхшаш эмаслиги уларнинг ягона манбага эғалигини кўрсатади. Бу тасаввурлар тизимининг эпос ва бошқа фольклор жанрларидаги ўзига хос тадрижий ривожини тадқиқ этилди.

16. «Гўрўғли» дostonи даврлар оша ўз замонаси талабларига мос равишда сайқал топди, мотивлар янгича изоҳлар олди, лекин сюжетнинг таянч халқалари аслига уйғун равишда сақланиб келди. Ушбу ҳолат дoston гeнeзиcи ва тадрижий босқичларини аниқлашда муҳим роль ўйнади.

17. Дoston асосида турган миф табиат ҳодисаларини изоҳлаб, Гўрўғли дастлаб табиат қудратининг тимсоли сифатида намoён бўлса, воқелик эпик сатҳга кўчгач, у энди ижтимоий ҳодисани акс эттирувчи халқ ва салтанат тақдирнинг бадиий «солнома»сига айланди. Халқ тарихи, тақдири, этнос маълум ҳудудда бошқалар билан бақамти яшашининг қонуниятлари эпосда бадиий мушоҳада этилди. Ишда ушбу масалалар эпос ва этнос муносабати камровида ўрганилиб, эпоснинг халқ тақдирномаси эканлиги, этнос ва эпос масалалари «Гўрўғли» дostonининг мазмун-моҳиятида турганлиги ёритилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Гўрўғли» дostonининг гeнeзиcи ва тадрижий босқичларини ўрганиш мазкур туркум дostonларнинг туб илдизлари, версия ва вариантларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда, эпик асар сюжети ва мотивларининг асос моҳиятини ёртишда, узок ўтмишдан то бугунги кунимизга яшаб келаётган жонли оғзаки жараён – эпик ижод қонуниятларини очишда муҳим илмий, амалий аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.132-155.
2. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
3. Ислом Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.

### II. МАНБАЛАР

4. Алпамыс батыр // Батырлар жыры. 1-том. – Алматы: Жазувиши, 1977. – Б. 165-269.
5. Алпомиш. Достон. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Тўра Мирзаев. – Тошкент: Фан, 1999. – 832 б.
6. Балогардон. Достон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли / Ёзиб олувчи: Б. Каримов. Нашрга тайёрловчилар: Б.Каримов, Т.Ашуров // Балогардон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б.5-98.
7. Боболардан қолган нақллар / Ёзиб олувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Тўплаб нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифлари М. Жўраев ва У. Сатторов. – Тошкент: Фан, 1998. – 128 б.
8. Булбул тароналари. Беш томлик. Айтувчи / Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: Ҳ.Зариф // – Тошкент: Фан, 1971. Биринчи том. – Б. 343.
9. Булбул тароналари. Беш томлик. Айтувчи / Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: Ҳ.Зариф //– Тошкент: Фан, 1972. Иккинчи том. – Б. 578.
10. Булбул тароналари. Беш томлик. Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: Ҳ.Зариф. – Тошкент: Фан, 1972. Учинчи том. – Б. 473.
11. Булбул тароналари. Беш томлик. Айтувчи / Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: Ҳ.Зариф // Тошкент: Фан, 1973. Тўртинчи том. – Б. 547.
12. Булбул тароналари. Беш томлик. Айтувчи / Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: Ҳ.Зариф // – Тошкент: Фан, 1973. Бешинчи том. – Б. 319.
13. Гор-оглы. Туркменский героический эпос. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1983. – 805 б.

14. Гороглы. Туркмен гахрыманчылык эпосы. – Ашгабат: Туркменистан, 1990. – 846 б.
15. Гул пари. Наманган эртаклари / Тўпловчи Т. Ғозибоев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1969. – 376 б.
16. Гулнор пари. Достон. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик / Айтувчи: Мухаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчилар: Мухаммаднодир Саидов, Зубайда Хусаинова // Гулнор пари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б.67 – 300.
17. Гўрўғли / Айтувчи Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчи Т. Мирзаев // – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 409-428.
18. Гўрўғли. Хоразм достонлари / Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшжонов. – Ургенч: Хоразм, 2004. – 480 б.
19. Гўрўғлининг туғилиши / Айтувчи Мухаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: М.Муродов. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1967. – 328 б.
20. Короғлу / Тартиб едани: М. Н. Таһмасиб. – Баку, 1959. – 508 б.
21. Короғлы(Короғлы жане онын урпақтары туралы дастандар). – Алматы: Жазушы, 1973. – 255 б.
22. Маадай – Кара. Алтайский героический эпос / Сказитель: калкин А.Г.Запись текста, перевод на русский язык и приложения С.С. Сарузакова. – Москва: Наука, 1973. – 466 б.
23. Малика Айёр. Достон /Айтувчи: Фозил Йўллош ўғли. Ёзиб олувчи: М.Эрназар ўғли. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Зарифов, З.Хусаинова. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 336 б.
24. Мискол пари. Достон / Айтувчи: Мухаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчилар: М.Саидов, З.Хусаинова // Гулнор пари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б. 5-66.
25. Олтин бешик. Эртақлар / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, К.Имомов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 256 б.
26. Олтин олма. Ўзбек халқ эртаклари / Нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Т.Мирзаев. –Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1966. – 310 б.
27. Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари / Тўпловчи Музайяна Алавия. – Тошкент: Фан, 1972. – 232 б.
28. Оға Юнуснинг олиб кочилиши. Достон / Айтувчи: Ҳазраткул Худойбердиев. Ёзиб олувчи: С.Аскарлов. Нашрга тайёрловчилар: С.Аскарлов ва Т.Мирзаев // Малика Айёр. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 282-336.
29. Сайёд ва Ҳамро /Нашрга тайёрловчилар: С.Р.Рўзимбоев, Г.О.Эшҷонова, С.Х.Рўзимбоев, А.Аҳмедов // Ошикнома. Хоразм достонлари. – Урганч: Хоразм, 2006. Биринчи китоб. – Б. 9-102.

30. Само тулпори / Само тулпори. Эртақлар тўплами. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б. 145-149.

31. Сув қизи / Нашрга тайёрловчилар: М. Афзалов, З. Ҳусайнова, Н. Сабуров // Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1966. – 328 б.

32. Хурлиқо ва Ҳамро / Нашрга тайёрловчилар: С. Рўзимбоев, А. Аҳмедов // Ошиқнома. Хоразм дostonлари. – Урганч: Хоразм, 2008. Учинчи китоб. – Б. 262-322.

33. Чўлок бўри. Ўзбек халқ эртақлари / Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи С.Холмирзаева. – Тошкент: Юлдузча, 1988. – Б. 208.

34. Шорский фольклор / Записи, перевод, вступительная статья / и примечания Н.П. Дыренковой. – Москва: 1940. – 448 с.

35. Шохдорхон. Достон /Айтувчи: Усмон Маматкул ўғли. Ёзиб олувчи: М.Афзалов. Нашрга тайёрловчи: Т.Ашуров // Балогардон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 99-168.

36. Ғойибнома ёки Ғўрўғлининг сўнги кунлари. Қарши: –Насаф, 2010. –68 б.

36(А). Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 287 б.

37. Қадимий ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – 432 б.

### III. АЛОҲИДА НАШРЛАР, МОНОГРАФИЯЛАР, ДАРСЛИКЛАР

38. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жафар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. – 128 б.

39. Абулғози. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 192 б.

40. Агажанов. С.Г. Очерки истории Огузов и туркмен Средней Азии IX-XIII вв. – Ашхабад: 1969. – 328 б.

41. Ажалов А.М., Новрўзов М.Ю. “Ал” топиниши ва унинг излари // Азарбайжан филологияси масалалари. – Бақы: Илм, 1983. – 247-258 с.

42. Алексеев Н.А. Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1984. – 187 с.

43. Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука, 1980. – 318 с.

44. Акрамов Ғ. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.149-157.

45. Андриев М.С. Чильганы (چيلگن) в Средне-азиатских верованиях // От оттиск из сборника в честь В.В. Бартольда. – Ташкент: 1927. – Б. 334-348.

46. Амир Темур Кўраган. Зафар йўли.–Тошкент: Янги аср авлоди, 1992. – 126 б.

47. Аникин В.П. Русский фольклор. – М.: Высшая школа, 1987. – 286 с.
48. Анисимов Л.Ф. Космологические представления народов севера. – М. – Л.: Наука, 1959. – 120 с.
49. Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. – Л.: Госиздат, 1924. – 264 с.
50. Арасту. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.
51. Афанасьев А. Славянская мифология. – М.: Эксмо, 2008. – 1520 с.
52. Ашуров Т. Ўзбек халқ дostonларида қахрамон титаник образлар талқинига доир / Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 51-58.
53. Балкиз Аладдин. Муҳаммад пайгамбар алайҳис-с-салом қиссаси. – Б.7
- 50. //Муҳаммад пайгамбар қиссаси. – Тошкент: Камалак, 1991. –304 б.
54. Басилов В.Н. Избранники духов. – М.: ИПЛ, 1984. – 208 с.
55. Басилов В.Н. К вопросу о генезисе образа Корку ога. – М.: Наука, 1964. – С.9.
56. Бахтин М. Эпос и роман. – СПб.: Азбука, 2000. – 304 с.
57. Березкин Ю.Е. Мифология индейцев Лагинской и древнейшие провинции (анализ одного мифологического сюжета) / Фольклор и историческая этнография. – Москва: Наука, 1983. С. 67-79.
58. Бойс М. Зорострийцы. Верования и обычаи. – Москва: Наука, 1987. – 302 с.
59. Бўриев О. Асрлар бағридан келган шодиёна // Наврўзи олам бугун. – Тошкент: Гулистон, 1989. –Б. 11-12.
60. Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 63 б.
61. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 208 б.
62. Васильев Д.Д. Графический фонд памятников тюркской руннической письменности Азиатского ареала. – Москва: Наука, 1983. – 160 с.
63. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 406 с.
64. Голосовкер Я.Э. Логика мифа. – М.: Наука, 1987. – 218 с.
65. Гомер. Одиссея / Перевод с древнегреческого В.Жуковского. – М.: Правда, 1985. – 320 с.
66. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: Наука, 1967. – 504 с.
67. Гумилев Л.Н. Монголы и меркеты в XII в. – Ученые записки Тартуского гос. ун-та. Тарту, 1977. – С. 81-97.
68. Гумилев Л.Н. Тысячелетие вокруг Каспия. Москва: Мишель и К. –336 с.
69. Диваев А.А. Легенды, былины, демонологические рассказы, приметы и пословицы туземного населения Сырдарьинской области // Этнографические материалы. – Ташкент, 1896. Том 14. Вып.2. – С.15 – 17.
70. Диваев А.А. О происхождения албасти, Джина и Дива (народные легенды) // Этнографические материалы. Том 14. Вып.2. – Ташкент, 1894. – С.15 – 17.



71. Домусульманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – 342 с.
72. Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э –III в. н.э) / хрестоматия под редакцией Л.В. Баженова. – Тошкент: – 172 с.
73. Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – 676 с.
74. Дьяконов И.М. Эпос о Гильгамеше // Эпос о «Гильгамеше». – М.: Наука, 1961. – С.91-143.
75. Еремина В.И. Ритуал и фольклор. – Л.: Наука, 1991. – 208 с.
76. Ёрматов И. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси баднияти. – Тошкент: Фан, 1994. –186 б.
77. Жаҳонгиров Ф. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 124 б.
78. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1947. – 520 с.
79. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974. – 728 с.
80. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение (Восток и Запад). – Л.: Наука, 1979. – 496 с.
81. Жирмунский В.М. Легенда о призвании певца // Сравнительное литературоведение (Восток и Запад). – Л.: Наука, 1979. – С. 397-407.
82. Жирмунский В.М. Теория литературы: поэтика, стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 408 с.
83. Жирмунский В.М. К вопросу об эпитете // Теория литературы: поэтика, стилистика. – Л.: Наука, 1977. – С. 355-361.
84. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1995. – 144 б.
85. Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.
86. Жўраев М. Ўзбек самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1996. – 108 б.
87. Жўраев М. Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009. – 230 б. (Гургак 148-бетда)
88. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – 136 б.
89. Жўраев М., Сағдиева Д. Ўзбек фольклорида ҳаёт дарахти. – Тошкент: Фан, 2010. – 64 б.
90. Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса “Алпамиш” // Об эпосе «Алпамиш». – Ташкент: Фан, 1959. – С. 6-25.
91. Зарифов Х.Т. Фозил шоир – машхур достончи // Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 5-29.

92. Зарифов Х. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.65-89.
93. Идрис Шах. Суфии. – Москва, 2001. – 568 с.
94. Илларионов В. В. Искусство якутских олонхоустов. – Якутск: Университет, 1982. – 172 с.
95. Имомов К. Дostonларда эртақ мотивлари // Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 97-99.
96. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. –Тошкент: Фан, 1981. –102 б.
97. Имомов К. Ўзбек халқ прозаси поэтикаси. –Тошкент: Фан, 2009. – 252 б.
98. Имомов К. Афсона// Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. Тошкент: Фан 1989, –320 б.
99. Иорданский В.Б. Хаос и гармония. – Москва: Наука, 1982. –343 с.
100. Ирк битиги – Таъбирнома // Қадимий ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 47-61.
101. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тугган ўрни. – Тошкент: Фан, 1978. –144 б.
102. Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кер-оглы у тюркоязычных народов. –Москва: Наука, 1968. – 227 с.
103. Кенин-Лопсон М.Б. Обрядовая практика и фольклор Тувинского шаманства. – Новосибирск: Наука, 1987. – 168 с.
104. Короглы Х.Г. Огузский эпос // Типология народного эпоса. – М.: Наука, 1975. – С.64-81.
105. Короглы Х.Г. Трансформация заимствованного сюжета // Фольклор: поэтическая система. – М.: Наука, 1977. – С.106 – 125.
106. Короглы Х.Г. Огузский эпос // Типология народного эпоса. – М.: Наука, 1975. – С.64-81.
107. Короглы Х.Г. Трансформация заимствованного сюжета // Фольклор: поэтическая система. – М.: Наука, 1977. – С.106-125.
108. Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербейжана. – Москва: Наука, 1983. – 336 с.
109. Крамер Н.С. История начинается в Шумере. – Москва: Наука, 1965.
110. Лазутин С.Г. Поэтика русского фольклора. – М.: Высшая школа, 1989. – 208 с.
111. Лобачева Н.П. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстана // Домусульманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С. 302-320.
112. Лорд Альберт. Сказитель. – М.: Восточная литература, 1994. – 368 с.
113. Машкова В.Г. Некоторые общие элементы в родоплеменной составе узбеков, каракалпаков и туркмен // Труды института истории и археологии.

- Материалы по археологии и этнографии Узбекистана. т. II. – Тошкент: 1950. – С. 135-158.
114. Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1960. III том. – 427 б.
115. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Восточная литературы, 1976. – 408 с.
116. Мелетинский Е.М. Герой волшебной сказки. – М.: Наука, 1958. – 264 с.
117. Мелетинский Е.М. «Эдда» и ранние формы эпоса. – М.: Наука, 1968. – 366 с.
118. Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968. – 168 б.
119. Мирзаев Т. Пўлкан ҳақида сўз // Пўлкан шоир. – Тошкент, 1976. – Б.5 – 9.
120. Мирзаев Т. Халк бахшиларининг эпик репуртуари. – Тошкент: Фан, 1979. – 152 б.
121. Мирзаев Т. «Алпомиш» қахрамонлик эпоси ва ўзбек достонлари // Алпомиш. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.7-49.
122. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Ташкент: Фан, 2008. – 410 с.
123. Мифы народов мира. В двух томах. – М.: Советская энциклопедия, 1991. Т.1. – 672 с.
124. Мифы народов мира. В двух томах. – М.: Советская энциклопедия, 1992. Т.2. – 720 с.
125. Молдабаев И.Б. Эпос «Манас» как источник изучения духовной культуры кыргызского народа. – Фрунзе: Илим, 1989. – 152 с.
126. Муродов М. Пўлкан шоир репертуарида «Гўрўғли» достонининг ўрни // Пўлкан шоир. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 25-33.
127. Мурадов М. Эпос «Гор-оглы» сокровищница душа и чаяний народа. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б.152.
128. Мусакулов А. Ўзбек халк лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 308 б.
129. Носируллин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 272 б.
130. Об эпосе «Алпамыш». Материалы по обсуждению эпоса «Алпамыш». – Ташкент: Фан, 1959. – 216 с.
131. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – 326 с.
132. Пропп В.Я. Морфология сказки. – М.: Наука, 1969. – 168 с.
133. Пропп В.Я. Русские аграрные праздники. – СПб.: Наука, 1995. – 176 с.
134. Пропп В.Я. Мотив чудесного рождения // Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 203-240.
135. Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: ЛГУ, 1986. – 366 с.
136. Путилов Б. Мотив как сюжетобразующий элемент // Типологические исследования по фольклору. – М.: Наука, 1975. – С. 141-181.

137. Путилов Б. Эпическое сказительство. – М.: Наука, 1997. – 295 с.
138. Путилов Б. Эпос и обряд // Фольклор и этнография. – Л.: Наука, 1974. – С. 76.
139. Путилов Б. Методология сравнительно-исторического изучения фольклора. – Л.: Наука, 1976. – 244 с.
140. Путилов Б.Н. Русский южнославянский эпос. – М.: Наука, 1971. – 316 с.
141. Пулкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1976. – 164 б.
142. Радлов В.В. Из Сибири. – М.: Наука, 1980. – 749 с.
143. Раҳмонов Н. Битиклар оламида. – Тошкент: Фан, 1990. – 37 б.
144. Раҳмонов Н. Руҳиятда нур муроди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 128 б.
145. Раҳмонов Н. Турк хоқонлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. – 144 б.
146. Рошияну Николае. Традиционные формулы сказки. – М.: Наука, 1974. – 216 с.
147. Русча-ўзбекча лугат. – Тошкент: ЎзСЭ, 1984. – 800 с.
148. Рўзимбоев С. Хоразм дostonлари. – Тошкент: Фан, 1990. – 96 б.
149. Рўзимбоев Х. “Гўрўғли” эпосининг поэтикаси. – Урганч: 2005. – 58 б.
150. Саидов М. Ўзбек дostonларида бадий маҳорат. – Тошкент: Фан, 1969. – 264 б.
151. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. 216 б.
152. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.97 – 148.
153. Сафаров О. Фольклор – бебаҳо бойлик. Сайланма. – Тошкент: Мухаррир, 2010. – 360 б.
154. Сејидов М. Азэрбајчан мифик тэфэққурунун гајнағлары. – Бақы: Јэзычы, 1983.– С. 326.
155. Сејидов М. Азэрбајчан халгынын сојкоқуну душунэрэкэн – Бақы: Јэзычы, 1989. – С.486.
156. Сејидов М. Јаз бајрамы. – Бақы: Кэнчлик, 1990. – С. 96.
157. Снесарев Г.П. Релиткы домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969. – 336 с.
158. Собиров О. “Ҳасан Чопсон” достони ҳақида // Ҳасан Чопсон. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 3-8.
159. Стеблева И.В. Древнетюркская книга гаданий как произведение поэзии // История, культура, языки народов Востока. – М.: Наука, 1970. – С.150 –177.

160. Султон, Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 392 б.
161. Суразаков С.С. Алтайский героический эпос. – М.: Наука, 1985. – 256 с.
162. Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманская верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. – С.5 – 93.
163. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: ИПЛ, 1989. – 573 с.
164. Тенишев Э.Р. Саларские тексты. – Москва: Наука, 1964. – 142 с.
165. Тенишев Э.Р. Строй саларского языка. – Москва: Наука, 1976. – 575 с.
166. Толстов. С.П. Древний Хорезм. – Москва, Ленинград: Наука, 1948. – 352 с.
167. Турдимов Ш.Г. Алплик тизими ҳақидаги тасаввурлар ва “Алпомиш” достони / Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. – Тошкент, Фан, 1999. – Б. 157–163.
168. Турдимов Ш.Г. “Гўрўғли” туркумида Хизр образи // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 53-59.
169. Турдимов Ш.Г. Наврўз нашидаси. Наврўз байрами билан боғлиқ кўшиқлар, ғазаллар, шеърлар (Тадқиқот мажмуа) / (Ж. Эшонкулов билан ҳамкорликда) – Тошкент: Фан, 2009. – 260 б.
170. Турдимов Ш.Г. Наврўз кўшиқлари (Тадқиқот мажмуа) / (Ж. Эшонкулов билан ҳамкорликда тузилган). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 136 б.
171. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиги» ва айрим жанрлар тақомили. – Тошкент, 2004. – 64 б.
172. Чагдуров С.Ш. Происхождения Гэсэриады. – Новосибирск: Наука, 1980. – 272 с.
173. Чижевский А.Л. Земное эхо солнечных бурь. – Москва: Мысл, 1976. – 366 с.
174. Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1973. – 194 б.
175. Фольклор поэтическая система. – М.: Наука, 1977. – 344 с.
176. Фрэзер Дж. Дж. Золотая ветвь. – Москва: Политиздат, 1983. – 703 с.
177. Эпос о Гильгамеше. – М.: – Л.: Наука, 1961. – 214 с.
178. Эшонкул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 172 б.
179. Эшонкул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. – 122 б.
180. Эшонкул Ж. «Алпомиш» достони ва «Дада Кўркут китоби»даги тутқунлик мотивининг қиёсий талқини // «Алпомиш» – Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.163 – 173.
181. Эшонкул Ж. Эпик ижодда кўмакчи қахрамон масаласи // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент, Фан, 2006. Биринчи китоб. – Б.66-73.
182. Эшонкул Ж. Туш, маросим ва эпос // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. Учинчи китоб. – Б.174-188.

183. Хожиниязов Ж. Қорақалпоқ қахрамонлик достони “Алпомиш”. – Нукус: Билим, 1992. – 144 б.
184. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 544 б.
185. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Ҳозирги ўзбек тилида баён килувчи ва сўзбоши муаллифи Боқижон Тўхлиев. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 192 б.
186. Қаххорова Ш. Эпик анъана ва «Оллоназар Олчинбек» достони. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – 116 б.
187. Қодиров М. Соқибулбул образининг талқини / “Пўлкан шоир”. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 120-127.
188. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 414-415.
189. Қыдирбоева З. Сказительское мастерство манасчи. – Фрунзе: Илим, 1984. – 118 с.
190. Қўшмоқов М. Чечанликда сўзга сувдайин оқиб... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б.168.
191. Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. – Тошкент: Бадий наشريёт, 1981.–Б. 47-48
192. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари / Илмий тўплам. – Тошкент: Фан, 2010. – 172 б.
193. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. – Москва: Рус тили, 1981. Биринчи жилд. – 632 б.
194. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. – Москва: Рус тили, 1981. Иккинчи жилд. – 632 б.
195. Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик. – Тошкент: Фан, 1989. Иккинчи том. – 320 б.
196. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. – Тошкент: Фан, 1981. – 158 б.
197. Ўзбек халқ поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 362 б.
198. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004. – 120 б.
199. Ҳазрати Башир тарихи. – Тошкент: Шарофнома – Маориф, 1994. – 136 б.
200. Ҳомер. Илиада / Русчадан Қодир Мирмухаммедов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 456 б.
201. Хусаинова З. Топишмоқли эртақлар // Ўзбек фольклори очерклари. Т.2. – Тошкент: Фан, – Б.102-129.

#### IV. ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР

202. Исҳоқов М. Эзгуликка йўлловчи китоб // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1996. – №5–6. – Б. 42–43.
203. Исҳоқов М. Хазорасп “Минг от”ми ёки... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – №1. – Б. 74–75.
204. Ишаев А. Сўз мулкига саёҳат // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1970. – №10. – Б. 25.
205. Зарифов Х. Т. Фольклор ва археология материалларини киёсий ўрганиш масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1958. – №1. – Б.25 – 30.
206. Маҳмудов Қ. Искиф ва саклар туркий аждодларимиз // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1994. – №2. – Б. 10–11.
207. Мусақулов А. Халқ кўшиқларида от инончининг бадий ифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1994. – №4–5–6. – Б. 66–71.
208. Панова В., Вахтин Ю. Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти // Ёшлик. – Тошкент, 1989. – №8. Б. 62–75.
209. Раҳмонов Н. Ирқ битиги ва скифлар маданияти // Адабий мерос. – Тошкент, 1985. – №3 (34). – Б.76–80.
210. Раҳмонов Н. Ирқ битиги ва қадимги туркийлар маданияти// Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 1996. – № 2. – Б.94–107.
211. Сулейменов О.О., Кажибеков Е.З. Тюркология: вчера, сегодня, завтра // Советская тюркология. – Баку, 1989. №6. – С.83–106.
212. “Кунтуғмиш” достонининг яратилишига доир” // Адабий мерос, 1983, № 25 – Б 43–46.
213. Турдимов Ш. Ўзбек халқ кўшиқларида хабарчи рамзлар // Адабий мерос. – Тошкент, 1984. – № 3 (31). – Б. 91–94.
214. Турдимов Ш. Бирнинг минг жилваси // Ёшлик. – Тошкент, 1987. – № 5. – Б. 70–71.
215. Турдимов Ш. Том устига том солдим // Ёшлик. – Тошкент, 1988. – №7. – Б.75–76.
216. Турдимов Ш.Г. Бойчечак маросими // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1992. – № 3–4. – Б. 40–41.
217. Турдимов Ш.Г. Қирқ чилтон пирлар бор // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1992. – № 5–6. – Б. 22–23.
218. Турдимов Ш.Г. Олабўжи // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1992. – №7–8. – Б. 44.
219. Турдимов Ш.Г. Гўрўглининг Ҳасанлари // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1992. – №11–12. – Б. 44–45.
220. Турдимов Ш.Г. Алвасти // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1993. – №5–6. – Б. 40–41; – № 7. – Б. 44–47.

221. Турдимов Ш.Г. Ҳасан Кўлвар, Ҳасан Чопсон, Ҳасан яқдаста образлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – №3. – Б. 35-41.
222. Турдимов Ш.Г. Соқибулбул // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1996. – №2. – Б.54 -55.
223. Турдимов Ш.Г. Халқ тақдирномаси // Миллий тикланиш. – Тошкент, 1996, 2-апрель. – №13(42). – Б. 4.
224. Турдимов Ш.Г. Олам яхлитлигининг бадиий тимсоли // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1997. – № 9–10. – Б. 24-26.
225. Турдимов Ш.Г. «Гўрўғли» туркумидаги Аҳмад Сардор образи хусусида // Халқ таълими. – Тошкент, 1998. – №4. – Б.72-76.
226. Турдимов Ш.Г. Эпос муқаддас хотирадир / Ж. Эшонқулов билан ҳамкорликда // Ёзувчи. – Тошкент, 1998. – №5(31). – Б.2.
227. Турдимов Ш.Г. Эпос муқаддас хотирадир (Ж. Эшонқулов билан ҳамкорликда) // Ёзувчи. – Тошкент, 1998. – №10(36). – Б. 4.
228. Турдимов Ш.Г. «Юнус пари» достони хусусида // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент, 2000. – № 1. – Б. 51-55.
229. Турдимов Ш.Г. Қуёш йўли манзиллари // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2000. – №7-8. – Б. 26-31; – № 9-10. – Б. 42-47; – № 11. – Б. 40-45.
230. Турдимов Ш.Г. «Гўрўғли» номи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.62-65.
231. Турдимов Ш.Г. «Гўрўғли» (мақола ва насрий баён) // – Тил ва тафаккур. Тошкент, 2005. – №2-3. – Б. 23-25; – №4-5. – Б. 21-22.
232. Турдимов Ш.Г. Бир тутам бойчечак // Жаннатмакон. – Тошкент, 2007. – №3. – Б. 8-11.
233. Турдимов Ш.Г. Наврўз – қадимий байрам // – Тошкент, Гулчехралар, 2007. 18 март.
234. Турдимов Ш. Г. “Гўрўғли” дostonларида аллпик тизими // Ватанпарвар, – Тошкент, 2007 йил. 28 сентябрь. – №39, 2007 йил, 5 октябрь. – №40.
235. Турдимов Ш.Г. Наврўз – ардоқли айём / Ж.Эшонқулов билан ҳамкорликда // Хуррият. – Тошкент, 2009. – №12, 13, 14.
236. Турдимов Ш.Г. Шажара сабоғи // Тафаккур. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б. 92-103.
237. Турдимов Ш.Г. Палакда фалак тимсоли // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2010. -№ 5 – Б. 26-28.
238. Эшонқулов Ж. Шумер ва Аҳкад: фаразми ё ҳақиқат? // Ёзувчи. – Тошкент, 1997. – №10 (12). – Б.2.
239. Эшонқулов Ж. Эпосда ғайритабиий туғилиш мотиви // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. № 4. – Б.18–21.
240. Эшонқулов Ж. Рухият кўзгуси // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 2001. -№5. – Б.28-29.



241. Эшонкулов Ж. Ўзбек халқ дostonларида гуш мотивининг ўрни ва таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – №6. – Б.27-30.

242. Қодиров Р. Нурга йўғрилган шаҳар // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1993. – № 3-4. – Б.47.

243. Ҳаққул И. Шайхи Акбар // Тафаккур. – Тошкент, 2000. – №1. – Б.92-101.

## V. АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ

244. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 19.

245. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 257.

246. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 930.

247. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1004.

248. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1085. Папка № 79

249. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1170.

250. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1230.

251. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1439.

252. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1459.

253. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1461.

254. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1515.

255. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1522

256. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1533.

257. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 1555.

258. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв № – 9301. Папка № 167.

## VI. АХБОРОТЧИЛАР РЎЙХАТИ

259. Болиева Яхшигул. 1938 й.т. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Аймат қишлоғи.
260. Исломов Зоҳиджон. 1956 й.т. Тошкент шаҳри.
261. Зиёутдинова Мухлиса. 1944 й.т. Тошкент шаҳри.
262. Орипова Қундуз. 1948 й.т. Тошкент шаҳри, Гунча, 14-уй.
263. Раҳимов Кабир. 1944 й.т. 1986 й.в.э. Тошкент шаҳри, Гунча, 14-уй.
264. Раҳматов Абдурашид. 1944 й.т. Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Қулликшо қишлоғи.
265. Турдимурод ўғли Саъми. 1914 й.т. 2001 й.в.э. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Қўштамғали қишлоғи.
266. Тўйчи кизи Ҳикматхон. 1952 й.т. Андижон вилояти, Жалолқудук тумани Сўпи қишлоғи.
267. Чоршамбиев Очил. 1896 й.т. 1987 й.в.э. Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Қамай қишлоғи.
- 267-А) Худойбердиев Ҳазраткул. 1920 й.т. 1996 й.в.э. Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, Қамай қишлоғи.
268. Чулман кизи Зулайхо. 1937 й.т. 2009 й.в.э. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Қўштамғали қишлоғи.
- 268-А) Юсуф ўғли Раҳматулла. 1917 й.т. 1978 й. в.э. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани. Қоракиса қишлоғи.
269. Қарши кизи Бибишой. 1921 й.т. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Қўштамғали қишлоғи.
270. Қосимова Унсун. 1948 й.т. Андижон вилояти, Жалолқудук тумани Сўпи қишлоғи.
271. Қурбонова Назокат. 1949 й.т. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Қўштамғали қишлоғи.

## VI. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

272. Абдуллаев Х.Д. Взаимосвязи и типологические особенности узбекских и каракалпакских народных дастанов: Автореф. дисс...д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988. – 42 с.
273. Аширов А. А. Древние религиозные верования в традиционном быту узбекского народа (по материалам Ферганской долины): Автореф. дисс...д-ра филол. наук. – Ташкент, 2008. – 48 с.
274. Боймухаммедова К.А. «Кунтуғмуш» дostonининг вариантлари ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

275. Болтаева И.Т. Ўзбек халқ дostonларида эпитет табиати: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.

276. Дўстхўжаева Н.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларининг структурал таҳлили: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 26 б.

277. Ёрматов И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 53 б.

278. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 58 б.

279. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари д-ри дисс. – Тошкент, 1996. – 294 б.

280. Ибрагимова Р.М. Ўзбек фантастикасининг тараккиёт муаммолари: Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 50 б.

281. Имамов К. Генезис и поэтическая трансформация жанров узбекской устной прозы: Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 56 с.

282. Ишмуратов М.Ж. «Авесто»да мифологик катлам: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 22 б.

283. Мадаев А.А. Хорезмские дастаны и их специфические особенности: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – 18 с.

284. Мамадязов Б. Поэтика и современное бытование туркменского героического эпоса «Гёроглы». Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 39 с.

285. Маммедов М.М. Азербайжан мифологик матнлари: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Баку, 1998. – 30 б.

286. Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ романтик дostonлари поэтикаси: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2004. – 256 б.

287. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 47 б.

288. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 1995. – 268 б.

289. Мухаммадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

290. Нарзикулова М.Т. «Сабъаи сайёр» дostonида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талкини: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2006. – 151 б.

291. Нурмонов Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талкини: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.

292. Оллаберганова С.Ҳ. Халфалар ижодининг ўзбек фольклоридаги ўрни: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.

293. Очиллов Н.К. XX асрнинг 60-80-йилларида Жанубий Ўзбекистон воҳасида халқ эпик анъаналарининг сакланиш ҳолати (Қодир бахши Раҳимов ижоди ва репуртуари асосида): Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 24 б.
294. Пирматова М.С. Ўзбек таквим фольклори: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.
295. Раҳматов Й.Ф. Тарихий дostonларда тарихий шахс образининг эпик талқини («Ойчинор» ва «Шайбонийхон» дostonлари мисолида): Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.
296. Раҳмонов Б.М. Ўзбек халқ эпик шеър тузилиши: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 28 б.
297. Раҳмонов Т.Л. Қадимги мифлар ўзбек фольклори эпик мотивларининг ўзаги сифатида: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 26 б.
298. Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва таснифи: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2003. – 139 б.
299. Рўзимбоев С.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шаҳриёр» ва «Маликай Завриё» дostonлари асосида): Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 27 б.
300. Сабилова Н.К. Хоразм «Ошиқ» туркуми дostonлари сюжети, етакчи мотивлари ва образлар тизимининг мифологик асослари: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 26 б.
301. Сариев С.М. Хоразм «Гўрўгли» туркум дostonларининг қўлёзма вариантлари: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 26 б.
302. Сафаров А. Жанровый состав и поэтика узбекского детского поэтического фольклора: Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 34 с.
303. Содикова М.А. Ўгай қиз типдаги туркум эртактларнинг спецификаси, генезиси ва бадиияти: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – 28 б.
304. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.
305. Турдимов Ш.Г. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Дисс. ... канд. филолог. наук. – Ташкент, 1987. – 184 с.
306. Тухлиев Б. «Кутадғу билиг» Юсуф Хас Хаджиба и тюркоязычный фольклор: Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1992. – 43 с.
307. Файзиева Д.О. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 22 б.

308. Хакимов М. Традиции фольклора в творчестве Алишера Навои: Автореф. дисс...д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 33 с.

309. Якуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 50 б.

310. Эгамбердиева Г.М. Эртақ тип сюжетли Хоразм дostonлари поэтикаси: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 22 б.

311. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини: Филол. фанлари номзоди...дисс. – Тошкент, 1996. – 158 б.

312. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини: Филол. фанлари докт...дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – 48 б.

313. Юлдашева С. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш» (Сюжетобразующие мотивы, сравнение и эпитеты): Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 26 с.

314. Юсупов Ж. Хоразм эртақларининг генезиси, асосий хусусиятлари ва поэтикаси: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 1999. – 281 б.

315. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадийати: Филология фанлари д-ри... дисс. – Тошкент, 2005. – 304 б.

316. Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 1999. – 171 б.

317. Қаххорова Ш.А. Жанубий Ўзбекистон эпик аъналариди «Оллоназар Олчинбек» дostonининг тутган ўрни ва бадий-эстетик аҳамияти: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 26 б.

318. Қодиров К.Н. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Тошкент, 2004. – 143 б.

319. Курбонбоева Н.Р. Хоразм тўй кўшиқлари: Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.

320. Ҳайдаров Т.М. «Гўрўғли» ва мифология синкретизми: Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 27 б.

## VI. ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР

321. Işankul Cabbar. Turkistanli Dort eyliya ve acdedler kultu / Uluslarasi Eren ve Eyliyalaer kongrisi. – Ankara: 1998. – S. 205-210.

322. Çetin, Ayşe Yücel. *Türk halk hikayelerinde anlaici*. – Ankara: Çeltik, 2009. – 194 s.

323. Çetin, Ayşe Yücel. *Kazakistan Sahası Halk Hikâyeciliği Geleneği*. – Ankara: Gündüz Eğitim Yayıncılık, 2003. – 234 s.

324. Çetin, İsmet. Kizil Elma. – Ankara: Ecdad yayinlari, 1997. – 124 s.

325. Duymaz, Ali. Bir dastan kahramanı – Salur Kazan. – Ankara: Ötüken, 1997. – 120 s.
326. Ekici, Metin. *Dede Korkut Hikâyeleri Tesiri ile Teşekkül Eden Halk Hikâyeleri*. – Ankara: AKM Yayını, 1995. – 168 s.
327. Ekici, Metin. Halk Bildisi (Folklor). Derleme ve inceleme yöntemleri. – Ankara: Geleneksel yayınları, 2004. – 236 s.
328. Ekici, Metin. Türk dünyasında Köroğlu. – Ankara: Akçağ, 2004. – 368 s.
329. Ekici, Metin. Dede Korkut Kitabı'nda Kadın Tipleri // *Uluslararası Dede Korkut Bilgi Şöleni Bildirileri*. – Ankara: AKM Yayını, 2000. – S.123-138.
330. Ergun, Metin. *Türk Dünyası Efsanelerinde Değişme Motifi*. Cilt: I-II. – Ankara: TDK Yayını, 1997. – 316 s.
331. İnan Abdulkadir. Tarihte ve bugün şamanizm. – Ankara: Türk Tarih kurumu basımevi, 1972. – 239 s.
332. İnan, Abdülkadir. *Makaleler ve İncelemeler*. – Ankara: TTK Yayını, (2. Baskı), 1987. – 418 s.
333. İşankul Cabbar. Epik yaratıcı Tipinin bedii Yorumu // *I. Uluslararası Türk dünyası Kültür Kurultayı Bildirileri*. – Ankara: Ege üniversitesi Türk Dünyası Araştırmaları Enstitüsü yayını, 2006. Bildiri kitabı-III. – S.1147-1151.
334. Köprülü Fuad. Türk Edebiyatı tarihi. – Ankara: Akçağ, 2003. – 446 s.
335. Oğuz, M. Öcal. Lord Raglan'ın Geleneksel Kahraman Kalıbı ve Boğaç Han // *Millî Folklor*. – Ankara, 1998. – №40. – S.2 – 6.
336. Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. I cilt. – Ankara: Türk Tarih kurumu basımevi, 1993. – 644 s.
337. Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. I cilt. – Ankara: Türk Tarih kurumu basımevi, 1995. – 610 s.
338. Selami Fidakar. Alpamış Destanı ile Bey Böyrek Hikâyesi Arasında Bir Karşılaştırma // *Millî Folklor*. – Ankara, 2001. – №51. – S. 51-65.
339. Turdimov SH. Türk dünyasında Albasti // *Türk dünyası incelemeleri dergesi*, III, İzmir, 1999. – S. 261-267.
340. Türkmen, Fikret. Göroğlu dastanı. – İzmir, 1982. – 60 s.
341. Türkmen, Fikret. Köroğlu'nun Özbek ve Ermeni Varyantları // *Köroğlu Semineri Bildirileri*. – Ankara: Başbakanlık Basımevi, 1983. – S. 83-90.
342. Türkmen, Fikret. Köroğlu'nun Özbek Varyantları // *Millî Folklor*. – Ankara, 1989. – № 4. – S.8-9.

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
I БОБ. Эпос сюжетидаги таянч мотивлар тадкики ва алплик тизими.....	11
II БОБ. Эпик ҳомий образи генезиси ва талқини.....	40
III БОБ. Эпик қахрамон шажараси генезиси ва тадрижий босқичлари.....	62
IV БОБ. Достондаги етакчи образларнинг туб асослари ва эпосдаги ўрни .....	110
V БОБ. Қуёш туркум мифлари, мавсумий маросимлар ва “Тўрўғли” эпоси.....	150
VI БОБ. Достоннинг сўнгги давр тадрижий босқичлари. Этнос ва эпос .....	201
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	215
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	221

УДК 398.2  
ББК 82.3 (5Ў)  
Т 89

**Турдимов, Шомирза Ғаниевич.**

“Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари /  
Ш.Ғ.Турдимов; масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Т.: Фан, 2011. – 240 б.

ISBN 978-9943-19-142-6

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги  
Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан  
наширга тавсия этилган*

Муҳаррир: *Р.Муллаҳўжаева*  
Тех.муҳаррир: *М.Абидова*  
Мусахҳих: *Б.Мирзаева*  
Компьютерда саҳифаловчи: *Д.Абдуллаев*

**Нашриёт лицензияси АИ №138, 27.04.2009 й.**

Нашриёт рақами: з-50 . Теришга берилди: 03.06.2011.  
Нашрга рухсат этилди: 15.07.2011. Қоғоз бичими: 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
Times гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғози.  
Ҳисоб-нашриёт т. 14,0. Шартли-босма т. 13,95. Тиражи 300 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти.  
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти оригинал-макегидан «Муҳаррир нашриёти»  
МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. 106-бўйртма.  
100060, Тошкент, Элбек кўчаси, 8-уй.